ДИННИ ДАВЛАТДАН АЖРАТИШ ҲУКМИ

بسم الله الرحمن الرحيم

МУҚАДДИМА

Албатта ҳамд Аллоҳгадир, У зотдан ёрдам сўраймиз, мағфират тилаймиз, У зотга иймон келтирамиз ва У зотга суянамиз. Аллоҳдан нафсларимиз ва амалларимизнинг ёмонликларидан паноҳ сўраймиз. Кимни Аллоҳ ҳидоятга бошласа, уни залолатга кеткизувчи йўқдир. Кимни Аллоҳ залолатга кеткизса, уни ҳидоятга бошлагувчи йўқдир! “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, яккаю-ягонадир, шериги йўқдир”, – деб ва “Муҳаммад У зотнинг бандаси ва Росулидир”, – деб гувоҳлик бераман.

“**Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво қилинглар ва фақатгина мусулмон бўлган ҳолларингизда вафот этингизлар**” (Оли Имрон сураси, 102-оят).

“**Эй инсонлар! Сизларни ва сизлардан аввалгиларни бир жондан яратиб, ундан унинг завжини яратиб, икковидан кўплаб эркаклар ва аёлларни таратиб қўйган Роббингизга тақво қилингиз. Бир-бирларингиздан ўзаро сўраганларингизда Уни ўртага қўядиган Зотга тақво қилингиз ва қариндошлар борасида тақво қилингиз. Аниқки, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир**” (Нисо сураси, 1-оят).

“**Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилингиз ва тўғри сўз сўзлангиз. Шунда У зот амалларингизни ислоҳ қилади ва**

гуноҳларингизни мағфират қилади. Ким Аллоҳга ва Росулига итоат қилса, батаҳқиқ, буюк бахтни қозонибди” (Аҳзоб сураси, 70 – 71-оятлар).

Аниқки, энг яхши сўз – Аллоҳнинг Китобидир ва энг яхши йўл – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидир. Ишларнинг энг ёмони – янги пайдо қилинганларидир. Ҳар бир янги пайдо қилинган нарса – бидъатдир ва ҳар бир бидъат – залолатдир.

Сўнгра:

Инсон зоти яратилишидан мақсад бу унинг Аллоҳгагина ибодат қилишидир. Аллоҳ ушбу ҳақиқатни бандалари учун имтиҳон асоси қилиб қўйди. Кимки бу имтиҳондан муваффақият ила ўтса, Роббисининг розилиги ва абадул-абад давом этувчи моддий ва маънавий роҳатга эришади. Кимки бу имтиҳондан муваффақиятсиз ўтса, Роббисининг ғазаби ва абадул-абад давом этгувчи моддий ва маънавий азобга дучор бўлади. Ушбу имтиҳоннинг тугаш муддати ҳар бир одам боласи учун унинг ўлими бўлса, бутун инсоният учун қиёмат қоим бўлишидир.

Биз имтиҳон деб номлаётган жараён кечадиган ўрин бўлмиш ҳаётни ташкиллаштиришнинг қонун-қоидалари бордир. Ушбу қонун-қоидаларни белгилаб берувчи зот бу Аллоҳнинг Ўзидир. Аллоҳ белгилаб берган қонун-қоидаларни пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилиб берганлар ва амалда татбиқ қилиб кўрсатганлар. Ушбу қонун-қоидаларга амал қилиш имтиҳоннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларга теран назар солган киши Аллоҳ таоло инсон зоти учун ҳаётнинг бирор жабҳасини қолдирмаган ҳолда, жумладан давлат қуриш, ихлосли бандалар жамиятини тузиш, ўша жамиятни тартибга солувчи ва икки дунё бахту-саодатига етакловчи қонунлар келтириш борасида мукаммал, ҳар қандай замон, макон, ҳолат ва шахсларни қамровчи ва мувофиқ келувчи қонун-қоидалар берган эканини кўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташкил қилган Алоҳга холис бандалик қилиш жамиятини чуқур ўрганган инсон, ўша қонун-қоидаларни ҳаётга татбиқ қилса, ижобийликда қанчалар олий натижалар келиб чиқишини англайди.

Ҳаёт деб аталмиш буюк ва оламшумул имтиҳон вақтида қоим қилиниши фарз бўлган қонун-қоидаларини, яъни инсоният ҳаётида қандай ҳукмлар бошқарувчи бўлиши лозим эканлигини оламлар Роббиси бўлмиш Аллоҳ белгилаб қўйган экан, ҳеч кимнинг, ҳеч қачон ушбу ҳукмларни амалга олмасликка ёки амалдан қолдиришга ёки ўзгартиришга ёки алмаштиришга ҳаққи йўқдир. Нима учун ҳаққи йўқ? Бунинг сабаблари кўп бўлиб, Роббимизнинг ёрдами ила, улардан бир нечтасини санаб ўтамиз.

Аввало, инсонларнинг қандай қонун-қоидалар асосида ҳаёт кечиришларини белгилаб бериш фақат ва фақат уларнинг Эгасининг ҳаққидир. Жамики инсонлар Аллоҳнинг мулки бўлгач, улар қандай суратда умргузаронлик қилишларини белгилаш ҳам Аллоҳга тегишлидир.

Шунингдек, Аллоҳ инсониятга юборган мурожаатида, яъни Қуръонда ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатида бошқарув ва қонунчилик таъйин қилишни фақат Ўзига тегишли эканлигини очиқчасига эълон қилган.

Сабаблардан яна бири, бандаларнинг қандай ҳаёт кечиришлари лозимлигини энг яхши билувчи зот бу Аллоҳ эканидир. Агар жамики инсонлар жамланиб, ўзаро маслаҳат қилиб бошқарув низоми ва қонун-қоидалар ишлаб чиқсалар ҳам, ўша қонун-қоидалар Аллоҳ белгилаб берган кўрсатмаларга ҳеч қайси жиҳатдан тенг кела олмайди. Аллоҳ белгилаб берган қонун-қоидалар билан бандалар ўзлари чиқарган қонун-қоидалар орасидаги фарқ Яратувчи билан яратилмиш орасидаги фарқ кабидир.

Шунингдек, Аллоҳ мукаммал илм эгасидир. У зот бору-йўқ бўлган жамики нарсаларни комил суратда билади. Шунингдек, Роббимиз ўта раҳмли Зотдир. Аллоҳнинг ушбу илми ва раҳмати У Зот белгилаб берган қонун-қоидалар инсониятни икки дунёда бахтли қилишини шартли равишда тақозо қилади.

Яна бир сабаб: инсон зоти ўзи ишлаб чиққан қонун-қоидаларга амал қилиб ҳаёт кечирса, ўзига-ўзи бу дунёда фаровон ҳаёт ваъда қила олади холос. Кўпгина ҳолларда бу нарса қуруқ ваъдалигича қолади. Бу қонун-қоидаларни чиқарувчи инсон ўлимдан кейинги абадий ҳаёт учун ҳеч нарса ваъда қила олмайди. Аллоҳ эса Ўзи белгилаб берган қонун-қоидаларга амал қилганларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бахтли ҳаёт ваъда қилади ва рўёбга чиқишини таъминлайди.

Ҳозирги воқеъликка ушбу тушунчалар ортидан назар солар эканмиз, бугунги кунимизда мусулмонлар яшайдиган диёрларда Аллоҳнинг ҳукмлари давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа кўплаб муҳим соҳалардан ажратиб қўйилган эканлигини, Ислом дини ҳукмрон қилинмаётган эканлигини кўрамиз. Бу муаммо асосан охирги даврларнинг муаммосидир. Зеро, авваллари мусулмонлар яшайдиган диёрларда Ислом шарияти қоим қилинган эди ёки жуда бўлмаса шуни даъво қилинар эди. Аллоҳнинг дини ҳукмрон эканлиги расмий даражада белгилаб қўйилган ва ҳимояланган эди.

Охирги даврларнинг ушбу муаммосини тўғирлаш мусулмон умматининг вожиби ва пайғамбарлар, салафи солиҳлар даъватининг тақозосидир. Ушбу хулосага келишимизнинг икки сабаби бор.

Биринчидан: Аллоҳ таоло ва У зотнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминларни оламлар Роббисига мутлоқ итоат қилишга, Аллоҳнинг ҳукмларини тўғри ёки нотўғри эканлиги музокара қилинмайдиган даражада ҳақ эканлигига иймон келтиришга ва бу ҳукмларни ҳаётда татбиқ қилишга буюрган. Бу тушунчанинг далиллари ўз ўрнида Қуръон оятлари, ҳадислар ва Ислом уламолари сўзларига суянган ҳолда баён қилинади.

Иккинчидан: Аллоҳнинг жамики пайғамбарлари ўзлари юборилган жамиятга келар эканлар, аввало фақат Аллоҳга ибодат қилишга чақирганлар. Сўнгра даъват ишларини ўша жамиятдаги Исломга хилоф бўлган энг асосий разолатни тўғирлашдан бошлаганлар. Албатта бу жараён Аллоҳнинг буйруғи ва кўрсатмаларига биноан бўлган. Масалан Ҳуд алайҳиссалом ўз

қавмига фақат Аллоҳга ибодат қилиш ва бошқа илоҳлардан буткул четланишни таъкидлаб айтганларидан сўнг, ўша даврдаги энг катта муаммо бўлмиш ноҳақ зўравонлик қилишдан қайтаришга дарҳол киришганлар. Шуайб алайҳиссалом ҳам ўз қавмига фақат Аллоҳга ибодат қилиш ва бошқа илоҳлардан буткул четланишни таъкидлаб айтганларидан сўнг, ўша даврдаги энг катта муаммо бўлмиш тарози ва ўлчовдан шариятга зид равишда уриб қолишдан қайтаришга дарҳол киришганлар. Лут алайҳиссалом ҳам ўз қавмига фақат Аллоҳга ибодат қилиш ва бошқа илоҳлардан буткул четланишни таъкидлаб айтганларидан сўнг ўша даврдаги энг катта муаммо бўлмиш эркакка жинсий яқинлик қилиш деган пасткашликдан дарҳол қайтаришга киришганлар. Бу тарихий ҳодисалар Қуръонда зикр қилингандир.

Ўз замонасининг диний нуқтаи назардан қарагандаги асосий муаммосини ислоҳ қилиш салафи солиҳларнинг ҳам тутган йўлидир. Салафи солиҳлар ўз замонасида пайдо бўлган ақлни ваҳйдан беркитинча ёки очиқчасига устун қўювчи жаҳмийлик, мўътазилийлик, улардан бошқа фирқалар ва муайян шахсларга қарши кураш олиб борганлар. Салафи солиҳлар, ўзига хос тўсиқлар бўлса ҳам, ўша тоифа ва муайян шахсларнинг нафақат адашган эканликларини эълон қилиш билан, балки уларнинг фосиқ ёки кофир бўлиши борасидаги Ислом ҳукмларини ҳам баён қилиш билан шуғулланганлар. Оддий мусулмонларга таҳорат, намоз ва бошқа диний масалаларни ўргатиш вазифаси уларни ушбу асосий ишдан асло чалғитмаган. Шунга биноан одамларга баъзи диний тушунчаларни ўргатиш билан кифояланиш ва Исломий жиҳатдан ўз

даврининг катта муаммосини, кучга эга мухолифлар бўлса ҳам, кўтариб чиқишдан тийилиш ёки ўша муаммога енгил ташҳис қўйиш ёки ўша муаммони изламаслик ёки ўша муаммони билмаслик – пайғамбарлар ва салафи солиҳлар йўлига мувофиқ бўлмасликнинг бир кўринишидир.

Ўз ўзидан савол келиб чиқади: “*Хўш, бугунги кунимизда якка Аллоҳга ибодат қилиш ва бошқа илоҳларни тарк қилиш ҳақиқатини етказиш ва таъминлаш деган вазифадан кейин турувчи энг асосий вазифа нима?*”.

Бугунги кунимизда аввалги қавмларда бўлган ширк, Ҳуд алайҳиссалом қавмларида бўлган зўравонлик, Шуайб алайҳиссалом қавмларида бўлган бировнинг ҳаққини ейиш, Лут алайҳиссалом қавмларида бўлган эркакка жинсий яқинлик қилиш ва бошқа пайғамбарлар қавмларида бўлган разолатлар жуда кенг урчигандир. Агар бирор киши аввалги замонларда бўлган ёмонликларнинг деярли барчаси ҳозирда инсониятда жамланди деса, тасдиқ қилса арзийдиган гап айтган бўлади.

Аммо, юқоридаги саволга “*Замонамизда якка Аллоҳга ибодат қилиш ва бошқа илоҳларни тарк қилиш ҳақиқатини етказиш ва таъминлаш деган вазифадан кейин турувчи ва бу вазифага чамбарчас боғлиқ бўлган энг катта вазифа бу Ислом динини давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа соҳалардан ажратиб қўйган шахсларнинг ҳукмини мусулмонларга очиб бериш, Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш ва Аллоҳнинг ҳукмларини инсонлар ҳаётида қоим қилиш*”, – деб жавоб

берилса, бизнингча ўринли жавоб бўлади. Ислом динини давлат бошқаруви, қонун чиқариш, унинг ижроси ва бошқа соҳалардан ажратиб қўйишни инсоният учун давр балоси деб биламиз. Лекин аксар одамлар буни билмайдилар.

Биз қатъан ишонамизки, агар Аллоҳнинг ҳукмлари давлат бошқаруви, қонунчилик, унинг ижроси ва бошқа соҳаларда қоим қилинса, бу ҳолат юқорида санаб ўтилган ва бошқа разолатлар бартараф қилиниши учун мустаҳкам асос бўлади ва охират саодатига эришиш йўлида энг катта қадамлардан бири бўлади.

Аммо, Аллоҳнинг ҳукмлари қоим қилинмаса, Исломий бошқарув остидаги давлат бўлмаса, пайғамбарлар йўлидан юрувчи ҳукумат ишламаса, бу ҳаётни мусулмончиликка тўғри келувчи суратда қуриб бўлмайди. Абадий бўлмиш охират ҳаётида эса ушбу жиноятга ҳисса қўшганлар жуда оғир ҳолатда қоладилар.

Ислом ҳукмлари давлат бошқарувидан ажратиб қўйилган ҳолатда экан, бу ҳолат ва унга боғлиқ масалаларни далиллари билан ёритиб бериш мусулмон уммат учун сув ва ҳаводек зарур деб биламиз. Ушбу мавзу баёнида нафақат тоифа, балки муайян шахсларга ҳам киришганимиз сабаби Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва салафи солиҳлар дин зарарига иш қилаётганларнинг айни шахсига қарши тадбир қилган эканликларидир.

Шунинг учун ушбу китоб Ўзбекистон ва Туркия ҳукуматлари Ислом шариятини қоим қилиш масаласида қандай мавқеъда эканлиги, икки давлат рахбарлари бўлмиш Мирзиёев ва

Эрдоғаннинг бу борадаги қарашлари қандай эканлиги ва икковининг шаръий ҳукми баёнини ўз ичига олади.

Мавзуни ёритишда Аллоҳ қодир қилганича ҳеч бир тоифага, ҳеч бир жамоатга, ҳеч бир мазҳаб ёки оқимга мойил бўлмасликка, Аҳли сунна ва-л-жамоанинг илмий асосларидан чиқмасликка, масалаларга имкони борича холислик ва инсоф ила ёндошишга ҳаракат қилинди. Таъбир жоиз бўлса, “*Аввал эътиқод қилиб олиб, сўнгра ўша эътиқодни далиллаш*” деган ишдан, Аллоҳ қодир қилганича, узоқда бўлинди.

Китобда келтирилган далилларнинг, жумладан уламолардан келтирилган иқтибосларнинг масдарлари келтирилди ва китоб сўнгида фойдаланилган адабиётлар кўрсатиб ўтилди. Китоб муллифи келтирилган иқтибосларнинг эгалари диндаги барча масалаларда ҳақ ёки ноҳақ, манҳажи тўғри ёки нотўғри бўлган инсонлар демоқчи эмас. Уларнинг сўзларидан қилган мақсадларини ўқувчига тўғри етказишга қўлдан келганича уринилди. Барча иқтибослар масалани ёритишда ўринли эканлиги мулоҳаза қилингани учун келтирилган ва бақадри тоқат тўғри таржима қилинган.

Китоб тўрт қисмдан иборатдир.

Биринчи қисм: Ислом динини давлатдан ажратишнинг ҳақиқати ва Исломдаги ҳукми. Ўзбекистон ва Туркия давлатларидаги ҳолат баёни.

Иккинчи қисм: Ислом ҳукмлари инсон ҳаётини тўлиқ суратда қамраб олган эканлиги, Мирзиёев ва Эрдоғаннинг илмонийлик борасидаги мафкураси ва бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарзлиги динда заруратан маълум бўлган ҳақиқат эканлигининг баёни.

Учинчи қисм: Ислом динини давлатдан ажратиш мафкураси тўғри эканлигини таъкидлаган ва амалга оширган Ўзбекистон ва Туркия рахбарларининг шариятдаги ҳукми баёни.

Тўртинчи қисм: давлат рахбаридан Ислом динини давлатдан ажратиш мафкураси жиҳатидан катта куфр содир бўлса, унинг айни ўзига куфр ҳукми тушурилишидан ман қилувчи узрлар бор ёки йўқ эканлигининг баёни.

БИРИНЧИ ҚИСМ: ИСЛОМ ДИНИНИ ДАВЛАТДАН АЖРАТИШНИНГ ҲАҚИҚАТИ ВА ИСЛОМДАГИ ҲУКМИ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ҲОЛАТ БАЁНИ

Яқин тарихдан маълумки, мусулмонлар яшайдиган асосий диёрлар ғарб давлатлари қўл остида мустамлака бўлган. Мустамлакачилик сиёсати ўша ўлкаларни барча соҳаларда, жумладан ҳукм юритиш соҳасида ҳам қамраган эди. Мусулмон

халқлар ғарбий бўлган сиёсий бошқарув остида ҳаёт кечирар эдилар. Кейинчалик ўша диёрларда ҳудудий чегаралари асосида турли давлатлар навбатма-навбат мустақилликка эришса-да, ғарбий кучлар таъсири сабабидан мусулмонлар устига ирқий жиҳатдан ўша ерлик бўлган, аммо дунёқараш жиҳатидан бегона бўлган шахслар диний бўлмаган сиёсий бошқарув ва қонунчилик асосидаги тузумларни қоим қилдилар. Айни шундай тузумлар ҳозирда ҳам турли босимлар ила ушлаб турилибди. Ваҳоланки, ўша диёрларда яшайдиган шарият уламолари ва омма мусулмонлар Қуръон ва суннат ҳукмлари остида ҳаёт кечириш фарз эканлигини билишар ва улар орасида бунга даъват қилдиганлари бор эди.

Давлат бошқарувида, халқлар учун қонун чиқаришда ва бошқа соҳаларда Ислом дини аҳкомлари жорий қилиниши фарз эканлиги мусулмонлар орасида динда заруратан маълум ҳукмдир. Яъни, далиллари собит бўлиши, далолат қилиши ва кенг ёйилгани жиҳатидан мусулмонлар орасида яшаган инсон билмай қолишининг имкони йўқ даражада маълум бўлган ҳақиқатдир.

Инсонларни бошқариш мавзусига қарар эканмиз, тарихда жамиятлар турли услубларда бошқарилганини кўрамиз. Ушбу бошқарув услублари орасида диний бошқарув услуби ҳам бордир. Жумладан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқарувларидаги ва у кишидан кейин бўлган мусулмон жамияти ҳам диний бошқарув остида бўлган. Ислом юртларидаги бу бошқарув узоқ йиллар давом этган ва Ўзбекистон тарихига оид Мовароуннаҳрдаги давлатларда ҳам ўзига хос суратда зоҳир бўлган.

Шунингдек, Туркия тарихига оид Усмонийлар давлати ҳам расман диний бошқарув остида бўлган ва қонунлар Ҳанафий мазҳаби асосида қабул қилинган. Мелодий ҳисобга мувофиқ ўрта асрларда Европадаги насроний жамиятлар ҳам диний бошқарув остида бўлган. Исломда диний бошқарув деганда давлат назорати остидаги соҳалар, масалан қонун чиқариш, уни ижро қилиш, ҳарбий соҳа, иқтисод, маданият, ижтимоий муносабатлар, умуман олганда барча жабҳаларда Аллоҳ белгилаб берган ҳукмларни амалда жорий қилиш тушунилади.

Бошқарув услубларини кўриб чиқар эканмиз, Европада чиқарилган бир бошқарув услубига дуч келамиз. Аслида бу услуб нафақат бошқарув шакли, балки умуман шахс ва жамият ҳаётини бирорта динга қарам бўлмаган ҳолда жорий қилиш мафкурасидир. Ушбу тушунча сиёсатшунос ва жамиятшунос олимлар истилоҳида “секуляризм” деб номланади. Кўпгина адабиётлар ва давлат расмий ҳужжатларида “дунёвийлик” деб ҳам юритилади. Араб тилида бу тушунчани “илмонийлик”, баъзи ўринларда эса “алмонийлик” деб аталади. Илмонийликка “диний ҳукмлардан мустақил бўлган ҳаёт кечириш тарзи”, – деб маъно бериш Ислом уламолари ва ғарб сиёсатшуносларининг йўлидир. “Илмонийлик” деган истилоҳнинг илм маъносига алоқаси йўқ эканлигини доктор Юсуф ал-Қаразовий ва бошқа кўплаб мутахассислар таъкидлашган.

Эътиборли ғарб мутахассисларидан бири секуляризмга “*Ижтимоий масалалардан ва ҳукумат бошқарувидан дин аралашувини чиқариб юбориш*”, – деб таъриф берган. (Luke W. Galen.

The Nonreligious: Understanding Secular People and Societies. Oxford University Press, 2016. p. 22-23). Ғарб сиёсатчилари ва жамиятшунослари наздида бу таъриф эътиборлидир.

Илмонийликнинг сиёсий кўриниши – ҳар қандай динни давлат бошқаришдан, инсонлар учун мажбурий бўлган қонунлар ишлаб чиқишдан, ўша қонунларни татбиқ қилишдан ва бошқа кўплаб соҳалардан ажратиб қўйишдир. Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий, Мустафо Собри, Имодудин Холил, Абу-л-Ҳасан ан-Надвий, Сафар ал-Ҳаволий, Солиҳ ал-Фавзон ва бошқа кўплаб аҳли илмлар, эътиборли фатво ва илмий изланиш ташкилотлари, шунингдек, Исломий энциклопедиялар муаллифлари илмонийликни динни давлатдан, қонунчиликдан ва давлат бошқарадиган соҳалардан ажратиш мафкураси деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, бирорта диний қараш, гарчи у Исломий бўлса ҳам, давлат ишларига диний ақийда ва диний ҳукм сифатида аралаштирилмаслиги, унинг таъсиридан мустақил бўлиш дунёвийликнинг асосидир. Илмонийлик ёки секуляризмни кўпгина замонавий сиёсатчилар, хоссатан ўзбек расмийлари “дунёвийлик” деб номлайдилар.

“Динлар, мазҳаблар ва ҳамаср жамоатлар ҳақидаги муяссар энциклопедия” китоби муаллифлари ушбу дунёқараш таърифи борасида қуйидагиларни айтганлар: “***Илмонийлик – секуляризм, унинг тўғри таржимаси бу – динсизлик ёки дунёвийликдир****. У диндан узоқ бўлган ҳолда инсон онги келтириб чиқарган илм, ақл ва фойдани кўзлаш асосида ҳаётни қуришга даъват қилишдир.* ***Илмонийлик ўзининг сиёсий жиҳатида ҳукм борасида дин***

тутмаслик маъносини англатади” (Ал-мавсуъату-л-муяссаро фи-л-адян ва-л-мазаҳиб ва-л-аҳзаби-л-муъаасиро. 2-жуз, 689-бет).

Калом илмида таниқли мутахассис ҳисобланувчи доктор Саъийд Фуда “Суҳбатга қайтиш” кўрсатувининг илмонийлик ҳақидаги чиқишида бу тушунчани қуйидагича таърифлаган: “*Ҳақиқатда ҳамаср муаллифларнинг аксари илмонийлик ёки алмонийлик таърифи борасида, бу калима “илм” лафзидан ёки “олам” лафзидан ёки шунга ўхшаш калимадан чиқариб олингани ҳақида кўп тўхталишни ҳоҳламайман,* ***хулоса шундайки, алмонийлик ёки илмонийлик борасида сўзлаганлар лўнда қилиб айтканда “Диний ва олий бўлмиш ҳукмлар масдарларини инсоний ҳаётнинг жорий бўлиши, ривожланиб бориши ва тартибга солинишидан четлатиш”ни ирода қиладилар***” (Доктор Саъийд Фуда. “Ирсу-н-набавий” телеканалидаги “Суҳбатга қайтиш” кўрсатувининг йигирманчи ҳалқаси. 01:22 дақиқадан бошлаб. https://youtu.be/CvOK2BDB4nQ).

Канадалик файласуф ва сиёсатшунос Чарльз Тейлор ўзининг машҳур “Секуляр аср” китобининг рус тилидаги таржимасига кириш ёзган. Ўша ўринда у қуйидагиларни айтган: “***Секулярлаштириш бу черковни (яъни динни) давлатдан ажратиш***” (Тейлор Ч. Секулярный век. Пер. с англ. Москва издательство ББИ, 11 стр).

Дунёвийлик, яъни секуляризмни Кембридж луғати қуйидагича таърифлаган: “***Секуляризм бу дин давлатнинг ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги фаолиятларида (бошқарувчи сифатида) иштирок этмаслиги керак эканлигига эътиқод қилишдир***”

(Secularism, Cambridge dictionary, retrieved 7-4-2017. https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/secularism).

Умуман олганда секуляризм, дунёвийлик ва илмонийлик сўзлари бир маънода ишлатилади. Бу истилоҳларни умумий нуқтаи назардан бир маънода тушуниш ўринли деб биламиз ва бу китобда уларни ишлатганимизда “*Ҳар қандай дин, жумладан Ислом динини давлатдан ажратиш мафкураси*” деган маънони қасд қиламиз.

Бизнинг наздимизда ҳозирги кунда илмонийликнинг энг ўринли таърифларидан бири қуйидагича: “*Илмонийлик бу давлат бошқарувини: олий қонунчилик ва қонун чиқаришни, ташқи ва ички сиёсатни, иқтисодни, мудофаани, мажбурий таълимни ва ҳукумат назорати остидаги бошқа барча соҳаларни дин ҳукмронлигидан ажратишдир*”. Расмий қонун ва ҳужжатлардаги “дунёвий давлат”, “дин давлатдан ажратилган” деган ибораллардан шу маъно тушунилади.

Ушбу таъриф маъносини қувватловчи фикрни Ўзбекистондаги “Олий маъҳад” ўқув даргоҳининг интернетдаги расмий саҳифасида кўришимиз мумкин: “*Инглиз тилидаги “secularity” ҳамда рус тилидаги “светскость” тушунчалари билан туташ “дунёвийлик” деган истилоҳнинг қандай талқин этилиши ҳар қандай мамлакатдаги давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.* ***Таъкидлаш жоизки, мамлакатни дунёвий асосда ривожлантириш ва дунёвий давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда “дунёвийлик”нинг мазмун-моҳияти тўғри англаб етилди. Шунга кўра, бугунги кунда***

секуляризм – мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва конституциявий маслагидир. *Замонавий ўзбек жамиятида дунёвийлик тамойили бир-биридан ажралмас уч қадриятга асосланади. Булар: 1. Виждон эркинлиги; 2. Барча дин ва диний ташкилотларнинг қонун олдида тенглиги; 3.* ***Диннинг сиёсатдан ажратилганлиги***" (https://oliymahad.uz/17177).

Сиёсий-ижтимоий масалаларга диний нуқтаи назардан қарай оладиган ўқув даргоҳининг эълон қилган мақоласи эътиборга моликдир. Юқоридаги иқтибосда "*Диннинг сиёсатдан ажратилганлиги*" деган ибора, давлат сиёсатига алоқадор соҳадаги ҳукмлар дин кўрсатмаси сифатида жорий бўлиши расман ман қилинишини англатади.

Ҳозирги кунда дунёдаги деярли барча давлатлар, жумладан мусулмонлар истиқомат қиладиган диёрлардаги деярли барча ҳукуматлар расман дунёвий ҳукуматлар бўлиб, давлат бошқарувида диний буйруқ ва кўрсатмаларга амал қилмас эканликларини таъкидлайдилар. "Дин давлатдан ажратилган" деган тушунча ўша ҳукуматларнинг энг асосий шиорларидан бири бўлиб, жумладан Ислом дини ҳам давлат бошқарувидан ажратилган.

Ўзбекистонда ҳукуматга қарашли расмий интернет саҳифалардан бири ҳисобланувчи meningkonstitutsiyam.uz сайтига оид ижтимоий тармоқда дунёвий давлат тушунчаси қуйидагича таърифланган: "*Дунёвий давлат – давлат ҳокимияти ва*

бошқарувидан дин ажратилган, бошқарув диний қоидалар билан эмас, балки фуқаролик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, қарорлар қабул қилишда диний асосларга таянилмайдиган давлатдир. Шунингдек, ҳеч қандай дин ва мафкура давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилмаслигини, уларнинг давлатдан айри эканлигини тавсифлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёсатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди" (https://t.me/meningkonstitutsiyam). Сиёсий илмонийликда, яъни дунёвийликда конституция матни ва асосий қонун ҳужжатлари асосида дин давлатдан ажратилган эканлиги кўрсатиб ўтилади. Ўз-ўзидан дин ҳукмлари, хоссатан шарият аҳкомлари учта ҳокимят: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимидан ажратилади. Давлатдаги барча вазирликлар, қўмита ва ташкилотлар, шунингдек, давлат ҳукмронлиги остида бўлган соҳалар: ҳарбий соҳа, хавфсизлик ва ички ишлар, иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, маданият, мажбурий таълим ва бошқа барча соҳалар фаолиятидан диний ақийда ва ҳукмлар ажратилади. Давлат фақат диний ташкилотлар ва якка шахсларнинг қонунчиликка зид бўлмаган диний эътиқод ва амалиётига аралашмайди. Диний ташкилотлар ва якка шахслар дунёвий қонунчилик доирасида юришлари шарт бўлади. Виждон эркинлиги деган асосга кўра шахслар токи қонунчиликка зид ҳолатда бўлмас экан истаган динига эътиқод қилиш ёки қилмаслик ва эътиқодига мувофиқ амал қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Дунёвийликни, яъни

динни давлатдан ажратиш деган мафкурани шундай тушуниш ўринлидир.

Илмонийликнинг ўзига хос тарихи бор. Унинг ўтмишига назар солинса, ушбу тушунчага далолат қилувчи фикрлар қадимги файласуфларда пайдо бўлган эканлиги кўринади. Дунёвийликнинг амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ қилиниши ўрта асрлардан сўнг Европа мамлакатларида насронийлик динининг зулмкор ва адолатсиз ҳукмронлигига қарши бошланган ҳаракатларда ўз аксини топган. “*Юрт бошқарувидан Илоҳий ҳукмларни чиқариб ташлаш ва дунёвий суратдаги бошқарувни жорий қилиш*” деб номлаш ўринли бўлган фалсафий-сиёсий қараш Джон Локк, Шарл Луи де Монтескё, Дени Дидро, Жан-Жак Руссо каби ўша даврларда зиёли деб билинган кимсалар асарлари орқали сиёсий майдон кун тартибининг энг асосий масаласига айланган. Шимолий Америкада эса Жеймс Мэдисон, Томас Жэферсон каби сиёсатшунослар динни давлат бошқарувидан ажратиш амалиёти бошида турганлар.

Мелодий ўн еттинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европа аҳолисининг таъсир кучига эга қатлами, хоссатан зиёли доиралар асослари бузилиб кетган насроний дини давлат ва жамият бошқарувини ўз қўлида сақлаб турадиган бўлса, халқларни жар ёқасига олиб боради деган хулосада бўлганлар. Табиий натижа ўлароқ, диний бошқарув деб билинган Француз қироллиги ағдарилган ва мелодий 1789 йил Француз дунёвий ҳукуматига асос солинган. Ушбу ҳукумат Европадаги давлатни халқ номи ила бошқарадиган, диндан ажратилган ҳукумат эди.

Англия, Германия каби давлатларда ҳам дунёвийлик ўта катта куч ила халқларга сингдирилган ва сиёсий саҳнага олиб чиқилган. Натижада сиёсий революциялар содир бўлган, диний бошқарувдаги қироллар ўрнига диний ҳукмлардан мустақил бўлган ҳукумат бошқаруви вужудга келган. Бундай вазиятда қирол таҳтдан буткул ағдарилган ёки рамзий маънодаги шахс сифатида қолдирилган.

Ўша даврлардан токи шу кунимизгача ғарб давлатлари диний ҳукмлардан ажратилган дунёвий ҳукуматлар бошқарувида бўлиб келмоқда. Ғарб олами мусулмонлар устидан ғолиб келганида айни шу бошқарув услуби, яъни динни сиёсатдан, қонунчиликдан ажратиб ташлаш, жамиятни тартибга солувчи қоидаларни диний эмас, дунёвий тушунчалар асосида жорий қилиш иродаси деярли барча Ислом юртларида ҳукмрон бўлди. Ислом ҳукми олий бўлиши фарз эканлигини ўзида акс эттиришга уринган Усмоний давлати ҳам қулатилди.

Ҳозирги кунда асосан мусулмон аҳоли яшайдиган, ўзи эса расман дунёвий давлат деб эълон қилинган баъзи мамлакатларни санаб ўтсак: Туркия, Сурия, Ироқ, Фаластин ҳукумати, Покистон, Озарбайжон, Тунис, Африкадаги кўплаб давлатлар, Индонезия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯДАГИ ДУНЁВИЙ ТУЗУМ

Ўзбекистон расман дунёвий, яъни дин давлат бошқарувидан ажратиб қўйилган давлат ҳисобланади. Ўзбекистон давлатчилигининг аввалидан мамлакатда дин давлатдан ажратилган ҳолда келмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистон конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда ва бошқа расмий ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан конституциянинг 1-моддасида: “*Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва* ***дунёвий давлат***” деб ёзилган. Ва ушбу асос 154-модда ила доимо ўзгармас эканлиги қатъан белшилаб қўйилган: “***Ушбу Конституция 1-моддасининг ва ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас***” (https://constitution.uz/uz/clause/index).

Ушбу моддаларда зикр қилинган маъноларнинг конституция матнининг аввалида келиши Ўзбекистон дин давлатдан ажратилган, тўлақонли дунёвий давлат эканлигига ва диний бошқарув йўлга қўйилиши учун ҳеч қандай қонуний имкон йўқлигига тўғридан-тўғри далолат қилади. Бу ҳақиқатни конституция ва бошқа қонунлар тасдиқлайди.

Конституциянинг 75-моддасида: “***Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар.*** *Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди*”, – деб белгилаб қўйилган (https://constitution.uz/uz/clause/index).

Ушбу модданинг шарҳида қуйидагилар келтирилган: “*Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди,* ***уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди...***

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қуйилмайди...

Конституцион нормаларда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги икки жиҳат яққол ажралиб туради... иккинчиси — ***диндан ғаразли мақсаддарда фойдаланиш, диний омиллардан фойдаланиб сиёсатга, давлат ишига аралашишнинг, ҳокимиятга интилиш каби холатларнинг қатъиян ман этилишидир***” (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Тузувчи: муаллифлар жамоаси. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2008 йил).

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида қуйидагилар ёзилган: “*Диннинг давлатдан ажратилганлиги.* ***Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган.*** *Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди*” (https://lex.uz/docs/65108).

“Конституциявий ҳуқуқ” китобида қуйидагилар айтилган: “*Давлат ва дин муносабатларида диннинг фойдали жиҳатларидан, унинг маънавиятга ижобий таъсиридан, ахлоқий-тарбиявий таъсиридан, инсонларни камтарлик, камсуқумлик, ҳалоллик, покликка ундайдиган бошқа қадриятлар сифатида фойдаланиш ва **диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, диндан сиёсат, давлат ишларига аралашишга бўлган ҳаракатларни таъқиқлаш, шундай ҳоллар бўлса, уларга чора кўриш алоҳида аҳамиятга эга***” (О. Т. Ҳусанов. Конституциявий ҳуқуқ. Тошкент 2021 йил, 175 – 176 бетлар).

Ўзбекистон конституциясининг 12-моддасида айтилган: “*Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас*” (https://constitution.uz/uz/clause/index).

Дин ҳукмлари давлат бошқарувидан энг юқори даража, яъни конституцион даражада ажратиб қўйилиши билан бирга, диний бошқарув тиклаш йўлида бўлиши мумкин бўлган уринишлар ҳам қонуний суратда ман қилинган: “*Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва **диний руҳдаги***

сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади” (Конституция матни 71-модда, https://constitution.uz/uz/clause/index).

Дин давлатдан, сиёсий бошқарувдан, қонунчилик ва унинг ижросидан, шунингдек бошқа соҳалардан ажратиб қўйилгани шунчаки белгилаб қўйилган тартиб эмас, балки фуқароларнинг барчаси қабул қилиши шарт бўлган ва ҳимоя қилинадиган тартибдир: “**III боб. Конституция ва қонуннинг устунлиги. 15-модда:** “***Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар***”. **16-модда:** “*Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас*” (https://constitution.uz/uz/clause/index).

Ўзбекистондаги дин ишлари бўйича қўмита олдига қўйилган вазифалар орасида муҳим мавзулардан бири бу Ўзбекистонда давлат диндан ажратилган эканлиги, республиканинг дунёвий давлат эканлигини амалий кўринишда йўлга қўйиш мавзусидир: “*Дин ишлари бўйича қўмитанинг асосий вазифалари:*

- *виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;*

- ***Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат тамойилини амалий рўёбга чиқариш**, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш;*” (https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/din_ishlari_buyicha_qumitaning_vazifalari_belgilandi).

Дин давлатдан ажратилган дейилганда, “*Ҳар қандай дин, жумладан Ислом дини давлат бошқарувида, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги бошқа соҳаларда ҳукмрон қилинмайди, дунёвий қонунлар жорий бўлади*” деган маъно тушунилиши шубҳасиз.

Дин ишлари бўйича қўмита ҳам ўз олдига қўйилган ушбу вазифаларни амалда бажаради. Бунинг мисоли ўларок, баъзи кишилар тарафидан ижтимоий тармоқларда диний ҳукмларни оммага етказишга алоқадор мавзуга нисбатан қўмитанинг расмий муносабатини келтириш мумкин: “РАСМИЙ МУНОСАБАТ. “*Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқ саҳифаларида давлат идоралари масъул ходимлари томонидан Ўзбекистоннинг дунёвий, ҳуқуқий демократик давлат тамойилларидан келиб чиқиб, жамиятда қонун устуворлиги эслатилган чиқишларига нисбатан айрим шахслар, шу жумладан, диний соҳа вакиллари турли муносабат билдирмоқдалар...*

Хулоса ўрнида, *фуқароларимиздан диний мавзу ўта хассос эканини эътиборга олиб, интернет ва ижтимоий тармоқларда диний масала ҳамда давлатнинг дин соҳасидаги позициясига муносабат билдирганда холис бўлиш,* ***айни вақтда, давлатнинг дунёвий демократик тамойилларини қатъий ёдда тутган ҳолда шахсий қарашларини оммавий муносабат сифатида талқин қилмасликларини сўраб қоламиз!***” (https://religions.uz/news/detail?id=1686).

Дунёвий давлат маслаги тўғри йўл эканлиги, уни жорий қилиш ва ҳимоя қилиш лозим эканлиги – конституцион талаб ва президент бошчилигида барча давлат органларининг расмий қарашидир. Жумладан бу борада Адлия вазирлигининг расмий сайтида нашр қилинган баёнотда қуйидагилар ёзилган: “*Бош қомусимизнинг 31-моддасига кўра, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга...*

Мамлакатимизда диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Қатъий ва ўзгармас ушбу конституциявий тамойилдан ҳеч қачон воз кечилмайди. Шахсларга диний қарашларни мажбурий сингдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат, тарғибот-ташвиқот жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон халқи бундан 30 йил олдин ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олган – у дунёвийликка асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлайди. Ушбу ҳақиқатни шубҳа остига олишга, мутаассиб ғояларни тарғибот

қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ” (https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/102410/).

Кўриниб турибдики, баёнотда дунёвий тузумдан, яъни дин давлатдан ажратилган деган принципдан воз кечилмаслиги ва бу ҳолатни шубҳа остига олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эканлиги очиқ таъкидланган.

Ўзбекистонда диний ҳукм юритмаслик масаласига шу даражада жиддий эътибор бериладики, аслида Аллоҳнинг дини сиёсат, қонунчилик ва бошқа соҳаларда ҳукмрон бўлиши динда заруратан маълум бўлган фарз эканлигини таъкидлаши лозим бўлган расмий дин вакиллари ҳам дунёвий давлат тузуми тўғри йўл эканлигини, бунинг аксича қарашда бўлиш динда салбий маънода чуқур кетиш ҳисобланишини айтадилар.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг расмий интернет саҳифасида эълон қилинган ушбу мавзуга оид мақолада қуйидагилар ёзилган: “***Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли — дунёвий демократик йўл.*** *Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз диний эътиқодни чуқур ҳурмат қилган ҳолда, дунёвий тараққиёт йўлидан илдам бормоқда.* ***Шу ўринда сиёсий мақсадлар йўлида диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, диний давлат барпо этишга бўлган ҳар қандай кўринишдаги ҳаракат дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зид эканини таъкидлаб ўтиш лозим.*** *Иброҳим УСМОНОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, Манба: “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 3 июль,*

№ 135 (391)” (http://old.muslim.uz/index.php/jaholatga-qarshi-marifat/maqola/item/27613).

“Олий маъҳад” диний ўқув даргоҳининг расмий интернет саҳифасида қуйидагилар айтилган: “*Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида сўз кетар экан, унинг асосида, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”.*

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Айни пайтда, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслигидир. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Бундан келиб чиқиб, унинг ривожи учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади" (https://oliymahad.uz/17203).

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий интернет саҳифасида мелодий 2021 йил янги таҳрирда тасдиқланган виждон эркинлиги ҳақидаги қонуннинг дин давлатдан ажратилган эканлиги борасидаги моддага қуйидагича муносабат билдирилган: "***Демократик давлатлар қаторида, қонун устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам диннинг сиёсатга аралашиши ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги Қонунда аниқ кўрсатилди.*** *Янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ*" (http://old.muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/27652).

Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати ва "Олий маъҳад" диний ўқув даргоҳининг расмий интернет саҳифасида ушбу мавзуга алоқадор қуйидаги мақола эълон қилинган: "*Бугун юртимизда эътиқод эркинлиги, ҳақиқий миллий қадриятлар, улардаги динийлик ва дунёвийлик нисбати қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида турли-туман фикрлар билдирилмоқда.* ***Ўзбекистонни ислом республикасига айлантириш, турмуш тарзини, ижтимоий***

муносабатларини шариат талабларига мослаштириш тарафдорлари ҳам йўқ эмас...

Яккаҳоким мафкура мавжуд бўлган давлат ҳеч қачон эътиқод эркинлигини таъминлай олмайди. Мафкуранинг яккаҳокимлиги, одатда тоталитаризмга, жамият аъзолари фикр-ўйлари, сўзларию ҳаракатлари устидан ёппасига назорат ўрнатишга интилади. ***Диний принципларга қурилган давлат ҳам эътиқод эркинлигини тўла таъминлай олмайди, ҳаттоки, бутун аҳолиси бир мазҳабга оид бўлганда ҳам. Чунки унда ҳукмрон диний мафкура ўрнатилади.***

Диний аҳкомларни, меъёрларни ҳамма бир хил тушуниши, чалғимаслиги, адашиб кетмаслиги талаб этилади. Бу эса диний догматизм кучайишига, бир дин доирасида ҳам ўзгача фикрларга тоқатсизлик вужудга келишига сабаб бўлади. Диний аҳкомлар жамиятнинг объектив талабларига мос ривожланмай, унинг тараққиёти йўлида тўсиқ ҳосил қилади" ("ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ АСОСИ" номли мақола. https://oliymahad.uz/11020).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси дунёвий тузумни ёмонлаш динда адашган оқимларнинг қараши деб билади: "*Сохта салафийлар Ислом дини аҳком ва фатволарини ҳар бир замон тақозосига қараб эмас, ҳижрий сананинг дастлабки уч асрига мувофиқ равишда ҳаётга татбиқ этишни тарғиб қилади. Бу оқим аъзолари ўн тўрт асрдан буён Исломнинг етук алломалари, фақиҳу мужтаҳидлари қабул қилган фатволарга кўр-кўрона қарши чиқади.*

Секуляризм (дунёвийлик) ва давлатнинг демократик тамойилларини қоралаш, инкор қилиш ҳамда давлат тўнтаришини амалга ошириш орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ва халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш сохта салафийларнинг асосий мақсади ҳисобланади” (http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/25476).

Ушбу иқтибосни келтиришдан бирор кишини салафийликка тарғиб қилиш ёки бу йўлдан қайтаришни мақсад қилмаганмиз. Мақоладаги икки жиҳат мусулмон кишининг эътиборни тортади. Биринчидан диний ҳукм ва фатволарни дастлабки уч асрга мувофиқ суратда олиш масаласи. Ахир фиқҳий мазҳаб эгалари, Мотрудийлик ва Ашъарийлик тарафдорлари ҳам мақолада зикр қилинган “сохта салафийлар”дек аввалги уч асрни ўзлари учун намуна деб билишларини даъво қиладиларку!? Яъни, вазият тақозосига қараб иш кўриш қоидалари ва чегаралари салафи солиҳлар тарафидан белгилаб берилган бўлиб, бу борада уларнинг йўлларидан чиқиш мумкин эмас. Иккинчидан, омма-ю хос мусулмонлар, жумладан тўрт мўътабар мазҳаб вакиллари, Мотрудийлик ва Ашъарийлик намоёндалари, умуман олганда Аҳли сунна ва-л-жамоат эканлигини даъво қилувчи мусулмонлар Ислом дини давлатда ҳукмрон бўлишини ҳақ деб биладиларку!?

Расмий дин вакиллари тарафидан “*Дунёвий тузумга қарши курашмаслик керак. Зеро, бу кураш ҳукмронликка эришиш жиҳатидан фойдасиз иш*” қабилида гап қилинса, баҳсу-мунозарага ўрин бўлиши мумкин. Аммо, дунёвий тузумни тўғри қилиб

кўрсатиш, буни омма мусулмонларга сингдиришга ҳаракат қилиш ҳаракати шаръий илми чуқур инсонни Ўзбекистондаги кўпгина расмий диний вакиллар ҳақидаги қарашларини тубдан кўриб чиқишга ундайди.

Расмий дин вакиллари ҳатто дин давлатдан ажратилган эканлигини ва қайта ўзгармас асос бўлиб қолувчи эканлигини таъкидловчи конституцияни қабул қилиш учун ҳам овоз бердилар ва бунга тарғиб қилдилар: “*Аввал хабар берганимиздек, бугун, 30 апрель куни ўтказилаётган умумхалқ референдумида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги диний соҳа ходимлари, айниқса, имом-хатиблар ва мударрислар ҳам фаол иштирок этиб, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги учун овоз беришмоқда.*

Дарҳақиқат, мусулмонлар ҳаётнинг барча соҳаларида олдинги сафларда бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун давлат ва жамиятни тараққиётга етаклаб бора оладиган, одамларни, жумладан, мусулмонларни ҳаётини яхши томонга ўзгатира оладиган одил қонунлар ўта муҳим масаладир.

Ушбу мақсад йўлидаги битим, келишув ва ҳаракатлар Ислом нуқтаи назарида энг савобли амаллардан ва бажарилиши лозим бўлган ишлардан саналади. Шу боис, бу жабҳада мусулмон киши фаол бўлиши даркор.

Маълумот ўрнида қонунчиликка биноан бугун республикамиз бўйлаб умумхалқ референдумида овоз бериш жараёнлари кечки пайт соат 20:00 га қадар давом этади.

Ҳақ таоло ушбу муҳим тадбирларни тинчлик офиятда, саломатликда ўтказиб олишимизни муваффақ айласин!”. (http://old.muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/35723).

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг “Динийлик ва дунёвийлик Ислом нигоҳида” деган мақоласи биз кўриб чиқаётган ҳолатни тўлиқ очиб беради деган фикрдамиз: “*Мусулмонларнинг дунёвий давлатда яшаши мумкинлиги илмий исботлар талаб қилмайди. Нафақат Ғарбий Европа, Америка ва Австралиядаги аҳолининг озчилигини ташкил қилувчи мусулмонларнинг тажрибаси, балки аҳолисининг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардан иборат Туркия ёки Ўзбекистон тажрибаси ҳам шундан далолат беради.*

Аммо айрим гуруҳларнинг сиёсат билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид даъволари бирёқлама кайфиятларни уйғотмоқда.

Виждон эркинлиги барча демократик тизимларда кафолатланган ва Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро декларацияда белгилаб қўйилган муҳим ҳуқуқ ҳисобланади.

Дунёвийлик тушунчасини динийлик билан мутлақ қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Маълум маънода, динийлик ва дунёвийлик бир-бирига мутлақ зид тушунчалар ҳам эмас. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қараш усулларидир. Дунёвийлик тушунчасида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмаслик тамойили туради. Диндорлик эса қалбга боғлиқ ҳиссиёт. Уни барчага мажбурий сингдириш ҳеч қайси диний тамойилларга тўғри келмайди. Дунёвий тараққиёт йўлини тутган давлатларда гарчи дин давлатдан ажратилган бўлсада, жамиятдан ажралмаган. Миллий ва диний қадриятлар халқлар маънавий қиёфасининг муҳим қисмларидан ҳисобланади.

Ислом динида дунёвийликка динга ёт тушунча сифатида қаралмайди. Ислом динининг муқаддас манбалари – Қуръони карим ва Суннада ҳам дунёвийлик тамойиллари асосини кўришимиз мумкин. Жумладан, Бақара сураси 201-оятда: Яна шундайлари ҳам борки, улар: ***“Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”****, – дейдилар.*

Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаёт йўлини ўрганган уламолар у ердаги дунёвийликка эътибор берилган нуқталарни алоҳида ўрганганлар. Муҳаммад (а.с.) диний масалаларда барчага муаллим бўлсалар ҳам, дунёвий масалаларда мутахассисларнинг фикрларига қулоқ тутардилар. Худди шунга ўхшаш “хурмо чанглатиш” ҳақидаги ҳадисда ҳам Пайғамбар (а.с.) дунёвий ишларида соҳа

мутахассисларининг фикрига таяниш кераклигига ишора қилганлар. Жумладан, Имом Муслимнинг Анас (р.а.)дан келтирган ривоятда:

“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам (хурмо) чанглатаётган бир қавмнинг олдидан ўтаётиб, буни қилмасангиз ҳам бўлаверади, дедилар. Ўша йили ҳосил ёмон чиқди. У зот яна ўшаларнинг олдиларидан ўтаётиб, хурмоингизга нима бўлди? деб сўрадилар. Улар, шундоқ, шундоқ, деган эдингиз… деб айтдилар. У зот: “Сизлар дунёнгиз ишини билувчироқсиз *” дедилар.*

Яъники, Расулуллоҳнинг баъзи гаплари динийдан кўра тажрибавий асосга ёки шахсий раъйга таянган. Шунинг учун ҳам саҳобийлар Расулуллоҳнинг баъзи амрлари борасида “шахсий фикрингизми ёки Аллоҳнинг амрими?” деб сўрар эдилар. Шахсий фикрлари бўлса, унда баъзан бошқа афзалроқ вариант таклиф эта олардилар. Расулуллоҳ (а.с.) бундай таклифни қабул қилиб, ўз раъйларини ўзгартирар эдилар. Яъни шу дунёвий соҳа мутахассисининг фикрини албатта инобатга олар эдилар.

Пайғамбар (а.с.) вафот этаётганларида ҳам ўринларига бошқарувни амалга оширадиган халифани тайинлаб кетмадилар, балки мусулмонлар ихтиёрига қолдирдилар. Яъни, давлатнинг кейинги раҳбарларини сайлаш жараёнлари диний шаклда амалга ошмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) раҳбар этиб сайланганларида бошқарув ишида хато қилишлари мумкинлигини эътиборга олиб, саҳобийлардан уларни тўғрилаб туришни, тўғри иш қилсалар уларни қўллаб-қувватлашни

сўраганлари ривоятларда машҳур. Ислом дини таълимотида давлат сиёсий тузилмасининг муайян шакли кўрсатилмаган. Фақатгина умумий тамойиллар белгиланган. ***Уламолар бу тамойиллар 4 та эканини айтадилар: тенглик, эркинлик, адолат ва машварат. Ушбу тамойиллар ўрнатилса, давлат қандай шаклга эга эканидан қатъи назар, у ислом динига мувофиқ келади*****.**

Бугунги кунда айрим бузғунчи кучлар томонидан замонавий дунёвий қонунчилик асосида ҳаёт кечириш мусулмонлар учун мақбул эмаслиги ҳақида сохта даъволар тарқатилмоқда. *Ваҳоланки, дунёвий қонунлар ҳақида ислом уламоларининг фикрларини қуйидагича умумлаштириш мумкин: замонавий жамият талабларига мувофиқ чиқарилган қонунлар шариатга зид келмаса, ундай қонунлар шариатдандир. Зеро, ҳар бир шариат инсон манфаати учун юборилган, жамиятларнинг ўз манфаатларини кўзлаб чиқарган қоидалари гарчи шариатдан олинмаган бўлсада, лекин шариатга зид келмаса улар ҳам шариатга мувофиқ (шаръий) ҳисобланаверади.*

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ислом динида дунёвийликка динсизлик сифатида баҳо берилмаган. Дунёвий ишлар шахс ва жамият манфаатини кўзлар экан улар дин таълимотларида доим қўллаб-қувватлаган. ***Дин дунёвий ишларнинг маънавий жиҳатларини тартибга солиб турган. Масалан, бу ишнинг савобли ёки савобсизлиги, маънавий жиҳатдан мумкин ёки мумкин эмаслиги каби.*** *Умуман олганда демократик тизимларнинг конституцион нормаларида давлат ва*

дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги икки жиҳат яққол ажралиб туради:

- *дин жамиятда инсонпарварлик руҳиятининг шаклланишида юксак маънавият булоғи, беқиёс ахлоқий тарбия манбаи, инсонларни ҳалоллик, поклик каби фазилатларга ундвчи қадрият сифатида эътироф этилади;*

- *диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш,* ***диний омилдан фойдаланиб сиёсатга аралашиш****, ҳокимиятга интилиш каби ҳолатлар ман этилади.*

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш босқичида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги янги нисбатни шакллантириш ҳар доим ҳам силлиқ кечмади. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган уринишлар ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳаракатларнинг аниқ кўринишлари сифатида ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган турли оқимларнинг фаолиятида кўриш мумкин.

Дунёвийлик тамойили мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни билан ҳуқуқий кафолатланган. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга вазифани бажаради” (http://vakillik.uz/archives/16086).

Ушбу ва юқоридаги бошқа иқтибослардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон расмий диний ташкилотлари ва уларнинг асосий намоёндалари дунёвийликни Исломга зид бўлмаган, ҳозирги кунда тўғри бўлган сиёсий мафкура деб эътироф қиладилар. Хоссатан муфтийнинг: "*Аммо айрим гуруҳларнинг сиёсат билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид даъволари бирёқлама кайфиятларни уйғотмоқда*", "*Дунёвийлик тушунчасида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмаслик тамойили туради*", "*Уламолар бу тамойиллар 4 та эканини айтадилар: тенглик, эркинлик, адолат ва машварат. Ушбу тамойиллар ўрнатилса, давлат қандай шаклга эга эканидан қатъи назар, у ислом динига мувофиқ келади*" ва "*Бугунги кунда айрим бузғунчи кучлар томонидан замонавий дунёвий қонунчилик асосида ҳаёт кечириш мусулмонлар учун мақбул эмаслиги ҳақида сохта даъволар тарқатилмоқда*", – дея таъкидлаган қарашлари буни яққол кўрсатиб берган.

Дин маънавий ахлоқий соҳада ўз ўрнига эга эканлиги, аммо давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги бошқа меъёрларни қонуний асосда белгилаб бериш ва шу кабилардан дин ажратилиши муфтийнинг: "*Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга вазифани бажаради*", – деб айтган сўзларида ўз аксини топган.

Ҳозирги сиёсий оламга Исломий қараш ила назар солган инсон омма мусулмонлар яшайдиган ўлкаларда, хоссатан Ўзбекистон, Туркия ва бошқа кўплаб мамлакатларда Исломий ҳукмларга асосланган бошқарув тизими йўқ эканлигини, диний бўлмаган бошқарув тизими энг олий қонун ила белгилаб қўйилганини ва дунёвий бошқарув тузуми президент бошчилигида давлатнинг кучишлатар тузилмалари томонидан ҳимоя қилинаётганини кўради. Ушбу юртларда давлат бошқарувидаги инсонлар Ислом динини ҳукмрон қилишни бир неча сабабларни рўкач қилиб рад қиладилар ва бу ишларини Исломга зид эмас деб даъво қиладилар.

Ушбу мавзу нуқтаи назаридан Туркияга қарайдиган бўлсак, бу ўлкада дунёвий давлат мафкураси Туркиянинг яқин тарихида яққол сезилиб турадиган суратда ўз аксини топган эканлигини кўрамиз. Дин билан бошқарилувчи давлат тузуми ағдарилгани ва дин давлатдан ажратилгани замонавий турк сиёсий майдонида кўпгина амалдорлар тарафидан олқишлаб хотирланади. Омма халқ орасида ҳам бошқа дунёвий давлатлардан кўра Туркияда ушбу мафкурага кенгроқ урғу берилиши кузатилган. Усмоний давлати биринчи жаҳон уруши таъсири ва бошқа сабабларга биноан ағдарилгач, мамлакат конституциясидан 1928 йилда “Давлат дини Исломдир” деган банд олиб ташланган. Ўша даврда Туркия давлатини Ислом ҳукмлари билан бошқарилишини рад қилиш ва дунёвий давлат ташкил этиш Мустафо Камол Отатурк бошчилигида амалга оширилган. Бу шахс Туркия учун дунёвий бошқарув тўғри йўл эканлигини эълон қилган ва ўз мақсадига эришган. Ҳозирги Турк

давлатининг дунёвийлиги асосчиси Мустафо Камол Отатурк ҳисобланади.

Ҳозирги турк конституциясида ҳам бирорта дин расман давлат дини бўлиши мумкин эмаслиги ва давлат бошқарувида динни ҳукмрон қилмаслик маънолари бор. Турк тилида сиёсий маънодаги дунёвийлик мафкураси “laiklik” деб номланади. Туркиядаги етакчи сиёсий партия ва унинг рахбари ҳақидаги докторлик ишида Исмаил Акюз секуляризм ва “laiklik” сўзларини қуйидагича тушунтирган: “*Бу маънода инглиз тилидан бизнинг тилимизга кириб келган “секуларизм” сўзи умумий олганда диннинг ижтимоий ҳаётдаги таъсири пастлаган “диндан узоқлашиш” жараёни тушунилади. Француз тилидан тилимизга ўтган “лаиклик” (дунёвийлик) эса давлат-ҳуқуқ тизимини диний унсурлардан тозалаб, давр талаблари ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ақлий тартибга солиш тушунилади (Günay, Güngör, Ecer, 1997: 7,8)*”. (Adalet ve Kalkinma partisi’nin din politikalari (Recep Tayyip Erdoğan dönemi). Doktora tezi. 27 – 28 бетлар).

Қуйида ушбу ва бошқа эътиборли таърифларга суянган ҳолда Туркия ва унинг рахбарига алоқадор мавзулардаги “laiklik” истилоҳини “дунёвийлик” деб келтирилади.

Туркия конституциясига назар солган киши унда Отатурк шахсияти ва у асос солган дунёвий бошқарув жорий қилиниши таъкидланганини топади. Қуйида ушбу ҳақиқатга далолат қилувчи баъзи иқтибосларни эътиборли манбалардан келтирамиз: “*Ҳеч қандай тушунча ва мулоҳаза Турк миллий манфаатларига, турк*

ўзлиги ўзининг давлати ва юртидан ажралмас эканлиги асосининг, Туркийлик тарихи ва маънавий қадриятлари, Отатурк миллиятчилиги, тамойиллари, инқилоблари ва маданиятчилигининг қаршисида ҳимояланмаслиги, ***шунингдек, лаиклик (дунёвийлик) тамойили талаби сифатида давлат ишлари ва сиёсатга муқаддас диний туйғулар қатъиян аралаштирилмаслиги (эътироф этилади)***.

Турк миллий манфаатлари, Турк давлати ва ватанининг ажралмаслик тамойили, Туркийликнинг тарихий ва маънавий кадриятлари, Отатурк миллиятчилиги, тамойил ва инкилоблари, цивилизациясига карши хеч бир караш химоя килинмайди. Лайиклик (дунёвийлик) тамойилининг талаби сифатида мукаддас диний туйгулар давлат ва сиёсат ишларига асло аралашмайди" (Турк Конституцияси матни, преамбула. https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

"***Ҳеч ким давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий асосий низомини қисман бўлсада, дин қоидаларига суянтириши ёки сиёсий ёки шахсий манфаат ёхуд таъсир ўтказиш мақсадида ҳар қандай суратда бўлса ҳам диндан ёки диний туйғулардан ёки динда муқаддас саналган нарсалардан фойдалана олмайди ва суистеъмол хам қила олмайди***" (Турк Конституцияси матни, 24-модда. Манба: https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

Туркияда дин давлатдан тўлиқ суратда ажратилган эканлигига ушбу 24-модданинг матни, хоссатан “*давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий асосий низомини* ***қисман бўлсада*** *дин қоидаларига суянтириш*” давлатдаги энг олий қонун ила ман қилинганлиги ҳақидаги жумла очиқ далолат қилади.

“*Сиёсий партияларнинг низомлари, дастурлари, ҳамда фаолиятлари Давлат мустақиллигига, ҳудудий ва миллий бўлинмас якдиллиги, инсон ҳуқуқлари, тенглик ва ҳуқуқий давлат тамойиллари, миллат ҳукмронлиги, демократик* ***ва лаик (дунёвий) Республика тамойилларига зид бўла олмайди****; Бирор тоифанинг ёки жамоанинг яккаҳокимлиги ёки бошқа ҳар қандай турдаги яккаҳокимлик ҳимоя қилинмайди ёки ўрнатишга интилинмайди; жиноят амалга оширилишига ташвиқ қилинмайди*” (Турк Конституцияси матни, 68-модда. Манба: https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

Турк Конституциясининг матнларидан кўриниб турибдики, ҳозирги Туркия давлатчилиги дунёвийлик асосига қурилгандир. Бу ҳақиқатни Туркиянинг расмий Диёнат Ишлари Бошқармаси ҳам тасдиқлайди ва ушбу мафкурага мувофиқ иш тутишини айтади. Диёнат Ишлари Бошқармасининг асосий тамоил ва мақсадлари бошқарманинг расмий интернет саҳифасида қуйидаги суратда эълон қилинган: “***Асосий тамойил ва мақсадлар: дунёвийлик асосига мувофиқ ҳолда, барча сиёсий қараш ва мафкуралардан холий бўлган ҳолда*** *ва халқ орасида бағрикенглик ва бирдамликка интилган*

ҳолда (Конституция 136-мд.) Ислом динининг иймон, ибодат ва хулқ асосларига оид ишларни юритиш, жамиятни диний маърифат ила таъминлаш ва ибодат жойлари тадбирини қилиш" (https://diyanet.gov.tr/ar-SA/%D8%A7%D9%84%D9%85%D8%A4%D8%B3%D8%B3%D9%8A%D8%A9/%D8%A7%D9%84%D8%AA%D9%81%D8%A7%D8%B5%D9%8A%D9%84//3/%D8%B1%D8%A4%D8%B3%D8%A7%D8%A1-%D8%A7%D9%84%D8%B4%D8%A4%D9%88%D9%86-%D8%A7%D9%84%D8%AF%D9%8A%D9%86%D9%8A%D8%A9).

Диёнат Ишлари Бошқармасининг мақоласида қуйидагидар айтилган: "*1982 йил Конституцияси: "**Умумий бошқарув таркибида бўлган Диёнат Ишлари Бошқармаси дунёвийлик тамойилига мувофиқ, барча сиёсий қараш ва мафкуралардан холий бўлган ҳолда** ва халқ орасида бағрикенглик ва бирдамликка интилган ҳолда, махсус қонунида кўрсатилган вазифаларни бажаради", – дея Диёнат Ишлари Бошқармасига ўз вазифаларини бажаришда риоя қилиши керак бўлган мезонларни белгилаб берган ва Диёнат Ишлари Бошқармасига тарихий вазифа юклаган эди*" (https://www.diyanet.gov.tr/tr-TR/Kurumsal/Detay/1).

Президент Эрдоған Бош вазирлик даврида Дин ишлари Бошқармаси рахбари лавозимида ишлаган Маҳмуд Нури Йилмаз мелодий 2001 йил қуйидаги сўзларни айтган: "*Дин давлат, мулк миллат. Яъни, Республикани қурган бу ирода, Диёнат Ишлари Бошқармасини конституциявий институт сифатида ўрнатди. **Дин ишлари ва давлат ишлари бир-биридан алоҳидадир. Лекин диний***

муассасалар бизнинг урф-одатларимизда бор. Бу эски анъана ва у давом етмоқда. Дунёвийлик виждон еркинлигидир. Дин давлатга, давлат динга аралашмайди” (https://www.yenisafak.com/gundem/baskan-yilmazdan-din-devlet-yorumu-2667450).

Туркияда ҳам, Ўзбекистонда бўлгани каби, Ислом дини давлатдан, қонунчилик, унинг ижроси ва бошқа соҳалардан ажратилиши мутлақо ножоиз эканлиги динда заруратан маълум ҳукмлигини баралла айтиши лозим бўлган кўпгина расмий диний вакиллар халққа бунинг акси бўлган тушунчани тақдим қиладилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам тўлиқ маънодаги дунёвий давлатлар бўлиб, иккала юртда Ислом дини давлатдан конституция ва бошқа қонунлар асосида ажратилгандир.

Бу ўринда замонавий давлатларда конституция энг олий қонун ҳисобланиши, ҳеч қандай қонун-қоидалар ва бирорта мансабдор одам конституцияга хилоф қила олмаслиги таъкидланган эканини айтиш лозим. Таъбир жоиз бўлса, дин учун муқаддас китоб қандай ўрин тутса, давлат учун конституция матни худди шундай ўрин тутади. Конституция давлат учун ҳаётнинг ҳар соҳасидаги асосларни белгилаб беради, бирорта нарса конституцияга хилоф бўлмаслиги шарт.

Ислом динини давлатдан ажратишнинг ҳукми борасида уламоларнинг хулосаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ишга киришишдан аввал муҳим мавзу, яъни Ислом дин ва давлат эканлиги ҳақида, Аллоҳнинг изни ила, қисқача тўхталиб ўтамиз.

ИСЛОМ ДИН ВА ДАВЛАТДИР

Ислом дин ва давлатдир. Эътиборли уламолар бу ҳақиқатни кўп таъкидлаганлар.

Ислом дин ва давлат эканлигига Аҳли суннанинг жамики уламолари иттифоқ қилишган. Тарихда мусулмонлар эргашиши лозим бўлган имомлар барча давлат ишларини Исломга мувофиқ жорий қилишган эканлигининг ўзи бунга яққол мисол бўла олади. Исломий илмлардан озгина хабари бор инсонга аёнки фиқҳ китобларида давлат ва жамият Ислом ҳукмлари асосида қандай бошқарилиши батафсил кўрсатилган. Бир неча Аҳли сунна уламолари томонидан "Аҳкому-с-султония", яъни юртни Исломга мувофиқ бошқариш ҳукмлари борасида китоблар ёзилган.

Ислом дин ва давлат эканлигига Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академиясининг қуйидаги қароридан келтирилган иқтибос ҳам далил бўлади: "***Аниқки, Ислом дин ва давлат, комил ҳаёт йўлидир. (Ислом) ҳар бир замон ва маконга ярашимли диндир. (Ислом) динни ҳаётдан ажратишни тан олмайди, сиёсатда бўлсин ёки иқтисодда бўлсин ёки жамиятда бўлсин ёки тарбияда бўлсин ёки медия соҳасида бўлсин ёки бошқа соҳаларда бўлсин Ислом жамики ҳукмлар ундан содир бўлишини, амалий ҳаёт***

Ислом ранги ила бўялишини вожиб қилади. (Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академияси мажалласининг ўн биринчи сони. 466-бет).

Азҳар шайхи Муҳаммад Мазруъа ёзган “Ридда ва муртадлар ҳукмлари” китобида таниқли ҳамаср олим Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг қуйидаги суҳбати келтирилган: “*Ҳимоя тараф: “Ислом дин ва давлатми? Ушбу гапнинг маъноси нима?*

*Муҳаммад ал-Ғаззолий: “Ислом ақийдадир, шариятдир (қонунчилик), ибодатлардир, муомалотлардир, иймондир, тузумдир, диндир ва давлатдир... Ушбу гапнинг маъносини ояти шарифа зикр қилгандир: “**Сизга (эй Муҳаммад!) Китобни ҳар бир нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун яхшилик башорати ўлароқ нозил қилдик**” (Наҳл 89 оят). Шунингдек, У зот: “**Аллоҳдан ўзга ҳукм қилувчи истайми!? Ахир, У зот сизларга Китобни муфассал қилиб нозил қилдику!**” (Анъом 114). Ислом ўн беш аср аввал бошлангандан бери барча нарсани ўз ичига қамровчи диндир. **У диндир ва давлатдир, Исломда замонадаги ҳукмронлик руҳий маънолардан узилмагандир**”* (Акҳаму-р-ридда ва-л-муртаддийн мин хилали шаҳадатайи-л-Ғоззалий ва Мазруъаҳ. 292-бет).

Муҳаммад ал-Ғаззолий таъкидлаган ҳақиқат борасида Суриялик машҳур олим Муҳаммад Саъийд Рамазон ал-Бутий ҳам сўз юритган: “***Бугунги кунда мусулмонлар жуда кўп бўлиб, улар биз бугун қоим қилишга даъват қилаётган Исломий давлат учун Исломий тузум борасида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар***” (ал-Жиҳаду фи-л-Ислам. 201-бет).

Иқтибосдан кўриниб турибдики, бу инсон Ислом дин ва давлат эканлигини айтиб қўйиш билан чекланмасдан, уни қоим қилишга даъват қилмоқда.

Юсуф ал-Қаразовий илмонийлик борасида ёзган китобида Ислом динидан сиёсатни ажратиб бўлмаслиги борасида қуйидагиларни ёзган: "*Исломда диний ва сиёсий деган нарса орасида ажратиш йўқдир. Дин бизнинг наздимизда сиёсатдир, сиёсат эса диндир*" (Ал-Ислам ва-л-илманийя важҳан ли важҳ. 81-бет).

Дин инсон ҳаётига оид барча нарсаларни қамраган эканлигини Аҳли сунна уламолари таъкидлашган. Жумладан давлат, сиёсат, ижтимоий муносабатлар ва меъёрлар ҳам Исломдандир, Исломий йўсинда бўлиши лозим ва уларни Исломдан ташқарига чиқариб бўлмайди.

ИСЛОМ ДИНИНИ ДАВЛАТДАН АЖРАТИШНИНГ ҲУКМИ

Дунёвийлик мафкурасига биноан дин давлат бошқарувида ҳукмрон бўлиши мумкин эмаслиги конституцияда белгилаб қўйилиши, натижада Ислом ҳукмлари, Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқ ва қайтариқлари дунёвий давлатда расман қонуний кучга кириши дунёвий ҳукумат тарафидан ман қилиниши ҳақида юқорида сўзлаб ўтдик. Бундай ҳолатда ҳар қандай фикр юритувчи мусулмонда қуйидаги ўринли савол туғилади: "*Динни давлатдан ажратиш лозим. Сиёсат, қонунчилик ва давлат*

ҳукмрон бўладиган соҳалардан диний ҳукмлар ажратилади, деган қараш Исломга тамоман зид эканлиги аниқдир. Динимизда ушбу мафкуранинг ва унинг эгасининг ҳукми қандай?".

Ушбу саволга жавоб ўлароқ, сиёсий маънодаги дунёвийлик мафкурасига Ислом шариятида қандай ҳукм берилган эканлигини имкон қадар кенгроқ доирада, Аллоҳнинг ёрдами ила, баён қиламиз. Илмонийлик бутун дунё миқёсида омма мусулмонларга Роббиларининг ҳукмларини қоим қилиб ҳаёт кечиришлари йўлида тўсиқ бўлгани учун бу тушунча борасида Ислом олими деб танилган кўплаб инсонлар, жумладан бир неча фатво ташкилотлари ўз чиқишлари ила шарият ҳукмини эълон қилганлар. Дунёвийлик борасида уммат кўзини очишга ҳаракат қилган ташкилоталардан бири Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академиясидир. Қуйида бу ташкилотнинг илмонийлик ҳақидаги қарорининг тўлиқ матнини келтирамиз:

"*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

90 (11/2) рақамли қарор.

Илмонийлик борасида.

Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, набийларнинг сўнггиси, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг барча аҳллари ва саҳобаларига салавот-у салом бўлсин.

Аммо баъд: дарҳақиқат, Исломий Конференция Ташкилотига қарашли Ҳалқаро Ислом фиқҳи академияси Баҳрайн мамлакати,

Манама шаҳрида ҳижрий 25 – 30 Ражаб, 1419 йилда, (мелодий 14 – 19 ноябрь, 1998 йилда) ўтказилган ўзининг ўн биринчи конференциясидаги йиғилишида академияга “Илмонийлик” мавзуси ҳақида тақдим қилинган баҳсларни кўздан кечириб чиққани, шунингдек, ушбу мавзунинг Ислом уммати учун хатарли эканлигига назарларни қаратган мунoқашалар асосида қуйидагиларга қарор қилди:

Биринчидан: дарҳақиқат, илмонийлик (у дин ва ҳаёт орасини ажратишдир) черковнинг зулмкор қилмишларига қаршилик сифатида (Европада) пайдо бўлгандир.

Иккинчидан: илмонийлик Ислом диёрларида колониализм қуввати, унинг ёрдамчилари ва шарқшунослик таъсири сабабидан тарқалгандир. Натижада бу нарса Ислом умматида парчаланишга, саҳиҳ ақийда борасида шубҳага тушишга, умматимизнинг соф тарихи булғаланишга, авлодга ақл ва шаръий насслар орасида зиддият бордек қилиб кўрсатилишга олиб келди. ***Шунингдек, (илмонийлик) порлоқ шариат ўрнини ўйлаб топилган низомлар эгаллашини, ибоҳийликнинг (ҳаромларни мубоҳ санашнинг) ривожлантирилишини****, ахлоқлар пастлашини ва олий қадриятлар таназзулини таъминлаб берди.*

Учинчидан: илмонийлик ортидан юртларимизга қарши уруш очган миллатчилик, социализм, сионизм, масонлик ва бошқа турли номлар ила аксар бузғунчи фикрлар келиб чиқгандир. Ушбу уруш уммат бойликлари зое бўлиши, иқтисодий ҳолатлар ортга қайтишига сабаб бўлди ва Фаластин, Қудс каби баъзи

ерларимизнинг босиб олинишига ёрдам берди. Бу ҳолат (илмонийлик) ушбу умматга ҳеч қандай яхшилик келтирмаган эканига далолат қилади.

Тўртинчидан: дарҳақиқат, илмонийлик ўйлаб топилган низом бўлиб, динсизлик асосига қоим бўлади, у Исломни ўзининг умумий ва тафсилий жиҳатлари ила бузади. Бу тушунча бутунжаҳон сионизми, ибоҳийлик (ҳаромларни мубоҳ санаш) ва яксон қилиб ташлаш чақириқлари билан бир йўлдадир. Шунинг учун бу Аллоҳ, Унинг Росули ва мўминлар рад қиладиган ҳудосиз йўналишдир.

Бешинчидан: аниқки, Ислом дин ва давлат, комил ҳаёт йўлидир. (Ислом) ҳар бир замон ва маконга ярашимли диндир. (Ислом) динни ҳаётдан ажратишни тан олмайди, сиёсатда бўлсин ёки иқтисодда бўлсин ёки жамиятда бўлсин ёки тарбияда бўлсин ёки медия соҳасида бўлсин ёки бошқа соҳаларда бўлсин Ислом жамики ҳукмлар ундан содир бўлишини, амалий ҳаёт Ислом ранги ила бўялишини вожиб қилади.

Тавсиялар:

Академия қуйидагиларни тавсия қилади:

А. Мусулмонларнинг иш бошилари илмонийликнинг услубларини мусулмонлар ва уларнинг юртларидан тўсишлари, уларни бу нарсадан асраш учун тадбирлар қилишлари лозимдир.

Б. Уламолар илмонийликни очиб бериш ва ундан эҳтиёт бўлишга даъват қилишдаги ҳаракатларини кенг ёйишлари лозимдир.

В. Мадрасалар, университетлар, илмий изланиш марказлари, маълумот тарқатиш ўринлари бир йўсинда, бир тарбиявий суратда фаолият олиб боришлари, масжидлар аслида бажариши лозим бўлган ишларни қайта йўлга қўйишга эҳтимом қилиш зарурлиги, хутба, ваъз-насиҳат ва иршод ишларига эътибор қаратиш, бу ишларни бажарувчиларни давр талабларига жавоб берувчи суратда етиштириш, шубҳаларга раддиялар бериш ва порлоқ шариятнинг мақсадларини сақлаш учун Исломий, кенг қамровли, тарбиявий дастур қабул қилиш.

Аллоҳ набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг аҳллари ва саҳобаларига салавот-у саломлар йўлласин" (Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академиясининг ўн биринчи даврасига. 3-жуз, 465 – 466 бетлар).

Динни давлатдан ажратишнинг разолати ва унинг ҳукми Мусулмон уламолари Робитаси тарафидан ҳам баён қилингандир. Ислом зиддига бўлган турли геосиёсий жараёнлар оқибатида мелодий 2020 йил Судан ҳукумати бошқарувда Ислом ҳукмронлигини давлат сиёсатидан ажратишни расман тасдиқлаши ортидан Робита қуйидаги баённи эълон қилган:

"*Мусулмон уламолари Робитасининг баёни.*

145 – рақамли баён.

Пайшанба, 17 Шаъбон, 1442 ҳижрий (2020 мелодий) йил.

Мусулмон уламоларининг Судан ҳукуматининг давлатни диндан ажратгани борасидаги баёни.

*“**Жоҳилият ҳукмини истайдиларми!? Чуқур инонган қавм учун Аллоҳдан кўра ҳукм жиҳатидан яхшироқ ким ҳам бор!?**” (Моида 50-оят) – деб марҳамат қилувчи Аллоҳга ҳамд бўлсин. “**Дарҳақиқат Аллоҳдир ал-Ҳакам ва ҳукм Уникидир**”, (Абу Довуд ривояти) – деб айтувчи Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот-у салом бўлсин.*

Аммо баъд: дарҳақиқат, бугунги кунда олдинги даврлардан кўра қувватлироқ ва шиддатлироқ суратда ривожлантирилаётган нарсалардан бири бу илмонийлик асосидир. Ҳатто, ҳолат бу нарсани одамларга қувват ила мажбурий қилиб қўйиш даражасига етди. Шу қабилдаги охириги ишлардан бири Судан ҳукуматининг Судан давлатининг илмоний эканини, диний ишлардан ажралган эканини, эътиқод эркинликларини кафолатлашини, давлатда ҳеч қандай дин юртнинг расмий дини бўлмаслиги очиқчасига айтилган асосларни эълон қилишга иттифоқ қилинган эканига расман имзо чекиши бўлди.

Судандаги мусулмонлар ўзлигига таҳдид солувчи ушбу ўзгариш ва шубҳали шошқалоқлик муқобилида уммат уламолари Аллоҳга ўз узрларини изҳор қилиш ва халқни огоҳлантириш мақсадида бир неча масалаларнинг баёни ила юзланмоқдалар:

*Биринчидан: Ислом шариятига илм ва амал жиҳатидан таслим бўлиш ва бўйинсуниш, бошқа низом ва қонунчиликларни Аллоҳнинг ва У зотнинг Росулининг каломидан олдинга қўймаслик диннинг энг буюк очиқ-ойдин кўрсатмаларидан ва иймоннинг асосларидан биридир. Аллоҳ айтади: "****Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ ва Росулидан олдинга ўтиб кетманглар. Аллоҳга тақво қилинглар. Дарҳақиқат, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва ўта билгувчидир****" (Ҳужурот сураси 1-оят). Шариятнинг устувор эканлиги, унинг ҳукм эгаси эканлиги, уни барча нарсадан аввал қўйилиши, уни сўз ва амал жиҳатидан бирорта шартсиз, бирорта истисносиз қабул қилиниши иймон қоидаси ва аслидир. Бу борада Аллоҳ айтган: "****Роббингизга қасамки (эй Муҳаммад!), ораларида содир бўлган нарсада сизни ҳукм қилувчи қилмагунларича, сўнгра ўзларида сиз ҳукм қилган нарса борасида ҳараж топмагунларича ва тамоман таслим бўлмагунларича иймон келтирмаган бўладилар****" (Нисо сураси 65-оят).*

*Иккинчидан: аниқки, одамларнинг дунёсини қоим қилиш уларнинг динини қоим қилишга тобеъдир. Бас, одамларнинг дунёсини қоим қилиш сабабидан ҳоким уларнинг динини қурбон қилиши жоиз эмас. Аллоҳ жин ва инсон тоифасини яратишидан мақсад бу Унга ибодат қилиниши ва дини қоим қилинишидир. У зот айтган: "****Жин ва инсон тоифасини фақат Менга ибодат қилишлари учун яратдим****" (Зорият сураси 56-оят).*

Илмонийлик асосини қабул қилиш ва Исломни, унинг қонунларини, ҳукмларини четлатишга биноан қилинган ҳар

қандай келишувнинг ҳақиқати Аллоҳнинг душманларига бўйинсуниш ва Аллоҳга қарши уруш қилишдир. Ким бу нарсага рози бўлса, бас унинг амали ҳабата бўлади ва у охиратда бадбахтлардандир. Гарчи намоз ўқиса ҳам, рўза тутса ҳам ва ўзини мусулмон эканлигини даъво қилса ҳам, бу кимсага Исломда ҳеч қандай насиба йўқдир. *Аллоҳ айтган: "****Куфр келтирганларга ҳалокат бўлсин ва (Аллоҳ) уларнинг амалларини залолатга кетказди. Бунинг сабаби улар Аллоҳ нозил қилган нарсани ёқтирмадилар, бас, (У зот уларнинг) амалларини ҳабата қилди****" (Муҳаммад сураси 8 – 9 оятлар). Аллоҳ айтган: "****Уларга ҳидоят баён бўлгач, ортларига қайтиб кетганларга шайтон зийнатлади ва умидлантирди. Бунинг сабаби улар Аллоҳ нозил қилган нарсани кариҳ кўрганларга: "Сизларга баъзи ишларда итоат қиламиз", – деб айтганларидир. Аллоҳ эса уларнинг сирларини билади. Фаришталар уларнинг юзлари ва ортларига урган ҳолларида жонларини олаётганларида уларнинг аҳволлари не бўлур!? Бунинг сабаби улар Аллоҳнинг ғазабини келтирган нарсага эргашганлари, У зотнинг розилигини ёқтирмаганлари бўлиб, бас, уларнинг амалларини ҳабата қилди****" (Муҳаммад сураси 25 – 28 оятлар).*

Илмонийлик даъватчилари Аллоҳ Ўз Росули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилганини ёқтирмас эканлар, уларга "Сизларга баъзи ишларда итоат қиламиз", – деган ҳар бир кимса оятдаги таҳдид остига дохил бўлади. Бас, "Сизларга баъзи ишларда итоат қиламиз" – деб айтганлар сирасига киришдан жуда ва жуда ҳазир бўлиш лозимдир.

*Марҳум Азҳар шайхи Муҳаммад ал-Ходир Ҳусайн раҳимаҳуллоҳ айтади: “***Динни сиёсатдан ажратиш бу дин ҳақиқатларининг аксарини бузиб ташлаш бўлиб, бу ишга мусулмонлар фақат мусулмон бўлмай қолганларидан сўнггина қўл урадилар***”.*

Учинчидан: Европада содир бўлган дин ва черковга қарши ҳаддан ошишнинг бошланиши, сўнгра ривожланиб илмонийликка айланишининг муайян сабаблари бор эди; қонунлари ва ҳукмларида ўзгартирилган диндаги бу ўзгартириш черков кишиларини муқаддаслаштириш ва уларга мутлоқ ҳукмронликни топшириш ила устунликни эгаллаб олишни келтириб чиқарди. Мана шу (зикр қилинган) сабаб Ислом динида ёки Аллоҳнинг шариятида ёки Аллоҳнинг Китобида ёки Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида мавжуд эмас.

*Аллоҳнинг ҳақ дини бўлмиш Ислом ва ўзгартирилган дин бўлмиш насронийлик орасида шунчалар узоқ масофа бор бўлсада, ушбу ифлос фикр ўзининг сарқитлари ила Ислом юртларига кўчиб ўтгани, Европада ўзгартирилган ва зулмкор насронийлик устидан ҳукм сурганидек Ислом дини устидан ҳукм суриши, Исломга, унинг шиорлари ва ҳукмларига уруш эълон қилиниши замонанинг салбий маънодаги ажоиботларидандир. Ҳатто, бунинг натижасида Ислом илдамлаш эмас, тўсиқ деб, фақирлик, кераксизлик, уруш ва тартибсизлик сабабчиси деб эътибор қилинди. Ҳатто, мусулмонлар ўз динларини ташлашларини, ундан халос бўлишларини умид қилган ҳолда Исломни ваҳшийлик ва террор дини деб тош отишмоқда. Аммо, бу тамоман асоссиздир; “***Улар Аллоҳнинг***

***нурини оғизлари билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Ўз нурини мукаммал қилишни ирода қилади*”** *(Тавба сураси 32-оят). Шунга биноан илмонийликдан халос бўлиш лозимдир.*

Сўзимиз охирида ушбу баённи икки насиҳат ила якунлаймиз:

*Биринчи: Судандаги ўтиш ҳукумати мажлисига юзланиб ўзларини тафтиш қилишларини, қадам қўяётган келишувларига, хоссатан Судан давлати илмонийлигини мустаҳкамловчи асосларни эълон қилиш келишуви деб номланган нарсанинг оқибатларига назар солишларини, улар ушбу келишув ила жоҳилият ҳукмини ихтиёр қилган эканликларини ва уни Аллоҳнинг ҳукмидан устунроқ кўрган эканликларини билишларини холис насиҳат қиламиз. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло айтади: “**Жоҳилият ҳукмини ҳоҳлайдиларми!? Чуқур инонган қавм учун Аллоҳданда яхшироқ ҳукм қилувчи бормиди!?**” (Моида сураси 50-оят).*

Ислом бу шериги йўқ якка Аллоҳнинг Ўзига буткул таслим бўлиш, бўйинсуниш, хузуъ ва тоатда бўлиш динидир. Мана шу нарса Судан халқининг ғолибида мавжуд бўлиб, улар халқнинг асосий қисмидир. Улардан қолганлар жуда озчиликдир. Суданнинг мусулмон аҳолиси илмонийликни барча суратлари, ҳатто унинг сабаблари ва воситаларини ҳам рад қилади. Шунга биноан илмонийликнинг: “Ҳукмдор учун унга тегишли нарсани ўзига қўйиб бер, Аллоҳга Ўзига тегишли нарсани Ўзига қўйиб бер” (яъни, ҳукмдор ишига Аллоҳ динининг ҳукмлари аралашмасин, ҳукмдор бошқарувда мустақил бўлсин. Давлат бошқарувидан ташқари бўлган диний ҳукмларга эса

ҳукмдор аралашмасин) деган асоси халқнинг ўзлиги “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” калимаси бўлган юртда буткул рад қилингандир.

Ўтиш ҳукумати мажлиси илмонийликнинг хатарли оқибатлари бор эканлигини билсин. Илмонийлик жамиятлардаги тинчлик ва омонлик учун энг катта ва энг хатарли таҳдиддир. Одамлар орасида ҳосил бўлувчи келишмовчилик, жанжаллар, хавф ва ёмонликнинг сабаби Аллоҳ ҳаром қилган фаҳш, мункарлар, ҳаддан ошиш ва зулмни илмонийлик даъвоси ила ҳалол қилишдир. Жамиятлар қулаши ва маданиятлар таназзулга юз тутиши фақатгина фаҳш ишлар, мункарлар, ҳаддан ошиш ва зулм зоҳир бўлиши билан амалга ошади.

*Иккинчи: Судандаги барча ақл эгаларига; уламоларга, хабар тарқатувчиларга, мутафаккир ва сиёсатчиларга илмонийлик ва динни давлатдан ажратишга алоқадор барча (келишув) бандларини амалдан қолдириш учун бир саф бўлиб туришни насиҳат қиламиз. “**Буни қилмасангиз ерда фитна ва катта фасод бўлади**” (Анфол сураси 73-оят). Ушбу катта ёмонликка нисбатан енгил қараш, унга қарши курашишни тарк қилиш юртлар ва бандалар омонлигини бузишга, Суданни тақсимлаш учун имконият келтириб чиқаришга олиб келиши мумкин бўлган шиддатли тартибсизликларга дучор қилади. Биз Суданнинг Исломий ўзлиги, тинчлиги, ерларининг бирлигини муҳофаза қилиш вожиб эканлигини таъкидлаймиз.*

Аллоҳ Судан ва унинг аҳлини зоҳир ва ботинда бўлган залолатга кеткизувчи фитналардан Ўз ҳифзида сақласин!

Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Ушбу баёнга имзо чекувчи уламолардан иборат ҳайъат ва робиталар:

1. Мусулмон уламолари робитаси.

2. Либия уламолари ҳайъати.

3. Араб мағриби уламолари робитаси.

4. Эритрея уламолари робитаси.

5. Фаластин уламолари ҳайъати.

6. Ироқдаги Аҳли сунна уламолари робитаси.

7. Фаластин даъватчилари йиғини.

8. Ливандаги Қудс ва Фаластинга нусрат бериш доимий ҳайъати.

9. Ливандаги Фаластин уламолари робитаси.

10. Сурий уламолар робитаси.

11. Сенегалдаги Исломий бирлашма.

12. Фаластин уламолари йиғини.

13. Лубнон уламолари ҳайъати.

14. Аҳли сунна уламолари робитаси” (Масдар “Мусулмон уламолари Робитаси”нинг интернетдаги расмий саҳифаси: https://www.muslimsc.com/index.php/bayanat/3189-2021-03-30-14-01-

10. Баённи ушбу саҳифадан ҳам кўриш мумкин: https://www.msf-online.com/%D8%A8%D9%8A%D8%A7%D9%86-%D8%B9%D9%84%D9%85%D8%A7%D8%A1-%D8%A7%D9%84%D9%85%D8%B3%D9%84%D9%85%D9%8A%D9%86-%D9%81%D9%8A-%D9%81%D8%B5%D9%84-%D8%AD%D9%83%D9%88%D9%85%D8%A9-%D8%A7%D9%84%D8%B3%D9%88%D8%AF/).

Замонанинг энг кўзга кўринган инсонларидан бири, Азҳар шайхи доктор Юсуф ал-Қаразовий динни давлатдан ажратиш ҳақида қуйидагиларни айтган: “*Илмонийликнинг Ислом таълимотларига очиқчасига ва қувват ила қарши турувчи жиҳатига келадиган бўлсак, бу шариат жиҳатидир. Мен назарда тутаётган нарса Исломдаги ҳукм чиқарувчи ёки қонунчилик жиҳатидир.*

Баъзи илмоний инсонлар (ўз йўлида) юмшоқлик қилади ва уйланиш, талоқ, мерос ва шу каби оилавий масалаларга алоқадор ёки “аҳволу-ш-шахсия” деб номланувчи масалаларга боғлиқ қонун чиқаришни Исломга қўйиб беришади. Улар бу ишларини диний ҳуррият ёки инсон шахси дахлсизлиги эътиборидан қиладилар. Улар бу ишларини қилаётганларида, қилиқларини Исломга яхшилик қилиш деб ҳисоблайдилар”. Сўнгра у киши давлат расмий ҳужжатларида “дунёвийлик” деб номланувчи илмонийлик ҳақида: “*Илмонийлик: “Қонунчилик фақат жамиятга тегишли ҳақ, Ислом эса ҳукм қилишга, қонун чиқаришга, ҳалол қилиш ва ҳаром қилишга ҳаққи йўқ” – деб кўради. Яъни, бу нарса мутлоқ суратдаги қонун чиқаришни*

яратувчи Аллоҳдан ўғирлаб олиб, яратилмиш инсонга беради”, – деб айтган (ал-Ислам ва-л-илманийя важҳан ли важҳ. 106-бет).

Ўзбекистон ва Туркия президентлари татбиқ қилаётган дунёвийлик ал-Қаразовий юқорида айтган енгил илмонийлик ҳисобланмайди. Зеро, Ўзбекистонда ҳам, Турикяда ҳам қонунчилик “Аллоҳ буюргани учун”, “Ислом кўрсатмаси ўлароқ” каби асосга суянилган ҳолда жорий қилинмаган. Ҳатто оила ишларига оид қонунлар ҳам шарият ҳукмлари асосида жорий қилинмаган. Баъзи масалаларда дунёвий ҳукмлар билан диний ҳукмлар расмий равишда мақсад қилинмаган ҳолда мувофиқ келиб қолиши илмонийликни асло ман қилмайди. Зеро, қонун чиқаришдаги асос динни қонунчиликдан ажратиш ва халқлар ҳаётини диний эмас, дунёвий қонунчилик ила тартибга солиш.

Ал-Қаразовий танқид қилаётган мафкурани, унинг ўзи ва бошқа Ислом уламолари куфр деб айтадилар. Жумладан замонанинг энг машҳур олимларидан бири деб ҳисобланувчи доктор Муҳаммад Саъийд Рамазон ал-Бутий илмонийлик ҳақиқатини баён қила туриб, унга қуйидагича ҳукм берган: “***Давлат сифатида Исломни қонунчилик ва тузум сифатида истамаслик қароримизни ихтиёрий равишда қабул қиламан” – деса, ундай ҳолда, аниқки, биз бу давлатнинг куфрга тушганига ҳукм қилган бўламиз***” (منابر الشام الجريحة youtube канали, 2:23 дақиқадан бошлаб. https://youtu.be/ETzc8x87jjs).

Ўзбекистон ва Туркия конституцияси ва қонунларида Рамазон ал-Бутий айтган маънога урғу берилган. Яъни, иккала давлат ҳар қандай динни, жумладан Ислом динини ҳукмрон тузум ва қонунчилик асоси сифатида жорий бўлишини рад қилади. Иккала давлат рахбарлари ва мансабдорлари диний бошқарувдан холий бўлган сиёсий-ҳуқуқий давлат ҳоҳлашларини изҳор қиладилар.

Мелодий 1919 йилда Усмонли давлатида "Шайху-л-Ислом" (Бош қози) мақомига таъйин қилинган олим Мустафо Собри юқоридаги маънони таъкидлаган ҳолда қуйидагиларни ёзган: "*Мана биз бу масалани келтирдик, чунки динни сиёсатдан ажратиш деган гапнинг маъноси умматнинг дин тутишида ҳукумат дин тутмаслиги учун кифоялик ва беҳожатлик бордир деган иддао ила ҳукумат динни лозим тутмаслигини даъво қилишдир. Ҳукумат динни лозим тутмаслигининг маъноси эса бирорта диннинг ҳукумат узра бошқаруви бўлмаслиги ва амалларининг назорати бўлмаслигидир. Ваҳоланки, ҳукуматнинг уммат узра бошқаруви ва амалларининг назорати бордир. Лекин, биз дин билан сиёсатни бир-биридан ажратиш жоиз эмас деб айтар эканмиз, ушбу (динни сиёсатдан) ажратиш аслида динни умматдан ажратишга тенг, ҳатто ундан ҳам зарари каттароқ ва оқибати оғирроқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, ҳукумат умматга таъсир ўтказа олади, уммат эса, токи ҳукуматга бўйинсунар экан, унга ўз таъсирини ўтказа олмайди*" (Мавқифу-л-ақл ва-л-илм ва-л-олам мин Робби-л-оламийн ва мин ъибадиҳи-л-мурсалийн. 4-жуз, 291-бет).

У киши динни давлатдан ажратиш ҳақиқатини тафсилотлари билан очиб берар экан, бу мафкуранинг Исломдаги ҳукми борасида ҳам ёзган. Ҳукуматнинг динни сиёсатдан ажратиб қўйишининг асл маъноси ҳақида сўз юритганида қулатилган Усмонли давлатининг собиқ Шайху-л-Исломи қуйидагиларни айтган: "***Аввалдан қисқача қилиб айтаманки, бу нарсанинг (дунёвийликнинг) маъноси мусулмонлар ҳукуматининг Ислом доирасидан ва уммат узра назорат қилишдан чиқишидир.*** *Шунингдек, Исломга қарши чиқувчи ҳукуматни ўзига ҳукумат сифатида ихтиёр қилиши ила, айниқса, ҳукумат умматга топширилган парламентга суянган бўлса, умматнинг ҳам Ислом доирасидан чиқишидир.* ***Ушбу ҳукуматларда бу каби ажратиб қўйиш ҳукумат ва уммат даражасида муртадлик эълон қилиш кабидир.*** *Агар умматдаги якка шахсларда ёки тўғрироғи умматнинг баъзи қисмида ўз авлоди тугаб йўқ бўлгунича динда яшаб ўтадиган инсон бўлса, у (динни сиёсатдан) ажратишдан аввал яшагани каби ўша ҳукумат ҳукми остида яшайди, у инсон ҳукумат узра ҳукм қилувчи бўлиб яшамайди.* ***Шунинг бир ўзи (динни сиёсатдан) ажратиш, айниқса Исломни ҳукм қилиш тахтидан тушириб қўйиш мусулмонларнинг ўз қўллари ила бажарилганда, куфр бўлишига кифоя қилади. Зеро, Ислом фақат олий бўлади, унинг устидан олий бўлинмайди***" (Мавқифу-л-ақл ва-л-илм ва-л-олам мин Робби-л-оламийн ва мин ъибадиҳи-л-мурсалийн. 1-жуз, 162 – 163 бетлар).

Мустафо Собрининг юқоридаги сўзларини ўша даврдаги Отатурк йўлга қўйган дунёвийликнинг қўпол суратига раддия бўлади холос, иқтибосдаги танқид бугунги кундаги Ўзбекистон ва

Туркия рахбариятига тўғри келмайди, – деб тушуниш хатодир. Зеро, у кишининг “*динни сиёсатдан ажратиш деган гапнинг маъноси умматнинг дин тутишида ҳукумат дин тутмаслиги учун кифоялик ва беҳожатлик бордир деган иддао ила ҳукумат динни лозим тутмаслигини даъво қилишдир. Ҳукумат динни лозим тутмаслигининг маъноси эса бирорта диннинг ҳукумат узра бошқаруви бўлмаслиги ва амалларининг назорати бўлмаслигидир*” деган сўзлари бугунги кундаги Ўзбекистон ва Туркиядаги дунёвий бошқарувга алоқадор эканлиги кўриниб турибди.

Шаръий сиёсат илми бўйича докторлик иши соҳиби, Ироқлик мутахассис Аҳмад Муҳйиддин ас-Солиҳ ўзининг “Мусулмонлар диёрида Исломий ҳукм йўқ бўлган ҳолатдаги шаръий сиёсат” номли китобида илмонийлик ҳақида баён қилган фикрлари эътиборга моликдир: “*Мустамлакачилик ичидан чиқиб келган аксар ҳукм тузумлари илмоний эканликларини Туркия, Тунис ва бошқа давлатларга ўхшаб ўзларининг конституцияларида эълон қиладилар ёки рахбарлари, халқ етакчиларининг тили ила эълон қиладилар ёки ўша диёрда ҳоким бўлган партия бу нарсани ўзининг ички низомида ёки фикрий баёнида эълон қилади. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг ярмидан бошлаб бошқарувни эгаллаган аксар ҳукуматлар миллатчилик ёки социализм ёки либерализм фикрлари эгаларидир. Уларнинг барчалари ўз илмонийликларини очиқчасига эълон қиладилар ва давлатларни шу асосга қургандирлар...* ***Маълумки, илмонийлик динни давлатдан ажратиш деганидир. Яъни, омма ишлари ва давлат сиёсати динга ёки Ислом шариятига бўйинсунмайди. Шунинг ўзи Аллоҳ нозил қилган ҳукмни била***

туриб инкор қилиш ёки (уни тарк қилишни) ҳалол санаш деб эътибор қилишга кифоядир” (ас-Сияса аш-шаръия ҳалата ғияби ҳукмин Исламийййин ъан дияри-л-муслимийн. Докторлик рисоласи. 178-бет).

Муаллифнинг “*Маълумки, илмонийлик динни давлатдан ажратиш деганидир. Яъни, омма ишлари ва давлат сиёсати динга ёки Ислом шариятига бўйинсунмайди. Шунинг ўзи Аллоҳ нозил қилган ҳукмни била туриб инкор қилиш ёки (уни тарк қилишни) ҳалол санаш деб эътибор қилишга кифоядир*” деган сўзларидан кўриниб турибдики, ушбу мафкура эгаси куфр эътиқодда бўлади. Зеро, Ислом фуқаҳолари наздида Аллоҳнинг ҳукмини инкор қилиш ёки ҳаром бўлган нарсани жоиз деб билиш, куфрга тушишнинг шартлари мужассам ва ман қилувчилари йўқ бўлганида, ўз эгасини катта куфрга тушуради.

Юсуф ал-Қаразовий ўзининг “Такфирда ғулувга кетиш масаласи” китобида очиқ куфрга тушган тоифаларни бирма-бир айта туриб, улар орасида илмонийларни ҳам қуйидаги суратда зикр қилган: “*Илмоний рахбарлар ва илмоний партия кишилари шариятни очиқчасига рад қиладилар. Давлат диндан ажратилиши шарт деб нидо қиладилар. Улар Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмларига чақирилганларида юз ўгирадилар ва бундан ўзларини тўсадилар. Бундан ҳам ёмонроғи улар Аллоҳнинг шариятини ҳукм қилувчи бўлишига, Исломга қайтишга чақирувчиларга қарши қаттиқ кураш олиб борадилар*” (Зоҳироту-л-ғулувви фи-т-такфийр. 25-бет).

Динни давлатдан ажратишни тўғри сиёсий йўл деб эълон қиладиган Ўзбекистон ва Туркия ҳукуматлари ал-Қаразовий айтганидек “*Давлат диндан ажратилиши шарт деб нидо қиладилар*”.

Шу жойгача Исломий ташкилотлар ва анъанавий манҳаждаги уламолардан динни давлатдан ажратиш ҳақиқати ва унинг Исломдаги ҳукми борасида нақллар келтирилди.

“*Ўзбекистон ва Туркияда оғир илмонийлик эмас, мўътадил дунёвийлик ёки “маданийлик” тамойили татбиқ қилинади. Бу мафкура куфр ҳисобланмайди*”, – деб айтган киши мавзуни яхши тушунмаган бўлади ёки эълон қилинган расмий ҳужжатлар ва ҳақиқий воқеъликдан бехабар бўлади. Биз дунёвийлик деганда динни давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа соҳалардан ажратишни назарда тутмоқдамиз. Динни давлатдан ажратиш қайси давлатда бор экан, у давлат ёки ўша жараён қандай ном билан номланишининг катта аҳамияти йўқ. Токи Ислом дини давлатга алоқадор ишлардан ажаратилар экан бу амалиёт очиқ-ойдин куфр бўлиб қолади. Гарчи уни дунёвийлик ёки маданийлик номлари билан эмас, диний ном билан номласа ҳам.

Сиёсат илми мутахассислари ўз илмий ишларида дунёвийликни асосан иккига бўлишади. Ушбу икки турни: “кескин дунёвийлик” ва “мўътадил дунёвийлик” деб номлаш ўринли бўлади деган фикрдамиз.

Кескин дунёвийлик ҳар қандай динга қарши бўлади. Ушбу мафкурада дин нафақат сиёсат, қонунчилик ва давлат бошқарадиган соҳалардан ажратилади, балки, ортга тортувчи қолоқлик ва бошқа салбий баҳоналар ила якка шахслар эътиқоди ва амалидан ҳам ажратишга уринилади. Дунёвийликнинг ушбу тури Совет иттифоқи тарафидан ўзига хос кўринишда татбиқ қилинган.

Мўътадил дунёвийлик, конституция ва қонунларга зид бўлмас экан, бирорта динга қарши бўлмайди. Исталган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқий эркинлик деб баҳоланади. Ушбу мафкурада ҳар қандай дин, жумладан Ислом дини сиёсат, қонунчилик, унинг ижроси ва давлатга оид бошқа соҳалардан ажратиб қўйилиши конституция ва бошқа қонунлар ила белгилаб қўйилади. Ўзбекистон ва Туркияда “мўътадил дунёвийлик” татбиқ қилинади.

ИККИНЧИ ҚИСМ: ИСЛОМ ҲУКМЛАРИ ИНСОН ҲАЁТИНИ ТЎЛИҚ СУРАТДА ҚАМРАБ ОЛГАН ЭКАНЛИГИ, МИРЗИЁЕВ ВА ЭРДОҒАННИНГ ИЛМОНИЙЛИК БОРАСИДАГИ МАФКУРАСИ ВА БОШҚАРУВДА ИСЛОМ ДИНИ ҲУКМРОН БЎЛИШИ ФАРЗЛИГИ ДИНДА ЗАРУРАТАН МАЪЛУМ БЎЛГАН ҲАҚИҚАТ ЭКАНЛИГИНИНГ БАЁНИ

Борлиққа иймон ва чуқур тафаккур ила назар солинса, ундаги бирорта нарсани Аллоҳсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамики моддий ва руҳий оламлар, ҳар қандай даражадаги ўзгариш ва жараёнлар Аллоҳнинг мутлоқ суратда қамровчи эгалиги, илми, иродаси, вужудга келтириши, тасарруф қилиши ила тасаввур қилинади холос. Аллоҳ Ўз Китобида қуйидагича марҳамат қилган:

إِنَّ اللَّهَ يُمْسِكُ السَّماواتِ وَالْأَرْضَ أَنْ تَزُولا وَلَئِنْ زالَتا إِنْ أَمْسَكَهُما مِنْ أَحَدٍ مِنْ بَعْدِهِ إِنَّهُ كانَ حَلِيماً غَفُوراً

"**Аниқки, Аллоҳ осмонлар ва ерни зоил бўлишдан сақлаб ушлаб туради. Агар иккови зоил бўлса, У Зотдан сўнг у икковини ҳеч ким ушлаб тура олмас. Дарҳақиқат, У зот ўта ҳалим ва ўта мағфиратлидир**" (Фотир сураси 41-оят).

Бутун борлиқ чин маънода Аллоҳники ва бутун борлиқ чин маънода Аллоҳ учундир. Инсон ҳаёти ҳам шундай бўлиши шарт. Ушбу ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси чин маънода Аллоҳга тегишлидир:

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، لَا شَرِيكَ لَهُ وَبِذَٰلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ

"**Айтинг (Эй Муҳаммад!): намозим, атаб жонлиқ сўйишим, ҳаётим-у мамотим оламларнинг Роббиси Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқдир, шунга буюрилганман ва мен таслим бўлувчиларнинг энг аввалгисиман**" (Аъроф сураси 162 – 163 оятлар).

Икки оятда айтилган ҳақиқатни тан олган киши учун ҳаётнинг ҳар бир соҳаси Аллоҳ тарафидан белгилаб берилган эканлиги очиқ-ойдиндир. Борлиқда ҳар қандай нарсанинг баҳоси, нима яхши-ю нима ёмон, фақат Аллоҳдан олиниши, жамики моддий ва маънавий ҳаракот-у саканотлар фақат Аллоҳ учун бўлиши шартдир. Жумладан инсон ҳаётининг энг асосий жиҳатларидан бири бўлмиш буюриш ёки қайтариш, тўғри деб белгилаш ёки нотўғри деб белгилаш масаласи фақат Аллоҳдан олиниши фарздир. Бир сўз билан айтганда борлиқ буткул равишда Аллоҳники бўлар экан, У зотга тамомий суратда бўйинсунган ва итоат қилган экан, мукаллаф бандалар ҳам буткул равишда Аллоҳникидир, улар Роббиларига тамомий суратда бўйинсунишлари ва итоат қилишлари – биргина ҳақ йўлдир.

Ислом шарияти ҳукмлари инсон ҳаётида, жумладан давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа барча тегишли соҳаларда қоим қилиниши фарз эканлиги Ислом асоси ва динда заруратан маълум масаладир. Ушбу мавзуни батафсил баён қилишдан аввал Ислом дини ҳукм бериш жиҳатидан инсон ҳаётининг жамики соҳаларини қамраб олгани ҳақида, Аллоҳнинг изни ила, сўз юритамиз.

ИСЛОМ ДИНИ ҲУКМ БЕРИШ ЖИҲАТИДАН БОРЛИҚНИ ҚАМРАГАН ЭКАНЛИГИ

Ислом аҳкомлари мукаммал қонун-қоидалар бўлиб, бошқа ҳеч қайси дин ёки мафкурада бу даражадаги кўрсатмалар тўплами мавжуд эмасдир. Динимизда ҳеч қачон ўзгармайдиган асл-асос

ҳукмлар, қонун-қоидалар ва вазият тақозоси сабабидан ўзгариб турадиган ҳукмлар бордир. Бошқа дин ва мафкураларда ҳам шундай кўрсатмалар тўпламлари бор. Лекин улар борлиқ Эгаси тарафидан туширилмагани учун шак-шубҳасиз нуқсонлидир, шак-шубҳасиз залолатдир ва шак-шубҳасиз Аллоҳнинг ғазабига етакловчидир.

Бирор шахс ёки тоифанинг инсонлар ҳаётини бошқариши учун қабул қилган ҳукмлари, қонун-қоидалари барча замонга, барча маконга, барча шахсларга ва барча масалаларга мукаммал суратда тўғри келавермаслиги ўша ҳукм ва қонунларнинг негизида нуқсон бор эканлигини тақозо қилади. Шунингдек, ўша ҳукмлар негизидаги ўша нуқсон уларнинг эгасида нуқсон борлигини тақозо қилади. Биз мусулмонлар Роббимиз Аллоҳ таолони жамики олий ва мукаммал сифатлар эгаси эканлигига, барча нуқсонлардан пок эканлигига ва эгалик жиҳатидан барча нарсани қамраган эканлигига чуқур иймон келтирамиз. Бизнинг ушбу эътиқодимиз У зотнинг бизлар учун мажбурий қилиб белгилаб қўйган ҳукм ва қонунлари ҳар бир замон, ҳар бир макон, ҳар бир шахс ва ҳар бир мавзуга алоқадор эканлигига, ўша қонунлар икки дунё бахтига эришиш йўлидаги энг адолатли ва биргина тўғри йўл эканлигига иймон келтиришимизни келтириб чиқаради. Бу ҳақиқатга иймон келтиришимизнинг далиллари Қуръонда, ҳадисларда, Ислом уламоларининг сўзларида ўз аксини топганидир.

Аллоҳнинг ҳукмлари ва қонунлари жамики замонлар, маконлар, шахслар, масалалар ва ҳолатларни қамраб олганлиги Қуръон, суннат ва Аҳли сунна уламоларининг баёни ила инкор

қилиб бўлмас суратда собит бўлган масала эканлигига далиллар келтирамиз.

وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ

Аллоҳ айтган: "**Сизга (эй Муҳаммад!) Китобни ҳар бир нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун башорат ўларок нозил қилдик**" (Наҳл сураси 89-оят).

Ибн Касийр ўз тафсирида Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан: "*Дарҳақиқат, Аллоҳ бизларга ушбу Қуръонда ҳар қандай илм ва ҳар қандай нарсани баён қилиб берди*", – деб айтган сўзларини ривоят қила туриб: "*Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг сўзлари кенгроқ ва қамровчироқдир. Аниқки, Қуръон аввал ўтган ва келажакда келувчи яхшиликдан иборат барча фойдали илмни, барча ҳалол ва ҳаромнинг ҳукмини, одамлар дин ва дунё, ҳаёт ва охират ишларида муҳтож бўладиган барча нарсаларни ўз ичига олгандир*", – деган. (Тафсиру ибн Касийр. 4-жуз, 594 – 595 бетлар).

Оятдаги "**Китобни ҳар бир нарсани баён қилиб берувчи**" жумласи ва унинг тафсири Ислом ҳукм бериш жиҳатидан борлиқдаги жамики масалаларни қамраганига далилдир.

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ

Аллоҳ таоло: "**Сизни (эй Муҳаммад!) жамики инсонларга башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборгандирмиз. Лекин кўп инсонлар буни билмайдилар**", – деб марҳамат қилган (Сабаъ сураси 28-оят).

Имом Ибн Жарир ат-Тобарий ушбу оятнинг тафсирида: “*Зикри олий бўлмиш Аллоҳ айтганки: “Биз сизни, эй Муҳаммад, фақат қавмингиздан бўлган Аллоҳга мушрик бўлганларга юбориш билан чекланганимиз йўқ. Аксинча, Биз сизни жамики инсонларга росул қилиб юбордик: араблари-ю ажамларига, қизиллари-ю қораларига. Сизга итоат қилганларга яхшилик башоратини берувчи, сизни ёлғончига чиқарганларга ёмонликдан огоҳ қилувчи этиб юбордик. Лекин кўп инсонлар Аллоҳ сизни жамики башариятга росул қилиб юборганини билмайдилар. Биз айтган ушбу сўзни таъвил (тафсир) аҳллари айтгандир*”, – деб ёзган. Сўнгра салафи солиҳларнинг бир нечталаридан бу маънони нақл қилган (Тафсиру-т-Тобарий. 19-жуз, 288-бет).

Оятдаги “**Сизни (эй Муҳаммад!) жамики инсонларга башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборгандирмиз**” жумласи ва унинг тафсири Ислом ҳукм бериш жиҳатидан борлиқдаги жамики шахсларни қамраганига далилдир.

تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا

Бошқа оятда Роббимиз қуйидагиларни айтган: “**Оламларга огоҳ этгувчи бўлиши учун Ўз бандасига Фурқонни (Қуръонни) нозил қилган Зотнинг яхшиликлари жуда кўп бўлди**” (Фурқон сураси 1-оят).

Оятдаги “оламлар” сўзининг маъносини Аҳли сунна ва-л-жамоа муфассирлари Аллоҳдан бошқа барча нарсалар деб айтганлар.

Абу-л-Барокат ан-Насафий ўз тафсирида айтган: “*Оламларга сўзидан мурод инсонлар ва жинлардир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатларининг барча нарсани қамраши у киши соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хусусиятларидан биридир*” (Тафсиру-н-Насафий. 2-жуз, 524-бет).

Оятдаги “**Ўз бандасини оламларга**” ибораси Ислом ҳукм бериш жиҳатидан борлиқдаги жамики маконларни қамраганига далилдир.

مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا

Роббимиз айтган: “**Муҳаммад сизлардан бирор эркакнинг отаси эмас, лекин у Аллоҳнинг Росулидир ва набийларнинг охиргисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир**” (Аҳзоб сураси 40-оят).

Ушбу оятнинг тафсирида Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қуртубий ўзининг “ал-Жомеъ ли аҳками-л-Қуръан” китобида Румманийдан қуйидаги нақлни келтирган: “*Аллоҳ таоло у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам ила ислоҳ қилиш ишини тамомлаган. Кимки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ила ислоҳ бўлмас экан, унинг ислоҳ бўлишидан асло умид йўқдир*” (Тафсиру-л-Қуртубий. 14-жуз, 197-бет).

Оятдаги “**набийларнинг охиргисидир**” ибораси Ислом ҳукми қиёматгача давом этишига, қиёматгача бўладиган нарсаларга, яъни рисолатдан сўнг барча замонларга фақат Набий соллаллоҳу алайҳи

ва салламнинг олиб келган динлари ҳукм бериши лозим эканлигига далилдир.

Ислом нафақат моддий, балки маънавий-руҳий маънода ҳам жамики нарсаларни қамрагандир, барча ҳаракот-у саканотлар Аллоҳгагина ибодат қилиш асосига қурилган бўлиши лозимдир:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

Аллоҳ таоло айтган: “**Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учун яратдим**” (Зарият сураси 56-оят).

Аллоҳ яхши кўрган ва рози бўлган ҳар қандай зоҳирий ва ботиний амални Аллоҳ учун бажариш ибодатдир. Яъни, инсон жамики маконларда, замонларда, ҳар қандай шахсларга нисбатан, ҳар қандай моддий-ташқи ва маънавий-ички масалалар ва ҳолатларда фақат Аллоҳ яхши кўрган ва рози бўлган амалларни бажариши учун Роббиси томонидан яратилгандир. Унинг яратилишидан бошқа мақсад йўқдир ва у абадул-абад бахтли бўлиши учун бундан бошқа йўл топа олмайди. Мана шу ҳақиқат борасида банда Аллоҳга бошқани шерик қилмаслиги фарздир. Бу ҳукм жамики шахсларни қамрагандир.

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سِنَانٍ قَالَ: حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ قَالَ: حَدَّثَنَا سَيَّارٌ ، هُوَ أَبُو الْحَكَمِ ، قَالَ: حَدَّثَنَا يَزِيدُ الْفَقِيرُ قَالَ: حَدَّثَنَا جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أُعْطِيتُ خَمْسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ قَبْلِي : نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ ، وَجُعِلَتْ لِيَ الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهُورًا ، وَأَيُّمَا رَجُلٍ مِنْ أُمَّتِي أَدْرَكَتْهُ الصَّلَاةُ فَلْيُصَلِّ ، وَأُحِلَّتْ لِيَ الْغَنَائِمُ ، وَكَانَ النَّبِيُّ يُبْعَثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً ، وَبُعِثْتُ إِلَى النَّاسِ كَافَّةً ، وَأُعْطِيتُ الشَّفَاعَةَ . رواه البخاري.

Имом ал-Бухорий ўз “Саҳиҳ”ида Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Аввал набий ўз қамига хос қилиб юборилар эди. Мен омматан жамики инсонларга юборилдим**”, – деб айтганлар (Бухорий ривояти, ҳадис № 438).

Ушбу ҳадис Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатмалари жамики шахсларни қамраганига далилдир. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шарият, яъни қонунчилик қиёматгача амалда бўлувчи ҳукмлар тўпламидир. Ушбу ҳақиқатга уммат ижмоъ қилгандир.

حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ ، وَوَكِيعٌ ، عَنِ الْأَعْمَشِ ، (ح) وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى ، وَاللَّفْظُ لَهُ ، أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ ، عَنِ الْأَعْمَشِ ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ ، عَنْ سَلْمَانَ قَالَ : قِيلَ لَهُ : قَدْ عَلَّمَكُمْ نَبِيُّكُمْ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْخِرَاءَةَ ، قَالَ : فَقَالَ : أَجَلْ ، لَقَدْ نَهَانَا أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ لِغَائِطٍ أَوْ بَوْلٍ ، أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْيَمِينِ ، أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِأَقَلَّ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ ، أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيعٍ أَوْ بِعَظْمٍ . رواه مسلم.

Салмони Форсий розияллоҳу анҳуга: “Набиййингиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизларга ҳамма нарсани, ҳатто қазои ҳожат қилишни ҳам билдирган”, – дейилди. Шунда у киши розияллоҳу анҳу: “Ҳа шундай! Бизни катта ёки кичик ҳожатда қиблага қараб юзланишдан, ўнг қўл билан истинжо қилишдан, учтадан кам бўлган тош ила истинжо қилишдан, тезак ёки суяк ила истинжо қилишдан қайтарганлар”, – деб айтди (Муслим ривояти, ҳадис № 262).

Уламолар ушбу ҳадис Ислом шарияти инсон ҳаётидаги жамики масалаларни ўз ичига олганига, ҳар бир ҳолатга кўрсатма берганига далил бўлишини таъкидлашган. Инсон қазои ҳожат ҳолатида ўзини қандай тутишигача айтиб берган дин инсонлар қандай бошқарилиши лозим эканлиги, жамият учун қандай қонунлар чиқариш керак эканлигини, кимнинг ҳукми барча нарсадан устун туриши лозим эканлигини баён қилмаслиги ёки бу ишларнинг асослари-ю муҳим масалаларини белгилашни одамларнинг ўзига топшириб қўйиши мумкин эмас.

حَدَّثَنَا عَبْدُ اللهِ بْنُ مُحَمَّدٍ الْمُسْنَدِيُّ قَالَ: حَدَّثَنَا أَبُو رَوْحٍ الْحَرَمِيُّ بْنُ عُمَارَةَ قَالَ: حَدَّثَنَا شُعْبَةُ ، عَنْ وَاقِدِ بْنِ مُحَمَّدٍ قَالَ: سَمِعْتُ أَبِي يُحَدِّثُ عَنِ ابْنِ عُمَرَ : أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللهِ ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ ، فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّ الْإِسْلَامِ ، وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللهِ . رواه البخار ومسلم.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **Одамлар “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад У зотнинг росулидир”, – деб гувоҳлик бергунлари, намозни қоим қилгунлари ва закотни адо қилгунларига қадар уларга қарши жанг қилишга буюрилдим. Қачонки, улар шуларни бажарсалар мендан қонлари ва мол-мулкларини сақлаб қоладилар. Ислом ҳаққи бундан мустасно. Уларнинг ҳисоблари эса Аллоҳгадир**” (Бухорий ривояти, ҳадис № 25 ва Муслим ривояти, ҳадис № 22).

Ушбу ҳадис ҳам Ислом барча одамлар ва маконларга даъват ўлароқ келганининг тасдиғидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида ва у кишидан сўнг салафлар даврида шарият қоим қилинган. Саҳобалар, тобеъинлар ва уларга эргашган мусулмонлар ер юзида Исломни ёйиш ва татбиқ қилиш билан шуғулланганлар.

Имом аш-Шотибий "**Бугун сизларга динингизни комил қилиб бердим**" (Моида 3 оят) ояти борасида сўз юритганида қуйидагиларни айтган: "*Агар оятдан мурод жамики жузъий масалаларни воқеъликда ҳосил қилиш деб тушунилса (бу ўринсиздир). Зеро, жузъий масалаларнинг ниҳояси йўқдир ва улар чекланмайди. Дарҳақиқат, уламолар буни очиқ айтгандирлар. Бу ўринда мукаммал дин деб айтилишидан мурод чеклаб бўлмайдиган даражада кўп турли масалаларни ўз ичига қамраб олувчи, уммат эҳтиёжи тушувчи умумий қоидалардир*" (ал-Эътисом. 2-жуз, 305-бет).

Ислом уламоларининг асрлар оша ёзилган, ҳозирги кунда ёзилаётган китобларига қаралса, қандай масала бўлмасин, унинг Исломдаги ҳукмини баён қилган эканликлари кўринади. Шу давргача замона тараққиёти қанчалар мураккаб масалаларни Ислом уламолари олдига қўйиган бўлса ҳам, ўша масалаларнинг ҳукмлари оятлар, ҳадислар ва бошқа шаръий далиллар асосида баён қилингандир. Ислом уламолари орасида Қуръон ва суннатга суянган ҳолда ҳатто ҳали ҳаётда вужудга келмаган, аммо вужудга келиши мумкин бўлган масалаларга ҳам жавоб берганлар бор. Бу дўсту-душман тан олган ҳақиқатдир.

Келинг шиддатли тезликда ривожланган ва ривожланаётган ушбу даврни ўз кўзи билан кўрган замондош Ислом олимларининг Ислом ҳукм бериш жиҳатидан жамики нарсаларни қамрагани ҳақидаги сўзлари билан танишиб чиқсак.

Мустафо аз-Зарқо Ислом шариятини ҳаётга татбиқ қилиш мавзусида ўтказилган анжуманда қуйидагиларни айтган: “*Мен сўз юритаётган сарлавҳа бу “Ислом шарияти ҳар қандай замон ва ҳар қандай маконда татбиқ қилиш учун муносиб” мавзусидир. Бу тушунча Ислом ақийдаси лозим тутувчи энг аввалги эътиқодлардан биридир, зотан бу ақийданинг аксига эътиқод қилган ва Ислом шарияти ҳар бир замон ва маконга муносиб бўлмайди (яъни, баъзи замонларга ёки маконларга муносиб келмайди) деб билган киши Ислом чизиғидан чиққан бўлади*”.

Мустафо аз-Зарқо ўз сўзининг давомида Ислом шариятида тан олинган ҳақиқатлардан тўрттасини бирма-бир зикр қилади. Сўнгра қуйидагиларни айтади: “*Ислом ақийдасидаги ушбу тўрт тушунчалар аввало қуйидаги икки натижани шартли равишда тақозо қилади. Ушбу икки натижа Ислом ақийдасининг ажралмас қисмидир:*

Биринчидан: Ислом шариятидаги қонуний низом жамики ҳолатларни мукаммал суратда қамровчи ва ўз ичига олувчидир. Унинг ҳукмлари содир бўлган ва содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодисаларни ўз ичига олади.

Иккинчидан: Ислом ҳукмлари ҳар қандай замон ва маконнинг қонунчилик соҳасидаги жамики эҳтиёжларига тўлиқ жавоб беради. Шунга биноан шариат фуқаҳолари турли ҳолатларда ҳозирги замондами ёки келаси замондами бирор воқеъа содир бўлмасин, албатта Ислом шариятида унинг ҳукми бўлишини, ўша ҳукм оят ёки ҳадисга ёки қиёсга ёки саҳиҳ бўлган бошқа ижтиҳодий далилга суянган бўлишини ва ё вожиб ёки мандуб ёки мубоҳ ёки макруҳ ёки ҳаром ҳукмлари остига киришини таъкидлайдилар" ("Исломий шариятни татбиқ қилиш ва шариятни татбиқ қилиш атрофида тарқатилаётган шубҳалар" мавзусида ўтказилган конференцияда тақдим этилган баҳслар. 223 – 224 бетлар).

Манноъ ал-Қаттон айтади: "*Ислом шарияти бўлимлари орасида мустаҳкам, ўта нафис, ўзаро боғлиқ бўлган мутаносиблик бордир. Ушбу мутаносиблик мусулмон жамият ҳаётини шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлар борасида, яъни қонунчиликнинг барча соҳаларида бир-бирини пухта ушлаб турувчи собит устунлар ва мустаҳкам асослар ила қоим қилади*".

"*Исломдаги сиёсат фиқҳи дастурий (конституцион), идорий (бошқарув тизими), ҳукм чиқариш (суд тизими) ва молиявий ишларни "Султоний ҳукмлар", "Рахбарлик ва Хилофат", "Шаръий сиёсат" ва "Ҳукм қилиш йўллари" мавзуси остидаги турли китобларда комил суратда қамраб олади*".

У киши ўз сўзининг давомида қуйидагиларни айтган: "*Дарҳақиқат, динга эргашиш унга амал қилиш деганидир. Бирор уммат динда келган нарсани одамлар қабул қилган қонунларга*

алмаштирса ёки одамлар тузган бирор йўлга эргашса, у Исломдан бошқа дин тутган бўлиб қолади. Зеро, дин дегани ҳаётнинг ҳар бир соҳасини ўз ичига олувчи, Аллоҳдан ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган кўрсатмалардир. Аллоҳга итоат қилиш, Росулига итоат қилиш дегани диннинг барчасига амал қилишни тақозо қилади" (Вужубу таҳкиймиш-ш-шариъати-л-Исламия. 89, 94, 119 ва 120 бетлар).

Азҳар дорулфунунининг энг машҳур шайхларидан бири Муҳаммад ал-Ғаззолий айтган: "*Жамлаш ва тўлиқ ўрганиб чиқиш ила англаймизки, Ислом якка шахс, жамият ва давлат динидир. Токи бирор нарса ҳаёт тартиби ва одамлар ишларига алоқадор бўлар экан Ислом у нарсани ташлаб қўймай, у ҳақида сўз юритгандир*" (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 103-бет).

Юқорида келтирилган оятлар, ҳадислар ва олимларнинг сўзларидан сўнг, қадимда-ю ҳозирда жамики мусулмон олимлар иттифоқ қилган қуйидаги хулоса келиб чиқади. Ислом бутун борлиқни қамровчи оламшумул дин бўлиб, Аллоҳ жамики нарсаларнинг асл Эгаси бўлгани каби, ўша жамики нарсаларга Ўз ҳукмини берган. Роббимизнинг ҳукмлари беш жиҳатдан барча нарсаларни қамрайди:

Биринчи жиҳат: маконлар. Борлиқда ҳеч макон топилмаски, Аллоҳ унинг Эгаси бўлмаса ва ўша жой борасида Унинг ҳукми бўлмаса.

Иккинчи жиҳат: замонлар. Борлиқда ҳеч замон топилмаски, Аллоҳ унинг Эгаси бўлмаса ва ўша давр борасида Унинг ҳукми бўлмаса.

Учинчи жиҳат: шахслар. Борлиқда ҳеч мавжудот топилмаски, Аллоҳ унинг Эгаси бўлмаса ва ўша мавжудот борасида Унинг ҳукми бўлмаса.

Тўртинчи жиҳат: Мавзулар. Борлиқда ҳеч бир мавзу топилмаски, Аллоҳ унинг Эгаси бўлмаса ва ўша мавзу борасида Унинг ҳукми бўлмаса.

Бешинчи жиҳат: Ҳолатлар. Борлиқда ҳеч қандай ҳолат топилмаски, Аллоҳ унинг Бошқарувчиси бўлмаса ва ўша ҳолат борасида Унинг ҳукми бўлмаса.

Аллоҳнинг нозил қилган ҳукмлари ва қонун-қоидалари мукаллаф бандалар ҳаётининг жамики соҳаларини ўз ичига олган эканлигини шаръий далиллар ила баён қилинганидан сўнг ушбу ҳукмлар, қонун-қоидалар бошқарувда қоим қилиниши фарзлиги динда заруратан маълум ҳукм эканлигини далиллари ила ёритиб бериш ўринлидир. Ушбу вазифага киришишдан аввал шаръий далиллар асосида Аҳли сунна уламолари истилоҳи бўлмиш “динда заруратан маълум” деган тушунча билан, Аллоҳнинг ёрдами ила, танишиб чиқсак.

“ДИНДА ЗАРУРАТАН МАЪЛУМ” ТУШУНЧАСИНИНГ БАЁНИ

Жамики ақл эгаларига маълум бўлган ҳақиқатлар бор. Масалан оқил инсон ўз бошининг сувдаги синиқ аксини кўрса, аслида унинг боши синиқ эмаслиги, сувнинг тебраниши сабаб акси ўзгарган эканлигини аниқ билади. Бу ҳис ва ақл жиҳатидан заруратан маълум ҳақиқатлар сирасига киради.

Хабари кенг даражада тарқалгани сабабли ақли расо инсон Ўзбекистон, Туркия, Германия номлари каби ўзининг яшаб турган ўлкасининг номини билади. Бу каби кенг даражада тарқалган хабар инсонга етиб келиши жиҳатидан заруратан маълум ҳақиқатлар сирасига киради.

Шунингдек, ҳар бир ақли расо инсон ўз соҳасида жуда кенг даражада тарқалгани сабабли ўша соҳадаги масалаларни билади. Масалан исталган мутахассис футболчидан ўйиндан ташқари ҳолат (офсайд) нима эканлигини сўралса, аниқ билими борлиги сабабидан дарҳол жавоб беради. Бу унинг учун ўз соҳасида хабар етиб келиши жиҳатидан заруратан маълум ҳақиқатлар сирасига киради.

Мисол келтирилган ҳолатдаги инсонлар бу каби нарсаларни билмай қолиши мумкин эмас. Ушбу маълумотлар улар учун заруратан, яъни, шартли равишда маълум. Агар улар бу нарсаларни ақли расо бўлган ҳолида ростдан билмасалар ҳам, уларга ҳеч ким ишонмайди. Бунинг сабаби заруратан маълум нарсаларни билмай қолиш имконсиз кўрингани учундир. Фаразан ҳақиқатда билмай

қолган бўлса ҳам уларга ушбу билимсизлик борасида асло узр берилмайди. Зеро, ушбу билмаслик ўз эгасининг узр бериб бўлмас даражадаги лоқайдлигидан келиб чиқади.

Усулий олим ал-Омадий зарурий илм таърифида қуйидагиларни айтган: "*(Зарурий илм) бу (эгасининг қасдисиз) ҳосил бўлувчи илм бўлиб, мукаллафда уни ҳосил қилиш йўлида фикрлаш ва далиллашга қудрат йўқдир. "Мукаллафда уни ҳосил қилиш йўлида фикрлаш ва далиллашга қудрат йўқдир", – деб айтилишидан мақсад назарий илм (зарурий илмнинг) таърифига кириб қолишидан сақланишдир. Назарий (илм) бу тўғри фикрлашни ўз ичига олган илмдир*" (Ал-Иҳкам фи усули-л-аҳкам. 1-жуз, 26 – 27 бетлар). Демак, зарурий илм ўз эгасининг ихтиёрисиз унда шартли равишда пайдо бўлади. Назарий илм эса ўз эгасининг қасдига муҳтож. Зеро, у фикрлашдан сўнггина ҳосил бўлади. Ушбу таърифни бошқа фуқаҳолар ҳам таъкидлагандирлар. Қуйироқда Ҳанафий мазҳаби уламоларидан бўлмиш Ибн Обидийннинг ҳам шу маънодаги ибораси учрайди.

Аниқки, Исломда ҳам мусулмонлар учун заруратан маълум бўлган масалалар бор. Ушбу масалаларни омма мусулмонлар биладилар. Уларни фақат динга яқинда кирган ёки мусулмонлардан узоқда яшаган кимсалар билмай қолиши мумкин холос. Бу борада уламоларнинг пешқадамларидан бири имом аш-Шофеъий қуйидагиларни айтган: "*Илм икки турлидир: (аввалгиси): омманинг илми бўлиб, ақли йўқолган киши мустасно ҳолатида бирорта инсонга уни билмаслик мумкин эмасдир. Айтди: "Масалан қандай*

илмлар булар?”. Мен айтдим: “Масалан беш вақт намоз, одамлар узра Аллоҳ учун Рамазон ойи рўзасини тутиш, қодир бўлганларида Байтни ҳаж қилиш, молларидан закот бериш, уларга зино, қатл қилиш, ўғрилик, маст қилувчи ичимликлар ҳаром бўлиши ва шу маъноларда бўлган бандалар англашга, билишга, нафслари ва молларидан сарфлашга, уларга ҳаром қилинганлардан тийилишга мукаллаф қилинган нарсалардир. ***Мана шу турдаги илм Аллоҳнинг Китобида очиқ матн ила келгандир, Ислом аҳлида омматан мавжуддир. Бу маълумотларни уларнинг оммалари ўзларидан аввалги оммаларидан нақл қилиб келмоқдалар, Росулуллоҳдан ҳикоя қилиб келмоқдалар. Улар буни ҳикоя қилишда ва ўзларига вожиб эканлигида ҳеч тортишмайдилар. Мана шу илмда хабар орқали янглишиш, таъвил қилиш мумкин эмасдир ва унда тортишиш жоиз эмасдир***. *У айтди: “Иккинчи тури қандай?”. Мен унга айтдим: “Фарзларнинг фаръий ҳукмлари, хос ҳукмлар ва булардан бошқа маълумотлар бўлиб, улар ҳақида Китобнинг очиқ матни бўлмаган, баъзисида бўлсада, аксарида суннатдан очиқ матн бўлмаган бандаларга оид масалалардир. Булар хосларга алоқадор хабарлардир, омма инсонларники эмас. Бу турдаги илм таъвил кўтаради ва қиёс ила англанади*” (ар-Рисала. 357 – 359 бетлар).

Уламолар Исломга алоқадор илмларни маълумлик жиҳатидан икки турга бўлишни шарият матнларидан олишгандир. Нўъмон ибн Башийр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис ҳам ушбу ҳақиқатга далолат қилади.

حَدَّثَنَا أَبُو نُعَيْمٍ ، حَدَّثَنَا زَكَرِيَّاءُ ، عَنْ عَامِرٍ قَالَ: سَمِعْتُ النُّعْمَانَ بْنَ بَشِيرٍ يَقُولُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: الْحَلَالُ بَيِّنٌ وَالْحَرَامُ بَيِّنٌ ، وَبَيْنَهُمَا مُشَبَّهَاتٌ ، لَا يَعْلَمُهَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ ، فَمَنِ اتَّقَى الْمُشَبَّهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعِرْضِهِ ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ كَرَاعٍ يَرْعَى حَوْلَ الْحِمَى يُوشِكُ أَنْ يُوَاقِعَهُ ، أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمًى ، أَلَا إِنَّ حِمَى اللهِ فِي أَرْضِهِ مَحَارِمُهُ ، أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ. رواه البخاري ومسلم.

Нўъмон ибн Башийр розияллоҳу анҳу айтадилар: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидагиларни айтаётганларини эшитдим: **Ҳалол очиқ-ойдиндир, ҳаром очиқ-ойдиндир. Ва буларнинг орасида шубҳали нарсалар бор бўлиб, уларни кўп инсонлар билмайдилар. Ким шубҳали нарсалардан ўзини сақласа дини ва обрўси учун ўзини пок тутган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушса, у худди белгилаб қўйилган чегара олдида ундан ўтиб кетай деб турган ҳолатда қўй боқаётган чўпон кабидир. Огоҳ бўлингизким, ҳар бир подишоҳнинг ўз чегараси бор! Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг Ўз еридаги чегараси ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлингизким, жасадда бир парча эт бор. Агар у солиҳ бўлса, жасад тўлиқ солиҳ бўлади. Агар у фосид бўлса, жасад тўлиқ фосид бўлади. Огоҳ бўлингизким, у қалбдир!**” (Бухорий ривояти, ҳадис № 52 ва Муслим ривояти, ҳадис № 1599).

Ушбу ҳадиснинг шарҳида аллома Ибн Рожаб ал-Ҳанбалий қуйидагиларни ёзган: “*Умуман олганда Аллоҳ ва У зотнинг Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирорта ҳалолни ва бирорта ҳаромни*

баён қилмай қўйишмаган. Лекин бу илмнинг баъзиси баъзисидан кўра ошкорроқ бўлади. ***Бунинг ичида баёни ошкор бўлган, машҳур бўлган ва динда зарурартан маълум бўлгани бордир. Бу турдаги илмда, токи киши Ислом ошкора бўлган юртда экан, ҳеч кимга бу илмларни билмаслиги ила узр берилмайди****. Яна бундан кўра пастроқ бўлган тури бор. Бунинг орасида хоссатан шариат билимдонлари ичидагина машҳури борки, уламолар унинг ҳалоллиги ёки ҳаромлиги борасида ижмоъ қилганлар. Гоҳида бу илм уламолардан бўлмаган инсонга махфий қолади. Бунинг орасида шариат билимдонлари ичида ҳам машҳур бўлмагани борки, улар ҳам унинг ҳалол ёки ҳаромлигида ихтилоф қилганлар*" (Жомеъу-л-улум ва-л-ҳикам. 175-бет).

Ибн Рожаб ал-Ҳанбалийнинг илмни маълумлик жиҳатидан омма мусулмонларга маълум ва Исломий илмлар билан шуғулланувчиларга маълум бўлган икки қисмга ажратиши Аҳли сунна олимларининг барча табақаларида учрайди. Ислом ҳукмларини маълум бўлиш жиҳатидан имом аш-Шофеъий тақсимлаган суратда тақсимлаш тўрт мўътабар фиқҳий мазҳаб эгаларининг ақийда, фиқҳ, усулу-л-фиқҳ ва бошқа илмлардаги таълифотларида яққол кўзга ташланади.

Аллома Ибн Обидийн айтган: *"(Матндаги) "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончига чиқариш"даги "ёлғончига чиқариш"дан мурод аввал айтганимиздек тасдиқ қилишни йўқ эканлиги. Яъни, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган эканликлари заруратан маълум бўлган нарсага бўйин эгмаслик ва*

қабул қилмасликдир. “Заруратан” дегада фикрлаш ва далиллашга ҳожати йўқ бўлган шартли равишда келиб чиқувчи илм тушунилади. Бу ўринда (“ёлғончига чиқариш”дан мурод) фақат Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончи эканликларини очиқ айтиш билан кифояланмайди. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ёлғон нисбатини беришнинг ўзи алоҳида куфрдир” (Родду-л-муҳтар ъала-д-дурри-л-мухтар. 6-жуз, 356 – 357 бетлар).

Дарҳақиқат, соғлом ақл ҳам шарият илмлари далолат қилгани каби барча соҳаларда, хоссатан диний масалаларда мусулмонлар ичида яшаб юрган киши учун билмай қолиши мумкин бўлмаган, воқеъликда билмаслиги исботланса-да, ўша билмаслик унинг учун узр бўлмайдиган кўпгина нарсалар бор эканлигини тақозо қилади.

Аммо, гоҳида бир замонда динда заруратан маълум бўлган бирор ҳукм бошқа замонда заруратан маълум бўлмаслиги мумкин. Бу ҳақиқатни уламолар зикр қилгандирлар ва наздимизда Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис бунга далил бўлади.

حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُحَمَّدٍ ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ ، عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْجَعِيِّ ، عَنْ رِبْعِيِّ بْنِ حِرَاشٍ ، عَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَدْرُسُ الْإِسْلَامُ كَمَا يَدْرُسُ وَشْيُ الثَّوْبِ ، حَتَّى لَا يُدْرَى مَا صِيَامٌ وَلَا صَلَاةٌ وَلَا نُسُكٌ وَلَا صَدَقَةٌ. وَلَيُسْرَى عَلَى كِتَابِ اللهِ عَزَّ وَجَلَّ فِي لَيْلَةٍ ، فَلَا يَبْقَى فِي الْأَرْضِ مِنْهُ آيَةٌ ، وَتَبْقَى طَوَائِفُ مِنَ النَّاسِ ، الشَّيْخُ الْكَبِيرُ وَالْعَجُوزُ ، يَقُولُونَ: أَدْرَكْنَا آبَاءَنَا عَلَى هَذِهِ الْكَلِمَةِ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ ، فَنَحْنُ نَقُولُهَا . فَقَالَ لَهُ صِلَةُ : مَا تُغْنِي عَنْهُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ ، وَهُمْ لَا يَدْرُونَ مَا صَلَاةٌ وَلَا صِيَامٌ وَلَا نُسُكٌ وَلَا صَدَقَةٌ؟ فَأَعْرَضَ عَنْهُ حُذَيْفَةُ ، ثُمَّ رَدَّهَا عَلَيْهِ ثَلَاثًا ، كُلَّ ذَلِكَ يُعْرِضُ عَنْهُ

حُذَيْفَةُ ، ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَيْهِ فِي الثَّالِثَةِ فَقَالَ: يَا صِلَةُ ، تُنْجِيهِمْ مِنَ النَّارِ ، ثَلَاثًا . رواه ابن ماجة والحاكم.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **Ислом худди кийимга солинган нақшнинг асталик ила йўқ бўлиши каби йўқ бўлиб боради. Ҳатто, рўза, намоз, ҳаж амаллари ва закот нима эканлиги билинмай қолади. Аллоҳ азза ва жалланинг Китоби бир кечада кетказилади ва ундан бирорта оят қолмайди. Бир неча тоифа одамлар қолади; ёши улуғ чол ва кампир. Улар: “Ота-боболаримизни “Лаа илааҳа иллАллоҳ” деган калима узра топганмиз, бас, биз ҳам уни айтамиз”, – дейдилар**”. У кишига (Ҳузайфага) Сила (санаддаги ровий) айтди: “Намоз, рўза, ҳаж амаллари ва закот нималигини билмаган ҳолларида уларга “Лаа илааҳа иллАллоҳ” қандай наф беради?”. Бас, шунда Ҳузайфа ундан юз ўгирди. У (Сила) уч марта қайта айтди. Ҳар сафар Ҳузайфа ундан юз ўгирар эди. Сўнгра у (Ҳузайфа) учинчи марттасида унга ўгирилиб қаради ва: “Эй Сила! Уларни дўзахдан қутқаради!”, – деб уч маротаба айтди” (Ибн Можа ривояти, ҳадис № 4049 ва Ҳоким ривояти, ҳадис № 8554).

Ҳадисдан кўриниб турибдики, гоҳида шундай давр ва маконлар бўладики, аслида динда заруратан маълум бўлган масалалар муайян омиллар сабабли заруратан маълум бўлмай қолади ва уларни билмаслик борасида кишига узр берилади. Бу ҳақиқатни аллома Ибну-л-Вазийр саҳобалар орасида бўлган бир воқеъа асосида

қуйидагича баён қилган: “*Бадрда қатнашган саҳобий Қудома ибн Мазъун розияллоҳу анҳу маст қилувчи ичимликни ҳалол деб билиб, таъвил қилган ҳолида ичган. Бас, шунда Умар розияллоҳу анҳу у кишига дарра урган, қатл қилмаган ва бу қилмишни муртадлик деб ҳисобламаган. Саҳобалар ҳам Умар розияллоҳу анҳуни шу узра иқрор қилганлар. Қудома ибн Мазъун розияллоҳу анҳунинг шубҳаси Аллоҳ таолонинг маст қилувчи ичимлик ҳукми борасидаги оятдан сўнг келган “**Иймон келтирган ва солиҳ амал қилганлар учун тотган нарсаларида гуноҳ йўқдир**” (Моида сураси 93-оят) ояти асосида бўлган эди. Бас, мана шу ҳолат шубҳа, гоҳида, баъзи заруратан маълум нарсаларга киришига далолат қилади*” (ал-Авосим ва-л-қовасим фи-з-забби ъан суннати Абилқосим. 4-жуз, 174 – 175 бетлар).

Шак-шубҳа йўқки, ҳозирги даврда бирор мусулмон, агар энди Исломга кирган ёки Исломий маълумотлардан узоқ ўлкада яшаётган бўлмаса ва маст қилувчи ичимликни ҳалол деб билса, дарҳол куфрга тушади. Унга билмаслиги узр бўлмайди. Зеро, маст қилувчи ичимликнинг ҳаром эканлиги динда заруратан маълум, яъни билмай қолишнинг имкони йўқ даражада мусулмонлар орасида тарқалиб бўлган. Ушбу ҳукмга уламолар ижмоъ қилишган.

Ҳанафий мазҳаби имомларидан ҳисобланмиш Абу-л-Баракот Ҳофизуддин ан-Насафий ўзининг “Манор”га қилган шарҳида қисқа вақт олдин нозил бўлган ҳукм борасида шубҳа кириб қолиши саҳобалар учун ўша даврда узр ҳисоблангани борасида сўз юрита туриб қуйидагиларни ёзган: “*Маст қилувчи ичимликнинг ҳаром*

*қилиниши ҳақидаги қисса ҳам шундайдир. Аниқки, Аллоҳ таолонинг “**Иймон келтирган, солиҳ амаллар қилганлар учун тотган нарсаларида гуноҳ йўқдир**” сўзи маст қилувчи ичимликнинг ҳаром қилингани борасида нозил бўлган. Аммо хитоб етиб бормагани сабабидан уни ичган қавм ҳақида нозил бўлган бўлиб, бас, уларга бу ҳодисада узр берилган. Лекин Ислом диёрида хитоб ёйилгач, шариат Эгаси тарафидан етказиш иши ўз камолига етгандир. Ким бундан сўнг билмаса, ўзининг камчилиги сабабидан бўлади, далилнинг махфийлигидан эмас. Бас, унга бу борада узр берилмайди. Унинг ҳолати обод шаҳарда сув ахтармаган, сув эса мавжуд бўлган, бас таяммум қилиб намоз ўқиган-у, намози жоиз бўлмаган киши кабидир*” (Кашфу-л-асрор шарҳу-л-мусонниф ъала-л-манор. 2-жуз, 532-бет).

Саҳобалар даври ўтгач, дин аҳкомлари ҳақидаги маълумотлар мусулмонлар орасида жуда кенг тарқалгани сабабидан маст қилувчи ичимликнинг ҳукми қатъий собит бўлгандир. Аллома Ибн Обидийн Ҳанафий мазҳабининг мўътабар фиқҳ китобларидан ҳисобланмиш “ад-Дуррул мухтар” китобига ёзган машҳур ҳошиясида мусаннифнинг “*(Маст қилувчи ичимлик)ни ҳалол санаган кофир бўлади*”, деган жумласини “*Қатъий далилни инкор қилгани учун (кофир бўлади)*”, – деб шарҳлаган (Родду-л-муҳтар ъала-д-дурри-л-мухтар. 10-жуз, 28-бет).

Динда заруратан маълум бўлган нарсалар замон ва макон тақозоси ила ўзгариб туриши ва натижада бу масалага боғлиқ куфр ҳукмини бериш ёки бермаслик ҳолати ҳам ўзгариб туриши мумкин

эканлиги имом ан-Нававийнинг “Саҳиҳу Муслим”га ёзган шарҳида айтиб ўтилган.

Ан-Нававий саҳобалар даврида закотни ман қилганлар ва ўзининг даврида буни рад қилаётганлар орасини ажрата туриб қуйидагиларни айтган: “*Агар: сен қандай қилиб закотни ман қилган тоифанинг ҳолатини ўзинг тўғри кўрган йўсинингда таъвил қилиб, уларни аҳли бағй қилиб қўйдинг? Ахир бизнинг замонамизда мусулмонларнинг бир тоифаси закотнинг фарз эканлигини инкор қилса, уни адо қилишдан бош тортса, уларнинг ҳукми аҳли бағй ҳукми каби бўладими!? – деб айтилса, биз айтамиз: йўқ, ундай эмас. Кимки бу замонларда закот фарз эканлигини инкор қилса, мусулмонлар ижмоъси ила кофир бўлади. Улар ва анавилар орасидаги фарқ қуйдагича: уларга бу замонда содир бўлмайдиган қуйидаги баъзи сабаблар ва ишлар ила узр берилган:*

- *Насх ила ҳукмлар алмашиб турган шариятнинг нозил бўлиши даврига яқин бўлиш.*
- *Қавм дин ишлари борасида билимсиз бўлганлар, улар Исломни энди қабул қилган эдилар. Бас, шу сабабдан уларга шубҳа кириб қолган эди.*

Аммо, бугунги кунда Ислом дини кенг тарқади, омма-ю хослар биладиган даражада закотнинг вожиб эканлиги илми мусулмонлар орасида кенг ёйилди, бу билимда олим ва жоҳил тенг бўлиб қолди. Бас, уни инкор қилиш борасидаги таъвилда ҳеч кимга узр берилмайди” (Шарҳу саҳиҳи Муслим. 1-жуз, 205-бет).

Бу масалаларга ёндошишда ҳамаср аҳли илмлар аввалги Аҳли сунна уламоларига эргашадилар. Ислом илмларида кўп изланишлар олиб борган, хоссатан фиқҳ ва унга оид илмлар билимдонларининг китобларига назар солар эканмиз, бу нарса бизга яққол кўринади.

Фиқҳ илмида мутахассис ҳисобланувчи Ваҳба аз-Зуҳайлий ўзининг "Мавсуаъту-л-фиқҳи-л-Исламий ва қодоя-л-муасиро" китобида Ислом ҳукм бериш жиҳатидан барча нарсани қамраган эканлиги борасида қисқача сўз юритгач, динда заруратан маълум масалаларни қуйидагича тушунтирган: "*Ислом ҳеч кимга тоқати етмайдиган нарсани юкламайди. Хоссатан қатъий далиллар ила собит бўлган ҳукмларида юкламайди.* ***Ушбу ҳукмлар мусулмон билан бошқанинг орасини тамоман ажратиб турувчи ягона чегара бўлиб, бу нарса "динда заруратан маълум ишлар" сифатида танилгандир*. *Бундай масалаларга эътиқод ва иймон асослари, илм ва фарзлар асослари, катта жиноятлар учун белгиланган шаръий жазолар, кабира гуноҳларнинг каффоротлари ва собит бўлиш, далолат қилиш жиҳатидан қатъий бўлиб келган ҳар бир шу каби ҳукмлар киради. Фақат ушбу ҳукмлар борасида чегарадан ошишда ёки уларни инкор қилишдагина уни инкор қилувчисига куфр ва залолатга кетган деб ҳукм қилинади***. *Бунга закотнинг мутавотир даражада собит бўлган фарз эканлиги мисол бўлади.*

Аммо, зикр қилингандан бошқа собит бўлиши зонний ёки далолат қилиши зонний бўлган, унинг борасида очиқ матн ёки ижмоъ келмаган, фойда олиш ёки зарарни даф қилишни риоя қилиш

учун фақат ижтиҳодга ёки қиёсга ёки урфга асосан собит бўлган ҳукмларнинг инкор қилувчисига куфр ҳукми берилмайди" (Мавсуаъту-л-фиқҳи-л-Исламий ва қодоя-л-муасиро. 12-жуз, 369 – 370 бетлар).

Ваҳба аз-Зуҳайлий ўзидан аввалги фуқаҳолар изидан юрган ҳолда динда заруратан маълум нарсалар бор эканлигини таъкидлар экан, икки масалага ўқувчининг эътиборини тортган. Биринчиси ўша заруратан маълум нарсаларга "*фарзлар асослари, катта жиноятлар учун белгиланган шаръий жазолар, кабира гуноҳларнинг каффоротлари ва собит бўлиш, далолат қилиш жиҳатидан қатъий бўлиб келган ҳар бир шу каби ҳукмлар киради*". Яъни, у кишининг таъкидлаши бўйича шариятда катта гуноҳлар учун белгиланган шаръий жазолар каби оятлар ва ҳадисларда очиқ-ойдин, таъвил қилиб бўлмас суратда келган ҳукмлар динда заруратан маълум нарсалардир. Иккинчиси айни шу динда заруратан маълум ҳукмларни "*инкор қилувчисига куфр ва залолатга кетган деб ҳукм қилинади*".

Бу ўринда икки нарса ойдинлашади деб айтиш ўринли бўлади. Биринчидан, Исломда заруратан маълум бўлган нарсалар бўлиб, мусулмонлар орасида яшаётган киши учун уларни билмасликда узр йўқ. Иккинчидан, замон ва маконга қараб, гоҳида, аслида динда заруратан маълум нарсалар ушбу даражадан тушиб қолиши мумкин. Гоҳида эса баъзи ҳукмлар, маст қилувчи ичимликнинг ҳукми каби, замон ва маконга қараб динда заруратан маълум даражасига кўтарилиши мумкин.

Ушбу ўринда муҳим бир ҳақиқатни қисқача баён қилиш лозим. Исломдан деб билинган бирор бир ҳақиқат динда заруратан маълум бўлганлик ҳукмини олиши учун нафақат мусулмонлар орасида кенг тарқалгани қатъий бўлади, балки унинг далиллари собит бўлиши ва далолат қилиши жиҳатидан ҳам қатъий бўлади. Зеро, фаразан бирорта ҳукм мусулмонлар орасида кенг тарқалган бўлиши, омма ичида унинг билмай қолиниши узрсиз ҳолга келиши мумкин. Аммо, ўша ҳукм тўқима ҳадис орқали собит бўлган бўлиши ва Ислом уламолари уни олмаган бўлишлари мумкин. Ёки кенг тарқалганлик ва собит бўлиш жиҳатидан қатъий бўлган ҳолида далолати борасида уламолар ихтилоф қилган бўлишлари мумкин.

Бирор Исломий ҳақиқат омма мусулмонлар орасида кенг тарқалар экан, далиллари собит бўлиш ва далолат қилиш жиҳатидан тўлиқ салоҳиятли бўлар экан, табиийки уламолар ўша ҳақиқатни сўзсиз оладилар ва унга ижмоъ қиладилар. Бирор масала динда заруратан маълум деб ҳисобланиши учун аввал шу масала узра ижмоъ ҳам собит бўлиши лозим. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, далиллари собит бўлиши ва далолат қилиши жиҳатидан қатъий бўлган диний ҳукм узра шартли равишда ижмоъ собит бўлади ва токи бу ҳукм омма мусулмонлар орасида кенг тарқалар экан у динда заруратан маълум ҳукмга айланади.

Замон ва макон қайдидан ташқарида туриб баҳо берилганда қайси масалалар динда заруратан маълум ҳукм ва бирор муайян замон-у маконда айни қайси масалалар динда заруратан маълум ҳукм деб қабул қилинишини уммат уламолари белгилаб берадилар.

Шунингдек, уммат, яъни омма мусулмонлар ҳам қайси ҳукмлар динда заруратан маълум эканлигини, ушбу истилоҳнинг ўзини билмасаларда, ҳукмнинг ўзини ва унинг кенг тарқалган эканлигини билиб юрадилар.

ИСЛОМ ҲУКМЛАРИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ, ҚОНУНЧИЛИК ВА БОШҚА СОҲАЛАРДА АЙНАН АЛЛОҲДАН КЕЛГАН ҲУКМ СИФАТИДА ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ФАРЗ ЭКАНЛИГИНИНГ ДАЛИЛЛАРИ СОБИТ БЎЛИШ, ДАЛОЛАТ ҚИЛИШ ВА КЕНГ ТАРҚАЛИШ ЖИҲАТЛАРИДАН ҚАТЪИЙ ВА ДИНДА ЗАРУРАТАН МАЪЛУМ ЭКАНЛИГИНИНГ БАЁНИ

Аллоҳ бандаларига нозил қилган дин инсон ҳаётига алоқадор ишларда ҳукм қилувчи бўлиши фарз эканлиги динда заруратан маълум масала бўлиб, хоссатан замонамизда бу мавзуни билмай қолиш имконсиз ҳолга келгандир. Инсон ҳаёти, жумладан давлат бошқарувига алоқадор соҳаларда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги уч жиҳатдан қатъий собитдир, исботлангандир.

Биринчиси: қандай бўлса, шундайлигича етиб келиши жиҳатидан. Яъни, давлат бошқарувида шарият аҳкомлари ҳукмрон бўлиши фарз эканлигининг далиллари Қуръон оятлари, ҳадислар ва уммат ижмоъси жиҳатидан мутавотир собит бўлиб, бизгача тўғри суратда етиб келганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир.

Иккинчиси: бошқа маънога буриб бўлмаслиги жиҳатидан. Яъни, давлат бошқарувида шарият аҳкомлари ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги борасидаги далиллар бўлмиш Қуръон оятлари, ҳадислар ва уммат ижмоъсига оид матнлар айни шу маънога далолат қилиши, уларни бошқа маънога буриб бўлмаслиги жиҳатидан қатъий бўлиб, омма мусулмонлар ўша далиллар билдирган ҳақиқатни англашларида ҳеч қандай тушунмовчилик йўқдир.

Учинчиси: мусулмонлар орасида жуда кенг ёйилгани жиҳатидан. Яъни, давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигининг далиллари Қуръон оятлари, ҳадислар ва уммат ижмоъси сабабидан барча мусулмон юртларида кенг тарқалган эканлиги, мусулмонларга бу илм омматан етиб келганлиги, мусулмонлар ичида яшаб юрган инсон бу нарсани билмай қолиши имконсиз эканлиги қатъий собитдир, бунда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир.

Далилларни уччала жиҳати ила баён қилишга киришишдан аввал муҳим мавзу, яъни Ислом ҳукмларини идорий ва шаръийга бўлиб тушуниш мумкин эканлиги ҳақида, Аллоҳнинг ёрдами ила, қисқача тўхталиб ўтамиз.

Башарият орасида жорий бўлувчи Аллоҳнинг ҳукмларини икки турга ажратиш мумкин. Биринчи турдагиси Ислом шарияти тарафидан оятлар, ҳадислар, уммат ижмоъси ва шу каби масдарлар орқали аниқ таъйин қилиб қўйилган, шариятнинг ўзи истисно қилганидан бошқа вазиятларда ҳолатга қараб ўзгаришга учрамайдиган ибодатлар, шаръий жазолар, ҳалол ва ҳаром каби

ҳукмлардир. Масалан намозлардаги ракатлар сони, зинокорнинг шаръий жазоси, тўнғиз ғўшти тановулининг ҳаромлиги ва шу кабилар. Иккинчи турдагиси эса жамият ҳаётини Ислом шариятига хилоф бўлмаган суратда тартибга солиш, инсонларнинг оғирини енгил қилиш ва шу каби мақсадлар ортидан таъйин қилинган ҳукмлар. Масалан йўл ҳаракати қоидалари, идоралардаги ишни яхши йўлга қўйиш учун қабул қилинган кўрсатмалар ва шулар каби тадбирий ҳукмлар. Биринчи турдаги шаръий ҳукмлар асосан собит бўлиш ва далолат қилиш жиҳатидан қатъий бўлган ҳукмлар бўлиб, шарият Эгаси тарафидан келган қатъий далилга биноан баъзи истисноий ҳолатларни ҳисобга олмаганда, улар мутлақо ўзгармайди. Иккинчи турдаги тадбирий ҳукмлар эса токи шарият асосларига хилоф бўлмас экан, вазият тақозосига кўра ўзгариб туриши мумкин. Бу каби ҳукмларда мусулмонларга Роббилари тарафидан кенгчилик берилгандир. Ушбу тақсимни замондош уламолардан икки кишининг сўзлари яхши очиб беради деган фикрдамиз.

Муҳаммад Амийн аш-Шинқитий ўзининг машҳур тафсирида қуйидагиларни ёзган: "*Эътибор берилсин: билгинки, (инсонлар тарафидан) чиқарилган низомнинг у ила ҳукм қилинса осмонлар-у ер Яратувчисига куфрни тақозо қиладигани ва (у ила ҳукм қилинса куфрни) тақозо қилмайдиган кўринишлари орасини ажратиш шартдир.*

Бунинг изоҳи қуйидагича: аниқки, тузум икки қисмга бўлинади: идорий тузумга ва шаръий тузумга. Идорий тузум деганда ишларни шариятга хилоф бўлмаган суратда тартибга солиш, уларни пухта

қилиш ирода қилинади. Бундай ишда монеълик йўқдир, саҳобалар ва улардан кейингилар орасида бу нарсага мухолиф йўқдир. Дарҳақиқат, Умар розиялloҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида бўлмаган бу кўринишдаги ишлардан кўпларини бажарганлар. Тартиб ўрнатиш ва ким бор-у, ким йўқ эканлигини билиш учун аскарларнинг исмларини девонга ёздиришлари бунга мисол бўлади... Умар розиялloҳу анҳу Сафвон ибн Умайя розиялloҳу анҳунинг уйларини сотиб олиб, Маккаи Мукаррамада ўша ҳовлини ҳибсхона қилганлари ҳам бунга мисол бўлади. Ваҳоланки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, Абу Бакр розиялloҳу анҳу ҳам бу ишни қилмаган эдилар. Бу каби ишлар шариятга хилоф бўлмаган ҳолда ишларни пухта бажариш учун бўлиб, уларда ёмонлик йўқдир. Буларга шариятга хилоф бўлмаган ҳолда масъулларнинг ишларини вазифа ўлароқ тақсимлаш, ишларнинг идорасини тартибга солиш кабилар мисол бўлади. Мана шу суратдаги (инсонлар тарафидан) чиқарилган тузумларнинг ёмонлиги йўқдир ва бу амаллар омма манфаатларини риоя қилиш жиҳатидан қаралганда шарият қоидаларидан ташқарига чиқмайди.

Аммо меросда эркакни аёлдан устун қўйиш инсофдан эмас, иккови меросда тенг бўлишлари лозим, кўпхотинлик зулм, талоқ аёл кишига нисбатан зулм, тошбўрон қилиш, қўл кесиш кабилар ваҳший амаллардир, инсонга нисбатан бундай қилиш тўғри эмас каби даъволар ила осмонлар ва ер Яратувчисининг қонунчилигига мухолиф бўлган қоунчилик тузуми ва уни ҳукмрон қилиш осмонлар ва ер Яратувчисига куфр келтиришдир.

Айни шу турдаги тузумни жамият аъзоларига, уларнинг моллари, обрўлари, насаблари, ақллари ва динлари борасида ҳукмрон қилиш осмонлар ва ер Яратувчисига куфр келтиришдир, жамики махлуқотларни яратган Зот чиқарган самовий тузумга нисбатан ҳаддан ошишдир. Ваҳоланки, У зот махлуқотларининг фойдаларини энг билувчидир ва Ундан бошқа қонун чиқарувчи бўлишидан олий ва улуғроқдир" (Адвау-л-баян фи тафсири-л-Қуръан би-л-Қуръан. 4-жуз, 84 – 85 бетлар).

Ислом фиқҳида мутахассис ҳисобланувчи доктор Ваҳба аз-Зуҳайлий ҳам инсон ҳаётида жорий бўлувчи ҳукмларни сўз бораётган суратда тақсим қилиш ҳақида қуйидагиларни билдирган: "*Исломий давлат илоҳий қонун ҳукуматидир. Шунга биноан шўро мажлислари қатъий ёки очиқ далолат қилувчи нассга (шариат матнига) хилоф қила олмайди. Шўро мажлислари насс бўлмаган ёки далолати зонний, очиқ бўлмаган масалалар, шунингдек, амалга татбиқ қилиш соҳасида (тартибга солиш қонунлари, қарорлари ва кўрсатмалари), уюшмалар ташкил қилиш қонунлари, ижтимоий таъминот (сув, элекрт, газ кабилар), ишчилар ҳуқуқлари, йўл ҳаракати қоидалари, (шариятда) жазо (миқдори ёки сифати) белгилаб берилмаган ишларга муносиб жазо белгилаш кабиларда ҳаракат қилади холос*" (Мавсуаъту-л-фиқҳи-л-Исламий ва қодоя-л-муасиро. 12-жуз, 602-бет). Яъни, Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам чегаралари ила аниқ белгилаб берган масалаларда ҳеч ким ўзича тадбир қила олмайди. Аммо, Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам кенгчилик қилиб берган тадбирий, идорий ишларда уммат намоёндалари шариат чегараларидан

чиқмаган ҳолда турли ҳукмларни вазият тақозосига кўра таъйин қилишлари мумкин.

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигининг далиллари собит бўлиши жиҳатидан маънан мутавотир ва қатъийдир. Ўша далиллар айни шу маънога далолат қилиши, уларни бошқа маънога буриб бўлмаслиги жиҳатидан ҳам қатъийдир. Шунингдек, бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши лозим эканлиги мусулмонлар орасида кенг тарқалган масаладир. Шу ҳақиқатларнинг далилларини, Аллоҳнинг ёрдами ила, батафсил келтирамиз.

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига оятлардан далиллар:

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَاكَ اللَّهُ وَلَا تَكُنْ لِلْخَائِنِينَ خَصِيمًا

Аллоҳ таоло айтган: “**Дарҳақиқат, биз сизга (эй Муҳаммад!) одамлар орасида Аллоҳ сизга кўрсатганига биноан ҳукм қилишингиз учун Китобни ҳақ ила нозил қилдик**” (Нисо сураси 105-оят).

Машҳур муфассир ал-Қуртубий айтган: “***Аллоҳ сизга кўрсатганига биноан*** *” иборасининг маъноси: шариат қонунларига мувофиқ ҳолда, яъни ё ваҳй ва насс орқали ёки ваҳй йўлига биноан бўлган ижтиҳодга мувофиқ ҳукм қилинг деганидир*” (Тафсиру-л-Қуртубий. 5-жуз, 376-бет).

فَاحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ

Аллоҳ айтган: “**Улар орасида (эй Муҳаммад!) Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг. Сизга келган ҳақни қўйиб уларнинг ҳаво-ҳоҳишларига асло эргашманг**” (Моида сураси 48-оят).

Ибн Касийр ўз тафсирида: “*Аллоҳнинг “**Улар орасида (эй Муҳаммад!) Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг**” сўзидан мурод: “Эй Муҳаммад! Одамларнинг араблари-ю ажамлари, уммийлари-ю, китобийлари орасида Аллоҳ сизга буюк Китобда нозил қилган, сиздан аввал бўлган пайғамбарларда бўлиб, шариятингизда насх бўлмаган Аллоҳ белгилаб берган нарса билан ҳукм қилинг”, деганидир. Ибн Жарир (ат-Тобарий) бу оятнинг маъносини шундай кўрсатган*”, – деб айтган.

Сўнгра Ибн Касийр ўз сўзида давом этиб қуйидагиларни айтган: “*Аллоҳнинг “**Сизга келган ҳақни қўйиб уларнинг ҳаво-ҳоҳишларига асло эргашманг**” сўзидан мурод ўзлари келишиб олган фикрлари ва унинг сабабидан Аллоҳ Ўз Росулига нозил қилган нарсани тарк қилишларига асло эргашманг*”, *– деганидир*” (Тафсиру Ибн Касийр. 3-жуз, 128-бет).

أَفَغَيْرَ اللهِ أَبْتَغِي حَكَمًا وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ إِلَيْكُمُ الْكِتَابَ مُفَصَّلًا

Бошқа оятда Роббимиз қуйидагича марҳамат қилган: “**Аллоҳдан ўзга ҳукм қилувчи истайми!? Ахир У сизларга муфассал Китоб нозил қилиб қўйибдику!**” (Анъом сураси 114-оят).

Мулло Алий ал-Қорий ўз тафсирида айтган: “***Аллоҳдан ўзга ҳукм қилувчи истайми!?****”, яъни, уларга: “Сизлар ва мен орамда ҳукм қилиш, биздаги ҳақни сизлардаги ботилдан ажратиб бериш учун Аллоҳдан бошқа ҳукм қилувчи истайми, – деб айтинг (эй Муҳаммад!)”. “****Ахир У сизларга муфассал Китоб нозил қилиб қўйибдику!****”, яъни, унда ҳақ билан ботилни тўлиқ баён қилиб қўйган*” (Анвару-л-Қуръан ва асрору-л-Фурқон. 2-жуз, 66-бет).

وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا

Аллоҳ таоло: “**У зот Ўз ҳукмида бирортани шерик қилмайди**”, – деб айтган (Каҳф сураси 26-оят).

Муфассирлар имоми Ибн Жарир ат-Тобарий айтган: “*Аллоҳ Ўз қазоси ва махлуқотларидаги ҳукмига Ўзидан бошқа ҳеч кимни шерик қилмас. Аксинча, Унинг Ўзигина махлуқотлар орасида ҳоҳлаган ва яхши кўрган суратида ягона ҳукм қилувчи, қазо қилувчи, уларнинг тадбирини қилувчи ва бошқарувчидир*” (Тафсиру-т-Тобарий. 15-жуз, 234-бет).

Моида сурасидаги оятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўғридан-тўғри “**Улар орасида (эй Муҳаммад!) Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг**” деган буйруқни кўрдик. Бу буйруқ жамики пайғамбарлар ва умматларга ҳам бўлган буйруқдир.

يَا دَاوُودُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُمْ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَى فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا يَوْمَ الْحِسَابِ

Роббимиз таборака ва таоло айтган: “**Эй Довуд! Дарҳақиқат, Биз сени ер юзида халифа қилиб қўйдик. Бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм қил ва ҳавои-ҳоҳишингга эргашмагинки, сени Аллоҳнинг йўлидан залолатга кеткизур. Аниқки, Аллоҳнинг йўлидан адашганларга ҳисоб-китоб кунини ёддан чиқарганлари учун шиддатли азоб бордир**” (Сод сураси 26-оят).

Машҳур муфассир Шиҳобуддин ал-Алусий айтган: “***Бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм қил***”*, яъни Аллоҳ таоло сенга шарият қилиб берган нарса билан ҳукм қил. Ҳақ ботилнинг зиддидир*” (Тафсиру-л-Қуръани-л-ъазийм ва-с-сабъи-л-масаний. 23-жуз, 186-бет).

Оятда Аллоҳнинг ҳукмларини татбиқ қилмаган кимсалар залолатга кетишлари, бунинг сабаби даъво қилсалар-да аслида улар ҳисоб-китоб кунини ёдларидан чиқарган эканликлари, шу сабабдан уларни шиддатли азоб кутиб тургани очиқ айтилган.

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига ҳадислардан далиллар:

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ ، عَنْ يَحْيَى بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ: سَمِعْتُ جَدَّتِي تُحَدِّثُ: أَنَّهَا سَمِعَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ وَهُوَ يَقُولُ: وَلَوِ اسْتُعْمِلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ يَقُودُكُمْ بِكِتَابِ اللهِ ، فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوا . رواه مسلم.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам видолашув ҳажидаги хутбаларида айтганлар: “**Агар устингизга сизларни Аллоҳнинг Китоби билан бошқарадиган бир қул раҳбар қилиб қўйилса,**

унга қулоқ тутинг ва итоат қилинг” (Муслим ривояти, ҳадис № 1838).

Мулло Алий ал-Қори ушбу ҳадиснинг шарҳида қуйидагиларни айтган: “*“Бошқарадиган” сўзидан мурод “буюради” дегани. “Аллоҳнинг Китоби билан” сўзидан мурод “Ўзининг ва Росулининг ҳукми ила” дегани. Қози (Иёз) айтган: Аллоҳнинг Китоби ва ҳукми тақозо қилган буйруқ ва қайтариқлар асосида сизларни бошқаради*” (Мирқоту-л-мафатийҳ шарҳу мишкати-л-масобийҳ. 7-жуз, 224 – 225 бетлар).

Аллоҳнинг Китоби билан бошқарса, қул бўлса ҳам, унга итоат қилиш фарз бўлиши ўз-ўзидан Аллоҳнинг Китоби билан бошқариш фарз эканлигига далолат қилади.

حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ ، حَدَّثَنِي عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ إِسْمَاعِيلَ بْنِ عُبَيْدِ اللهِ : أَنَّ سُلَيْمَانَ بْنَ حَبِيبٍ حَدَّثَهُمْ عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ عَنْ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : لَيُنْقَضَنَّ عُرَى الْإِسْلَامِ عُرْوَةً عُرْوَةً ، فَكُلَّمَا انْتَقَضَتْ عُرْوَةٌ تَشَبَّثَ النَّاسُ بِالَّتِي تَلِيهَا ، وَأَوَّلُهُنَّ نَقْضًا الْحُكْمُ ، وَآخِرُهُنَّ الصَّلَاةُ . رواه أحمد والحاكم.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **Ислом тизгинлари бир тизгин ортидан кейинги тизгин узилиши ила узилиб кетади. Қачонки, бир тизгин узилса, одамлар кейингисига илиниб оладилар. Энг аввал узилувчи тизгин бу ҳукмдир. Охиргиси намоздир**” (Аҳмад ривояти, ҳадис № 22590).

Аллома ал-Муновий айтган: “*Ҳадисдаги “**Энг аввал узилувчи тизгин бу ҳукмдир**” иборасидан мурод қозилик борасидаги ҳукм*

қилишдир. Бу нарса бизнинг замонимизда кўпайиб кетди. Ҳатто биргина масалада ҳам ушбу тизгин бир неча дирҳамлар миқдорича узилади ва кесилади" (Файду-л-қодийр шарҳу жомеъи-с-соғийр. 5-жуз, 263-бет).

Ҳадисга биноан Ислом ҳукми билан ҳукм қилмаслик дин тизгинларидан бир тизгинни узиш бўлар экан, ўз-ўзидан маълумки, дин тизгинларини маҳкам ушлаш умматга мажбурийдир.

Ислом шарияти ҳукмларини инсонлар ҳаётига татбиқ қилиш фарз бўлар экан, унинг бирорта ҳукмини амалдан қолдириш ёки ўзгартириш мутлақо ҳаромдир. Хоссатан шаръий ҳаддларни. Яъни, Аллоҳ ҳаром қилган баъзи амалларни қилганлар учун шарият белгилаб қўйган жазоларни. Ушбу ҳақиқатга қуйидаги ҳадис далолат қилади:

حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنِ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا أَنَّ قُرَيْشًا أَهَمَّهُمْ شَأْنُ الْمَرْأَةِ الْمَخْزُومِيَّةِ الَّتِي سَرَقَتْ فَقَالُوا وَمَنْ يُكَلِّمُ فِيهَا رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا وَمَنْ يَجْتَرِئُ عَلَيْهِ إِلَّا أُسَامَةُ بْنُ زَيْدٍ حِبُّ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَلَّمَهُ أُسَامَةُ فَقَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَشْفَعُ فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللهِ ثُمَّ قَامَ فَاخْتَطَبَ ثُمَّ قَالَ إِنَّمَا أَهْلَكَ الَّذِينَ قَبْلَكُمْ أَنَّهُمْ كَانُوا إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَرَكُوهُ وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الضَّعِيفُ أَقَامُوا عَلَيْهِ الْحَدَّ وَايْمُ اللهِ لَوْ أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ مُحَمَّدٍ سَرَقَتْ لَقَطَعْتُ يَدَهَا . رواه البخاري ومسلم.

Оиша розияллоҳу анҳо айтганлар: "Ўғрилик қилган Махзумия уруғидан бўлган бир аёлнинг ҳолати Қурайшни ғамга солди ва: бу аёл борасида ким Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга

гапиради. Бу ишга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳбублари бўлмиш Усома ибн Зайд журъат қила олади холос, – дедилар. Бас, Усома бу масалада Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга гапирди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **сен Аллоҳнинг ҳаддларидан бир ҳадд борасида шафоатчи бўлмоқчимисан!?** – дедилар. Сўнгра турдилар ва хутба қила туриб: **сизлардан аввалгилар ораларида ҳурматли кимса ўғрилик қилса, уни тек қўяр, заифҳол кимса ўғрилик қилса, унга ҳаддни қоим қилар эдилар. Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилик қилса ҳам, аниқки унинг қўлини кесаман!** – дедилар” (Бухорий ривояти, ҳадис № 3475 ва Муслим ривояти, ҳадис № 1688).

Усома розияллоҳу анҳу биргина ҳукмни, бир маротабагина, биргина аёлга нисбатан ўзгартиришни сўраганларида шундай шиддатли жавоб олганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дин асослари ҳақида гап кетаётгани учун одамларни йиғиб, мавзуни барчага таъкидлаб айтганлар. Бир киши шариятнинг бир дона ҳукмини эмас, шариятни ўзини бошқарувдан ажратиш ила амалдан қолдирса, ўрнига бошқа ҳукм жорий қилса ва шу тузумни тўғри деб ҳимоя қилса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар қандай муносабат билдирган бўлар эдилар!?

“Авну-л-Маъбуд шарҳу сунани Аби Довуд” номли машҳур китоб соҳиби Шарофу-л-ҳақ Азийм ал-Абодий айтган: “*Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотима розияллоҳу анҳони бу ўринда зикр қилишларининг сабаби, Фотима розияллоҳу анҳо у киши*

соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун оилаларининг энг азиз аъзоси бўлганидандир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу йўл билан шаръий жазони ҳар бир мукаллаф инсонга қоим қилишларини ва бу борада тарафкашлик қилишни тарк қилишни таъкидлашни ирода қилганлар" (Авну-л-Маъбуд шарҳу сунани Аби Довуд. 2019-бет).

حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى ، وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ ، كِلَاهُمَا عَنْ أَبِي مُعَاوِيَةَ ، قَالَ يَحْيَى : أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ ، عَنِ الْأَعْمَشِ ، عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ مُرَّةَ ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ : مُرَّ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَهُودِيٍّ مُحَمَّمًا مَجْلُودًا ، فَدَعَاهُمْ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : هَكَذَا تَجِدُونَ حَدَّ الزَّانِي فِي كِتَابِكُمْ ؟ قَالُوا : نَعَمْ ، فَدَعَا رَجُلًا مِنْ عُلَمَائِهِمْ فَقَالَ : أَنْشُدُكَ بِاللهِ الَّذِي أَنْزَلَ التَّوْرَاةَ عَلَى مُوسَى ، أَهَكَذَا تَجِدُونَ حَدَّ الزَّانِي فِي كِتَابِكُمْ ؟ قَالَ : لَا ، وَلَوْلَا أَنَّكَ نَشَدْتَنِي بِهَذَا لَمْ أُخْبِرْكَ : نَجِدُهُ الرَّجْمَ ، وَلَكِنَّهُ كَثُرَ فِي أَشْرَافِنَا ، فَكُنَّا إِذَا أَخَذْنَا الشَّرِيفَ تَرَكْنَاهُ ، وَإِذَا أَخَذْنَا الضَّعِيفَ أَقَمْنَا عَلَيْهِ الْحَدَّ ، قُلْنَا : تَعَالَوْا فَلْنَجْتَمِعْ عَلَى شَيْءٍ نُقِيمُهُ عَلَى الشَّرِيفِ وَالْوَضِيعِ ، فَجَعَلْنَا التَّحْمِيمَ وَالْجَلْدَ مَكَانَ الرَّجْمِ . فَقَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : اللَّهُمَّ إِنِّي أَوَّلُ مَنْ أَحْيَا أَمْرَكَ إِذْ أَمَاتُوهُ . فَأَمَرَ بِهِ فَرُجِمَ ، فَأَنْزَلَ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ : { يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ لا يَحْزُنْكَ الَّذِينَ يُسَارِعُونَ فِي الْكُفْرِ } إِلَى قَوْلِهِ { إِنْ أُوتِيتُمْ هَذَا فَخُذُوهُ } يَقُولُ : ائْتُوا مُحَمَّدًا صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَإِنْ أَمَرَكُمْ بِالتَّحْمِيمِ وَالْجَلْدِ فَخُذُوهُ ، وَإِنْ أَفْتَاكُمْ بِالرَّجْمِ فَاحْذَرُوا ، فَأَنْزَلَ اللهُ تَعَالَى : { وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْـزَلَ اللهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ } {وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْـزَلَ اللهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ } { وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْـزَلَ اللهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ } فِي الْكُفَّارِ كُلُّهَا . رواه مسلم وأبو داود.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан бир яҳудий юзи қора кўмирга бўялган ва дарра урилган ҳолида олиб ўтилди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни чақирдилар ва: **китобларингиздан зинокорнинг ҳадди шундай эканлигини топасизми?** – дедилар. Улар: ҳа, – дедилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам уларнинг олимларидан бирини чақирдилар ва: **Тавротни Мусога нозил қилган Аллоҳ ила сендан сўрайман, китобингизда зинокорнинг ҳадди шундай эканлигини топасизми?** – деб сўрадилар. У: йўқ. Агар Аллоҳ ила сўрамаганингда сенга хабарини бермас эдим. (Ушбу ҳадд) Тошбўрон эканлигини топамиз. Аммо, бу иш шарафлиларимиз ичида кўпайиб кетди. Шарафлигимизни (бу иш ила) ушласак, уни тарк қилар эдик, заифимизни (бу иш ила) ушласак, унга ҳаддни қоим қилар эдик. (Сўнгра): келинг шарафлигимиз ва пастимизга қоим қиладиган бир иш устида жамланайлик, – деб айтдик. (Натижада) Тошбўрон ўрнига юзни қора кўмирга бўяш ва дарра уришни жорий қилдик, – деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **Аллоҳим, улар Сени буйруғингни ўлдирганларида мен биринчи бўлиб уни тирилтирурман!**, – дедилар. Бас, у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар, уни (зинокор яҳудийни) тошбўрон қилишди. Бас, Аллоҳ таоло: “**Эй Росул! Куфрга шошаётганлар сени маҳзун қилмасин**” оятидан “**...агар буни берса, шуни олинглар**”гача нозил қилди. Айтди: Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боринглар, агар юзни қора кўмирга бўяш ва дарра уришга буюрса, олинглар. Агар тошбўрон қилишга буюрса, эҳтиёт бўлинглар! Бас, Аллоҳ таоло: “**Ким Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилмаса, бас ана ўшалар кофирлардир**”, “**Ким Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилмаса, бас ана ўшалар золимлардир**”, “**Ким Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилмаса, бас ана ўшалар фосиқлардир**” оятларини нозил қилди. Барчаси кофирлар ҳақида

эди” (Муслим ривояти, ҳадис № 1700 ва Абу Довуд ривояти, ҳадис № 4448).

Яҳудларнинг баъзи ҳукмларни ўзгартирганларида тушган аҳволи жуда аянчли. Ваҳоланки, улар Таврот ҳукми билан ҳаёт кечирар эдилар. Бу ҳадис ҳам Аллоҳнинг барча ҳукмлари сўзсиз қоим қилиниши фарз эканлигига очиқ-ойдин далилдир.

حَدَّثَنَا عَبْدُ اللهِ بْنُ سَالِمٍ الْمَفْلُوجُ ، حَدَّثَنَا عُبَيْدَةُ بْنُ الْأَسْوَدِ ، عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ الْوَلِيدِ ، عَنْ أَبِي صَادِقٍ ، عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ نَاجِدٍ ، عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَقِيمُوا حُدُودَ اللهِ فِي الْقَرِيبِ وَالْبَعِيدِ ، وَلَا تَأْخُذْكُمْ فِي اللهِ لَوْمَةُ لَائِمٍ . رواه ابن ماجة والحاكم وابن حبان.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **Аллоҳнинг ҳаддларини яқин-у узоққа қоим қилинг! Бунда сизларни Аллоҳ борасида маломатчининг маломати ушлаб қолмасин**” (Ибн Можа ривояти, ҳадис № 2540).

Ҳанафий мазҳаби уламоларидан саналмиш Мулло Алий ал-Қорий “Мишкату-л-масобийҳ”га ёзган шарҳида айтган: "*Пайғамбаримизнинг "**Аллоҳнинг ҳаддларини яқин-у узоққа қоим қилинг!**" деганлари насаб жиҳатидан узоғ-у яқинга ёки кучлиг-у кучсизга қоим қилинг деган маънони кўтаради. Зеро, маъно: “Аллоҳнинг ҳаддларини ҳар бир (мустаҳиқ бўлган) киши узра қоим қилинг”, бўлади.... “**Бу борада сизларни Аллоҳ йўлидан маломатчининг маломати ушлаб қолмасин**" сўзларидан мурод “У зотнинг ҳукмларини ижро қилиш ва ҳаддларини қоим қилиш йўлида*

маломат қилувчилардан ва мувофиқ бўлувчилардан бўлган ёки мунофиқ мухолифлардан бўлган биророта маломатчининг маломати ушлаб қолмасин", бўлади". (Мирқоту-л-мафатийҳ шарҳу мишкати-л-масобийҳ. 7-жуз, 156-бет).

حَدَّثَنَا أَبُو الْيَمَانِ أَخْبَرَنَا شُعَيْبٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ كَانَ مُحَمَّدُ بْنُ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ يُحَدِّثُ أَنَّهُ بَلَغَ مُعَاوِيَةَ وَهُوَ عِنْدَهُ فِي وَفْدٍ مِنْ قُرَيْشٍ أَنَّ عَبْدَ اللهِ بْنَ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ يُحَدِّثُ أَنَّهُ سَيَكُونُ مَلِكٌ مِنْ قَحْطَانَ فَغَضِبَ مُعَاوِيَةُ فَقَامَ فَأَثْنَى عَلَى اللهِ بِمَا هُوَ أَهْلُهُ ثُمَّ قَالَ أَمَّا بَعْدُ فَإِنَّهُ بَلَغَنِي أَنَّ رِجَالًا مِنْكُمْ يَتَحَدَّثُونَ أَحَادِيثَ لَيْسَتْ فِي كِتَابِ اللهِ وَلَا تُؤْثَرُ عَنْ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأُولَئِكَ جُهَّالُكُمْ فَإِيَّاكُمْ وَالْأَمَانِيَّ الَّتِي تُضِلُّ أَهْلَهَا فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ هَذَا الْأَمْرَ فِي قُرَيْشٍ لَا يُعَادِيهِمْ أَحَدٌ إِلَّا كَبَّهُ اللهُ عَلَى وَجْهِهِ مَا أَقَامُوا الدِّينَ . رواه البخاري ومسلم.

Муовия розияллоҳу анҳу айтганлар: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **Бу иш (яъни халифалик) Қурайшдадир. Токи улар динни қоим қилар эканлар, уларга биророта кимса қаршилик қилса, Аллоҳ унинг юзини ерга ишқалайди**, – деб айтганларини эшитдим" (Бухорий ривояти, ҳадис № 3500).

Мулло Алий ал-Қорий: "*Ҳадисдаги "**Токи улар динни қоим қилар эканлар**" иборасидан мурод Ислом дини аҳкомларини қоим қилишдир*", – деб айтган. (Мирқоту-л-мафатийҳ шарҳу мишкати-л-масобийҳ. 11-жуз, 134-бет).

حَدَّثَنَا الرَّبِيعُ بْنُ نَافِعٍ ، عَنْ يَزِيدَ يَعْنِي ابْنَ الْمِقْدَامِ بْنِ شُرَيْحٍ ، عَنْ أَبِيهِ ، عَنْ جَدِّهِ شُرَيْحٍ ، عَنْ أَبِيهِ هَانِئٍ أَنَّهُ لَمَّا وَفَدَ إِلَى رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَ قَوْمِهِ سَمِعَهُمْ يُكَنُّونَهُ بِأَبِي

الْحَكَمِ ، فَدَعَاهُ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : إِنَّ اللهَ هُوَ الْحَكَمُ وَإِلَيْهِ الْحُكْمُ ... رواه أبو داود والنسائي.

Ҳонеъ розиялоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши розияллоҳу анҳу ўз қавми ила Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига борган чоғларида, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавм у киши (Ҳонеъ) розияллоҳу анҳуни Абу-л-ҳакам деб кунялаётган эканини эшитдилар. Бас, Росуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини чақирдилар ва: "**Дарҳақиқат Аллоҳдир ал-Ҳакам ва ҳукм Уникидир...**" – деб айтдилар (Абу Довуд ривояти, ҳадис № 4955 ва Насоий ривояти, ҳадис № 1/5402).

Мулло Алий ал-Қорий айтган: "*Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "**Дарҳақиқат Аллоҳдир ал-Ҳакам**" деганларида хабарни маърифа қилдилар ва фасл замири келтирдилар. Бундай услубда сўзлашлари (ҳукм қилишни Аллоҳга) чеклашга ва У зот (ҳукм) ила Ўзигина хосланишига, бошқага ўтмаслигига далолат қилади. "**Ва ҳукм Уникидир**" дан мурод: "Ҳукм Ундан бошланади ва ҳукм Унда тўхтайди, ҳукм Уникидир, Унга қайтарилурсиз, Унинг ҳукмини рад қилувчи йўқдир ва Унинг ҳукми ҳикматдан холи эмас", – деганидир*" (Мирқоту-л-мафатийҳ шарҳу мишкати-л-масобийҳ. 9-жуз, 21-бет).

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига салафи солиҳларнинг сўзларидан далиллар:

Ибн Жарир ат-Тобарий ва Ибн Абу Ҳотим ўз тафсирларида қуйидаги ривоятни келтиришган: "***Қачонки уларга Аллоҳ нозил***

қилган нарсага ва Унинг Росулига келинглар дейилса, мунофиқларни сиздан юз ўгириб бошқасига кетаётганларини кўрурсиз" *(Нисо сураси 61) ояти борасида ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтган: "Қачонки уларни Аллоҳ нозил қилган нарса ила ва Унинг Росули ораларида ҳукм қилишига чақирилса, улар: йўқ. Биз тоғутдан ҳукм қилишини сўраб борамиз, – дейдилар. Ваҳоланки, улар тоғутга куфр келтиришга буюрилган эдилар. Шайтон эса уларни узоқ залолатга кетказишни ирода қилади*" (Тафсиру Ибн Аби Ҳотим. 3-жуз, 992-бет).

Ҳасан ал-Басрий: "***Кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, ана ўшалар кофирлардир"*** *(Моида сураси 44) ояти борасида бу аҳли китоблар борасида нозил қилингандир ва бизлар учун вожибдир*", – деб айтган (Тафсиру Ибн Касийр. 3-жуз, 119-бет). Яъни, Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилиш вожибдир.

Ибн Абу Ҳотим ўз тафсирида қуйидаги ривоятни келтирган: "*Ибн Ваҳб: "Менга Молик ибн Анас (имом Молик) айтди: Одамлар орасида қилинадиган ҳукм икки турдадир:* ***собит бўлган Қуръон ва суннат билан ҳукм қилиш. Мана шу ҳукм вожиб бўлгани ва тўғрисидир.*** *Шунингдек, олим ўзига оят ёки ҳадис келмаган масаласида ижтиҳод қилиб ҳукм қилиши. Шоядки унга Аллоҳ тавфиқ берса. Учинчиси ўзи билмаган нарсасида ҳукм қилишга уриниш. Бу иш Аллоҳ тавфиқ бермаслигига қанчалар ҳам лойиқдир*" (Тафсиру Ибн Аби Ҳотим. 3-жуз 1059-бет).

Ибн Абу Ҳотим қуйидаги ривоятни ҳам келтирган: "*Ҳасан ал-Басрий роҳимаҳуллоҳ айтган: ким Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм*

қилмас экан, ўша ҳукм жоҳилият ҳукмидир" (Тафсиру Ибн Аби Ҳотим. 4-жуз, 1155-бет).

Инсон ҳаёти, хоссатан давлат ишларида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига салафи солиҳлардан мутавотир суратда билинган феъллар ҳам очиқ далолат қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотлари ортиданоқ, Абу Бакр розияллоҳу анҳу бошчиликларида саҳобалар шариятни қоим қилганлар. Хулафои рошидийнлар, улардан кейинги давлат рахбарлари, уламолар, мусулмонлар орасида ўз ўрнига эга инсонлар ҳар қандай иш ва ҳолатда, жумладан давлат ишларида Ислом ҳукмларига мувофиқ иш кўрганлар ва буни асл-асос фарзлардан бири деб билганлар.

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига ижмоъдан далиллар:

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига мусулмон уммат юқорида келтирилган ва бошқа далиллар асосида ижмоъ қилгандир. Ўша ижмоъларни нақл қилишдан аввал ижмоъ ўзи нима эканлиги ва унинг динимизда тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ижмоъ луғавий жиҳатдан бир фикр узра жамланиш маъносида келади. Луғат илмида эътиборли олим ҳисобланмиш Ферузободий ўзининг "ал-Қомусу-л-муҳийт" китобида ижмоъни таърифлай туриб: "*Ижмоъ бу иттифоқдир*", – деган. Сўнгра: "*Тарқалиб кетганидан сўнг, бирор ишни жамлашдир*", – деб баён қилган (ал-Қомусу-л-муҳийт. 710-бет).

Аллома Абдулқоҳир ал-Журжонийнинг “ат-Таърийфот” китобида: “*Ижмоъ луғатда азм қилиш ва иттифоқ қилишдир. Истилоҳда эса: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматидан бўлган мужтаҳидларнинг диний иш борасида бир даврда қилган иттифоқларидир*”, – дейилган. (ат-Таърийфот. 24-бет).

Ислом уламолари истилоҳида ижмоънинг таърифлари бир-бирини тўлдириб келади. Кўпгина уламолар ижмоънинг таърифида Ибн ас-Субкийнинг таърифини ихтиёр қиладилар. У киши ўзининг машҳур “Жамъу-л-жавомеъ фи усули-л-фиқҳ” китобида: “*Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан сўнг бирор даврда ушбу уммат мужтаҳид олимларининг бирор масала устида иттифоқ қилишларидир*”, – деб айтган (Жамъу-л-жавомеъ фи усули-л-фиқҳ. 76-бет).

Демак, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг мусулмонларнинг ижтиҳод аҳли бўлган олимлари бирорта масалада, хоссатан янги чиққан масаланинг ҳукмида бир фикрда бўлишлари ижмоъ собит бўлган эканлигини кўрсатади. Ушбу собит бўлган ижмоъни Аҳли суннанинг ишончли уламолари ўз китобларида нақл қилиб келтирадилар.

حَدَّثَنَا الْعَبَّاسُ بْنُ عُثْمَانَ الدِّمَشْقِيُّ ، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ ، حَدَّثَنَا مُعَانُ بْنُ رِفَاعَةَ السَّلَامِيُّ ، حَدَّثَنِي أَبُو خَلَفٍ الْأَعْمَى أَنَّهُ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ أُمَّتِي لَنْ تَجْتَمِعَ عَلَى ضَلَالَةٍ ، فَإِذَا رَأَيْتُمُ الِاخْتِلَافَ فَعَلَيْكُمْ بِالسَّوَادِ الْأَعْظَمِ. رواه ابن ماجة.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “**Аниқки, умматим залолат устида жамланмайди...**” (Ибн Можа ривояти, ҳадис № 3950). Ушбу маънодаги ривоятларни Абу Довуд, Аҳмад, ат-Термизий, ад-Доримий, ат-Тобароний, ал-Ҳоким, Ибн Абу Шайба ва Ибн Абу Осим каби муҳаддислар ривоят қилишган.

Жамики аҳли илмлар наздида собит ижмоъ қатъий ҳужжатдир. Уни олиш мажбурийдир ва унга хилоф қилиш мутлақо мумкин эмасдир. Зеро, уммат хато нарсага ҳеч қачон ижмоъ қилмайди.

Имом аш-Шофеъий айтган: “*Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва солламнинг мусулмонлар жамоатини маҳкам тутиш борасидаги буйруқлари мусулмонлар ижмоъси, Аллоҳ истаса, лозим эканлигига ҳужжат бўлади*” (Ар-Рисала. 403-бет).

Юқорида келтирилган ҳадис ва уламоларнинг сўзларига биноан токи ижмоъ собит бўлар экан, уни амалга қабул қилиш барча мусулмонларга қатъан фарз бўлади ва уни рад қилиш мутлақо мумкин эмас бўлади.

Бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги борасида Ислом уламолари тарафидан турли суратларда ижмоълар собит бўлгандир.

Ҳанафий мазҳабининг энг эътиборли олимларидан бири Камол ибн ал-Ҳумом “Фатҳу-л-Қодийр” асарининг “Қозилик” китобида қуйидаги ҳадисни қисқача келтирган:

حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ عُمَرَ ، عَنْ شُعْبَةَ ، عَنْ أَبِي عَوْنٍ ، عَنِ الْحَارِثِ بْنِ عَمْرٍو ابْنِ أَخِي الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ ، عَنْ أُنَاسٍ مِنْ أَهْلِ حِمْصَ مِنْ أَصْحَابِ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ : أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا أَرَادَ أَنْ يَبْعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ قَالَ : كَيْفَ تَقْضِي إِذَا عَرَضَ لَكَ قَضَاءٌ ؟ قَالَ : أَقْضِي بِكِتَابِ اللهِ . قَالَ : فَإِنْ لَمْ تَجِدْ فِي كِتَابِ اللهِ ؟ قَالَ : فَبِسُنَّةِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : فَإِنْ لَمْ تَجِدْ فِي سُنَّةِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا فِي كِتَابِ اللهِ ؟ قَالَ : أَجْتَهِدُ بِرَأْيِي وَلَا آلُو ، فَضَرَبَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَدْرَهُ ، فَقَالَ : الْحَمْدُ لِلهِ الَّذِي وَفَّقَ رَسُولَ رَسُولِ اللهِ لِمَا يُرْضِي رَسُولَ اللهِ . رواه أبو داود.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга юбормоқчи бўлганларида: “**Сенга бирор қозилик иши ориз бўлса, қандай ҳукм қиласан?** – деб сўраганлар. (Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу): Аллоҳнинг Китоби билан ҳукм қиламан, – деган. (Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **Аллоҳнинг Китобида топмасангчи?** – деб сўрадилар. (Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу): Росулуллоҳнинг суннати билан ҳукм қиламан, – деди. (Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **Аллоҳнинг Китобида ҳам, Росулуллоҳнинг суннатида ҳам топмасангчи?** – деб сўрадилар. (Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу): раъйим билан ижтиҳод қиламан, бўшлик қилмайман, – деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг кўксига урдилар ва: **Росулуллоҳнинг элчисини Росулуллоҳни рози қилувчи нарсага муваффақ қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!** – дедилар. (Абу Довуд ривояти, ҳадис № 3592).

Ўша ўринда Камол ибн ал-Ҳумом Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилиш, қози таъйин қилиш, қози Китоб, суннат ва шаръий ижтиҳод ила ҳукм чиқариши кераклиги ҳақидаги далилларни санаб

туриб: “*Бунга мусулмонлар ижмоъ қилганлар*”, – деб айтган. (Шарҳу фатҳи-л-Қодийр. 7-жуз, 233 – 234 бетлар).

Шофеъийлардан ал-Мовардий ўзининг “ал-Ҳави-л-кабийр” китобида айтган: “*Рошид халифалар одамлар орасида ҳукм қилганлар, қозилар ва ҳукм қилувчиларни таъйин қилганлар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу одамлар орасида ҳукм қилганлар, қозилар таъйин қилганлар, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуни Баҳрайнга қози қилиб юборганлар. Умар розияллоҳу анҳу одамлар орасида ҳукм қилганлар, Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳуни Басрага, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳуни Куфага қози қилиб юборганлар. Усмон розияллоҳу анҳу одамлар орасида ҳукм қилганлар. Шурайҳни қози қилиб таъйин қилганлар. Алий розияллоҳу анҳу одамлар орасида ҳукм қилганлар, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни Басрага қози ва мунозара қилувчи этиб юборганлар. Бу нарса уларнинг феъллари ила ижмоъга айлангандир*” (Ал-Ҳави-л-кабийр. 16-жуз, 6-бет).

Ибн Ҳазм ўзининг машҳур “Маротибу-л-ижмаъ” китобида қуйидагиларни ёзган: “*Қуръон, суннат ва ижмоъ асосида ҳукм қилиш вожиб эканлигига иттифоқ қилишган*” (Маротибу-л-ижмаъ. 87-бет).

“*Китоб ва суннатдан саҳиҳ бўлган нарсани тарк қилиш ҳалол бўлмаслигига, у чекланган нарса билангина чекланишга иттифоқ қилишган.*

Қуръон ёки суннат ёки ижмоъ ёки шарият далиллари асосидаги назар ила далилланмаган ҳолда ўзича ҳалол қилиш, ўзича

ҳаром қилиш, бирор ҳукмни вожиб қилиш ишлари бирорта кимсага ҳалол бўлмаслигига иттифоқ қилишган” (Маротибу-л-ижмаъ. 271-бет). Аллома Ибн Ҳазмнинг “иттифоқ қилишган” ибораси у киши ўзи айтаётган масала борасида ижмоъ қилинган эканлигини назарда тутганини билдиради.

Юқоридаги барча шаръий далилларга биноан замонамизга назар солар эканмиз, табиийки, ҳамаср уламолар ҳам давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигини сўзсиз эътироф қилишган ва ўзлари ҳам бунга ижмоъ қилишган эканлигини кўрамиз. Бу ҳақиқатга эътиборни қаратишимиз муҳимдир.

Доктор Юсуф ал-Қаразовий Аллоҳнинг ҳукмлари билан ҳукм қилиш вожиб эканлигига тарихда Ислом уламолари ижмоъ қилганларини зикр қила туриб қуйидагиларни айтган: “*Ушбу тарихий ижмоъни – Ислом уммати фарзандларининг жумҳури бугунги кунда Аллоҳнинг шариятига қайтиш вожиб эканлиги, Аллоҳ буюрганидек шариятни ҳоким қилиш вожиб эканлиги, одамлар Ислом диёрида бўлган ҳолларида тоғут қонунлари ёки босқинчилар диёр узра устунлиги, куч-қудрати бор кунларда мажбурий қилиб қўйган қонунлардан ажралиб чиқиш вожиб эканлигига ижмоъ қилганликлари – қўллайди*” (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 140-бет).

Ислом олами Робитасида ҳайъат мудири лавозимида ишлаган доктор Салоҳ ас-Совий бу мавзуда қуйидагиларни ёзган: “*Исломда олий ҳукмронлик ва мутлоқ раҳбарлик фақатгина шариятники*

эканлиги ва бу ҳукмронлик бошқага бўлмаслиги борасида тортишув йўқдир. Шариятнинг ўзигина қатъий ҳужжатдир, олий ҳукмдир. Ҳоким бўладими, маҳкум бўладими жамики инсонлар шариятга бўйинсунишлари лозимдир. Бу борада халифа ҳам, умматнинг оддий намоёндалари ҳам тенгдир. Бу ҳақиқатга очиқ-ойдин маъноли далиллар далолат қилади ва бу борада турли даврларда, турли юртларда уммат ижмоъси собит бўлгандир" (Таҳкийму-ш-шарийъаҳ ва даъаава-л-хусум. 27-бет).

Бошқарувда Ислом ҳукмларини татбиқ қилиш вожиб эканлигига оятлар, ҳадислар, салафи солиҳлар сўзлари ва уммат ижмоъсидан далиллар келтирдик. Ўз-ўзидан маълумки, шунча қатъий ва очиқ-ойдин далиллар бўла туриб, бирорта Ислом олими бу ҳақиқатни таъкидламасдан қўймайди. Зотан, мавзуга далолат қилувчи оятлар тафсирида, ҳадислар шарҳида ва ижмоъларни нақл қилишда мазҳаб уламоларининг сўзлари келтирилди. Бу мавзу динда заруратан маълум бўлган масалалар сирасига киради. Шундай бўлсада, қуйида Аҳли суннанинг мўътабар тўрт фиқҳий мазҳаби уламоларидан ва инсонлар ўйлаб топган қонунлар билан бошқарилувчи жамиятларни ўз кўзи билан кўрган замондош уламоларнинг турли тоифаларидан нақллар келтиришни ўринли деб топдик. Турли тоифа олимларнинг Ислом ҳукми олий бўлиши шарт эканлиги ҳақидаги сўзларини келтиришимиздан мақсад ўша олимларнинг жамики диний масалаларда барча қарашлари тўғри эканлигини айтиш эмас, балки ҳамма уламолар бошқарув фақат Ислом ҳукмлари ва қонунчилиги билан бўлиши фарз ва мажбурий эканлиги борасида бир эътиқодда эканликларини баён қилишдир.

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига Аҳли сунна фиқҳий мазҳабларидан иқтибослар:

Усмонли давлатида халқ ишларини тартибловчи қоидалар тўплами “Мажаллату-л-аҳками-л-адлия” китоби бўлган. Ушбу китоб Қуръон ва суннат белгилаб берган ҳукмлар асосида бир гуруҳ Ҳанафий мазҳаби уламолари тарафидан ёзилган эди. “Мажаллату-л-аҳками-л-адлия” асарининг “Дурару-л-ҳуккам” номли шарҳининг “Қозилик” китобида қуйидаги сўзлар келтирилган: “*Ўз ҳукмида адолатли, бандалари орасидаги муҳтож бўлганлар дуосини ижобат қилувчи зот Аллоҳга ҳамд бўлсин.* ***У зот махлуқотлари орасида ҳақ ила ажрим қилур, росулларининг энг шарафлисига нозил қилган нарса ила ҳукм қилишни буюргандир***.

Дарҳақиқат, ҳар бир набий шунга буюрилгандир. Аллоҳ росулларни шунинг учун юборгандир. Хулафои рошидийнлар ва амал қилувчи уламолар ҳам шунга амал қилгандирлар. Ер ва осмон қозилик қоим бўлиши ила тўғри бўлди, қозилик хулафои рошидийнларга ўринбосарлик қилишдир, оламлар Роббисининг қўйиб берган чегараларнини қоим қилишдир” (Дурару-л-ҳуккам шарҳу мажаллати-л-аҳкам. 4-жуз, 569-бет).

Ҳанафийлардан Мулло Алий ал-Қорий Нисо сурасининг олтмиш бешинчи ояти тафсирида қуйидагиларни айтади: “***Роббингга қасамки, ораларида чиққан нарсага сизни (эй Набий) ҳоким қилмагунларича***”, *яъни, токи улар сизнинг ҳукмингизга қарши хилоф қилар эканлар сизга иймон келтирганларини даъво қилишлари ҳақиқатга тўғри келмайди. “****Иймон келтирмаган***

***бўладилар"** яъни, ҳақиқий иймон эгаси бўлмайдилар. "**Токи ораларида сизни ҳоким қилмагунларича**" яъни, токи барча ишларида сизни ҳукм қилувчи қилмагунларича ва келиша олмаган сўзларида сизни ҳукмингизни қабул қилмагунларича. "**Сўнгра ўзларида сиз ҳукм қилган нарса борасида ҳараж топмайдиган бўлмагунларича**", яъни сиз ҳукм қилган нарса борасида ҳараж топсалар ёки унинг борасида шакка тушсалар, дарҳақиқат шак-шубҳа бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларидан кўнгилда торлик ҳис қилишдир. "**Бутунлай таслим бўлмагунларича**" сизга зоҳиран ва ботинан бутунлай бўйинсунмагунларича иймон келтирмаган бўладилар*" (Анвару-л-Қуръан ва асрору-л-Фурқон. 1-жуз, 439-бет).

Шофеъий мазҳабининг катта фақиҳларидан бири бўлмиш ал-Мовардий ўзининг "Аҳкому-с-султония" китобида Ислом шарияти ҳукмларини ҳаётга татбиқ қилиш ҳам рахбар, ҳам омманинг мажбурияти эканлигини баён қилган. У киши: "*Мусулмонлар рахбарига лозим бўлувчи ишлар ўнтадир: **Биринчиси: динни қарор топган асосларида бўлган ҳолида, уммат салафи солиҳлари ижмоъ қилган нарса узра ҳифзу-ҳимоя қилиш***", – деб айтгач, қуйирокда: "*Қачонки рахбар биз санаб ўтган умматнинг ҳақларини қоим қилар экан омманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида Аллоҳнинг ҳаққларини адо қилган бўлади. Шунда рахбар учун омманинг бўйнига икки ҳақ вожиб бўлади: токи рахбарнинг шу ҳоли ўзгармас экан унга итоат қилиш ва ёрдам бериш*", – деган. (Аҳкому-с-султония. 40 – 42 бет).

Уламолар султони лақабини олган Иззуддин ибн Абдиссалам ўзининг машҳур “Қоваъиду-л-аҳкам фи масолиҳи-л-анам” китобида қуйидагиларни ёзган: “*Тоат фақат Аллоҳгагина бўлади. Зеро, пайдо қилиш, боқий қолдириш, озиқлантириш, диний ва дунёвий жиҳатдан ислоҳ қилиш каби неъматлар фақат Унгагина хосдир. Қандай яхшилик бўлмасин, фақат У ўша яхшиликни келтиради, қандай зарар бўлмасин, фақат У ўша ёмонликни йўқ қилади. Бандалар борасида эса, ҳолат ундай эмас. Бир бандага итоат қилингани учун, у бошқасидан устун бўлиб қолмайди. Зеро, мен Илоҳнинг ҳаққида санаб ўтган хусусиятлар ила неъмат бериш борасида ҳеч кимнинг асло имконияти йўқдир.* ***Ҳукм қилиш борасида ҳам ҳолат худди шундай. Аллоҳдан бошқанинг ҳукми йўқдир. У зотнинг ҳукмлари Қуръондан, суннатдан, ижмоъдан, саҳиҳ қиёслардан ва шаръий далил бўлишда мўътабар услублардан олинади***” (Қоваъиду-л-аҳкам фий масолиҳи-л-анам. 2-жуз, 158-бет).

Моликий мазҳабининг кўзга кўринган уламоларидан бири Бурҳонуддин ибн Фарҳун айтган: “*Сиёсат икки турда бўлади: Биринчиси золим сиёсат. Буни шариат ҳаром қилади. Иккинчиси адолатли сиёсат бўлиб, ҳақни золимдан тортиб олади, кўплаб зулмларни даф қилади, фасод аҳлини рад қилади ва шу сиёсат ила шаръий мақсадларга эришилади.* ***Барча ишларда қайтар жой ва ҳақни изҳор қилиш борасидаги суянчиқ шариий сиёсатдир****”,* – деб таъкидлайди. Сўнгра у киши шаръий сиёсатни инкор қилиш борасида қуйидагиларни айтади: “***Зеро, шаръий сиёсатни инкор қилишда шариятдаги нассларни рад қилиш, рошид халифалар***

розияллоҳу анҳумларга нисбатан ҳаддан ошиш бордир” (Табсироту-л-ҳуккам. 2-жуз, 115-бет).

Моликийлардан имом ал-Қуртубий Аллоҳ таолонинг: “**Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинглар ва Росулга итоат қилинглар ва ўзларингиздан бўлган иш эгаларига итаот қилингизлар. Агар бирор нарса борасида келиша олмай қолсаларингиз, уни Аллоҳга ва Росулига қайтарингизларким, агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз**” (Нисо сураси 95) ояти борасида қуйидагиларни ёзган: “***Уни Аллоҳга ва Росулига қайтарингиз”, яъни, ушбу ҳукмни Аллоҳнинг Китобига ёки У зотнинг Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзига, агар у киши ҳаёт бўлса, вафотидан сўнг эса унинг суннатига қайтарингиз деганидир. Мана шу тафсир Мужоҳид, Аъмаш ва Қатода раҳимаҳумуллоҳларнинг тафсиридир. Шуниси саҳиҳдир. Кимки шу қарашда бўлмаса, унинг иймони фасод бўлгандир***” (Тафсиру-л-Қуртубий. 5-жуз, 261-бет).

Аллоҳ таоло Моида сурасида Ўзи нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаганларни кофирлар, золимлар ва фосиқлар деб номлаган. Ўша оятларнинг тафсирида Мужийруддин ал-Ҳанбалий қуйидагиларни айтган: “***Уларнинг куфри ҳукмларни инкор қилганлари учундир. Уларнинг фисқи ҳукмлардан ташқарига чиққанлари учундир. Уларнинг зулми ўша ҳукмларнинг хилофига ҳукм қилганлари учундир***” (Фатҳу-р-Роҳман фи тафсири-л-Қуръан. 2-жуз, 302-бет).

Замондош уламолар Исломий сиёсат борасида Қуръонда, суннатда келган ҳақиқатларни ва Аҳли сунна уламоларининг қарашларини ва бугунги кундаги ҳукуматларнинг ҳақиқатини биладилар. Уларда Ислом дини давлатда ҳукмрон бўлиши борасида далиллари бор бўлган қарашлари мавжуд. Шунинг учун уларнинг бу мавзудаги сўзларини келтирамиз. Улар юқорида келтирилган далиллар, хоссатан зикр қилиб ўтилган ижмоъга мувофиқ ҳолда Ислом динини сиёсат, қонунчилик ва давлат ишларида ҳукмрон қилиш вожиб эканлигига ижмоъ қилишган.

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига Исломий ташкилотлардан иқтибослар:

Ислом олами Робитасига қарашли Ислом фиқҳи Академиясининг иккинчи қарорида қуйидагилар айтилган: "*Маълумки, Ислом шариятини Аллоҳ таоло Ўз Набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилгандир, мусулмонларга:* ***ҳукм қилувчилари-ю ҳукм қилинувчиларига шариятни лозим тутиш, уни татбиқ қилиш ила шуғулланишни вожиб қилгандир****. У зот шариат татбиқ қилиниши эвазига (бандаларига) бу дунёда нусрат, охиратда эса саодат ваъда қилгандир. Шариятдан юз ўгириш, уни татбиқ қилишдан воз кечишнинг ёмон оқибатидан эҳтиёт бўлишга буюргандир ва бунинг учун дунёвий-ю ухровий уқубатлар бериш ила таҳдид қилгандир*" (Маккаи Мукаррамадаги Ислом фиқҳи Академиясининг қарорлари. 51-бет).

Академия ушбу қарори билан чекланмаган. Қувайтда ҳижрий 1409 йил, Жумоду-л-Уло ойи 1 кундан (мелодий 1988 йил, 10 декабр)

ҳижрий 1409 йил, Жумоду-л-Уло ойи 6 кунигача ўтказилган бешинчи даврасида қуйидагилар эълон қилинган: “***Мусулмонлар ишларига бошлиқ бўлганлар учун аввалги вожиб бу улар орасида шариятни татбиқ қилишдир***. *Мусулмонлар яшовчи юртлардаги ҳукуматларга Ислом шариятини буткул, мукаммал суратда ва ҳаёт жабҳаларида давомий суратда татбиқ қилишга, Исломий жамиятларни халқ, шахс ва давлатлар жиҳатидан Аллоҳнинг динига, ушбу дин ақийда, шариат, яшаш тарзи ва ҳаёт низоми бўлгани эътиборидан шариятни татбиқ қилишга даъват қилишга шошилишларига ундаймиз*” (Масдар: Ислом фиқҳи Академиясининг интернетдаги расмий саҳифаси: https://iifa-aifi.org/ar/1772.html).

Мисрдаги Исломий баҳслар Академиясининг ҳижрий 1403 йил Жумоду-л-Охир ойидаги (мелодий 1983 йил, март ойи) йиғилишида келтирилган кўрсатмаларда қуйидагилар ёзилган: “***Конферинция Ислом шарияти аҳкомларини татбиқ қилиш заруратини таъкидлайди ва Исломий юртларнинг ҳукуматлари ва халқларини ўз қонунларини Ислом шариатидан олишга чақиради***” (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 181-бет).

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига анъанавий йўнлишдаги уламолардан иқтибослар:

Муҳаммад Саъийд Рамазон ал-Бутий айтган: “*Исломий жамиятда ўзининг ҳақиқий маъносида тушунилувчи ҳукмрон бўлувчи куч мавжуд эмасдир. Зеро, ушбу жамиятда ҳукм қилиш ваколати Аллоҳ таолоникидир.* ***Ушбу жамиятдаги инсонлар эса***

тоифа ва табақалари турли бўлишига қарамасдан ўзлари бораларида Аллоҳнинг ҳукмларини жорий қилишга мукаллафдирлар. Шунга биноан дастурий (конституцион) маънодаги бошқарув фақат Яккаҳоким бўлмиш Аллоҳ азза ва жаллага тегишлидир” (Ал-Жиҳаду фи-л-Ислам. 86-бет).

Азҳар шайхи Муҳаммад Мазруъа ёзган “Ридда ва муртадлар ҳукмлари” китобида Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг қуйидаги суҳбати келтирилган: “*Ҳимоя тараф: Исломий шариятни татбиқ қилиш фарз-у вожибми?*

*Муҳаммад ал-Ғаззолий: ушбу саволга жавобни Қуръоннинг ўзига ҳавола қиламан. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Набийсига айтади: “**Роббингизга қасамки, ораларида содир бўлган нарсада сизни ҳукм қилувчи қилмагунларича, сўнгра ўзларида сиз ҳукм қилган нарса борасида ҳараж топмагунларича ва тамоман таслим бўлмагунларича иймон келтирмаган бўладилар**” (Нисо 65-оят). Аллоҳнинг бошқа оятдаги сўзи: “**Улар жоиҳилият ҳукмини истайдиларми!? Чуқур инонган қавлар учун ҳукм борасида Аллоҳдан яхшироқ ким ҳам бор!?**” (Моида сураси 50-оят)*” (Акҳаму-р-ридда ва-л-муртаддийн мин хилали шаҳадатайи-л-Ғоззалий ва Мазруъаҳ. 292 – 293 бетлар).

Доктор Юсуф ал-Қаразовий айтган: “*Исломда ҳоким чегаралаб қўйилгандир, мустақил эмасдир. Шариат бордир ўша ҳоким узра ҳукм қилувчи, қадриятлар бордир уни йўналтирувчи, ҳукмлар бордир уни чеклаб турувчи. Ушбу ҳукмларни унинг ўзи ёки партияси ёки атрофидагилар чиқармаган. Ушбу ҳукмларни у ва бошқалар учун*

инсонларнинг Роббиси, Эгаси ва Илоҳи чиқаргандир. ***Ўша ҳоким ва ундан бошқа ҳеч ким бу ҳукмларни амалдан қолдириб ёки музлатиб қўя олмайди. На подишоҳ, на рахбар, на парламент, на ҳукумат, на уйғониш мажлиси, на марказий комиссия, на халқ йиғини ва на ер юзидаги бирорта куч Аллоҳнинг собит ҳукмларидан бирор нарсани ўзгартира олади!*** ” (Байййинату-л-ҳалли-л-Исламий. 159 – 160 бетлар).

Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигига салафий йўналишдаги уламолардан иқтибослар:

Абдулазиз ибн Боз айтган: “***Шубҳа йўқки, Аллоҳ Ўз бандаларига шарияти ила ҳукм қилишни ва шариятдан ҳукм сўрашни вожиб қилди, шариятдан бошқа манбадан ҳукм сўрашдан ҳазир бўлишга чақирди, бундай иш мунофиқлар сифати эканлигининг хабарини берди***. *Шунингдек, У зот Унинг ҳукмидан бошқа ҳар қандай ҳукм жоҳилият ҳукми эканлиги ҳақида хабар берди*” (Мажмуъу фатава ва мақолат мутанаввиъа. 2-жуз, 325-бет).

Ҳукм қилиш ҳақида сўралган саволга Ибн Усаймин қуйидагича жавоб берган: “***Аллоҳ таоло нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш бу У зотни якка-ю ягона Робб деб билишдандир***. *Зеро, бу иш Аллоҳнинг Парвардигорлиги, эгалиги ва тасарруфининг мукаммаллиги тақозо қилувчи ҳукмни жорий қилишдир. Шу сабабдан Аллоҳ таоло Аллоҳ нозил қилмаган нарсаларда эргашилувчи кимсаларни эргашувчиларнинг роббилари деб номлаган. Аллоҳ айтган: “****Улар Аллоҳни қўйиб, аҳборлари ва руҳбонларини илоҳ қилиб олдилар...***” (Мажмуъу фатава ва росаил. 2-жуз, 140-бет).

Носируддин ал-Албоний зоҳири мусулмон кишига куфр ҳукмини бериш борасида ғулувга кетишдан огоҳлантириш мақсадида ёзган китобининг охирида қуйидагиларни ёзган: “***Эй муслим! Юқорида ўтганлардан, шариятни ҳоким қилиш, ундан ҳукм сўраш Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам вожиб қилган иш эканлиги, бу амал Аллоҳга бандалик, Унинг Набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатларига гувоҳлик тақозоси эканлиги, шариятдан ёки унинг бирор нарсасидан юз ўгириш эса Аллоҳнинг азоби ва иқобини аниқ келтириши аён бўлади***” (Фитнату-т-такфийр. 138-бет).

Шарият далиллари каби соғлом ақл ҳам Яратувчи Ўзига тегишли нарса борасида Ўзи ҳукм қилиши тўғри эканлигига, унинг белгилаб берган қонун-қоидалари бошқарувдан ажратиб қўйилиши нонкўрлик эканлигига далолат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ислом динини инсонлар ҳаётида, жумладан сиёсий масалалар, қонун чиқариш ва ҳукумат назоратидаги барча соҳаларда ҳукмрон қилиш фарз эканлиги оятлар, ҳадислар, мусулмонлар ижмоъси ила қатъан собитдир, бутун уммат омматан эътироф қилган ҳақиқатдир, далиллари очиқ-ойдиндир, мусулмонлар орасида жуда кенг тарқалгандир ва динда заруратан маълум бўлган масаладир.

МИРЗИЁЕВ ВА ЭРДОҒАННИНГ ИЛМОНИЙЛИК БОРАСИДАГИ МАФКУРАСИ БАЁНИ

Икки давлат рахбарининг дунёвийлик борасидаги қарашларини кўриб чиқишдан аввал баъзи масалаларни зикр қилиб ўтиш ўринлидир. Барчамизга малумки, Ўзбекистон ва Туркия дунёвий давлатлардир. Бу давлатлар Қуръон ва суннат асосида Исломий бошқарувдаги давлат эмаслиги барчага очиқ суратда равшандир. Бу ҳақиқатни Ўзбекистон ва Туркия президентлари, ҳукуматлари, дунё ҳамжамияти ва Исломга мансуб деб билинаётган фаоллар тасдиқлайдилар.

Ўзбекистон ва Туркия халқи, хоссатан ўша диёрлардаги мусулмонлар дунёвий ҳукумат қабул қилган қонунлар остида бошқарилар экан, Ислом динининг Аллоҳ тарафидан буюрилган бирорта ҳукми ўша қонунларга мос келмаса, қонунлар устун қўйилиши ва уларга мажбурий суратда амал қилиниши президент ва ҳукумат тарафидан жорий қилинган. Агар Ислом ҳукми ёки бошқа бирор дин ҳукми амалий суратда ўша қонундан устун қўйилса, амал қилган шахс қонуний жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган ва ушбу тартиб назорат қилинади. Масалан Ислом динида маст қилувчи ичимликлар халқ орасида очиқчасига сотилиши ва ичилиши таъқиқланган. Аммо, дунёвий қонунчиликка биноан бу ишга белгиланган тартибда рухсат берилади. Агар бир гуруҳ мусулмонлар ёки бир дона мусулмон бу ишга қаршилик қилиб маст қилувчи ичимлик сотувчи дўконларни диний ташаббус ўларок ёпиб қўймоқчи бўлса, унга нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар қўлланади. Унга бу вазиятни тўғирлаш учун ҳукуматга мурожаат қилиш айтилади. У айни шу масалада ҳукуматга мурожаат қилса, ҳукумат мутасаддилари ўша мусулмонга Ўзбекистон ёки Туркия

диний эмас, дунёвий давлат эканлиги, давлат ҳукумат қабул қилган қонунлар билан бошқарилиши, президент давлатни Ислом билан эмас, дунёвий қонунлар билан бошқаришини тушунтириб берадилар.

Маълумки, Ислом динида Аллоҳ таоло тарафидан буюрилган ҳукмлар жуда кўп. Маст қилувчи ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш ва ичиш ман қилиниши мисолидаги каби Аллоҳнинг бирор ҳукми Ўзбекистон ва Туркия конституцияси ва қонунчилигига зид келса, албатта ўша ҳукмни амалда татбиқ қилиш давлат рахбари тарафидан рад қилинади ва бу иш унинг тўғридан-тўғри вазифасидир. Бу ҳақиқатни сиёсат ва қонунчиликдан хабари бор кишилар биладилар.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Туркияда Аллоҳнинг баъзи ҳукмлари, буйруқларига йўл очиб қўйилган. Масалан баъзи шахсий ибодатларни қонунни бузмаган ҳолда бажариш мумкин, ҳукумат назорати остида масжидлар очиқ, баъзи жамоавий ибодатларни қонунни бузмаган ҳолда адо этиш мумкин. Аёллар ҳижобда юришлари, эркаклар соқол қўйиб юришлари, жойларда ўрнатилган тартибга мувофиқ ҳолда Қуръон ва бошқа диний илмлар ўргатилиши кабиларга диний эркинлик тамойили ва халқ қадриятларидан келиб чиққан ҳолда йўл очиб қўйилган. Аммо, сиёсий тушунчаси бор ҳар бир кишига аёнки, расмий жиҳатдан бу рухсатлар жорий бўлиши Аллоҳ буюргани учун деб айтилмайди. Балки расмий қонунчилик жиҳатидан қаралганда "*Дунёвий қонунчиликда виждон эркинлиги таъминлангани учун, халқнинг миллий ва диний қадриятлари*

эътиборга олингани учун” – деб айтилади. Бу ҳақиқатни Ўзбекистон ва Турк ҳукуматлари таъкидлайди. Баъзи диний амалиётларга, ўша дин қандай бўлмасин, насронийликми, буддистликми, Исломми фарқи йўқ ҳолда, қонун чегарасида рухсат бериш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низоми ва бошқа асосларга мувофиқ амалга оширилади.

Нима бўлганда ҳам, расмий жиҳатдан қараладиган бўлса, Ўзбекистон ва Туркияда қонун асосида назоратга олинган ҳолда рухсат берилган Исломий ҳукмлар Аллоҳнинг динидан бўлгани учун эмас, виждон эркинлиги тушунчасида назарда тутилган асослар шуни тақозо қилгани учун бўлади. Бу ҳақиқатни икки давлат қонунчилигидан хабари бўлган бирорта инсофли, ақли расо инсон рад қилмайди.

Президент Мирзиёев ва президент Эрдоған ўз чиқишларида мусулмон эканликларини кўп айтадилар, Ислом дини юртдаги омма халқнинг муқаддас дини эканлигини таъкидлайдилар, Ислом ривожига ўз тушунчалари асосида ҳисса қўшишга ҳаракат қиладилар ва бу хизматларида баъзи натижаларга эришганлар.

Шунингдек, шак-шубҳа йўққи, Мирзиёев ва Эрдоған Ўзбекистон ва Туркия динни давлатдан ажратиш сиёсати тўғри йўл эканлигини, Ўзбекистон ва Туркияда дунёвий асосдаги конституцияга оғишмай амал қилинганида халқ фаровонлиги ва бахту-саодати таъминланишини минбарларда ва расмий чиқишларида такрор-такрор айтадилар. Қуйида икки давлат

рахбарининг шунга далолат қилувчи қарашларини, Аллоҳнинг ёрдами ила кўриб чиқамиз.

Президент Мирзиёев мелодий 5 июль 2021 йилда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни имзолади. Ўша қонуннинг 5-моддасида қуйидагилар ёзилган: “*Диннинг давлатдан ажратилганлиги.* ***Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган.*** *Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди*” (https://lex.uz/docs/65108).

Ўзбекистон давлат рахбари ташаббуси ила ушбу қонун янги таҳрирдан ўтган, унинг ўзи қонунни имзолаган ва барча учун мажбурий суратда жорий қилган.

Шунингдек, президент Мирзиёев бошчилигида давлат конституциясига катта ўзгаришлар киритилди ва умумхалқ референдумига қўйилди. Ўзбекистон президенти бу борада: “*Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.*

Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади. Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислоҳотларга дахлдор бўлиши ва ***“Бу – менинг***

Конституциям"*, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак*" – деб айтган эди. (https://president.uz/uz/lists/view/5774).

Конституцияга: "*Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва* ***дунёвий давлат***" ва "***Ушбу Конституция 1-моддасининг ва ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас***" (https://constitution.uz/uz/clause/index) каби ўзгартиришлар киритилгач, Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида қуйидаги фикрларини эълон қилди: "***Бешинчидан, Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади***.

Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу.

Бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланади. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз,

Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсатини изчил давом эттирамиз. ***Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз***" (https://president.uz/uz/lists/view/6277).

Давлат рахбари диний бошқарувнинг йўлини олий қонунчилик билан тўла-тўкис ёпиб қўйиш билан чекланмаган. У ҳар қандай юридик ва амалий даражада ушбу мақсад таъминланишини шахсан

жорий қилади: “***Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашлари (кейинги ўринларда – экспертлик кенгашлари) 3–7-иловаларга мувофиқ таркибларда тузилсин.

6. Экспертлик кенгашлари (Т.Нарбаева, Н.Исмоилов, Н.Йўлдошев, Ж.Қўчқоров, А.Ташкулов):

2024 йил 1 январга қадар ўрта ва узоқ истиқболли суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилиши ва Давлат комиссиясига киритилишини таъминласин;

янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг устувор принциплари ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида акс эттирилиши устидан мониторинг олиб борсин;

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чоракда Давлат комиссиясига ҳисобот киритиб борсин” (https://president.uz/uz/lists/view/6287).

Президент Мирзиёев ҳар қандай дин, жумладан Ислом дини ҳам давлатдан, яъни қонунчилик, унинг ижроси, ички ва ташқи сиёсат, иқтисод ва молия, мудофаа, маданият, мажбурий таълим, ижтимоий муносабатлар ва ҳукуматга қарашли бошқа соҳалардан ажратилиш мафкурасининг ҳимоячиси, кафили ва асосий тарғибчиси ўларок энг асосий амалга оширувчиси ҳамдир. Мирзиёев Адлия вазирлиги, қонунчилик соҳасидаги органлар ва парламент, куч ишлатар тузилмалар, суд тизими ва давлатнинг бошқа идоралари ва мансабдорларига уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда динни давлатдан ажратишни амалда татбиқ қилишни буюради. Мисол сифатида 4436-сонли Президент қарорини келтириш ўринли: “*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори*

Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш, улуғ аллома аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, илм-маърифатли,

интеллектуал баркамол авлод этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилганлиги, БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир.

Шунга қарамай, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус бериш, сохта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли орасида носоғлом ақидани сингдириш ҳолатлари кузатилмоқда...

2. Қуйидагилар Қўмитанинг янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

***Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат тамойилини амалий рўёбга чиқариш**, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш;* (https://lex.uz/ru/docs/4500897).

Президент Мирзиёев динни сиёсатдан, қонунчиликдан ва давлат ҳукмрон бўлган соҳалардан ажратиш мафкурасини ўзида акс эттирувчи конституцияни нафақат тўғри деб билади, балки уни тайёрлаш ва қабул қилишда ҳам шахсан муҳим ўрин эгаллагани ила фахрланади: "***Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош комусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган кизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда.***

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий конунимиз лойихасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга рахбарлик килгани ҳал килувчи ахамият касб этди" (Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ўзбекистон нашриёти, мелодий 2017 йил, 1-жуз, 101-бет).

Эски ва янги Конституция матнлари Мирзиёев иштирокида қабул қилинган ва ҳозирда унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда олий қонун сифатида жорий қилинмоқда. Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунга ҳам Мирзиёевнинг қараши ўларок ўзгартириш киритилган ва ҳозирда ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Яъни, президент Мирзиёев Ўзбекистонда динни сиёсатдан, қонунчиликдан ва давлат

ҳукмрон бўлган соҳалардан ажратиш амалиётини тўғри эканлиги тарафдорларининг етакчисидир.

Ўзбекистон Либерал демократик партияси президент Мирзиёев аъзо бўлган партиядир. Ушбу партиянинг расмий дастурида динни давлатдан ажратиш, дунёвийликни таъминлаш масалалари борасида таъкидланган қарашлар, ўз-ўзидан президентнинг бу масаладаги мафкурасини очиб беради: "***Биз давлатнинг дунёвий хусусиятини сақлаб қолган ҳолда, "Инсон эътиқодсиз яшай олмайди" деган тамойилни изчил амалга ошириш, виждон ва дин еркинлиги тўғрисидаги конституциявий меъёрларни амалга ошириш тарафдоримиз.*** *Биз турли диний бирлашмаларнинг маънавий тикланиш, умуминсоний маънавий қадриятларни қарор топтириш ишидаги имкониятларидан фойдаланишда улар билан мулоқот қилиш сиёсати тарафдоримиз. Биз дин халқнинг ахлоқий суянчи, маънавий покланишнинг тенги йўқ воситаси бўлиб хизмат қилиши, инсонларни этник хусусияти, динидан қатъи назар тинчлик, эзгулик, сабр, ўзаро ҳурмат ва тотувлик каби абадий қадриятларга ундашига ишонамиз*" (Партия дастури | ЎзЛиДеП https://uzlidep.uz/uz/party-program).

"***Биз "Инсон эътиқодсиз яшай олмайди", "Дунёвийлик – даҳрийлик эмас" тамойилларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиниши, эътиқод ва виждон эркинлиги, давлатнинг дунёвий характери тўғрисидаги конституциявий меъёрларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши тарафдоримиз.*** *Турли диний бирлашмалар билан уларнинг имкониятларидан маънавий юксалиш,*

умумиинсоний қадриятларни қарор топтириш мақсадида мулоқот қилиш сиёсати тарафдоримиз. Дин халқнинг маънавий таянчи ва покланишининг ҳақиқий воситаси бўлиб хизмат қилиши, одамларни тинчликка, хайрли ва савобли ишларга ундаши, этник, лисоний, диний фарқларга қарамай, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби азалий қадриятларга даъват этиши керак" (Партия Сайловолди Дастури | ЎзЛиДеП https://uzlidep.uz/uz/pre-election-program).

Мирзиёев президентлик сайловларида партиясининг дастури асосида ўз номзодини тақдим қилган. Табиийки, бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон президенти давлат дунёвий тарзда бошқарилиши тарафдори бўлади.

Сиёсий илмлар борасидаги мутахассислар ва таҳлилчилар ҳам Шавкат Мирзиёев Ислом динини давлатдан ажратиш тарафдори эканлиги ва буни ўз қўли ила амалга ошираётганини таъкидлашади. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг рус тилидаги расмий интернет саҳифасида эълон қилинган қуйидаги мақолани келтириш мумкин:

"*Европалик таҳлилчилар кўз ўнгида Ўзбекистондаги толерант Ислом.*

Июнь ойида Хавфсизлик ва ривожланиш сиёсати институтининг (Швеция) сайтида нашр қилинган "Ўзбекистонда дин ва дунёвий давлат" номидаги тадқиқот мақоласида муаллифлар томонидан бизнинг давлатимизда маънавият ва дин соҳасида

сиёсатнинг шакллантирилиши ва амалга оширилишининг асосларининг қисқача таҳлили берилган...

“Дунё” информацион агентлигининг хабар беришича, кўриб чиқилаётган мақола Америка ташқи сиёсати бўйича кенгаш (АҚШ) қошида бўлган “Ўртаосиё ва Кавказ Институти” билан ҳаммуаллифликда ишланган. Мақолада давлат ва дин муносабатлари 2016 йилнинг декабрида давлат президенти Шавкат Мирзиёевнинг сайланиши ортидан бошланган реформалар жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолгани айтилган...

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев дин борасидаги сиёсатни ҳимояланиш услубидан олдинга юриш стратегиясига ўзгартирган. ***Давлат, қонунлар ва таълим тизимининг дунёвийлик ҳарактерини ушлаб қолган ҳолда, у Ўрта Осиёда илдиз отган ва “зиёли Ислом” ила васфланган толерант Ислом қадриятларини қўллаб-қувватлашга янада кўпроқ эътибор бермоқда.***

*“**Умуман олганда чорак аср давомида Ўзбекистон диний соҳада радикаллашишнинг олдини олиш ва ўзининг дунёвий тарздаги бошқарувини сақлашга қаратилган ёндошувни йўлга қўйди.** Бугунги кунда давлат рахбарияти Исломнинг ўзбек моделини дунёга ишонч ила тақдим қилмоқда: диёрнинг мўътадил диний қадриятлари яшнаётган дунёвий давлат”, – дея хулоса қилади манба”. Ўзбекистон мусулмонлари Идораси матбуот хизмати*” (http://www.muslim.uz/index.php/rus/mir/item/9613).

“Халқ Сўзи” газетасида Деҳли университети профессори, Ҳиндистондаги етакчи тадқиқот марказларидан бири – Халқаро Вивекананда фонди эксперти Сканд Ранджан Таялнинг қуйидаги мақоласи нашр қилинган: “*Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятни радикаллаштиришга йўл қўймаслик борасидаги ҳаракатларни изчил олиб бормоқда.*

Тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаган Ўзбекистон дунёвий давлат мақомини сақлаб қолади – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев белгилаб берган асосий вазифа ана шундан иборат. *Мирзиёевнинг адолат ва рақобат тамойиллари асосида ўтган сайловда сайловчиларнинг 88 фоизидан зиёд овозига эга бўлиб, ишончли ғалаба қозонгани Ўзбекистон халқининг куч-қудрати ва ақл-заковатини намоён этди. Президент Ислом Каримовнинг 26 йиллик раҳбарлигидан кейин сиёсий ҳокимият, мамлакат Конституциясига мувофиқ, тинчлик ва барқарорлик шароитида ўзгарди*” (https://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/10976-zbekiston-prezidentining-zhamiyatni-radikallashtirishning-oldini-olish-b-jicha-j-l-kharitasi).

Мирзиёев Ўзбекистонда ҳеч қандай дин сиёсат, қонунчилик ва давлат бошқарувидаги соҳаларга аралашмаслигини, дунёвий бошқарув жорий бўлиши даркор эканлигини айтади. Президентнинг бу борадаги қараши шундай эканлигини сиёсат борасида ҳалқаро мутахассислар тасдиқлайдилар. Мирзиёев ушбу мафкуранинг

тафсилий жиҳатларига ҳам кенг суратда амал қилади. Бунга баъзи кичик мисоллар кетирамиз:

- Шавкат Мирзиёев виночилик ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетганини танқид қилди - Халқ сўзи. (https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-vinochilik-va-alkogol-mahsulotlarini-ishlab-chiqarish-darazhasi-pasajib-ketganini-tanqid-qildi).

- Президент Шавкат Мирзиёев “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди... Умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш. (https://strategy.uz/index.php?news=944).

Мирзиёев бошқарувидаги давлат ишларида диний маънодаги фарз ёки мустаҳаб, саҳиҳ ёки ботил, ҳалол ёки ҳаром деган тушунчаларга расмий меъёрлар жиҳатидан амал қилинмайди. Ўзбекистон президенти сиёсати қонунан мумкин ёки қонунан мумкин эмас, қонунан шарт ёки қонунан шарт эмас, қонунан тўғри ёки қонунан тўғри эмас деган тушунчалар асосига қурилган. Бунда диннинг расмий даражада ўрни йўқ. Қонунга зид бўлмаса ҳар қандай нарса мумкин. Қонунга зид келса, диннинг муқаддас буйруғи бўлсада, мумкин эмас.

Бу ўринда бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шавкат Мирзиёев ўзининг ушбу мафкурасини Ислом динига зид

эмаслиги, дин давлатдан ажратилиши Исломда ман қилинмаган эканлигини билдирмоқчи бўлади. Давлат рахбари Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳаларда ҳукмрон бўлиши адашган тоифаларнинг нотўғри тушунчаси эканлигини баён қилади.

Давлат бошқаруви, сиёсат, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги бошқа соҳаларда ҳукм юритиш ишларидан Ислом дини ажратилади деган асос Мирзиёевнинг 2021 йилда чоп қилинган "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида ўз аксини топган.

Қуйида ўша китобдан иқтибослар келтирар эканмиз, ҳеч ким бизга "*Аслида у китобни бошқа инсон ёзган, президент уни умумий суратда бир кўриб чиққан холос*", – деб айта олмайди деган фикрдамиз. Зеро, бу китобнинг муллифи сифатида давлат рахбарининг ўзи кўрсатилган, китоб Шавкат Мирзиёевга тегишли эканлиги Ўзбекистондаги давлат идоралари ва зиёлилари тарафидан бир овоздан таъкидланган ва китобда "*...ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман*" (413-бет), "*амалий ёрдам беришга мен давлат рахбари сифатида доимо тайёрман*" (414-бет) каби гаплар ва "ушбу сатрларни ёзар эканман..." маъносидаги иборалар кўп учрашйди. Китобдан биз келтирадиган биринчи иқтибос ҳам "*Мени ташвишга солаётган яна бир ҳолат*" деган, биринчи шахс тарафидан айтилган сўзлар ила бошланади.

"Радикализм, экстремизм ва терроризм – барқарор тараққиёт кушандаси" номли бўлим остида Мирзиёев қуйидагиларни айтган: "***Мени ташвишга солаётган яна бир ҳолат, айрим диний соҳа***

вакиллари ва диндорлар орасида амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмайдиганлари борлигидир.

Маълумки, муқаддас ислом динимизда “Итоати амр” деган тушунча мавжуд. Яъни, Конституция ва дунёвий қонунлар билан бошқариладиган мамлакатда яшаётган барча фуқаролар, шу жамият аъзоси сифатида давлатнинг Бош қомуси, қонун-қоида ва тартибларига бўйинсуниши ҳамда бошқаларга ҳам шуни тарғиб этиши шарт.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда давлат давлатчилигини қилади, қонун устувор бўлади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур” (Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021 йил, 412-бет).

Мирзиёевнинг қараши бўйича конституцияда келган кўрсатмалар ва дунёвий қонунларга итоат қилиш, бошқаларни ҳам шунга чақириш шарт ва Исломга мувофиқ экан, Исломнинг “Итоати амр” деган тушунчасига тўғри келар экан. Ваҳоланки, конституция ва дунёвий қонунларда динда заруратан маълум бўлган, Қуръон, суннат ва уммат ижмоъси ила қатъан собит бўлган ҳукмларнинг инкори бор. Ўз ўрнида бу мавзуни, Аллоҳнинг мадади ила, батафсил ёритамиз.

Ўзбекистон президенти ўша китобнинг бошқа жойида қуйидагиларни айтади: “***Экстремистик ташкилотлар ва мутаассиб гуруҳлар, ҳатто баъзи дин вакиллари сиёсат билан***

дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид даъволарни кун тартибига киритишга ҳаракат қилмоқда. Диний меъёрлар доирасини асоссиз кенгайтириш, давлат бошқариши лозим бўлган соҳаларга диний меъёрларни киритиш талаблари қўйилмоқда” (Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021 йил, 403-бет).

Президент Мирзиёев “*сиёсат билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак*” деган эътиқод Исломга мувофиқ эмаслигини билдирмоқда. Диннинг сиёсат, қонунчилик ва давлат бошқарадиган бошқа соҳаларда ҳукмрон бўлишини сўраш Мирзиёевнинг қарашига кўра “*Диний меъёрлар доирасини асоссиз кенгайтириш, давлат бошқариши лозим бўлган соҳаларга диний меъёрларни киритиш талаби*” экан. Демак давлат рахбари наздида давлат сиёсати, қонун чиқариш, унинг ижроси, суд ва бошқа сиёсий-ижтимоий соҳалардан Ислом дини ажратилиши диний нуқтаи назардан ҳам ўринли иш экан.

Ушбу ботил даъвосига қўшимча сифатида Мирзиёев “*Сиёсат билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак*” деб иймон келтирадиган, Қуръон, суннат ва умматнинг омма-ю хосларининг ижмоъси ила собит бўлган улуғ ҳақиқат ва муқаддас эътиқод эгаларини “мутаассиблар”, “динни нотўғри тушинувчи ғаразгўйлар”

деб билади: “***Мутаассиб ғояларни тарғиб қилаётган муқаддас диний манбалардан матнларни юлиб олиб, уларни нотўғри талқин қилган ҳолда ўз ғаразли мақсадлари йўлида ишлатмоқда***” (Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021 йил, 409-бет).

Мирзиёевнинг “*муқаддас диний манбалардан матнларни юлиб олиб, уларни нотўғри талқин қилган ҳолда ўз ғаразли мақсадлари йўлида ишлатмоқда*” деган сўзлари, унинг “*муқаддас диний матнлар Ислом дини сиёсат, қонунчилик ва давлатнинг бошқа ишларига аралашмаслигига далолат қилади*” деган тушунчада эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Шавкат Мирзиёев қуйидаги мафкура эгасидир: “***Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги соҳалардан ажратилиши тўғри сиёсий йўл. Дунёвийлик Исломга зид эмас ва бу амалиёт жоиз иш***”.

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған ҳам ўзининг давлат бошқаруви масаласида дунёвий қарашлари билан машҳур. Аммо, унинг баъзи сиёсий рақиблари Эрдоғанга “Исломпараст” деб тана қиладилар. Ҳақиқатда ҳам Эрдоған Ислом ва мусулмонларга фойдаси тегиши учун ўзи тўғри деб билган ҳаракатларни амалга оширади. Фаластиндаги ҳолатлар, Хитойда уйғур мусулмонларга зулм қилиниши, Мянмардаги мусулмон халққа қилинган ноҳақликлар борасидаги чиқишлари ва бошқа уринишлари кўпчиликка сир эмас. Туркия ички сиёсатида ҳам Ислом фойдаси

учун ўзининг фикрига кўра ўринли деб билган ислоҳотларни амалга оширган. Шундай бўлсада, Эрдоғаннинг эгаллаган расмий позицияси ҳар қандай қандай дин, жумладан Ислом дини давлат бошқарувидан ажратилиши тўғри эканлигидир. У ҳам Мирзиёев каби ўз давлати конституциясига амал қилинишининг кафили ва қўриқчисидир. Яъни, конституцияда эълон қилинган қарашлар тўғри эканлиги ва уларни ўзгартирмаслик лозим эканлиги унинг шахсий сиёсий мафкурасининг асосидир.

Туркия конституциясида қуйдагилар айтилган: "*Ҳеч қандай тушунча ва мулоҳаза Турк миллий манфаатларига, турк ўзлиги ўзининг давлати ва юртидан ажралмас эканлиги асосининг, Туркийлик тарихи ва маънавий қадриятлари, Отатурк миллиятчилиги, тамойиллари, инқилоблари ва маданиятчилигининг қаршисида ҳимояланмаслиги,* ***шунингдек, лаиклик (дунёвийлик) тамойили талаби сифатида давлат ишлари ва сиёсатга муқаддас диний туйғулар қатъиян аралаштирилмаслиги (эътироф этилади)***.

Турк миллий манфаатлари, Турк давлати ва ватанининг ажралмаслик тамойили, Туркийликнинг тарихий ва маънавий кадриятлари, Отатурк миллиятчилиги, тамойил ва инкилоблари, цивилизациясига карши хеч бир караш химоя килинмайди. Лайиклик (дунёвийлик) тамойилининг талаби сифатида мукаддас диний туйгулар давлат ва сиёсат ишларига асло аралашмайди" (Турк Конституцияси матни, преамбула.

https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

Туркияда дин давлатдан ажратилган эканлигини таъкидловчи конституцион моддалар ўзгармай қолиши борасида Эрдоғаннинг мавқифини Туркия Республикаси президентлигининг расмий интернет саҳифаси қуйидагича ёритган: “***Президент Эрдоған, сўнгги даврда конституция ўзгаришлари билан боғлиқ амалга оширилган ишларнинг ҳеч бирида “Туркия Республикасининг демократик, дунёвий ва ижтимоий ҳуқуқий давлат эканлиги” таъкидига тегилмагани холида, конституциянинг дастлабки тўртта моддасини ўзгартирилиши хусусида нотўғри маълумот берилганига эътиборни жалб қилди.*** *Президент Эрдоған ўз нутқида конституция ўзгариши борасидаги мунозараларнинг унинг номи устидан юритилгани масаласига қуйидагича баҳо берди: бугун бу музокаралар ва мунозараларнинг ҳаммасини менга боғлаб олиб боришлари маънога эгадир. Қардошим, миллатга ўзингни севдир, миллатни сев. Балки миллат сиз кўрсатадиган номзодни танлар, аниқ эмас. Лекин булар миллатга ишонмайдилар, самимий айтаманки, миллатни севмайдилар хам. Миллатга ҳурматлари йўқ, миллатга хизматлари йўқ. Миллат хам табиийки, бу сафар уларга бошқача муносабатда бўлишга мажбур ҳолатда қоляпти.* ***Зеро, назаримда, буларнинг демократия, дунёвийлик ва хуқуқ давлатига ҳеч бир алоқаси йўқ***”. (https://www.tccb.gov.tr/haberler/410/70720/biz-koklu-devlet-gelenegine-ve-kadim-medeniyet-mirasina-sahip-bir-milletiz).

Эрдоған Туркия конституциясида эълон қилинган фикрлар тарғиботчиси ва қўриқчиси сифатида конституциянинг “*лаиклик (дунёвийлик) тамойили талаби сифатида давлат ишлари ва сиёсатга муқаддас диний туйғулар қатъиян аралаштирилмаслиги (эътироф этилади)*”, – деган кўрсатмаси собит қолиши тарафдоридир.

Туркия Республикаси президентлиги расмий интернет саҳифасининг бошқа мақоласида қуйидагилар ёзилган: “***Динни сиёсатда восита қилинишга**, ўз эътиқодига амал қилмоқчи бўлганларнинг безовта қилинишига, танбеҳ ва ҳақорат қилинишига қарши эканлигини таъкидлаган Президент Эрдоған: “Миллатимизнинг диний ҳисларини ўз манфаатлари йўлида ишлатганларга **қарши энг қаттиқ позицияни эгалладик**... – деди*” (https://www.tccb.gov.tr/haberler/410/92592/-ozgurluklerin-herkes-icin-alabildigine-genis-bir-sekilde-yasatilabilmesi-amaciyla-mucadele-ediyoruz-).

Эрдоған Туркиянинг дунёвий тузумини ўзгартиришга қарши эканлигини очиқ айтади ва бунинг аксига даъват қилади. Эрдоғаннинг партиядоши ва Туркия парламенти раиси Исмоил Қаҳрамон диний конституцияга ўтиш тарафдори сифатида қуйидагиларни айтган эди: “*Конституцияни жамият билан интеграциялашган ҳолда яратасиз. Мамлакатимизда конституциявий ишланмалар асосан юқоридан пастга олиб борилган эди. Шенер Акёл ҳам 1982 йилги конституцияни тайёрлаган ҳайъат аъзоларидан эди. Ундан: “Биз мусулмон*

давлатмиз. Нима учун конституция Аллоҳ номи билан бошланмаган?" – деб сўрадим. У: "Биз Аллоҳнинг номи билан бошлатдик, парламент бекор қилди", – деди. Янги конституция шахсга аҳамият бериши керак. Давлат ўзини шахс хизматида деб билиши керак. Эркинлик бергандан кейин ҳеч қандай чекловлар бўлмаслиги керак. Мавжуд конституциянинг ҳеч бир жойида Аллоҳ лафзи йўқ, лекин 1982 йил ва 1961 йилги конституциялар диний конституциялардир. Чунки, Дин ишлари раиси идоравий бошқарувда бордир. Диний байрамлар расмий байрамлардир. Диёнат дарслари мажбурий ва эътиқодга асосланган тузилишга эга. Яъни, секуляр эмас, диний конституциядир. Дунёвийлик таърифи шунга кўра бўлиши керак. Дунёвийлик қайтадан янги конституцияда бўлмаслиги керак. Дунёда дунёвийлик (лаиклик) таърифини олган конституциаялар ичида Франция, Ирландия ва Туркия ҳам бор. Аниқ таъриф эса йўқ. Истаган киши буни истаганича талқин қилади. Бундай бўлмаслиги керак. Конституциямиз диндан қочмаслиги керак. Мусулмон бир ўлка бўла туриб, нега диндан тозаланиб, чекинишимиз керак? Биз Ислом ўлкасимиз. Шунинг учун ҳам диний конституция ишлашимиз керак" (https://www.aa.com.tr/tr/turkiye/tbmm-baskani-kahraman-laiklik-yeni-anayasada-olmamalidir/561319).

Кўриниб турибдики, Исмоил Қаҳрамон Ислом ҳукмларини тўлиқ қоим қилишга даъват қилаётгани йўқ. У Туркияни ҳозирги ҳолатидан кўра конституцион даражада янада Исломга яқинроқ қилишни ўртага қўймоқда. Аммо, Эрдоған бу чақириқни қўллаб-қувватламаган. Аксинча, бу масалада фикри бошқача эканлигини

баён қилган: “*Президент Эрдоған Туркия Буюк Миллат Мажлиси раисининг янги конституция лойиҳаси ҳақида кечаги берган баёнотини қандай баҳолаганлиги ҳақидаги саволга, “Парламент раисимиз конституциявий баҳслар борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини очиқ билдирибди. Менга келсак, бу борадаги фикрларим бошиданоқ аниқ. Айниқса, Мисрда қилган нутқим бу борада жуда муҳим.* ***Бу мавзу мен асосчиси бўлган партиям дастурида аллақачон жуда аниқ белгиланган. Ва бу ўринда бутун ҳақиқат қуйидагича: давлат барча дин гуруҳларининг эътиқодларига нисбатан бир ҳил масофада туради ва мана шу дунёвийликдир. Биз партиямизга асос солганимизда, бутун дунёдаги лаик (дунёвий) тизимларни, сиз билган Англосаксон дунёвийлиги, Европа қитъасидаги дунёвийлик тушунчаси, буларни барчасини ўрганиб чиқиб, ўшандан кейингина дастуримизга партиямизнинг бу борадаги тушунчасини киритдик. Булар менинг президентликка номзодлигим ва президентлик декларациямга киритилган.*** *Менимча, Туркияда бу борада олиб борилаётган музокаралар, мамлакатимизнинг ҳаёт тарзини жуда бошқача жойларга олиб чиқишга қаратилган ҳаракатдан бошқа нарса эмас деб ўйлайман”, – дея жавоб берди*” (https://www.tccb.gov.tr/haberler/410/43765/devlet-tum-inanc-gruplarina-esit-mesafededir).

Иқтибосдан икки ҳақиқат ойдинлашмоқда. Биринчидан Эрдоған наздида давлат расмий суратда бирорта динга мойиллик бермайди, давлат ўзига қарашли ишларда ҳар қандай диндан бир ҳил даражада масофада сақлайди. Яъни, ҳеч бир дин, жумладан Ислом,

эҳтиром қилинсада, давлатнинг дини бўлмайди. Иккинчидан сиёсий маънодаги дунёвийлик борасида Эрдоғаннинг фикрлари аниқ ва ўша қарашлар унинг ўзи асос солган “Адолат ва Тараққиёт” партиясининг дастурида келтирилган.

Эрдоғаннинг дунёвийлик (лаиклик) борасидаги аниқ фикрларини ўзида мужассам қилган партиянинг дастурида қуйидагилар ёзилган: “*Партиямиз Туркия Республикаси бирлиги ва яхлитлиги, **дунёвий**, демократик, ижтимоий ҳуқуқий давлат эканлиги, фуқоровийлашиш, демократлашиш, эътиқод эркинлиги ва имкониятлар тенглиги асос дея кабул килинган заминдир.*

Фикр ва сўз эркинлиги халқаро андозалар асосида қурилади, фикрлар эркин ифодалана олади, ҳар ҳиллик бир бойлик сифатида кўрилади. Партиямиз динни инсониятнинг энг муҳим институтларидан бири, дунёвийликни эса демократиянинг воз кечилмас шарти, дин ва виждон эркинлигининг кафолати сифатида кўради. Дунёвийликни динга душманлик деб талқин қилиниши ва суистеъмол қилинишига қаршидир.

Аслида, дунёвийлик ҳар хил дин ва эътиқодга мансубларнинг ибодатларини бемалол бажаришларини, ўз диний эътиқодларини изҳор этиб шу йўналишда яшашларини, шунингдек, эътикодсиз инсонларнинг ҳам ўз ҳаётларини тартибга солишларини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан дунёвийлик эркинлик ва жамоавий тинчлик принципидир.

Партиямиз муқаддас диний қадриятлар ва этник келиб чиқишдан гаразли мақсадларда фойдаланиб, сиёсий қурол

қилинишини рад этади. *Диндор инсонларни ранжитадиган муносабат ва амалиётларни, уларнинг диний ҳаёти ва танловлари туфайли бошқача муомалага тобеъ тутилишларини демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зид деб билади.* ***Бошқа томондан, динни сиёсий, иқтисодий ёки бошқа манфаатларга восита килиш ёки диндан фойдаланиб, бошқача фикрлайдиган ва яшайдиган одамларга босим ўтказиш асло қабул қилинмас***...” (https://www.akparti.org.tr/parti/parti-programi/).

Дунёвийлик мафкураси, яъни Туркия конституциясида очиқ белгилаб қўйилган “*давлат ишлари ва сиёсатга муқаддас диний туйғулар қатъиян аралаштирилмаслиги*” тамоили партиянинг дастурида “*динни сиёсий, иқтисодий ёки бошқа манфаатларга восита килиш ёки диндан фойдаланиб, бошқача фикрлайдиган ва яшайдиган одамларга босим ўтказиш асло қабул қилинмас*” жумласи ила таъкидланган бўлиб, Эрдоған тарафидан шахсий мафкура сифатида тан олинган, тўғри деб билинган, тарғиб қилинган ва ҳимоя қилингандир. Ушбу сиёсий асосга “Адолат ва Тараққиёт” партиясининг низомида ҳам алоҳида урғу берилган: “*4.8- АК ПАРТИЯ; Шахсларнинг эътикодларига кўра яшаш, фикрларини очиқ ифода этиш ҳуқуқлари тортишилмас масала эканлигини, эътиқод ва тушунчани қонунга мувофиқ танитиш ва тарғиб қилиш шахслар ва фуқоровий жамият ташкилотларига тегишли ҳуқуқ ва ваколат эканлигини, ҳар бир шахснинг ҳар кандай ташкилотда ва ҳаётнинг ҳар бир соҳасида тенг ва умумий ҳуқуқлари борлигини, бунинг ортидан давлат ҳеч қандай эътиқод ёки фикрга ён босиш ёки қарши муносабат кўрсатмаслиги лозимлигини,* ***Конституцияда***

ўрин олган дунёвийлик ва қонун олдида тенглик тамойиллари юқоридаги тушунча ва қарашнинг кафолатини ташкил этишини таъкидлайди” (“Адолат ва Тараққиёт” партияси низоми. 23-бет. https://www.akparti.org.tr/media/279929/cep-boy.pdf).

Конституцияда белгиланган “*Ҳеч ким давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий асосий низомини қисман бўлсада дин қоидаларига суянтириш*” ва “*Лайиклик (дунёвийлик) тамойилининг талаби сифатида мукаддас диний туйғулар давлат ва сиёсат ишларига асло аралашмайди*” каби асослар Эрдоғаннинг партияси дастурида, низомида ва Эрдоғанни ўзи айтган президентликка номзодлиги-ю президентлик декларациясида қарор топган ва конституцияга асло зид бўла олмайди. Зеро, конституциянинг ўзида: “*Сиёсий партияларнинг низомлари, дастурлари, ҳамда фаолиятлари Давлат мустақиллигига, ҳудудий ва миллий бўлинмас якдиллиги, инсон ҳуқуқлари, тенглик ва ҳуқуқий давлат тамойиллари, миллат ҳукмронлиги, демократик* ***ва лаик (дунёвий) Республика тамойилларига зид бўла олмайди***”, – деб белгиланган (Турк Конституцияси матни, 68-модда. Манба: https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

Эрдоған ўз партиясини тузиш давридаёқ динни давлатдан ажратиш асоси бўлмиш дунёвийликни илгари сурган ва ушбу мафкуранинг ҳимоясига киришган. Бу ҳақиқатни нафақат унинг ўзи ёки партияси, балки сиёсат фанлари борасида илмий изланишлар олиб борувчи мутахассислар ҳам таъкидлайдилар: “*Ўзини*

консерватив демократ деб таърифлайдиган оммавий партия бўлмиш АК (Адолат ва Тараққиёт) Партияга асос солиш чоғида ***Ражаб Тойййиб Эрдоған ўз партиясини демократик ва дунёвий ҳуқуқий давлатни ҳимоя қилувчи, дунёвийликни демократиянинг кафолати ва ижтимоий тинчликнинг асосий тамойили деб биладиган партия сифатида тузган.*** *У ўз партиясини Республиканинг асосий хусусиятлари атрофида доимий ижтимоий иттифоққа интиладиган бир партия деб хослаган эди*" (Türk siyasal hayatinda AK parti dönemi. 264-бет).

Эрдоған ўз партиясига асос солган davриданоқ "лаиклик" (дунёвийлик) истилоҳига Туркия конституцияга мувофиқ ҳолда таъриф берган ва унинг тарғиботчисига айланган.

Мелодий 2012 йил Мисрда "Мусулмон биродарлар" аъзоси бўлмиш Муҳаммад Мурси рахбарликка келгач, кўпгина сиёсий доиралар Миср давлати Исломийлашиш йўлидан боради деган тахминни илгари сурдилар. Эрдоған бу ҳолатда ўзини сиёсий маънодаги дунёвийлик тарғиботчиси сифатида кўрсатди. Эрдоған Туркия конституцияси, "Адолат ва Тараққиёт" партияси ва ўзининг шахсий қараши бўлмиш дунёвий давлат бўлиш, давлатнинг ҳар қандай диндан бирдек масофа сақлаши тамойилларини Мисрга сафари чоғида Муҳаммад Мурси ва ҳукуматга қуйидагича етказган: "***Шахслар дунёвий (лаик) эмас, давлат дунёвий (лаик) бўлади...*** *Дунёвий давлат қуриш динсизлик эмас, бу ҳар ким ўз динини ўзи ишонганидек яшашининг кафолатидир. У буни шундай кўради, шундай кўриши керак.* ***Бу ҳақда умуман андишаланмаслиги ва***

конституцияни тайёрлайдиганлар ҳам ўша ерда буни таъминлаши керак.

Айтиш лозимки, давлат барча диний гуруҳларнинг эътиқодини кафолатлайди. Уларнинг барчасига нисбатан бир хил масофададир. Сизнинг динингизда яшашингизга ҳеч қачон тўсқинлик қилмайди. Буни шундай айтиш керак. Агар шундай бошланиб, шундай давом этса, ўша жамият ором топади. Давлат барча мусулмонларнинг, қибтийларнинг, яна ҳам чуқур айтаман, ҳатто динсизларнинг, атеистларнинг эътиқодини ҳам ҳурмат қилади. Бундан ташқари, ҳимояси остига олади. Мана шу дунёвий давлатдир. ***Лекин шахс дунёвий эмас. Тойийб Эрдоған дунёвий эмас, Тойийб Эрдоған мусулмон. Аммо Тойийб Эрдоған дунёвий давлатнинг бош раисидир ва бу масъулиятда зарур бўлган ишни қилишда гайрат қилмоқда***. *(Sabah, 15.09.2011)*” (Adalet ve Kalkinma partisi’nin din politikalari (Recep Tayyip Erdoğan dönemi). Doktora tezi. 130-бет).

Эрдоғаннинг “*Шахслар дунёвий (лаик) эмас, давлат дунёвий (лаик) бўлади”* деган сўзларини “*Дин шахсдан масофада ушланмайди, давлат диндан масофа ушлаши жоиз*” деб тушуниш ўринли.

Эрдоған конституцион талаб ва ўзининг тўғридан-тўғри мажбурияти сифатида давлатнинг сиёсат, қонунчилик, иқтисод, маданият, туризм ва бошқа соҳаларида Ислом дини ҳукмрон бўлишидан масофада туриш вазифасини бажарар ва шунга тарғиб қилар экан, ўзининг мусулмон эканлигини очиқ эълон қилади. Бунга унинг “*Тойийб Эрдоған дунёвий эмас, Тойийб Эрдоған мусулмон.*

Аммо Тоййиб Эрдўған дунёвий давлатнинг бош раисидир ва бу масъулиятда зарур бўлган ишни қилишда гайрат қилмоқда” деган сўзлари далолат қилади.

Динни давлатдан ажратишни ўринли деб билсада шахс эътиқодли мусулмон бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тушунчасини Эрдоған ўз оиласи мисолида қуйидагича ёритган: “*Биз эътиқодли мусулмонлармиз. Қуръонда аёллар жамоат жойларида ҳижоб ўрашлари кераклиги ёзилган. Сумая ва Эсра (ўз қизларини назарда тутмоқда) Қуръонга эргашадилар.* ***Бу мен дин ва давлатни ажратишга қаршиман дегани эмас.*** *Қизим ҳам ҳижобни замонавий деб билади*” (https://www.milliyet.com.tr/siyaset/asli-astari-yok-104424).

Бу ўринда давлат рахбари “*Дин фақат давлатдан ажратилсин, шахслар қонунни бузмаган ҳолда ўз динига амал қилиш эркинлигини сақлаб қолсин*” деган тушунчани таъкидламоқда.

Ҳуррият ахборот агентлигининг расмий интернет саҳифасида Исмоил Қаҳрамоннинг конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги сўзларига Эрдоғаннинг оғзидан қуйидаги эътироз келтирилган: “***АК Партия ичида “Аҳолининг 99 фоизи мусулмонлар, келинг, конституцияда дунёвийликка тегмасдан Исломга бироз кўпроқ урғу берайлик” деган фикрни қўллаб-қувватловчилар бор, дейишяпти.***

Буларнинг ҳаммаси бемаъни гаплар. Бу мамлакатдаги барча диний гуруҳларнинг эътиқодлари конституцияда

кафолатланган бўлса, давлат барча эътиқод тоифаларидан тенг масофада жойлашган бўлса, нега Исломга алоҳида урғу беришга эҳтиёж бўлсин? Агар мен бир мусулмон сифатида ўз эътиқодимни ўзим хоҳлагандек яшай олсам, масала тугади” (https://www.hurriyet.com.tr/gundem/laiklik-ladinilik-olursa-itiraz-gelir-40095714).

Кўриниб турибдики, Исломни бошқарувда ҳукмрон қилиш масаласи тугур, конституцияда Исломга алоҳида урғу бериб ўтишнинг ўзи ҳам Эрдоғаннинг қараши бўйича ўринсиз ишдир.

Туркия конституцияси далолат қилганига мувофиқ ҳолда Ислом дини сиёсат, қонунчилик, унинг ижроси, суд, ташқи ва ички ишлар, ижтимоий муносабатлар ва бошқа соҳалардан ажратилар экан, Эрдоған “*Дин давлатдан ажратилишини тўғри йўл ва Исломга зид эмас*” деган қарашда эканлигини қуйидаги конституцион асослар ва Эрдоғаннинг сўзлари очиб беради.

“***Турк миллий манфаатлари, Турк давлати ва ватанининг ажралмаслик тамойили, Туркийликнинг тарихий ва маънавий кадриятлари, Отатурк миллиятчилиги, тамойил ва инкилоблари, цивилизациясига карши хеч бир караш химоя килинмайди. Лайиклик (дунёвийлик) тамойилининг талаби сифатида мукаддас диний туйгулар давлат ва сиёсат ишларига асло аралашмайди***” (Турк Конституцияси матни, преамбула. https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

"***Ҳеч ким давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий асосий низомини қисман бўлсада, дин қоидаларига суянтириши ёки сиёсий ёки шахсий манфаат ёхуд таъсир ўтказиш мақсадида ҳар қандай суратда бўлса ҳам диндан ёки диний туйғулардан ёки динда муқаддас саналган нарсалардан фойдалана олмайди ва суистеъмол хам қила олмайди***". (Турк Конституцияси матни, 24-модда. Манба: https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridaresi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf).

"*Отатуркдан мерос қолган тушунчалардан бири "миллий суверенитет", иккинчиси "унитар давлат" эканини эслатган Эрдоған, бошқа муҳим мерос эса "дунёвийлик" эканлигини таъкидлади. (Айирмачилик жорий бўлмасин)* ***Дунёвийлик одатда "дин ва давлат ишларини бир-биридан ажратиш" деб таърифланганига диққат қаратган Эрдоған: "Бу тўғри, аммо тўлиқ бўлмаган таъриф", – деди. Эрдоған: "Дунёвийликнинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, давлат ва сиёсий ҳокимият ижтимоий соҳадаги барча эътиқод ва ўзликларга тенг даражада яқин бўлиб, миллатнинг ҳеч бир аъзоси эътиқоди ва ўзига хослиги туфайли ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан камситилишга учрамаслигидир", – деб айтди***" (https://www.hurriyet.com.tr/gundem/erdogandan-turban-mesaji-38512801).

Шунингдек, Эрдоған: "***Биз халқни дунёвийликка амал қилишига қўйиб берамиз. Токи бунинг ортидан биз конституция***

белгилаб берганидек дунёвийлик (лаиклик) асосларига вафо қилаётканимизни таъкидлаймиз”, – деб айтган (Шарийф Тағён. Шайх раис Ражаб Тоййиб Эрдоған (араб тилида). 114-бет).

“Ҳуррият” нашрига берган интервьюсида ‘‘*Биз 1982 йилги Конституциянинг дунёвийлик тушунчасини тўлиқ қабул қиламиз*’’ (https://www.hurriyet.com.tr/gundem/erdogan-ve-laiklik-38417386), – деб айтган Эрдоған дунёвийликни айнан Туркия конституцияси талқинида қабул қилмасдан туриб, олдинга қўйилган мақсадларга етишиш имконсиз эканлигини ҳам таъкидлаган. Эрдоғаннинг сўзларини Туркия Республикаси президентлиги расмий интернет саҳифаси келтирган: “***Дунёвийлик бир ўлкани на оёққа турғизишини, на чўктиришини қайд этган Президент Эрдоған: “дунёвийлик, бир ишнинг ижтимоий тузилиши ичида баҳоланадиган ва маъмурий нуқтада қадриятлар занжири ичида ўз ўрнини оладиган тушунчадир. Бу шундоқ ҳам бизнинг конституциямизда ўз ўрнини олган. Ундан кечиб бирор манзилга ета олмайсиз, – деди***”. (https://www.tccb.gov.tr/haberler/410/32346/milletin-iradesinin-egemen-oldugunu-7-haziranda-hep-birlikte-gosterelim).

Туркия президенти наздида дунёвийлик давлатни чўктирмайди ва ушбу тамойилсиз кўзланган манзилга етиб бориб бўлмайди.

Эрдоған мелодий ҳисобда 2023 йил 6 июнь куни Туркия президентлиги вазифасига яна киришар экан қуйидаги қасамёдни қабул қилди: “*Мен Президент сифатида давлатнинг мавжудлиги ва мустақиллигини, ватан ва миллатнинг ажралмас яхлитлигини,*

миллатнинг қайдсиз ва шартсиз суверенитетини ҳимоя қиламан, Конституцияга, қонун устуворлигига, демократияга, ***Отатурк тамойиллари ва ислоҳотлари, дунёвий Республика тамойилига содиқ қолишга****, халқ тинчлиги ва фаровонлиги, миллий ҳамжиҳатлик ва адолат тушунчаси доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан ҳар ким баҳраманд бўлиши идеалидан четга чиқмаликка, Туркия Республикасининг шаъни ва шарафини ҳимоя қилиш ва улуғлаш, ўз бурчимни холислик билан адо этиш учун бор кучим билан ҳаракат қилишга* ***буюк Турк миллати ва тарих ҳузурида номусим ва шарафим ила қасамёд қиламан***" (https://www.hurriyet.com.tr/gundem/cumhurbaskani-erdogan-tbmmde-yemin-edecek-tum-gozler-ankarada-yeni-kabine-bu-aksam-aciklaniyor-42277979).

Кўриниб турибдики, Туркияда Отатурк асос солган дунёвийликни сўзсиз ҳимоя қилиш ва татбиқ қилиш Эрдоғаннинг президент сифатида тўғридан-тўғри вазифаси ва у буни уддаламоқда. Бу инсон Отатуркнинг шунчаки давомчиси эмас, балки Отатурк шахси ва ишини эҳтиром қилувчи давомчиси: "***Азиз Отатурк; Бугун биз Сизнинг раҳбарлигингиз остида кечган шиддатли ва оламшумул курашлардан сўнг барпо этилган Республикамизнинг 99 йиллигини нишонламоқдамиз. Сиз ва азиз шаҳидларимиздан омонат қилиб олинган республикамизни абадул-абад сақлаш учун бор кучимизни сарфламоқдамиз.***

Руҳинг шод бўлсин. Республика куни муборак бўлсин!” (https://www.milliyet.com.tr/gundem/devlet-erkani-atanin-huzurunda-6849013).

Эрдоған Туркия конституциясининг “*Лайиклик (дунёвийлик) тамойилининг талаби сифатида мукаддас диний туйғулар давлат ва сиёсат ишларига асло аралашмайди*” деган ва дунёвийликни амалда татбиқ қилишни белгиловчи бошқа кўрсатмаларини тўғри деб билиш, амалда жорий қилиш, унга тарғиб қилиш ва Отатурк дунёвийлигини асраб-авайлаш билан чекланмайди. У ушбу конституцияга дунёвийлик (лаиклик) мафкураси киритилган санани байрам деб билади ва халқни муборакбод этади: “*Республикамизнинг дунёвийлик каби асосий қадрият ва тамойилларининг халқимиз томонидан муштарак ҳиссада қабул қилиниши бу даражага келишимизда ҳал қилувчи рол ўйнади. Бундан кейин ҳам дунёвийликни айирувчи эмас, бирлаштирувчи тамойил сифатида жонлантириб, уни келажак авлодларга етказиш, миллат ўлароқ, бизни кутаётган жуда муҳим масъулиятдир.* ***Бунинг учун Республикамизнинг барча қадриятлари каби дунёвийлик тамойилини ҳам ҳар қандай кундалик сиёсий баҳс-мунозаралардан устун тутишга катта эътибор ва ҳаракат кўрсатишимиз керак.***

Мана шу масъулият ҳисси билан Ҳукумат сифатида Биз бундан кейин ҳам Республикамиз ва демократиямизни янада мустаҳкамлаш йўлида аввалдан бўлгани каби қатъият билан ишлашда давом этамиз. ***Шу ўйлар билан дунёвийлик конституциявий тамойил сифатида қабул қилинганининг 73***

йиллигини нишонлаб, барча ватандошларимни муҳаббатла қутлайман”
(https://www.cnnturk.com/2010/turkiye/02/05/gul.ve.erdogandan.laiklik.mesaji/562452.0/index.html).

Туркиядаги сиёсий тузум, Эрдоған ва унинг партияси ҳақида бир неча илмий мақолалар муаллифи, Ислом илмлари бўйича мутахассис доктор Муҳаммад ас-Саъийдий мелодий 2019 йил “Холийжа” телеканалидаги суҳбатда қуйидагиларни айтган: “*Биз биламизки, Эрдоған ўн олти йилдан бери ҳукмрон, лекин шариятни татбиқ қилишда бир қарич ҳам йўл босиб ўтмади. Аксинча, унинг даврида зинони жиноят ҳисобламаслик ҳақидаги, биржинслар (гомосексуаллар) ташкилотларини эътироф қилиш ва бошқа жуда ёмон қонунлар пайдо бўлди.* ***Қандай қилиб уни шариятни татбиқ қилишда босқичма-босқич йўл босаётганини гапиришингиз мумкин!? У ўз юртида илмонийликни татбиқ қилмоқда***” (https://youtu.be/uGCd1pkTWUc, https://mobile.sabq.org/8ZH4TW).

Эрдоған доктор Муҳаммад ас-Саъийдий айтганидек нафақат “*ўз юртида илмонийликни татбиқ қилмоқда*”, балки, аввал кўриб ўтилганидек конституцияга мувофиқ динни давлатдан ажратишни тўғри демоқда, тарғиб қилмоқда ва издошлари ила ҳимоя қилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Эрдоған қуйидаги мафкура эгасидир: “***Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги соҳалардан ажратилиши тўғри сиёсий йўл. Дунёвийлик Исломга зид эмас ва бу амалиёт жоиз иш***”.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИСЛОМ ДИНИ ҲУКМРОН БЎЛИШИ ФАРЗЛИГИ ДИНДА ЗАРУРАТАН МАЪЛУМ ҲУКМ ЭКАНЛИГИНИНГ БАЁНИ

Сиёсат, қонунчилик ва бошқа соҳаларда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигининг далиллари собит бўлиши жиҳатидан ва айни шу маънога далолат қилиши, уларни бошқа маънога буриб бўлмаслиги жиҳатидан ҳам қатъий эканлиги борасида далилларни келитрдик.

Энди, давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигининг далиллари Қуръон оятлари, ҳадислар ва уммат ижмоъси сабабидан барча мусулмон юртларида кенг тарқалган эканлиги, мусулмонларга бу илм омматан етиб борганлиги, мусулмонлар ичида яшаб юрган инсон бу ҳақиқатни билмай қолиши имконсиз эканлиги собит бўлгани, яъни ушбу масала динда зарурoтан маълум ҳукм эканлиги борасида замондош уламоларнинг сўзларидан нақллар келтирамиз.

Ҳар даврда бўлгани каби, ҳозирги замонда ҳам ушбу ҳақиқат уламолар ва омма мусулмонлар тарафидан таъкидланади. Кўплаб аҳли илмлар ва оддий мусулмонлар давлатда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигини ҳозирги замон ва маконда билмай қолишининг имкони йўқ даражада турли услублар ила эълон қилишган. Бу ҳақиқатдан нафақат омма мусулмонлар, балки

мусулмонлар яшовчи давлатлардаги Исломни даъво қилаётган рахбарларнинг ҳам хабари бўлмай қолиши мумкин эмас.

Аллоҳнинг дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа соҳаларда ҳукмрон қилиниши фарз эканлиги динда заруратан маълум ҳукмлиги борасида анъанавий йўналишдаги уламолардан иқтибослар:

Маълумки, ушбу замонани воқеълик жиҳатидан яхши билувчи, хоссатан мусулмон уммат онги, ундаги тушунчалар ва дин давлатдан ажратилган тузумларнинг ҳақиқатини яхши билувчи инсонлар бор. Мана шундай инсонлар орасида шарият асослари ва далилларини билувчи уламолар ҳам бордир. Бу аҳли илмларда икки тарафлама маълумот мавжуд бўлгани учун уларда давлат бошқарувида диний ҳукмларни жорий қилиш фарзлиги динда заруратан маълум масала эканлиги борасида аниқ ва тўғри хулоса бўлади. Мана шундай инсонлардан бири шайх Юсуф ал-Қаразовий қуйидагиларни айтган: "*Динда заруратан маълум нарса борасида далиллар талаб қилинмайди:*

Аввало: шундай нарсалар борки, умматимизнинг катта уламолари уларга нисбатан "динда заруратан маълум" деган исмни қўллайдилар ва бу исмдан хослар ҳам, омма одамлар ҳам билишда тенг бўлган, уммат авлодлари орасида кенг тарқалганлиги, мутавотир йўл ила собит бўлганлиги, тарихий жиҳатдан аниқ собит бўлгани сабабидан назар ва далиллашга ҳожат бўлмаган ишларни мақсад қиладилар.

Бу нарсалар уммат ижмоъсини, унинг фикрий, ҳиссий ва амалий бирлигини ташкил қилувчи суянчиқлар ёки ўзгармас асосларни ўзида акс эттиради.

***Шунинг учун бу нарсалар мусулмонлар орасида, агар улар Исломнинг аслидан қайтиб қолмасалар, мунозаша ва мунозарага тамоман қўйилмайди*.**

Мен қуйидагини (динда заруратан маълум) ишлардан бири деб биламан: Аллоҳ таоло ҳукмларини Ўз Китобида ва Росулининг тилида ўша ҳукмлар ила табаррукланиш ёки ўликларга атаб ўқиш ёки деворлар безатилувчи лавҳалар сифатида осиб қўйиш учун эмас, ўша ҳукмларга эргашиш, уларни жорий қилиш, одамлар алоқалари устида ҳукм қилиш, Аллоҳнинг буйруғи ва қайтариғи, ҳукми ва шариятига мувофиқ ҳаёт йўлини белгилаш учун нозил қилган" (Мин фиқҳи-д-давлати фи-л-Ислам. 102-бет).

Ушбу иқтибосдан икки нарса ойдинлашади. Биринчиси: "*Шунинг учун бу нарсалар мусулмонлар орасида, агар улар Исломнинг аслидан қайтиб қолмасалар, мунозаша ва мунозарага тамоман қўйилмайди*", яъни, мусулмонлар орасида яшаб юрган бирор кимса, динда заруратан маълум нарсаларни тўғри эканлигини шубҳа остига қўйса, бу борада баҳсу-мунозашага киришса, Исломнинг аслидан қайтган бўлади. Исломнинг аслидан қайтиш муртадлик деб номланади. Иккинчиси: Аллоҳнинг нозил қилган ҳукмлари сиёсат, қонунчилик ва умуман олганда инсоният ҳаёт йўлини белгилаб берувчи кўрсатмалар сифатида халқлар узра жорий

қилиниши лозим эканлиги динда заруратан маълум ҳукм бўлади. Ўзбекистон ва Туркия президентларининг қарашларида мана шу ҳукмга очиқчасига зид қараш мавжуд.

Бошқа ўринда ал-Қаразовий қуйидагиларни ёзган: “***Биз “Отатурк” илмонийлигини кўрдик. Бу Исломий юртлардаги илмонийликнинг онаси бўлиб, у барча соҳалардан, ҳатто оилавий масалалардан ҳам Исломий қонунчиликни четлатади. Шунинг учун бу илмонийлик талоқни, кўпхотинликни ҳаром қилди, меросда ўғил ва қизлар орасини тенг қилди. Бунда илмонийлик шариятнинг қатъий собит бўлган аҳкомларига ва диннинг заруратан маълум ҳукмларига хилоф қилди***” (ал-Ислам ва-л-илманийя важҳан ли важҳ. 106-бет).

Илмонийликнинг ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Туркия президентлари тарафидан амалга оширилаётган сурати “*талоқни, кўпхотинликни ҳаром қилди, меросда ўғил ва қизлар орасини тенг қилди*” ва динда заруратан маълум ҳалолларни “*ҳаром*” қилди. Динни давлат бошқарувидан ажратиш тўғри эканлигига ишонувчи шахс илмоний шахс сифатида “*шариятнинг қатъий собит бўлган аҳкомларига ва диннинг заруратан маълум ҳукмларига хилоф қилди*”.

Ан-Нажоҳу-л-ватония универститенинг тадқиқотчиси Абдулҳамийд Умар Абдулҳамийд ўзининг ҳукм қилиш масаласига оид илмий ишида Юсуф ал-Қаразовийнинг “Фатава-л-муасиро” китобидан қуйидаги сўзларини келтирган: “***Дарҳақиқат, Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилиш мавзуси динда заруратан***

маълум бўлган мавзудир. *Бу нарса мусулмонлар орасида муноқаша ва мунозарага тамоман қўйилмаслиги лозим бўлган ишлардандир. Бу мавзу айни Исломнинг асосларидандир.* ***Мўминдан бу нарсани рад қилиши тасаввур қилинмас***” (ал-Ҳакимийя фий зилали-л-Қуръан. 122-бет. Доктор Юсуф ал-Қаразовий, Фатаво муосиро, Миср, Мансуро, Дорул Вафо ва Дорул қалам нашриёти, иккинчи нашр, 1414 ҳижрий, 1993 мелодий йил, 2-жуз, 697 – 714 бетлар).

Доктор ал-Қаразовийнинг ушбу сўзлари ҳам бундан аввалги сўзларини таъкидлайди.

Азҳари шарифнинг катта шайхларидан бири бўлган Муҳаммад ал-Хушуъий айтган: “*Мен Азҳарнинг муҳтарам, катта уламолари, Аллоҳ уларга раҳм қилсин, Ислом шариятини улуғлаш, уни жамики катта ва кичик масалаларда, якка шахс ва умматнинг барча дараждаларида ҳукм этувчи қилиб таъйин қилиш вожиб эканлиги, бу нарса уммат учун бу дунёда иззат, бошлиқлик, етакчилик ва бахт олиб келиши борасида ёзган нарсаларини ўқиб чиқдим. Уммат Исломни татбиқ қилган кунларида, уни ҳаётларининг хос ва умумий соҳаларида амал қилувчи воқеъликка айлантирганларида, жамики катта ва кичик масалаларда Исломдан ҳукм олганларида, уларда айни шу қарор топгандир.* ***Бу ҳақиқат динда заруратан маълум бўлиб, шарият уни вожиб қилган, ақл уни қабул қилади ва унинг ўрнига ўринбосар топа олмайди***. *Зеро, соғлом ақл эгалари ҳар қандай мослама ёки асбобни ишлаб чиққан инсон ўша нарсанинг ҳимоя тизимини, қандай ишлатиш ва сақлашни белгилаб беришига*

иттифоқ қилганлар. Чунки у шу нарсанинг билимдонидир. Агар ундан бошқаси бу ишни бажарса, аниқки уни бузиб қўяди.

Аллоҳ махлуқотларни яратган экан, Ундан бошқа ҳеч ким улар учун шариат (қонунчилик) белгилаб бермаслиги Унинг ҳаққидандир" (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 28-бет).

Муҳаммад ал-Хушуъий ҳам Аллоҳ ҳукмларини давлат бошқарувида татбиқ қилиш лозимлиги ва бу муборак иш жорий қилинса, уммат икки дунё саодатига эришиши динда заруратан маълум нарса эканлигини таъкидламоқда. Эътиборлиси шундаки, айни шу эътиқод, яъни инсонлар узра бошқарув ва қонунчилик Исломий бўлиши фарзлиги динда заруратан маълум ҳукм эканлиги борасидаги эътиқод анъанавий манҳаждаги уламолар, хоссатан Азҳарнинг забардаст уламолари қарашидир. Икки давлат рахбари тарафидан эса мана шу ўзгармас асосни инкор қилувчи мафкура эълон ва татбиқ қилинмоқда.

Аллома Манноъ ал-Қаттон ҳам Азҳар шайхларидан ҳисобланган. У киши бу мавзуни динда заруратан маълум мавзулардан бири эканлигини таъкидлар экан, айни шу асосга кўра баъзи давлат рахбарларига куфр ҳукмини туширган. Унинг бу масаладаги гаплари муҳим бўлгани учун кенгроқ иқтибос келтирамиз: "*Аллоҳ шариатини ҳоким қилиш ва уни татбиқ қилишдан чиқишнинг ҳукми: нозил қилинганидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш бир даражада эмасдир. Буни қуйидаги турларга тақсимласак бўлади:*

1 – Аллоҳ нозил қилганидан бошқа нарса ила ҳукм қилувчи ҳоким Аллоҳ ва Росулининг ҳукмини тан олмаслиги эътиқодий куфрдандир. “Дин бу банда ва Робб орасидаги уланишдир, диннинг қонунчилик, ҳукм, ва қозилик (суд) ишларига алоқаси йўқ”, дегувчилар бунга мисолдир. Китоб ва суннатдаги қасосга, шаръий жазоларга, ҳалол ва ҳаромга доир ҳукмлар заруратан маълум бўлган, уммат ижмоъси бўлган диний асослардандир. Аҳл илмлар дин асосларидан бирорта асосни ёки ижмоъ қилинган бирорта фаръий масалани тан олмаса ёки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган, қатъий ҳукмни инкор қилса, у миллатдан чиқарувчи куфр ила кофир бўлишига иттифоқ қилгандирлар.

2 – Аллоҳ нозил қилгандан бошқа ҳукм ила ҳукм қилувчи ҳоким шариятга қарши бўлган ҳолида ўша ҳукмни Аллоҳ ва Унинг Росулининг ҳукми қаршисига қўяди. Бас, у ўйлаб чиқарилган қонунлар ва уларнинг масдарларини қонун ва низомлар ишлаб чиқаришда қўлланадиган ҳукм қилиш асоси қилиб олади. Бунинг учун у юртларда маҳкамаларга (судларга) асос солади, уммат ўша маҳкамалардан ҳукм сўрайди. Бас, ўша маҳкама Китоб ва суннатга хилоф бўлган нарса ила ҳукм қилади, маҳкаманинг ҳукми мажбурий қилиб қўйилади, улар ундан қочиб қутила олмайдилар. Кўпгина Исломий юртларда ҳолат шундайдир. У ерларда ғарбий: француз, белгия, инглиз ёки бошқа ғарбий қонунлар ёки калимани ўз ўрнидан ўзгартирувчи баъзи бидъатчиларнинг мазҳабидан олинувчи ўйлаб чиқарилган қонун Ислом шарияти ўрнига қўйилгандир. Ушбу тур куфр бўлиб, буниси ҳам миллатдан чиқаради. Шунингдек, бу Аллоҳга ширк келтириш бўлиб, “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад У

зотнинг Росулидур" деган сўзимиз ила таъбир берадиган тавҳид ақийдаси ва ушбу тавҳид ақийдаси шартли равишда келтириб чиқарувчи бўлган ҳукм Аллоҳ ва Росулиники бўлишига қарама-қаршидир. ***Аниқки, қонунчилик таъйин қилиш фақат илоҳликка хос нарсалардандир***".

Манноъ ал-Қаттон учинчи бўлимда ўйлаб топилган қонунлар билан ҳукм қилиш шарият билан ҳукм қилишдан кўра яхшироқ эканлигига эътиқод қилиш куфр эканлигини айтиб ўтгач, тўртинчи рақам остида қуйидагиларни айтган: "*4 – Ҳоким ўйлаб чиқарилган қонунлар ила ҳукм юритиш Ислом шарияти ила ҳукм юритиш каби деб эътиқод қилади. Бас, шариятга хилоф бўлсада, ўйлаб чиқарилган қонунлар ила ҳукм суришни жоиз қилади ва иккови орасида фарқ йўқ деб эътиқод қилади. Ким бу эътиқодни қилса, у миллатдан чиқарувчи куфрни қилган бўлади. Зеро, у Яратувчи ва яратилмишни тенглаштирди, Аллоҳ қонун қилиб берган нарсага яратилмиш қонун қилиб берган нарсани тенг қилди. Аллоҳ бундан улуғ олийлик ила олийдир. У Зот камолот борасида яккю-ю ягонадир. У зот сифат, феъллар ва ҳукм қилиш борасида махлуқотларга тенгликдан буткул покдир, "****У зотнинг мисли каби ҳеч нарса йўқдир ва У ўта эшитгувчи ва ўта кўргувчидир****" (Шўро сураси 88-оят).*

Шунингдек, у Аллоҳ таоло нозил қилганидан бошқа ила ҳукм қилишнинг ҳаром эканлигини қатъан собит қилувчи саҳиҳ, очиқ-ойдин матнлар асосида ҳаром эканлиги динда зарурατан маълум бўлган нарсанинг жоиз эканлигига эътиқод қилади" ("Исломий шариятни татбиқ қилиш ва шариятни татбиқ қилиш атрофида

тарқатилаётган шубҳалар” мавзусида ўтказилган конференцияда тақдим этилган баҳслар. 209 – 210 бетлар).

Манноъ ал-Қаттоннинг “*Аллоҳ нозил қилганидан бошқа нарса ила ҳукм қилувчи ҳоким Аллоҳ ва Росулининг ҳукмини била туриб инкор қилиши эътиқодий куфрдандир. “Дин бу банда ва Робб орасидаги уланишдир, диннинг қонунчилик, ҳукм, ва қозилик (суд) ишларига алоқаси йўқ” дегувчилар бунга мисолдир. Китоб ва суннатдаги қасосга, шаръий жазоларга, ҳалол ва ҳаромга доир ҳукмлар заруратан маълум бўлган, уммат ижмоъси бўлган диний асослардандир. Аҳл илмлар дин асосларидан бирорта асосни ёки ижмоъ қилинган бирорта фаръий масалани тан олмаса ёки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган, қатъий ҳукмни инкор қилса, у миллатдан чиқарувчи куфр ила кофир бўлишига иттифоқ қилгандирлар*”, – деган сўзлари асосида вазиятга қарайдиган бўлсак, иккала давлат рахбарининг сиёсий мафкурасини баён қилиш учун келтирилган иқтибослардан олинган хулосага биноан, Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам иқтибоснинг биринчи қисмида зикр қилинган кофир тоифага тушади.

У кишининг “*Шунингдек, у Аллоҳ таоло нозил қилганидан бошқа ила ҳукм қилишнинг ҳаром эканлигини қатъан собит қилувчи саҳиҳ, очиқ-ойдин матнлар асосида ҳаром эканлиги динда заруратан маълум бўлган нарсанинг жоиз эканлигига эътиқод қилади*”, – дея таъкидлаган ҳолати ҳам икки давлат рахбарида яққол кўринади. Дунёвийлик мафкураси “*ҳаром эканлиги динда заруратан маълум*

ҳукмни жоиз деб билиш” бўлгани учун, ушбу тушунча эгаси кофир бўлади.

Манноъ ал-Қаттон Ислом дини давлат бошқарувида ҳукмрон бўлиши фарзлиги динда заруратан маълум ҳукм эканлигини таъкидлашдан ташқари, ушбу эътиқоднинг аксини жоиз деб билиш динда заруратан маълум ҳаромни инкор қилиш эканлиги ва бу катта куфр эканлигини таъкидламоқда.

Юқорида доктор Юсуф ал-Қаразовийнинг “*умматимизнинг катта уламолари... “динда заруратан маълум” деган исмни қўллайдилар ва бу исмдан хослар ҳам, омма одамлар ҳам билишда тенг бўлган, уммат авлодлари орасида кенг тарқалганлиги, мутавотир йўл ила собит бўлганлиги, **тарихий жиҳатдан аниқ собит бўлгани сабабидан назар ва далиллашга ҳожат бўлмаган ишларни мақсад қиладилар***”, – деган сўзларини келтирган эдик. Ушбу таъкидда динда заруратан маълум ҳукмлар тарихий жиҳатдан ҳам уммат орасида аниқ собит бўлиши айтилган. Ваҳба аз-Зуҳайлий Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидан бошлаб жорий бўлган Ислом ҳукмронлиги ҳақида сўз юрита туриб қуйидагиларни айтган: “*Исломий ҳукм Ислом аввалидан бошлаб токи Мустафо Отатурк мелодий 1924 йил Усмонли хилофатини бекор қилгунича ўн тўрт аср давомида ҳаётнинг турли жабҳаларида қувватли ва буткул эгалик қилиб келгани билинган. Бундан ҳар бир низомнинг охиридаги заифлик даврлари истисно қилинади*” (Мавсуаъту-л-фиқҳи-л-Исламий ва қодоя-л-муасиро. 12-жуз, 640-бет).

Доктор Абдуссаттор Фатаҳаллоҳ Саъийд Азҳар дорулфунунида “Улуму-л-Қуръан ва-т-тафсир” борасида эътиборли устоз бўлган. У киши кўриб чиқилаётган мавзу ҳақида қуйидагиларни ёзган: “*Мусулмонлар бу нарсани (Аллоҳнинг амрини) узоқ даврлар давомида маҳкам ушлаб келдилар. (Ўша даврларда) Бирорта ҳоким Аллоҳнинг қонунчилигидан бошқа қонунчилик пайдо қилишга ва атрофдаги кофир умматлар қонунларини келтиришга асло журъат қилмади*” (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 11-бет).

Аллоҳнинг ҳукмлари давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа соҳаларда жорий қилиниши лозимлиги нафақат собит бўлиш, далолат қилиш, ҳукми борасидаги илмнинг кенг тарқалиши жиҳатидан, балки тарихий жиҳатдан ҳам билмай қолишнинг имкони йўқ даражада қатъан собитдир.

Аллоҳнинг дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа соҳаларда ҳукмрон қилиниши фарз эканлиги динда заруратан маълум ҳукмлиги борасида салафий йўналишдаги уламолардан иқтибослар:

Абдулазиз ибн Боз айтган: “*Шунингдек, (Исломни бузувчи тўртинчи қисмга) муомалотлар, жазолар ва икковидан бошқа масалаларда Аллоҳнинг шариятидан бошқа нарса билан ҳукм қилиш жоиз эканлигига эътиқод қилувчи ҳар бир кимса, гарчи бу ҳукм шариат ҳукмидан афзалроқ деб эътиқод қилмаса-да, киради. Зеро, у бу қараши ила Аллоҳ ҳаром қилганлиги ижмоъ ила билинган нарсани*

мубоҳ санаган бўлади. ***Зино, маст қилувчи ичимликлар, рибо, шариятдан бошқа нарса ила ҳукм қилиш каби ҳаром эканлиги динда заруратан маълум бўлган нарсани мубоҳ санаган ҳар бир киши мусулмонлар ижмоъсига биноан кофирдир***" (ал-Ҳукму би ғойри маа анзала Аллоҳ, аҳкамуҳу ва аҳвалуҳ. 169 – 170 бетлар).

Ибн Боз ҳам замонанинг бошқа уламолари каби Аллоҳнинг ҳукмларидан бошқа нарса ила ҳукм қилишнинг ҳаромлиги динда заруратан маълум эканлигини, бу нарсага хилоф қарашда бўлган инсон эътиқодий жиҳатдан катта куфрга тушиши аниқ эканлигини айтган. Икки давлат рахбарлари динда заруратан маълум ҳаромни жоиз деб айтишлари ўз ўрнида маълум бўлди.

Ибн Боз замонавий қонунларни ўрганиш ва уларни таълим бериш ҳукми борасидаги саволга жавоб берар экан, ушбу фаолият тури билан шуғилланувчи инсонларни уч қисмга бўлган. У киши учинчи қисм ҳақида қуйидагиларни ёзган: "*(Учинчи қисм) қонунлар ила ҳукм қилишни ҳалол деб эътиқод қилган ҳолида уларни ўрганувчи ва таълим берувчи кимса бўлиб, у шариятни қонунлардан афзал эканлигини эътиқод қилса ҳам, қилмаса ҳам, бу қисм мусулмонларнинг ижмоъси ила катта куфрга тушиш ила кофир бўлади.* ***Зеро, у Аллоҳнинг шариятига хилоф бўлган ва ўйлаб топилган қонунлар ила ҳукм қилишни ҳалол санаши ила динда ҳаром эканлиги заруратан маълум бўлган нарсани ҳалол санаган бўлади. Бас, у зинони, маст қилувчи ичимлик ва шу кабиларни ҳалол санаган кимсанинг ҳукмида бўлади****. Шунингдек, у ушбу ҳалол санаши ила Аллоҳ ва Росулини ёлғончига чиқарган бўлади, Китоб ва*

суннатга била туриб қарши турган бўлади. ***Аниқки, Ислом уламолари динда заруратан маълум бўлган нарсалар ичида Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол санаган ва ҳалол қилган нарсани ҳаром санаган кимсанинг куфрига ижмоъ қилгандирлар. Ким барча тўрт мазҳабдаги уламоларнинг "Муртад ҳукми боби"даги сўзларини тааммул қилиб кўрса, унга биз зикр қилган нарса очиқ аён бўлади***" (Мажмуъу фатава ва мақолат мутанаввиъа. 2-жуз, 330-бет).

Ушбу ёзганларида Ибн Боз аввалги иқтибосда келганидек "*Аллоҳнинг шариятига хилоф бўлган ва ўйлаб топилган қонунлар ила ҳукм қилиш*" динда заруратан маълум эканлигини таъкидламоқда. Шунингдек, у кишининг ҳукми динда заруратан маълум нарсанинг аксини тўғри деб билиш куфр эканлиги Аҳли суннанинг, хоссатан тўрт мазҳаб уламоларининг ижмоъси ила собит эканлиги ҳақидаги сўзлари эътиборлидир. Ўз ўрнида Ибн Боз назарда тутган тўрт мазҳаб уламоларининг ушбу масаладаги хулосаларини келтирамиз.

Абдулазиз ар-Рожиҳий Исломни бузувчиларининг тўртинчисини шарҳлар экан қуйидагиларни айтган: "*Шунингдек: "****Қонунлар билан ҳукм қилиш жоиз. Лекин шарият билан ҳукм қилган яхшироқ" деб айтса, биз: "Йўқ, қонунлар билан ҳукм қилишни жоиз қилишингнинг ўзи куфр ва муртадликдир. Зеро, сен динда заруратан маълум бўлган ҳаром ишни ҳалол қилдинг. Зинонинг ижмоъ ила ҳаромлиги, рибонинг ижмоъ ила ҳаромлиги каби қонунлар билан ҳукм қилиш ҳам ижмоъ ила ҳаромдир" – деб айтамиз***" (Табсироту-л-анам би шарҳи навақиди-л-Ислам. 32-бет).

Абдулазиз ар-Рожиҳий ҳам салафий манҳаждаги уламоларнинг эътиборлиларидан бири. Иқтибосдан кўриниб турибдики, дунёвий ҳукмлар билан ҳукм қилишни Исломда жоиз деб билиш ҳаром эканлиги динда заруратан маълум нарсани мубоҳ санаш бўлади. Бу ҳолат Мирзиёев ва Эрдоғанда топилади.

Таниқли олим, Саудия собиқ муфтийси, Муҳаммад ибн Иброҳийм ҳукм борасида инсонни эътиқодий жиҳатдан катта куфрга туширувчиларни бирма-бир санар экан, уларнинг тўртинчисини қуйидагича тушунтирган: “*Тўртинчи: Аллоҳ нозил қилган нарсадан бошқа ҳукм ила ҳукм қилувчи ҳокимнинг ҳукмини, Аллоҳ ва Росулининг ҳукмидан яхшироқ деб эътиқод қилиш уёқда турсин, тенг деб ҳам эътиқод қилмайди.* ***Лекин, шунга қарамай Аллоҳ ва Росулининг ҳукмига хилоф қилувчи ҳукм билан ҳукм қилишнинг жоиз эканлигига эътиқод қилади. Бу кимсага ўзидан аввалгига (бошқа ҳукм Аллоҳнинг ҳукмига тенг деб эътиқод қилувчи кимсага кофир эканлиги) тушган ҳукм тўғри келади. Зеро, у ҳаром эканлиги саҳиҳ, очиқ-ойдин далолат қилувчи, қатъий собит бўлган диний матнлар ила билинган нарсанинг жоиз эканлигига эътиқод қилди***”.

Дарҳақиқат, Муҳаммад ибн Иброҳийм айтганидек, Аллоҳнинг шариятидан бошқа, Росул соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган ҳукмлардан бошқа дунёвий ҳукмлар ила ҳукм қилиш, шариятни татбиқ қилишни рад қилиш динимизда таъқиқланган эканлиги “*саҳиҳ, очиқ-ойдин далолат қилувчи, қатъий собит бўлган диний матнлар*” яъни, оятлар, ҳадислар ва уммат ижмоъси ила заруратан

маълум бўлиб, мусулмонлар яшайдиган жойда йиллар давомида ҳаёт кечирган инсон учун бу нарса махфий қолиши асло тасаввурга сиғмайди.

Сафар ал-Ҳаволий ушбу сўзларни шарҳлар экан қуйидагиларни зикр қилган: “*Ушбу тўртинчи турдаги кимса, кўп инсонларнинг ҳоли шундай бўлганидек, бечорадир. У: биз қонунлар билан ҳукм қилиш Аллоҳнинг ҳукмидек деб айтмаймиз. Ислом афзалроқдир, Ислом барча қадриятлардан устунроқдир, шариат ҳукмлари барча ҳукмлар устида туради ва ҳоказо. Лекин ўйлаб чиқарилган ҳукмлардан ҳукм олишимиз жоиз, фақатгина шу, – деб айтади. Унинг муаммоси “Одамлар қонунлардан ҳукм олишлари жоиз” деган гапидир. У бу гапига бир неча сабаблар келтиради. Ё ҳозирги ҳолатларни сабаб қилиб кўрсатади ёки ғарб бизга ғазаб қилмаслиги учун қилинаётганини сабаб қилиб кўрсатади. Бу даъво эски даъводир. Доимо бирор давлат Аллоҳ нозил қилгани ила ҳукм қилишга даъват қилинса, у: тўғри, албатта Қуръони карим ҳукмларнинг масдаридир. Лекин ғарб ғазабидан қўрқадилар, “Қурилиш ва обод қилиш халқаро банки” бизга кредитлар бермай қўяди, Исроил бизни радикализмда айблайди! – деб айтади.* ***Уларнинг сабаблари бор, улар Аллоҳнинг ҳукми афзалроқ эканлиги ва бунда шак йўқлигини эътироф қиладилар. Аллоҳнинг ҳукми афзал эканлигини, ҳақ эканлигини, унга бирорта ҳукм тенг ҳам келмаслиги, яқин ҳам келмаслиги, у адолат ва тўғрилик эканлигини эътиқод қилган ҳолда, лекин бошқадан ҳукм олиши жоиз; лекин бизга бу ҳолатда Аллоҳ нозил қилганидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилиш жоиз, – дейилади. Мана шу тур ҳам аввалги***

тур каби миллатдан чиқарувчи катта куфр турларидандир. *Аллоҳдан бу нарсадан саломатлик ва офият сўраймиз*” (Шарҳу рисалати таҳкийми-л-қованийн. 70 – 71 бетлар).

Сафар ал-Ҳаволий ушбу гаплари ила шариятни татбиқ қилмасликни, дунёвий қонунлар ила давлат бошқаришни жоиз деб билаётган рахбарлар, аслида, Аллоҳнинг ҳукми бор эканлиги, Қуръон ҳукми афзал эканлиги, мусулмонларни Исломий ҳукмлар ила бошқариш керак эканлиги ва бунинг акси Исломда таъқиқланган эканлигини билишларини тушунтирмоқчи. Ал-Ҳаволийнинг айтишича, улар динда заруратан бўлган нарсаларни била туриб инкор қиладилар. Вазиятга холис назар солинса, воқеъликда бунинг эҳтимоли кучли эканлиги, яъни, Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам узоқ муддат мусулмонлар орасида яшаб юриш, касб тақозоси ва бошқа сабаблар таъсири остида давлатда Ислом дини ҳукмрон бўлиши лозим эканлиги ҳақида маълумоти бордек кўринади.

Шаръий сиёсат илми борасида мутахассис доктор Саъд ал-Утайбий ўзининг “Шарият бошқаруви динда заруратан маълумдир” номли мақоласида қуйидагиларни айтган: “*Замондош уламолар ва изланувчилар, айниқса шаръий сиёсатга инояти борларнинг “Исломда олий бошқарув Қуръон ва суннат матнларида ўз аксини топувчи шариятники” эканлиги борасида иттифоқ қилишларининг ажабланарли жойи йўқдир.* ***Зеро, бу ҳақиқат Ислом динида заруратан маълум нарсадандир***” (Сиядату-ш-шарийъа ал-маълум мина-д-дин би-д-доруро. 257-бет).

Ушбу олим Исломий сиёсат борасида китоблар ва мақолалар муаллифи бўлиб, “Шаръий сиёсат ҳақида мақолалар” китобида ушбу ҳақиқатни яна бир бор таъкидлаган. У киши ҳозирги даврда умматнинг кўплаб намоёндалари тарафидан Ислом динини ҳукмрон қилишни сўралаётгани ҳақида сўз юритар экан: “*Бу нарса (яъни, уммат шариятни ҳукм қилувчи бўлишини сўраши) Аллоҳнинг ушбу динни унинг аҳли қалбларида сақлаб турганидандир.* ***Зотан, ҳукмдаги бошқарув улуғ ва олий Аллоҳнинг шариятига тегишли эканлиги шаръан тасдиғини топган ва динда заруратан маълум бўлган нарсадир***”, – деб айтган (Мақолат фи-сияса аш-шаръийя. 125 – 126 бетлар).

Шарият билан ҳукм қилиш фарз эканлиги, Ислом ҳукмларини ажратган ҳолда дунёвий қонунлар билан ҳукм қилиш ҳаром эканлиги динда заруратан маълум нарсалар сирасига кириши борасида замонадаги анъанавий ва салафий йўналишдаги уламолардан иқтибослар келтирилди. Уламоларнинг Ислом дини ҳукмрон бўлиши лозимлиги динда заруратан маълум масала эканлигига далолат қилувчи баъзи гапларини, Аллоҳнинг изни ила, кейинги қисмда ҳам келтирамиз.

Китобнинг ушбу бўлимидаги оятлар, ҳадислар, уламолар ижмоъси, тўрт мазҳаб фуқаҳолари ва замонадаги аҳли илмларининг Ислом шарияти ҳукмлари инсон ҳаётида ҳукм қилувчи бўлиши фарз эканлиги, Аллоҳнинг ҳукмларини давлат бошқарувидан ажратиш ҳаром амал эканлиги билинар экан, бу мавзу динда заруратан маълум нарсалардан бири эканлиги ҳам ойдинлашди деб ўйлаймиз.

Аллоҳнинг бандаларига берган ҳукмлари ила ҳукм қилиш масаласидаги далиллар ва уламоларнинг сўзларига чуқур назар солган киши, аввал зикр қилинганидек, уч жиҳатдан пухталик кўради:

Биринчиси: Ислом динини давлат, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги барча соҳаларда ҳукмрон қилиш фарз эканлиги далилларнинг собит бўлиши жиҳатидан қатъийдир. Яъни, Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилиш фарз эканлиги, Аллоҳнинг ҳукмлари ўрнига бошқа дунёвий ҳукмлар жорий қилиш мумкин эмаслигининг далиллари бўлмиш оят, ҳадис ва ижмоънинг бизгача етиб келиши, ҳақиқатда оят, ҳадис ва ижмоъ эканлиги борасида бирор шак-шубҳага бориш имконсиз.

Иккинчиси: шариятни давлат, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги барча соҳаларда ҳукмрон қилиш фарз эканлиги далилларнинг масалага очиқ-ойдин далолат қилиши жиҳатидан қатъийдир. Яъни, Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилиш фарз эканлиги, Аллоҳнинг ҳукмлари ўрнига бошқа дунёвий ҳукмлар жорий қилиш мумкин эмаслигининг далиллари бўлмиш оят, ҳадис ва ижмоънинг маъноларини бошқа бирор маънога буриш имконсиз.

Учинчиси: шариятни давлат, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги барча соҳаларда ҳукмрон қилиш фарз эканлиги динда заруратан маълум ҳукм бўлиш жиҳатидан қатъийдир. Яъни, Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилиш фарз эканлиги, Аллоҳнинг ҳукмлари ўрнига бошқа дунёвий ҳукмлар жорий қилиш мумкин эмаслигининг далиллари бўлмиш оят, ҳадис ва ижмоълар далолат

қилган хулосанинг мусулмонлар орасида кенг ёйилгани, Ислом тарихининг деярли барча қисмини эгаллагани ва даъват сифатида кенг баён қилинганига асосан ушбу ҳақиқатлар очиқ-ойдиндир. Бу ҳақиқатни мусулмон халқ орасида бир неча йиллар яшаган мусулмон кишининг эшитмай қолиши шарият ва соғлом ақлга тўғри келмайди.

УЧИНЧИ ҚИСМ: ИСЛОМ ДИНИНИ ДАВЛАТДАН АЖРАТИШ МАФКУРАСИ ТЎҒРИ ЭКАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАГАН ВА АМАЛГА ОШИРГАН ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РАХБАРЛАРИНИНГ ШАРИЯТДАГИ ҲУКМИ БАЁНИ.

Олдимизга қўйган ушбу вазифага бевосита киришар эканмиз, Ислом уламолари таъкидлаган жуда муҳим масалани бу ўринда айтиб ўтишимиз лозим. Мусулмонликни даъво қилаётган кишини кофир деб ҳукм қилиш учун ўша одамдан Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта куфр деб айтган ҳолат очиқ-ойдин зоҳир бўлиши шарт ва уни кофир эканлигига ҳукм қилишдан ман қиладиган барча ҳолатлар йўқ эканлиги, уни кофир дейиш учун керак бўладиган барча шартлар мужассам бўлган эканлигини аниқ билиниши лозим. Токи куфрга тушган эканлик очиқ-ойдин ўз исботини топмас экан, мусулмон кишига куфр ҳукми берилмайди. Шунингдек, бирор мусулмон киши жуда кўплаб солиҳ амаллар

қилса, гуноҳлардан узоқ юрса, аммо шу билан бирга катта куфр эканлиги аниқ бўлган иш ундан содир бўлса, унда куфрга тушишнинг барча шартлари топилиб, куфрга тушишдан ман қилувчи барча ман қилувчилар йўқ бўлар экан, у Қуръон, суннат ва уламолар ижмоъсига биноан кофир бўлади. Токи ўша куфридан қайтмас экан айтаётган шаҳодат калимаси ва мусулмонликни даъво қилиши ва қилган яхши амаллари унга фойда бермайди. Муайян шахсни куфрга тушган деб ҳукм қилиш учун риоя қилинувчи шартлар ва ман қилувчилар ҳақида ўз ўрнида, Аллоҳнинг изни ила, кенгроқ маълумот берилади.

Мавзуни кўриб чиқиш мобайнида юқорида зикр қилинган ҳақиқатларга амал қилишга имкон борича ҳаракат қилинади. Бунда Аллоҳдан ёрдам сўраймиз.

Мирзиёев ва Эрдоғаннинг расмий позицияси бирорта динга қаршилик қилиш эмас, аксинча динни ҳурмат қилишни айтишдир. Аммо, икковининг эълон қилаётган мафкураси бу давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат сиёсатига оид соҳаларда бирорта дин ҳукмрон бўлмаслигидир. Бундай қараш айни илмонийликдир, дунёвийликдир. Ушбу асос Ўзбекистон ва Туркия конституцияларида, қонунларида қатъий белгилаб қўйилгандир, дунёвий қонунчилик иккала президент тарафидан маъқулланади ва иккови бошчилигида барча кучишлатар тузилмалар ила қўриқланади.

Иккала давлат рахбарининг Ислом дини бошқарувда ҳукмрон бўлиши борасидаги қарашлари ва давлат рахбари сифатида

бажараётган вазифасини кўриб чиққанимиздан сўнг, иккала президентда қуйидаги эътиқод мавжуд эканлиги билинди: “***Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги соҳалардан ажратилиши тўғри сиёсий йўл. Дунёвийлик Исломга зид эмас ва бу амалиёт жоиз иш***”.

Кўриниб турганидек, бу қараш эътиқодга оид мавзу. Ҳозирги кунда замонавий давлат диний ҳукмлар, хоссатан Ислом ҳукмларидан ажратилган бўлиши, Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари қонунчилик ва бошқа соҳаларда татбиқ қилинмаслигига ишониш, шунингдек, бу қарашни тўғри деб билишнинг динимиздаги ҳукми борасида аҳли илмларнинг турли табақа ва тоифаларидан бирма-бир нақллар келтиришга киришамиз.

Динни давлат бошқарувидан, яъни сиёсат, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳалардан ажратган, бу мафкурани тўғри эканлигини таъкидлаган кишининг Исломдаги ҳукми борасида илмий ташкилотлар берган хулосалар:

“*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

90 (11/2) рақамли қарор.

Илмонийлик борасида

Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, набийларнинг сўнггиси, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг барча аҳллари ва саҳобаларига салавоту салом бўлсин.

Аммо баъд: дарҳақиқат, Исломий Конференция Ташкилотига қарашли Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академияси Баҳрайн мамлакати, Манама шаҳрида ҳижрий 25 – 30 Ражаб, 1419 йил, (мелодий 14 – 19 ноябрь, 1998 йилда) ўтказилган ўзининг ўн биринчи конференциясидаги йиғилишида академияга "Илмонийлик" мавзуси ҳақида тақдим қилинган баҳсларни кўздан кечириб чиқиши, шунингдек, ушбу мавзунинг Ислом уммати учун хатарли эканлигига назарларни қаратган муноқашалар асосида қуйидагиларга қарор қилди:...

Иккинчидан: илмонийлик Ислом диёрларида колониализм қуввати, унинг ёрдамчилари ва шарқшунослик таъсири сабабидан тарқалгандир. Натижада бу нарса Ислом умматида парчаланишга, саҳиҳ ақийда борасида шубҳага тушишга, умматимизнинг соф тарихи булғаланишга, авлодга ақл ва шаръий насслар орасида зиддият бордек қилиб кўрсатилишга олиб келди. ***Шунингдек, (илмонийлик) порлоқ шариат ўрнини ўйлаб топилган низомлар эгаллашини, ибоҳийликнинг (ҳаромларни мубоҳ санашнинг) ривожлантирилишини****, ахлоқлар пастлашини ва олий қадриятлар таназзулини таъминлаб берди...*

Тўртинчидан: дарҳақиқат, илмонийлик ўйлаб топилган низом бўлиб, динсизлик асосига қоим бўлади, у Исломни ўзининг умумий ва тафсилий жиҳатлари ила бузади. Бу тушунча бутунжаҳон сионизми, ибоҳийлик (ҳаромларни мубоҳ санаш) ва яксон қилиб ташлаш чақириқлари билан бир йўлдадир. Шунинг

учун бу Аллоҳ, Унинг Росули ва мўминлар рад қиладиган ҳудосиз йўналишдир"

Бешинчидан: аниқки, Ислом дин ва давлат, комил ҳаёт йўлидир. (Ислом) ҳар бир замон ва маконга ярашимли диндир. (Ислом) динни ҳаётдан ажратишни тан олмайди, сиёсатда бўлсин ёки иқтисодда бўлсин ёки жамиятда бўлсин ёки тарбияда бўлсин ёки медия соҳасида бўлсин ёки бошқа соҳаларда бўлсин Ислом жамики ҳукмлар ундан содир бўлишини, амалий ҳаёт Ислом ранги ила бўялишини вожиб қилади" (Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академиясининг ўн биринчи давраси. 3-жуз, 465 – 466 бетлар).

Ислом фиқҳи Академияси динни давлатдан ажратиш деган қарашга асосланган сиёсий илмонийликка ўз қарорида "*у Исломни ўзининг умумий ва тафсилий жиҳатлари ила бузади*", "*Бу тушунча бутунжаҳон сионизми, ибоҳийлик (ҳаромларни мубоҳ санаш) ва яксон қилиб ташлаш чақириқлари билан бир йўлдадир*" ва "*ҳудосиз йўналиш*" каби иборалар ила таъриф бермоқда. Ислом доирасидан ташқарида бўлган мафкура эгалари, токи уларда катта куфрга тушишнинг барча шартлари топилар ва барча ман қилувчилари йўқ бўлар экан, куфрга ҳукм қилинадилар. Академия қарорида нафақат атеистик мафкура асосидаги дунёвийлик, балки шахсларнинг қонун чегарасидаги диний ишларига қарши муносабатда бўлмаган ҳолда Ислом дини ҳукмронлигини давлатдан ажратиб қўйиш мафкураси ҳам назарда тутилган. Академия қарорида "*бу тушунча бутунжаҳон сионизми, ибоҳийлик (ҳаромларни мубоҳ санаш) ва яксон қилиб*

ташлаш чақириқлари билан бир йўлдадир", – деб айтилганда ҳам иккала йўналиш назарда тутилган. Бунга Академия қарорида: "*аниқки, Ислом дин ва давлат, комил ҳаёт йўлидир. (Ислом) ҳар бир замон ва маконга ярашимли диндир.* ***(Ислом) динни ҳаётдан ажратишни тан олмайди, сиёсатда бўлсин ёки иқтисодда бўлсин ёки жамиятда бўлсин ёки тарбияда бўлсин ёки медия соҳасида бўлсин ёки бошқа соҳаларда бўлсин Ислом жамики ҳукмлар ундан содир бўлишини, амалий ҳаёт Ислом ранги ила бўялишини вожиб қилади***" – деб айтилгани далолат қилади.

Мусулмон уламолари Робитасининг баёни:

145 – рақамли баён

Пайшанба, 17 Шаъбон, 1442 (2020 melодий) ҳижрий йил

Мусулмон уламоларининг Судан ҳукуматининг давлатни диндан ажратгани борасидаги баёни...

"***Илмонийлик асосини қабул қилиш ва Исломни, унинг қонунларини, ҳукмларини четлатишга биноан қилинган ҳар қандай келишувнинг ҳақиқати Аллоҳнинг душманларига бўйинсуниш ва Аллоҳга қарши уруш қилишдир. Ким бу нарсага рози бўлса, бас унинг амали ҳабата бўлади ва у охиратда бадбахтлардандир. Гарчи намоз ўқиса ҳам, рўза тутса ҳам ва ўзини мусулмон эканлигини даъво қилса ҳам, бу кимсага Исломда ҳеч қандай насиба йўқдир***" (Масдар "Мусулмон уламолари Робитаси"нинг интернетдаги расмий саҳифаси: https://www.muslimsc.com/index.php/bayanat/3189-2021-03-30-14-01-

10. Баённи ушбу саҳифадан ҳам кўриш мумкин: https://www.msf-online.com/%D8%A8%D9%8A%D8%A7%D9%86-%D8%B9%D9%84%D9%85%D8%A7%D8%A1-%D8%A7%D9%84%D9%85%D8%B3%D9%84%D9%85%D9%8A%D9%86-%D9%81%D9%8A-%D9%81%D8%B5%D9%84-%D8%AD%D9%83%D9%88%D9%85%D8%A9-%D8%A7%D9%84%D8%B3%D9%88%D8%AF/).

Мусулмон уламоларининг Робитаси ҳам юқоридаги ҳақиқатни таъкидламоқда. Яъни, ким Ислом ҳукмларини давлатдан ажратиш борасида "***ким бу нарсага рози бўлса, бас унинг амали ҳабата бўлади ва у охиратда бадбахтлардандир***. *Гарчи намоз ўқиса ҳам, рўза тутса ҳам ва ўзини мусулмон эканлигини даъво қилса ҳам, бу кимсага Исломда ҳеч қандай насиба йўқдир*". Икки президентда қуйидаги нарсалар топилади: сиёсий маънодаги дунёвийлик мафкурасини тўғри деб билиш, унга рози бўлиш ва халқ-у ҳукуматни унга тарғиб қилиш.

"Азҳар уламолари надваси"нинг баёнида қуйидагилар эълон қилинган: "*Илмоний ўз илмонийлигига ёки социализмга эътиқод қилиши бизни (бу ўринда) қизиқтирмайди. Сукут сақлаб бўлмайдиган ҳолат бу унинг ҳасад қилинадиган журъат ила миллионлаб мусулмонларга очиқчасига қарши чиқиб: "**Ислом шарияти ҳукм сурувчи, расмий аҳди ва конституцияси Қуръон бўлувчи давлатни рад қиламан!!" – деб айтишидир. Ушбу фожир гап кўплаб уламоларнинг назарида муртадлик ва Исломдан чиқиш деб эътибор қилинишини баён қилиб ўтиришнинг***

ҳожати йўқдир” (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 187-бет).

Икки президентнинг расмий чиқишларида сиёсат, қонунчилик ва давлатга тегишли бошқа ишларда Ислом дини ҳукмрон бўлишини рад қилиш маъноси бордир.

Саудия Арабистонидаги фатво қўмитаси илмонийлик ҳақидаги саволга қуйидаги фатвони эълон қилган: “*Илмонийлик деб номланувчи нарса динни давлатдан ажратишга, динда ибодат ишлари билан кифояланишга, шулардан бошқа муомалот ва ўзга ишларни тарк этишга, “диний эътиқод эркинлиги” деб номланувчи тушунчани эътироф қилишга: ким Исломни қабул қилишни ҳоҳласа қабул қилади, ким муртад бўлиб, бошқа ботил йўллар ва динлардан юришни ҳоҳласа, ўшани қилади; шуларга даъват қилувчи йўлдир.* ***Илмонийликнинг шу ва бошқа фосид эътиқодлари фожир ва кофир даъват бўлиб****, ундан эҳтиёткорликка чақириш, соҳтакорлигини очиб бериш, хатарини баён қилиш, у ила фитналанган кимсалар чалкаштираётган нарсадан эҳтиёт бўлиш вожибдир. Дарҳақиқат, бу нарсанинг ёмонлиги каттадир, хатари улкандир. Аллоҳдан бу нарсадан ва унинг аҳлидан саломатлик ва офият сўраймиз.*

Тавфиқ Аллоҳдандир. Аллоҳ Набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг аҳллари ва саҳобаларига салавоту саломлар йўлласин” (Фатава-л-Лажна-д-даима, иккинчи мажмуъа. 2-жуз, 143 – 144 бетлар).

Саудия Арабистонидаги фатво қўмитаси илмонийликнинг ҳукми борасида қуйидаги фатвони ҳам эълон қилган: “***Илмоний давлатни Исломий давлатдан афзал билиш бу куфрни Исломдан афзал билишдир. Аллоҳ айтган: “(Эй Муҳаммад!) Китобдан насиба берилганлар жибт ва тоғутга иймон келтираётганларини ва кофирларга қарата “улар иймон келтирганлардан кўра ҳидоятлироқ йўлдадирлар”, – деб айтаётганларни кўрмайсизми!? Улар Аллоҳ лаънатлаганлардир. Аллоҳ кимни лаънатласа, унга асло ёрдамчи топа олмассиз!***” (Фатава-л-Лажна-д-даима, биринчи мажмуъа. 22-жуз, 244-бет).

Фатво қўмитасининг ушбу икки фатвосидан, хоссатан биринчи келтирилган фатвода “*Илмонийлик деб номланувчи нарса динни давлатдан ажратишга, динда ибодат ишлари билан кифояланишга, шулардан бошқа муомалот ва ўзга ишларни тарк этишга, “диний эътиқод эркинлиги” деб номланувчи тушунчани эътироф қилишга: ким Исломни қабул қилишни ҳоҳласа қабул қилади, ким муртад бўлиб, бошқа ботил йўллар ва динлардан юришни ҳоҳласа, ўшани қилади; шуларга даъват қилувчи йўлдир. Илмонийликнинг шу ва бошқа фосид эътиқодлари фожир ва кофир даъват бўлиб...*” – деб айтилганидан динни давлатдан ажратиш мафкураси куфр эътиқод эканлиги ойдинлашади. Иккала президентда биринчи фатвода айтилган ҳолат яққол кўринади.

Динни давлат бошқарувидан, яъни сиёсат, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳалардан ажратган, бу мафкурани

тўғри эканлигини таъкидлаган кишининг Исломдаги ҳукми борасида анъанавий йўналишдаги олимлар берган хулосалар:

Исломий ҳукмлар ўрнига ўйлаб чиқарилган қонунлар жорий қилинишини талаб қилган кишининг ҳукми ҳақидаги саволга Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий қуйидагича жавоб берган:

“ДИННИ ДАВЛАТДАН АЖРАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИНГ ҲУКМИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у кишининг барча аҳллари ва саҳобаларига Аллоҳнинг салавоти бўлсин.

Аммо баъд: порлоқ Ҳалаб шаҳрининг баъзи уламолари тарафидан фатво сўралди. Унда мендан Исломга тамоман чўмган Исломий юртда ўз ҳукуматидан Аллоҳ шарияти аҳкомларининг ўрнига динсиз, ўйлаб топилган қонунларни қўйиш учун “Давлатнинг расмий дини Исломидир” деган матнни ўша ҳукуматнинг дастуридан узоқлаштиришни талаб қилаётган мусулмоннинг ҳукми борасида сўраган. Шунингдек, ўша саволда мендан ушбу бало ва қўққисдан келувчи хатар ҳолатида ҳақни қўллашдан сукут сақлаши ила бу ёмонликни кучайишига сабаб бўлаётган мусулмон борасида ёрқин шариятнинг ҳукмини ҳам сўраган.

Қудрати улуғ бўлмиш Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолда қуйидагиларни айтаман: “Бу ҳолат, хоссатан Ислом хизмати

йўлида буюк тарихи бор бўлган Шом ўлкаларида бўлиши, иймони содиқ бўлган ҳар бир мўминнинг қалби унинг қўрқинчи сабабидан эриб кетадиган энг даҳшат ва энг катта мусибатлардан биридир. Мусулмон инсон бу каби нарсани ақли саломат ҳолида талаб қилса, Ислом ҳукмлари амал қилувчи диёрда унга муртадлик ҳукми жорий қилинади. Бошқа ерда ушбу талаб қилувчи токи ер ўз кенглиги ила унга тор бўлиб қолгунича, тавба-ю инобат қилгунича тамоман ташлаб қўйилади ва бирорта ишда у ила муомала қилинмайди.

Китоб ва суннат матнлари Ислом дини дунё ва охират фойдаларини жамловчи эканлигига далолат қилгандир. Икковига (Китоб ва суннат) тегишли ҳукмларнинг далолати очиқ-ойдин бўлиб, бунда ҳеч шубҳа йўқдир. ***Бас, шунга биноан динни давлатдан ажратиш ҳаракати Аллоҳ калимасининг олий бўлишини ташловчи очиқ куфр ва Ислом динининг ич-ичига қаратилган душманлик бўлади****. Ушбу талаб (динни давлатдан ажратиш) талаб қилувчи тарафидан (Исломдан) узилиш ва бўлиниб чиқишнинг иқрор қилиниши бўлади ва унинг ўз иқрорига биноан бу нарса (яъни, Исломдан узилиш ва бўлиниб чиқиш) унга лозим бўлади.* ***Бас, биз уни мусулмонлар жамоати жисмидан узилган аъзо ва аҳли Ислом ақийдасидан ажраган шахс деб ҳисоблаймиз. Унинг никоҳланиши саҳиҳ бўлмайди, сўйган нарсаси ҳалол бўлмайди. Зеро, у мусулмонлардан ҳам эмас, аҳли китобдан ҳам эмас***" (Мақолоту-л-Кавсарий. 329 – 330 бетлар).

Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий охирги даврлардаги Мотуридийлик эътиқоди ва Ҳанафий фиқҳий мазҳаби олимларининг

энг машҳур ва эътиборлиларидан бири ҳисобланади. У кишининг “*Бас, шунга биноан динни давлатдан ажратиш ҳаракати Аллоҳ калимасининг олий бўлишини ташловчи очиқ куфр ва Ислом динининг ич-ичига қарартилган душманлик бўлади*”, – деб айтишидан динни давлатдан ажратиш тушунчаси – эътиқод ва ҳаракат сифатида катта куфр ва Исломга қаршилик эканлиги кўриниб турибди. Дунёвийлик мафкураси эгаси, токи ўз қарашидан қайтмас экан “*биз уни мусулмонлар жамоати жисмидан узилган аъзо ва аҳли Ислом ақийдасидан ажраган шахс деб ҳисоблаймиз. Унинг никоҳланиши саҳиҳ бўлмайди, сўйган нарсаси ҳалол бўлмайди. Зеро, у мусулмонлардан ҳам эмас, аҳли китобдан ҳам эмас*”.

Усмонли давлати Шайху-л-Исломи Мустафо Собри айтган: “*Фарангпараст замонавийлар Исломий юртларда пайдо қилган ҳар бир бидъатда динга макр қилиш ва унга қарши чиқиш ҳаракати бўлган. Лекин уларнинг динни сиёсатдан ажратиш макрлари бошқаларининг ичида энг даҳшатлиси, энг шиддатлиси бўлди. Бу қилмиш ҳукумат тарафидан халқнинг динига қарши қўзғалондир. Ваҳоланки, одатда қўзғалонлар халқ тарафидан ҳукуматга қарши бўлади. Бу қилмиш ҳукуматнинг Ислом аҳкомларига итоат қилмасликни очиқлашидир.* ***Аслида, бу аввало ҳукумат тарафидан муртад бўлиш, сўнгра уммат тарафидан шундай бўлишдир. Гарчи ўша ҳукумат ичига кирганларнинг айни шахслари муртад бўлмасаларда, жамоат эътиборидан муртаддирлар. Бу ҳолат айни шахслар муртад бўлишидан кўра куфрга яқинроқ йўлдир. Аслида, Ислом ҳукмига бўйинсунган бўлгач, ўзининг (диний буйруқлардан) мустақил эканлигини даъво қилган муртад***

ҳукуматга итоат қилишни қабул қилгани учун бу ҳолат айни шахсларнинг ҳам муртад бўлишларини ҳам ўз ичига олади" (Мавқифу-л-ақл ва-л-илм ва-л-олам мин Робби-л-оламийн ва мин ъибадиҳи-л-мурсалийн. 4-жуз, 281 – 282 бетлар).

Мустафо Собри Усмонли давлатидаги Исломий бошқарув ва Исломий қонунчиликни ичидан яхши билувчи олим. У кишининг "*Аслида, Ислом ҳукмига бўйинсунган бўлгач, ўзининг (диний буйруқлардан) мустақил эканлигини даъво қилган муртад ҳукуматга итоат қилишни қабул қилгани учун бу ҳолат айни шахсларнинг ҳам муртад бўлишларини ҳам ўз ичига олади*", – деган сўзлари ила Ислом дини ҳукмларидан давлат даражасида мустақил бўлишликни эълон қилиш куфрий мафкура эканлиги, бундай ҳукуматга дунёвийликни жорий қилиши борасида итоат қилишни қабул қилиш диндан чиқиш эканлигини таъкидламоқда. Бўлиб ҳам, куфрга тушишнинг шарт ва монеълари мужассам бўлар экан ушбу ҳолатда айни шахслар ҳам диндан чиқиб муртад бўлишлари у киши тарафидан айтилган. Мустафо Собри ҳам мутахассислар томонидан Мотрудий эътиқоди ва Ҳанафий фиқҳида олим деб тан олинади.

Аввал айтилганидек, "Мажаллату-л-аҳками-л-адлия" деб номланмиш китоб Усмонли давлатида ҳаётни шарият асосида бошқарилишини белгилаб берувчи қоидалар тўплами бўлган. Ана шу мажалланинг илмий рахбари ва муҳаррири Аҳмад Жавдат Пошо илмонийликни жорий қилган Мустафо Отатурк ҳақида қуйидагиларни ёзган: "*Аниқки, у зоҳир қилаётган ғарбий қонунлар тўпламини ҳарфма-ҳарф кўчириш, ўзича янгилик киритиш ва*

ижтимоий муносабатлар борасида ***Исломий қонунлар ўрнини эгаллатиш ишида диндан чиқиш бор****, мустақил шахсийятни қатл қилиш бор ва ғарб оламига индивидуал тақлид ва қулчилик бордирки, бу нарсанинг ортиқча изоҳга ҳожати йўқдир*” (ар-Рожулу-с-сонам. 229-бет).

Исломий қонунларни амалдан қолдириб, ўрнига бошқа қонунларни мажбурий қилиб қўйишни маъқуллаш уламолар наздида катта куфр. Аҳмад Жавдат Пошо Мотуридий ақидасида билимдон бўлган инсон. Шунга биноан у киши дунёвийликни кенгкўламли, очиқча ва журъатли суратда қонунчилик “*ва ижтимоий муносабатлар борасида Исломий қонунлар ўрнини эгаллатиш*” ишларида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни – айни шу мафкурани тўғри деб билишнинг шартли равишдаги аломати бўлгани сабабидан – эътиқодий жиҳатдан диндан чиқиш деб баҳолаган кўринади.

Муҳаммад Саъийд Рамазон ал-Бутий айтган: “***Қачонки мен: “Ислом билан ҳукм қилмайдиган давлатни ҳоҳлайман, Ислом шиорларини ўзиники қилиб олмайдиган давлатни ҳоҳлайман, ижтимоий-шахсий муносабатлар Ислом асосида бўлмасин, иқтисодга тегишли ишлар Исломдан бўлмасин”, – десам...! Бу куфрдир! Бу куфрдир!*** *Сен: “Шариятни жорий қила олмайман, ожизман ёки заифман ёки ёмонликка буюрувчи нафсим сабаб бўляпти”, – деб айтгин, мана бу бошқа нарса, буни Аллоҳ мен борамда кечириши мумкин, аниқки мағфират қилади*” (**منابر الشام الجريحة** youtube канали, 01:47 дақиқадан бошлаб. https://youtu.be/ETzc8x87jjs).

Рамазон ал-Бутий ҳам Ислом ҳукмрон бўлмаган давлатни ҳоҳлашлик куфрлигини таъкидлаган эканини кўриб турибмиз. Ўзбекистон ва Туркия рахбарларида ал-Бутий зикр қилган ҳоҳлашлик ва тўғри деб билиш бор эканлигини ўз ўрнида кўриб ўтдик.

Аввал ҳам айтганимиздек, уламолар диний ҳукмлар ўрнига дунёвий қонунлар татбиқ қилиниши тўғри эканлигини эълон қилишни ва шу ишга чақиришни ҳаромни ҳалол қилувчи ҳукмларга чақириш деб тушунтирадилар. Илмонийлик мафкураси ва уни ҳаётга жорий қилиш эгасини “ҳаромни ҳалол қилувчи” деб номлашни уламолар сўзларида учратдик. Айни шу ҳақиқатни Муҳаммад ал-Ғаззолий ҳам рад қилмайди. Шунингдек, у киши бу ишни қилувчиларни диндан чиққан эканлиларида шубҳа қилмайди. У киши баҳс-у мунозара вақтида инсонлар тарафидан ўйлаб чиқарилган қонунлар ҳаромни ҳалол қилувчи эканлиги борасидаги саволга қатъият ила жавоб қилган: *“Ҳимоя тараф саволи:* ***Аллоҳнинг ҳукмини ҳаромни ҳалол қилувчи ва ҳаромни ҳалол қилувчи бўлган ўйлаб чиқарилган қонунчиликка алмаштиришга чақирувчи кимсанинг ҳукми нима?***

*(Муҳаммад ал-Ғаззолий) Жавоб: “****Аниқки, бу кимса мусулмон эмас****. Аллоҳ бундай кимсалар ҳақида қуйидагиларни айтади: “****(Эй Муҳаммад!) Сизга ва сиздан аввал нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган эканликларини даъво қилувчиларни кўрдингизми!? Улар тоғутдан ҳукм олишни ирода қиладилар.***

***Ваҳоланки, унга куфр келтиришга буюрилган эдилар. Шайтон эса уларни узоқ адаштиришни ирода қилади*” *(Нисо сураси 60-оят)*”.

Яна бир савол-жавобдан сўнг ҳимоя тараф қуйидаги саволни сўраган: “***Ислом шариятини татбиқ қилишни очиқ рад қилиш, башардан бўлган тоғутларнинг қонунчиликларини шариятга алмаштиришга чақириши ила инсоннинг икки шаҳодат калимасини нутқ қилиши ёки Исломни даъво қилиши саҳиҳ бўладими?***”.

*(Муҳаммад ал-Ғаззолий) Жавоб: “Аввало Аллоҳ таоло айтади: “**Одамлар орасида Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик дейдиганлари бор. Ваҳоланки, улар мўмин эмаслар**”. Ҳатто, инсонлардан баъзиси мўмин эканлиги борасида қасам ичар эди. Лекин унинг кофирларга бўлган майли, уларга қарши жанг қилиш ва Исломни ҳимоялашдан қўрқуви динни ундан йўққа чиқарган. Дарҳақиқат Аллоҳ айтган: “**Улар сиздан эканликлари борасида Аллоҳ ила қасам ичадилар. Ваҳоланки, улар сизлардан эмаслар. Лекин улар қўрқаётган қавмдирлар. Агар бирор пана ёки ғорлар ёки кириб олинадиган жой топсалар, шошилган ҳолларида ўша ерга борадилар**”. Оятнинг маъноси уларнинг амаллари ўзларини ёлғончига чиқараётган ҳолатда мўминлармиз деб айтишлари қабул қилинмаслигидир. Иймон уламоларнинг иттифоқи ила сўз, эътиқод ва амалдир. **Сўнгра мен назарни динимизнинг исми Ислом эканлигига қаратаман... Яъни, Аллоҳга бўйинсуниш. Бунинг маъноси қуйидагича: Иблис Аллоҳ ҳақ эканлигини билар ва тортишар эди... Бас, буйруқ ва қайтариқни рад қилиш инсонни***

миллатдан чиқаради” (Акҳаму-р-ридда ва-л-муртаддийн мин хилали шаҳадатайи-л-Ғоззалий ва Мазруъаҳ. 294 – 295 бетлар).

Савол берувчининг ўйлаб чиқарилган қонунчиликни “ҳаромни ҳалол қилувчи ва ҳаромни ҳалол қилувчи”, – деб номлаши суҳбат чоғида ал-Ғаззолий тарафидан рад қилинмади ва бу ишга даъват қилган кимсанинг ҳукми мусулмон бўлмаслик эканлиги далили ила баён қилинди. Шунингдек, дин ҳукмлари, яъни, Ислом динининг буйруқ ва қайтариқлари бошқарув, қонун чиқариш, унинг ижроси ва бошқа соҳаларда жорий бўлишини рад қилиш Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг “*Бас, буйруқ ва қайтариқни рад қилиш инсонни миллатдан чиқаради*”, – деб айтканига биноан катта куфрдир.

Манноъ ал-Қаттон Муҳаммад ал-Ғаззолий иқрор қилган масала, яъни инсонлар ўйлаб топган қонунларни мусулмонлар учун мажбурий қонунчилик қилиб қўйиш бу “ҳалолни ҳаром қилувчи ва ҳаромни ҳалол қилувчи” қонунларни жорий қилиш эканлигини таъкидлаган: “*Минбарларга кўтарилувчи ва ҳар жума одамларга сўзловчи масжид хатибларига хутба мавзулари белгилаб берилади ёки ёзиб берилади. Юртнинг қонунларидан олиб ташланиб, ўрнига бошқа қонунлар таъйин қилинган шаръий аҳкомлар ҳақида гапириш хатибларга ман қилинади.* ***Ўша қонунлар Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қиладиган ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қиладиган қонунлардир. Ман қилиниш сабаби бу каби нарсаларни гапириш сиёсатдан бўлгани учундир (сиёсатга аралашишдир)***” (Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 119-бет).

Манноъ ал-Қаттоннинг ушбу сўзларидан Исломий юртлардаги дунёвий қонунлар ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиб берувчи қонунлар эканлиги яна бир бор билинмоқда. Дунёвий қонунчилик асосида ҳукм қилиш ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиш эканлиги ҳақида Юсуф ал-Қаразовий ҳам "Ислом ва илмонийлик қарама-қарши" номли китобида сўз юритган.

Аниқки, Ислом ҳукмларини қонунчиликдан ажратиб қўйиган, бу ишни тўғри деб билган, ўша ҳукмлар ўрнига ҳаромни қонуний жиҳатдан жоиз қиладиган кўрсатмалар жорий қилган ва шу каби қонунларни маъқуллаган кимса муртад бўлади.

Азҳар кибор уламолари ҳайъати аъзоси Юсуф ибн Аҳмад ад-Дажавий айтган: "***Ушбу қонунлар шахсий ҳуррият асосини сақлаш мақсадида зино, маст қилувчи ичимлик ичиш, қимор ўйнаш ишларини мубоҳ қилади. Ваҳоланки, булар барча ёмонликларнинг оналаридир***. *Менинг наздимда бунинг мисоли ҳудди бир киши заҳар ичмоқчи бўлганида унинг ирода қилгани борасидаги ҳурриятини сақлаш учун уни ман қилмаганлигинг кабидир. Сен ўзингни унга яхшилик қилган деб ҳисоблайсанми!?*" (Азҳар шарифнинг катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 52 – 53 бетлар).

Азҳарнинг забардаст шайхлари ва бошқа олимлар ҳаром эканлиги динда заруратан маълум нарсаларни дунёвий қонунчилик расмий суратда жоиз қилиб таъйин қилишини "ҳаромни ҳалол қилиш" – деб номлашлари иқтибослардан кўриниб турибди. Бу жараённи бошқариш, унга тарғиб қилиш ва барча фуқаролар

дунёвий қонунлар остида ҳаёт кечириши лозим деб билиш ақидавий жиҳатдан катта куфр бўлиб, Мирзиёев ва Эрдоғанда топилади.

Азҳар шайхи доктор Мазруъа айтган: “***Ислом шариятини амалдан қолдириш ёки татбиқ қилмасликка чақирувчи кимса, миллатдан чиққандир***. *Зеро, у Аллоҳнинг дини жорий бўлишини амалдан қолдирди. Аллоҳнинг шариятидан бошқа инсонлар чиқарган қонунчиликни афзал билувчи кимса эса куфр эшигига аввалгидан ҳам кўпроқ кирувчироқдир*” (Акҳаму-р-ридда ва-л-муртаддийн мин хилали шаҳадатайи-л-Ғоззалий ва Мазруъаҳ. 262-бет).

Кўриниб турибдики, доктор Мазруъа ушбу мавзуда юқорида сўзлари келтирилган “Мажаллату-л-аҳками-л-адлия” китобининг илмий раҳбари ва муҳаррири Аҳмад Жавдат Пошо билан бир ҳил фикрда.

“Давлат бошқарувида Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарзлиги динда заруратан маълум ҳукм эканлигининг баёни” номли сарлавҳа остида сўз юритилганда бир неча уламолардан иқтибос келтирилган эди. Ана ўша уламолар орасида Юсуф ал-Қаразовийнинг “*Бунда илмонийлик шариятнинг қатъий собит бўлган аҳкомларига ва диннинг заруратан маълум ҳукмларига хилоф қилди*” ва “*Дарҳақиқат, Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қилиш мавзуси динда заруратан маълум бўлган мавзудир*” каби сўзларини келтирган эдик. У киши ўзининг расмий интернет саҳифасида динда заруратан маълум бўлган ҳукмни рад қилиш куфр ва муртадлик эканлиги ҳақида қуйидагиларни айтган: “*Мусулмон киши, қанчалар оз бўлсин, Қуръони каримдан бирорта нарсани рад қилиши қабул қилинмагани*

ва бу нарса куфр деб эътибор қилингани каби ***ўша мусулмондан шариат аҳкомларидан қатъий собит, динда заруратан маълум бўлган ҳукмни рад қилиниши қабул қилинмайди. Унинг ушбу рад қилиши Исломга куфр келтириш бўлиб, уни миллатдан чиқаради, умматдан четлатади ва бу ила у муртадлик уқубатига мустаҳиқ бўлади***” (https://www.al-qaradawi.net/node/4300).

Юсуф ал-Қаразовий Ислом дини ҳукмрон бўлиши лозимлиги динда заруратан маълум нарса эканлиги ва дунёвийлик мафкураси тафсилотлари ойдинлашган ҳолда муайян шаҳс тарафидан динда заруратан маълум ҳукмнинг инкори бўлиши ҳақида сўз юритган. Ўз ўрнида унинг бу борадаги қарашига яна бир бор қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўз даврида “Шайху-л-Азҳар” бўлган инсон Муҳаммад ал-Ходир Ҳусайн айтган: “***Динни сиёсатдан ажратиш дин ҳақиқатларининг аксарини бузиб ташлаш бўлиб, мусулмонлар бу ишга фақат мусулмон бўлмай қолганларидан сўнггина қўл урадилар***” (Мавсуъату-л-аъмали-л-камила ли Муҳаммад ал-Ходир Ҳусайн: Росаилу-л-Ислаҳ. 8-жуз, 199-бет).

Бу киши Азҳар мажалласи таҳриринининг ҳам рахбари бўлган. Динни давлатдан ажратиш амалиёти мусулмон киши муртадга айланганидан сўнггина тўлақонли жорий бўлиши мумкин эканлигини бу инсон ҳам таъкидламоқда.

Динни давлат бошқарувидан, яъни сиёсат, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳалардан ажратган, бу мафкурани

тўғри эканлигини таъкидлаган кишининг Исломдаги ҳукми борасида салафий йўналишдаги олимлар берган хулосалар:

Абдулазиз ибн Боз илмонийлик борасидаги фатвосида қуйидагиларни айтган: “***Ким динни давлатдан ажратишни, диннинг ўрни масжид ва уйларда, давлат ҳоҳлаганини қилади, ҳоҳлаганича ҳукм юритади деб даъво қилса, аниқки, Аллоҳга катта туҳмат қилибди, Аллоҳ ва Унинг Росулига ёлғон тўқибди ва жуда қабиҳ суратда хато қилибди. Аслида бу куфр ва узоқ залолатдир. Аллоҳдан бу нарсадан паноҳ сўраймиз!*** *Аксинча, барча бандалар шариат аҳкомлари ва кўрсатмаларига ибодатлар-у бошқа ишларда бўйинсунишга буюрилгандирлар. Давлат ҳам шариат ҳукмини жорий қилувчи, жамики тасарруфларида унинг бошқаруви остида иш олиб бориши вожибдир. Карамли Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у кишининг саҳобалари, Аллоҳ улардан рози бўлсин ва уларни рози қилсин, сўнгра Ислом имомлари барча нарса борасида мана шу йўлдан юргандирлар*” (Ал-Илмания ва долалату фасли-д-дийни ъан-с-сияса. Ва ялийҳи ал-фатава-л-жалия ли баяни ҳукми-ш-шаръи фи-л-илмания. 53-бет).

Абулазиз ибн Боз салафий йўналишидаги уламолар орасида катта эътиборга сазовор бўлган инсон. Иқтибосдан кўриниб турибдики, “дин давлат бошқаруви ва ишларига аралашмайди, давлат ўзи танлаган йўлдан боради” деган қараш у кишининг наздида куфр ва залолатдир. Мирзиёев ва Эрдоғанда айни шундай қараш бор эканлиги ўз ўрнида келтирилди.

“Саудия Арабистони илмий баҳслар ва фатво бериш умумий Бошқармаси”нинг интернетдаги расмий саҳифасида Аллоҳнинг шариятидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилишнинг баъзи ҳолатлари зикр қилинган савол-жавобда Ибн Бознинг қуйидаги фатвоси келтирилган: “*Бу масалада тафсилот бор ва у қуйидагича. Ким Аллоҳ нозил қилган ҳукм ила ҳукм қилиши унга вожиб эканлигини, у шариятга хилоф қилганини била туриб Аллоҳ нозил қилганидан бошқа ила ҳукм қилса,* ***лекин бу ишни мубоҳ деб билса, бу борада унга ҳараж йўқ деб билса, Аллоҳнинг шариятидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш жоиз бўлади деб билса, у жамики уламолар наздида катта куфрга тушиш ила кофир бўлади.*** *Бунга мисол насоролар ёки яҳудлар ёки улардан бошқа кишилар ўйлаб чиқарган қонунлар ила ҳукм қилиш бўлиб, улардан ўша қонунлар ила ҳукм қилиш жоиз деб даъво қилганлари ёки ўша қонунлар Аллоҳнинг ҳукмидан афзалроқ деб даъво қилганлари ёки ўша қонунлар Аллоҳнинг ҳукмига тенг келади ва инсон ҳукм борасида ихтиёрли: ҳоҳласа Қуръон ва суннат билан ҳукм қилади, ҳоҳласа ўйлаб чиқарилган қонунлар ила ҳукм қилади деб даъво қилганлари; ким мана шунга эътиқод қилса, аввал айтганимиздек, уламолар ижмоъси ила кофир бўлади*” (https://www.alifta.gov.sa/Ar/Magazine/Pages/issues.aspx?View=Page&PageID=5861&CultStr=&PageNo=1&NodeID=1&BookID=2).

Иккала президент Ибн Боз куфр деб айтган қарашлар эгасидир, яъни, қонунчилик ва давлат бошқарувида дунёвий ва либерал қарашлар эгаси. Яъни, давлат бошқаруви ва қонунчиликда давлат ва халқ қандай йўл тутиши борасида ихтиёрлидир, эркиндир ва биророта

динга тобеъ бўлмайди. Халқ манфаати йўлида хизмат қилиши шарти ила тўғри деб билинган ва халқаро нормаларга мувофиқ бўлган ҳукмлар татбиқ қилинади холос. Бундай тушунча соҳибида куфрга тушишнинг шартлари тўлиқ мужассам бўлар экан ва куфрга тушишдан ман қилувчи барча нарсаларар йўқ бўлар экан, унинг куфрга тушгани борасида аҳли илмлар шубҳа қилмайдилар. Шунингдек, Мирзиёев ва Эрдоғанда Ибн Боз айтган "жоиз бўлади деб билиш" мавжуд. Яъни, икковининг наздида давлатда дунёвийлик ҳукмрон бўлиши тўғри ва Исломий жиҳатдан номақбул иш эмас.

Абдулазиз ибн Боз бошқа ўринда қуйилагиларни ёзган: "*Ким одамларнинг ҳукмлари ва қарашлари Аллоҳ ва Росулининг ҳукмидан яхшироқ ёки тенг ва ўхшаш деб эътиқод қилса ёки* ***Аллоҳ ҳукмлари ўрнини ўйлаб чиқарилган қонунлар, инсоний тузумлар эгаллашини жоиз қилса, гарчи Аллоҳнинг ҳукмлари яхшироқ, комилроқ ва адолатлироқ деб эътиқод қилсада, унинг иймони йўқдир***" (Вужубу таҳкийми шаръилааҳ ва набзу маа холафаҳ. 18-бет).

Ибн Бознинг ушбу сўзлари унинг аввалги сўзларини тасдиғи бўлиб, "*Аллоҳ ҳукмлари ўрнини ўйлаб чиқарилган қонунлар, инсоний тузумлар эгаллашини жоиз қилиш*" иккала президентда топилади. Бу икки президент нафақат шарият аҳкомларини давлат ишларидан четлатиш ва дунёвий қонунлар билан бошқаришни жоиз қилади, балки дунёвий қонунларга амал қилишни мажбурий деб билади ва барчага мажбурий эканлигини таъминлашни назорат қилади.

Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин ҳам Абдулазиз ибн Боз каби салафий манҳажида бўлган аҳли илмларнинг энг катталаридан биридир. У киши биз кўриб чиқаётган мавзуга қуйидагича ёндошган. Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш сифати ҳақида сўралганида Ибн ал-Усаймин айтган: "*Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш икки қисмга бўлинади. Аввалгиси: ўрнига одамлар қабул қилган тоғутий ҳукмни қўйиш учун Аллоҳнинг ҳукмини ботил қилиш.* ***Бунда одамлар орасидаги муомалотлар борасида шариат ҳукмларини четлаштириб, ўрнига ўйлаб чиқарилган қонунларни қўйганлар каби одамлар орасида юрувчи шаръий ҳукмларни четлаштириб, ўрнига башар тарафидан ўйлаб чиқарилган қонунлар қўйилади. Шак-шубҳа йўққи, бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг шариятини бошқасига алмаштиришдир. Бу миллатдан чиқарадиган куфрдир****. Зеро, у Аллоҳнинг бандалари учун Аллоҳ изн бермаган шариат (қонунчилик) чиқариш, ўша ҳукмни махлуқотлар орасида ҳал қилувчи хукм қилиб қўйиш ила ўзини Яратувчининг ўрнига қўйди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Ўзининг "****Ёки уларнинг Аллоҳ изн бермаган нарса ила шариат қилиб берган шериклари борми!?****" (Шўро 61-оят) – деб айтган сўзида бу нарсани ширк деб номлагандир*" (Фиқҳу-л-ибадаат. 60 – 61 бетлар).

Ибн ал-Усайминнинг "*Бунда одамлар орасидаги муомалотлар борасида шариат ҳукмларини четлаштириб, ўрнига ўйлаб чиқарилган қонунларни қўйганлар каби одамлар орасида юрувчи шаръий ҳукмларни четлаштириб, ўрнига башар тарафидан ўйлаб чиқарилган қонунлар қўйилади. Шак-шубҳа йўққи, бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг шариятини бошқасига алмаштиришдир. Бу*

миллатдан чиқарадиган куфрдир", – деб айтган сўзларини яхши тушуниб олиш лозим. Аввало, у киши Аллоҳ нозил қилганидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш сабабидан кофир бўлишнинг баъзи суратларида эътиқодни шарт қилмайди. Эътиқод қилишни ўзи мустақил куфр. У кишининг наздида Исломий ҳукмларни тамоман амалдан қолдириб, ўрнига дунёвий ҳукмлар қўйиш амалиётининг ўзи, эътиқод қилиш ёки қилмаслигидан қатъий назар катта куфр деб баҳоланади.

Мирзиёев ва Эрдоған инсонларнинг шахсий эътиқоди, бошқарув, қонунчилик, иқтисодиёт, маданият ва шу каби кўплаб муҳим соҳалар борасида либерал қарашлар эгасидир. Икковининг қарамоғидаги партиялари ҳам либерал қарашлари ила танилган партиялар. Айни шу масала, яъни либерал мафкура эгасининг Исломдаги ҳукми борасида Ибн ал-Усаймин қуйидагиларни айтган: "*Либерал... Бу либерал дигани ким? У қайдларсиз бўлган эринликка даъват қилувчи ва очиқчасига шариятни татбиқ қилишга қарши турувчи шахсдир. Иш бошиларга бу каби кимсаларни ҳукмга тортиш, уларга шариат тақозо қилган ҳукмни жорий қилиш вожибдир. Зеро, диний чеклов бўлса ҳам мутлоқ эринликка даъват қилувчи шахс, бу кофирдир.* ***Сен эркинсан ҳоҳласанг намоз ўқи, ҳоҳламасанг ўқима, ҳоҳласанг рўза тут, ҳоҳламасанг тутма, ҳоҳласанг закот бер, ҳоҳламасанг берма деган гапни маъноси нима? Бунинг маъноси у Ислом фарзларидан бир фарзни инкор қилди дегани. Балки Исломнинг барча фарзларини инкор қилган, зинони, лутийликни ва маст қилувчи ичимликларни мубоҳ қилган. Шундай эмасми!? Бу қандай қилиб мусулмон бўлади!? Бу***

кофир ва муртаддир. *Ҳукмга тортилади. Агар Ислом динига қайтса, мусулмонлардан ёмонлигини тийса майли, бўлмаса жазоси қиличдир*" (https://youtu.be/DD7UgNKOlaM).

Ўзининг сиёсий, ижтимоий қарашлари ва эълон қилаётган тушунчалари жиҳатидан ҳам иккала президент Ибн ал-Усаймин сўзларига тушуриладиган бўлса, эътиқодий жиҳатдан катта куфрга тушган бўлади. Шунингдек, Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин ҳам "*Бунинг маъноси у Ислом фарзларидан бир фарзни инкор қилди дегани. Балки Исломнинг барча фарзларини инкор қилган, зинони, лутийликни ва маст қилувчи ичимликларни мубоҳ қилган*" деган сўзлари ила Аҳзар шайхлари ва бошқа уламолар хулосаларида келган "дунёвийлик мафкураси ҳаромни мубоҳ қилиши" борасидаги масалани зикр қилган. Шунингдек, "*Исломнинг барча фарзларини инкор қилган, зинони, лутийликни ва маст қилувчи ичимликларни мубоҳ қилган*" иборасидан Ибн ал-Усаймин наздида либерал мафкура эгасида динда заруратан маълум ҳукмларни инкори бор эканлиги билинади. Яъни, ҳаром эканлиги динда заруратан маълум ҳукмларни либерал қонунчилик ўрнатиш ила қонунан жоиз қилиб қўйиш катта куфр. Мирзиёев ва Эрдоған динда заруратан маълум ҳаромларнинг баъзиларини Исломда ҳаром эканлигини тан олади, либерал қарашлар асосидаги дунёвий қонунчиликда бу ҳаромлар ман қилинмаган эканлигини, шахс ихтиёрли эканлигини айтади ва мана шундай дунёвийлик билан давлат бошқаришни тўғри ва Исломга зид бўлмаган тадбир деб билади.

Ибн ал-Усайминнинг яқин шогирди бўлган Муҳаммад Солиҳ ал-Мунажжид ўзининг Islamqa.info расмий интернет саҳифасида ўз устозининг ҳукм сабабидан куфрга нисбатлаш борасидаги мазҳабини қуйидагича очиб берган: “*Шайх ибн ал-Усаймин раҳимаҳуллоҳнинг Аллоҳ нозил қилган нарсага хилоф қилувчи қонунларни чиқариш катта куфр эканлигини очиқ-ойдин айтиши жуда ҳам кўп учрайди. Бу нарсани у киши “Шарҳу китаби-т-тавҳид”, “Шарҳу усули-с-саласа”, “Шарҳу сиясати-ш-шаръийя” каби китобларининг ўринларида, ақийда бобида нашр қилинган фатволари ва “Очиқ эшик учрашувлари” туркумида зикр қилгандир.* ***У кишининг бу ўринлардаги гапи мутаносиб бўлиб бир қоида устида жорий бўлади. Ўша қоидага биноан Аллоҳнинг шариятига хилоф қилувчи қонунлар ишлаб чиқариш ва жорий қилиш катта куфрдандир****. Аммо, Аллоҳ нозил қилмаган нарса ила ҳукм қилувчи ҳоким қилган жиноятига мувофиқ ё кофир бўлади ёки золим бўлади ёки фосиқ бўлади. Қонунчилик жорий қилиш кичик куфрга тушириши борасида шайх раҳимаҳуллоҳнинг бирорта гапи борлигини билмаймиз. Агар шайхнинг бу масалада бошқа гапи бўлганида эди тарқалар ва ёйилиб кетар эди, шайх ўзининг аввалги гапидан қайтганини очиқ айтган бўлар эди, аввалги гапни тарқатишни ман қилиш йўлида ҳаракат қилган бўлар эди. Ким аҳли илм инсон хатоси аён бўлгач, фикридан қайтганида хато гапини ўлимигача тарқатишда инкорсиз давом қилади ёки хатосини кетказишни васият қилмайди деб гумон қилса, ўша аҳли илм инсонга нисбатан ёмон гумон қилган бўлади, унинг дини ва омонатига таъна қилган бўлади. Дарҳақиқат, ботил сўзни тарқатиш ҳам, унга сукут*

сақлаб туриш ҳам жоиз эмасдир. Айниқса, бу каби катта масалага алоқадор нарса бўлса" (https://islamqa.info/ar/answers/118135).

Ибн ал-Усайминнинг бу масаладаги мазҳаби "*Аллоҳнинг шариятига хилоф қилувчи қонунлар ишлаб чиқариш ва жорий қилиш катта куфр*" бўлиб, Мирзиёев ва Эрдоған айни шу иш билан шуғулланадилар ва бу разолатни жоиз деб биладилар. Аввал айтилганидек, Ислом қонунчилиги ўрнига дунёвий қонунчилик татбиқ қилишни жоиз деб билиш Ибн ал-Усаймин наздида алоҳида бир куфрдир.

Аллома Ибн Касийр Исломни қабул қилган мўғуллар Ёсақ деб номланган қонунлар тўпламини кўпгина соҳаларда шарият ўрнига ҳукм қилувчи қилиб қўйганлари ҳақида ўз китобида сўз юритган. Салафий манҳажи олими сифатида танилган Муҳаммад Ҳамид ал-Фақо Ибн Касийрнинг ўша сўзларига қуйидагича таъliқ ёзган: "***Фарангларнинг гапини қонлар, фаржлар ва мол-мулклар борасида ҳукм олинувчи қонунлар қилиб олган, ўша қонунларни Аллоҳнинг Китоби ва Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан билиб олган ва унга очиқ-ойдин бўлган нарсалардан илгари қўйган кимса шу (мўғуллар) кабидир ва бунданда ёмонроқдир. Шак-шубҳа йўқки, у бу ишида давом қилса, Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилишга қайтмаса, кофирдир, муртаддир. У ўзини номлаган ҳеч қандай ном ҳам, намоз, рўза, ҳаж ва бошқа зоҳир амаллардан бўлган бирор амал ҳам унга наф бермайди***" (Азҳари шариф катта уламоларининг

шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари. 72 – 73 бетлар).

Ўзбекистон ва Туркия президентлари дунёвий қонунларни қонлар, фаржлар ва мол-мулклар борасида ҳукм олинувчи қонунлар қилиб мажбурий суратда жорий қилар эканлар ва бу ишдан қайтмас эканлар, аксинча, бу маслакни ўринли деб билар эканлар Муҳаммад Ҳамид ал-Фақо айтган куфрга тушган бўладилар. Ушбу мафкурани тарғиб қилувчи ва жорий қилувчи кимса “*ўзини номлаган ҳеч қандай ном ҳам, намоз, рўза, ҳаж ва бошқа зоҳир амаллардан бўлган бирор амал ҳам унга наф бермайди*”.

Бундар ибн Нойиф ал-Утайбий ўзининг “Аллоҳ нозил қилганидан бошқа ила ҳукм қилиш; асосли, илмий ва вазмин муноқаша” китобида салафийлик йўналиши етакчилари ҳисобланувчи Ибн Боз, Ибн ал-Усаймийн ва Носируддин ал-Албоний каби кишиларининг ушбу масаладаги мазҳабини баён қилган. У киши ушбу учта олимни танқид қилувчилар ҳақида сўз юрита туриб: “*Улар ўз мухолифларидан Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилмаган, аммо куфрга туширмайдиган ҳолатларда ҳам ўша ҳукм қилувчини кофирга чиқаришларини ирода қиладилар. Агар уларнинг мухолифи бундай қилмаса, уни мулзам қилмоқчи ва Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилишни жоиз қилмоқчиликда айблашади”* – деб айтгач, ўз сўзини қуйидагича давом эттирган: *“Бу гап туҳмат бўлиб, унинг жавоби уч жиҳатдандир:*

Аввалгиси: ***кимки Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилишни жоиз деб билса, гарчи Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа нарса***

ила ҳукм қилмаса ҳам, Аҳли суннанинг иттифоқи ила кофир бўлади. *Юқоридаги гапни айтган киши унда Ибн Боз, ал-Албоний ва Ибн ал-Усаймин раҳимаҳуллоҳларни ҳам кофирга чиқарадими!?*

Иккинчиси: ***уччовлари раҳимаҳумуллоҳ бу нарсани (Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм қилишни) жоиз деб билган кимсани, бу иш ҳалол санашга тенгдир, куфр келтирган эканлигини очиқ айтгандирлар***. *Ўзлари хилофини очиқчасига айтган нарсалари ила уларни мулзам қилишнинг ҳеч қандай асоси йўқдир*” (Ал-ҳукму би ғойри маа анзала Аллоҳ; Мунақоша таьсийлия ъилмия ҳадиьа. 47-бет).

Ибн Боз, Ибн ал-Усаймин ва ал-Албонийнинг Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш ҳақидаги ёзган рисола ва фатволарига назар солган инсон ал-Утайбийнинг “*Уччовлари раҳимаҳумуллоҳ бу нарсани (Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм қилишни) жоиз деб билган кимсани, бу иш ҳалол санашга тенгдир, куфр келтирган эканлигини очиқ айтгандирлар*”, – деб айтган сўзлари ҳақиқатда тўғри гап эканлигини англайди.

Мирзиёев ва Эрдоған диний эмас, дунёвий ҳукм юритишни нафақат Исломга зид бўлмаган жоиз иш деб билади, балки бу қарашни тўғри йўл эканлигини бошқаларга уқтиришга ҳам уринади.

Салафий йўналишида энг машҳур уламолардан ҳисобланувчи Солиҳ ал-Фавзон айтган: “***Илмонийлик динсизликдир. Зеро, бу нарса динни давлатдан ажратишдир***. ***Илмонийлик нима? Бу динни давлатдан ажратишдир. Бу динсизликдир. Зеро, дин***

сиёсат, ибодат ва қонунчилик ила келгандир. Улардан бирини бошқасидан ажратиш Аллоҳнинг диинда динсизлик ҳисобланади. *Бунда сиёсатда ҳалол ва ҳаром бўлмайди, “ҳоҳлаганингни қиласан”. Дин эса фақат масжидлар ва якка шахслар. Сиёсат уларга аралашмайди. “Уларни масжидларда холи қўйинг, уларнинг ишига аралишилмайди. Аммо сиёсатга келсак, масжидларни тўсинг, улар бунга аралашмайдилар”. Мана шу унинг ҳақиқати. Дин сиёсатга кирмайди, сиёсат ҳам динга кирмайди. Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жамлаган нарсани ажратишдир. Бандалар учун ҳаёт кечириш ва салоҳият фақат сиёсат ва диннинг биргаликдаги салоҳияти билан бўлади холос*” (https://www.alfawzan.af.org.sa/ar/node/10436).

Солиҳ ал-Фавзон бошқа ўринда қуйидагиларни ёзган: “***Бунда қуйидагича алмаштириш бордир. Бу ўйлаб чиқарилган қонунларни Исломий шариат ҳукмига ўринбосар сифатида ихтиёр қилиш ва шаръий ҳукм чиқариш маҳкамаларини бекор қилишдир. Бу ҳам куфрдир. Зеро, у Ислом шариятини ҳукмрон қилишни тамоман амалдан қолдирмоқда, четлатмоқда ва унинг ўрнига ўйлаб чиқарилган қонунларни келтирмоқда. Бундай қилмишдан сўнг Ислом учун нима ҳам қолади!?***”.

У киши ўз сўзида давом этиб қуйидагиларни таъкидлаган: “*Аллоҳ нозил қилганидан бошқа нарса ила ҳукм қилганнинг кофир бўлиши фақат била туриб инкор қилишнинг ўзига чекланмайди. Балки,* ***буткул суратда ҳукмни алмаштирса ҳам куфр бўлади. Шунингдек, ҳукм алмаштиришни баъзи ҳукмларда ҳалол деб***

билса, гарчи ҳукмни тан олган бўлсада куфр бўлади. *Ёки аҳли илмлар очиқ айтганидек “Аллоҳдан бошқанинг ҳукми Аллоҳнинг ҳукмидан яхшироқ” ёки “иккови тенг”, – деб айтса ҳам куфр бўлади.* ***Ҳатто, “Аллоҳнинг ҳукми яхшироқ, лекин ундан бошқаси ила ҳукм қилиш жоиз”, – деса, гарчи ҳукмни тан олган бўлса ҳам куфр бўлади. Унинг бу куфри ижмоъ ила собитдир***” (Ат-Таҳзийр мина-л-иржаа ва баъди-л-кутуби-д-даъияти илайҳ; фатава содарот мина-л-Лажнати-д-даима. 34 – 35 бет).

Ушбу иқтибослардан Солиҳ ал-Фавзон диний бошқарув ва ҳукм юритиш ўрнига дунёвий бошқарув ва ҳукм юритишни жорий қилган шахсни эътиқодидан қатъий назар куфрга ҳукм қилишда Ибн ал-Усайминнинг мазҳабида эканлиги билинади.

Шунингдек, унинг “*Ҳатто, “Аллоҳнинг ҳукми яхшироқ, лекин ундан бошқаси ила ҳукм қилиш жоиз” деса, гарчи ҳукмни тан олган бўлса ҳам куфр бўлади. Унинг бу куфри ижмоъ ила собитдир*” ибораси ила Мирзиёев ва Эрдоған шак-шубҳасиз куфр эътиқодда эканлиги кўринади. Солиҳ ал-Фавзон зикр қилинаётган мафкуранинг куфр эканлиги Аҳли сунна ижмоъси ила собит эканлигини таъкидламоқда. Зеро, ушбу куфр эътиқод жиҳатидан содир бўлгандир.

Муҳаммад ибн Иброҳийм Саудияда фатво раиси бўлган. Шунингдек, Ислом олами Робитаси ташкил қилинганида таъсис мажлисининг раиси бўлган. У киши ўзининг “Қонунларни ҳоким қилиш рисоласи” деб номланган машҳур асарида Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш катта, эътиқодий куфрга ёки

кичик, диндан чиқармайдиган амалий куфрга бўлинишини айта туриб, бу масаладаги эътиқодий катта куфрни беш турга бўлган.

Биринчиси: ҳоким Аллоҳ ва Росулининг ҳукми ҳоким бўлишга ҳақдор эканлигини тан олмаслиги.

Иккинчиси: ҳоким Аллоҳ ва Росулининг ҳукми ҳақ эканлигини инкор қилмайди, аммо бошқа ҳукм Аллоҳ ва Росулининг ҳукмидан яхшироқ деб билади.

Учинчиси: Аллоҳ ва Росулининг ҳукми билан бошқа ҳукмни тенг деб билади.

Тўртинчиси: Аллоҳ ва Росулининг ҳукми энг тўғриси ва вожиб дейди. Лекин бошқа ҳукм ила ҳукм қилишни жоиз деб билади. Ушбу тўртинчи турга Мирзиёев ва Эрдоғанда тушадилар.

Сўнгра у киши Аллоҳ нозил қилганидан бошқа нарса ила ҳукм қилиш борасида катта, эътиқодий куфр бўлган бешинчи турни зикр қилади. Ушбу матн ва унинг Сафар ал-Ҳаволий тарафидан қилинган шарҳини қуйида иқтибос келтирамиз: "*Муҳаммад ибн Иброҳийм: "Бешинчиси: бу сурат тайёргарлик, ёрдам берилганлик, пистирмада туриш, пухта асослаш, бўлимларга тақсимлаб қўйиш, ташкиллаштириш, турларга бўлиш, ҳукм қилиш, мажбур қилиш, масдарлар ва суянилган ўринлар борасида шариятга бўйинсунмаган, унинг ҳукмларига нисбатан катта кетган, Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши, шаръий маҳкамаларга қарама-қарши турган энг катта, энг қамровли, энг очиқ суратидир. Шаръий маҳкамаларнинг масдарлари бор бўлиб, уларнинг барча*

масдари Аллоҳнинг Китоби ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари бўлгани каби уларга тегишли маҳкамаларининг масдарлари бор, улар: турли қонунчиликлардан олиб аралаштирилган қонун, Франция қонунчилиги, Америка қонунчилиги, Британия қонунчилиги ва бошқа шу каби турли қонунлар, шунингдек, шариятга нисбат берилувчи баъзи бидъатчиларнинг мазҳабларидан ва бошқа ўринлардан олинган кўплаб қонунлардир".

Ушбу сатрлар шарҳида Сафар ал-Ҳаволий айтган: "*Шайх нима учун "...шариятга бўйинсунмаган, унинг ҳукмларига нисбатан катта кетган, Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши, шаръий маҳкамаларга қарама-қарши турган энг катта, энг қамровли, энг очиқ суратидир" – деб айтган? Чунки, аввалги турлар гоҳида бир шахс тарафидан эътиқод сифатида бажарилади. Агар бир шахс* ***Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилиш жоиз деб эътиқод қилса, у ўзи учун эътиқод қилган бўлади ва унинг ўзи кофир бўлади. Бу тур эса зарар ва хатар жиҳатидан каттароқ ва шиддатлироқдир. Зеро, бу тур умматни қамровчидир. Яъни, бир киши келади ва шаръий бўлмаган ҳукм қилувчи маҳкамалар очади, юртда барча тарафларда ўша маҳкамаларни қоим қилади, маҳкамаларнинг навлари, бўлимлари, масдарлари ва суянадиган томонларини ташкил қилади. Умуман олганда шайх раҳимаҳуллоҳ зикр қилган ишларни қилади. Шунингдек, у одамларни ўша қонунлардан ҳукм олишга, низо бўлганда уларга қайтишга, улардан бошқа ҳукмларга қайтмасликка мажбур қилади. Бу қилмиш, гарчи улар тиллари ила: биз буни (яъни***

шаръий ҳукм қилиш лозим эканлигини) иқрор қиламиз, – деб турсалар ҳам, Аллоҳ таборака ва таолонинг нозил қилган нарсасини тан олмаслик, уни инкор қилиш ва қабул қилмаслик борасида аввалгиларидан кўра каттароқ ва шиддатлироқдир. Уларнинг бу гапидан не фойда!?” (Шарҳу рисалати таҳкийми-л-қованийн. 72 – 73 бетлар).

Муҳаммад ибн Иброҳийм айтган: “*Ушбу маҳкамалар кўп Ислом шаҳарларида ҳозир қилинган ва тўкис қилингандир. Эшиклари очиқдир, одамлар кетма-кет навбатта турадилар. У ердаги ҳукм қилувчилар суннат ва Китоб ҳукмига хилоф бўлган ўша қонун ҳукмлари ила ҳукм қиладилар.* ***Ўша қонунга амал қилишга мажбур қиладилар, устиларида қарор топтирадилар ва мажбурий қиладилар. Қайси куфр бундан устунроқ!? Ушбу бузиб ташлашдан сўнг Муҳаммад Аллоҳнинг Росулидир деган гувоҳликни бузадиган яна қандай амал бор!?***”.

Ушбу матн шарҳида Сафар ал-Ҳаволий айтган: “*Одамлар ҳукм сўраб бориш учун фақат ушбу турли исмли, турли навли ва шаклли маҳкамалардан бошқасини топмайдилар. Ҳукм қилувчилар у ерда ўз қонунлари ила ҳукм қиладилар, ижрочи ҳокимят, вазирлар маҳкамаси ва унга қарашли ташкилотлар эса одамларни шу маҳкамаларнинг ҳукмларига амал қилишга мажбур қиладилар, устиларида қарор топтирадилар ва мажбурий қиладилар.*

Гарчи бу қилмиш эгалари ўзларини мусулмон деб даъво қилсалар-да, гарчи намоз ўқисалар, рўза тутсалар ва Байтни ҳаж қилсалар-да, қайси куфр бундан устунроқ!? Улар ўша

қонунлардан ҳукм оладилар, одамларни унга мажбурлайдилар, уммат учун қонунларни мажбурий қилиб қўядилар. Аллоҳнинг Китоби ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан юз ўгирадилар ва ортларига ташлайдилар. Бундан каттароқ куфр борми!?” (Шарҳу рисалати таҳкийми-л-қованийн. 80 – 81 бетлар).

Муҳаммад ибн Иброҳим ва Сафар ал-Ҳаволийнинг сўзларидан кўриниб турибдики, аввало “*Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилиш жоиз деб эътиқод қилса, у ўзи учун эътиқод қилган бўлади ва унинг ўзи кофир бўлади*”. Шунингдек, иккала аҳли илм наздида худди Ибн ал-Усаймин айтганидек, қонунчиликдан Исломни айни диний ҳукмлар сифатида ажратилгани ва ўрнига дунёвий қонунчилик жорий қилингани эътиқод қилиш шарт қилинмаган ҳолда мустақил бир куфрдир. “*Бир киши келади ва шаръий бўлмаган ҳукм қилувчи маҳкамалар очади, юртда барча тарафларда ўша маҳкамаларни қоим қилади, маҳкамаларнинг навлари, бўлимлари, масдарлари ва суянадиган томонларини ташкил қилади. Умуман олганда шайх раҳимаҳуллоҳ зикр қилган ишларни қилади. Шунингдек, у одамларни ўша қонунлардан ҳукм олишга, низо бўлганда уларга қайтишга, улардан бошқа ҳукмларга қайтмасликка мажбур қилади. Бу қилмиш, гарчи улар тиллари ила: Биз буни (яъни шаръий ҳукм қилиш лозим эканлигини) иқрор қиламиз, – деб турсалар ҳам, Аллоҳ таборака ва таолонинг нозил қилган нарсасини тан олмаслик, уни инкор қилиш ва қабул қилмаслик борасида аввалгиларидан кўра каттароқ ва шиддатлироқдир. Уларнинг бу гапидан не фойда!?*”.

Агар бирор сиёсатчи “Ислом динида давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат бошқарадиган бошқа соҳалар учун белгилаган ҳукмлари бор. Диний ҳукмлар инсон ҳаётини тўлиқ қамрайди. Лекин, шундай бўлсада, биз динни қонунчилик ва давлат бошқарувидаги соҳалардан ажратишни тўғри деб биламиз” – деб айтса, шаръан ҳаром эканлиги динда заруратан маълум нарсани тўғри дегани учун кофир бўлади. Агар “Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги соҳалардан ажратилиши динга зид эмас, бу амалиёт жоиз иш” – деб айтса, шаръан ҳаром эканлиги динда заруратан маълум нарсани инкор қилгани ва жоиз деб билгани учун кофир бўлади. Ўз ўрнида Мирзиёев ва Эрдоғандан келтирилган иқтибослардан ойдинлашганидек, иккови ҳам “***Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги соҳалардан ажратилиши тўғри сиёсий йўл. Дунёвийлик Исломга зид эмас ва бу амалиёт жоиз иш***” деган тушунчада.

Исломий ташкилотлар фатволари, анъанавий ва салафий йўналишдаги уламоларининг сўзларидан маълум бўлдики, Мирзиёев ва Эрдоғанни катта куфрга тушган деб ҳукм қилиш учун асос мавжуд: “***Фарз эканлиги динда заруратан маълум нарсани инкор қилади ва ҳаром эканлиги динда заруратан маълум нарсани жоиз деб айтади***”.

Аниқки, Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам Қуръон ҳукми бор эканлигини билади. Икковининг нафақат асос ҳисобланувчи, балки жузъий ҳисобланувчи ҳукмлардан ҳам хабари бор. Масалан

ўғрининг қўлини кесиш, никоҳ, талоқ, зинокорнинг жазоси, рибо ҳаром эканлиги, маст қилувчи ичимлик ичиш ва сотиш ҳаром эканлиги, аёллар авратини ёпиб юришлари фарз эканлиги каби сиёсат, қонунчилик, ижтимоий меъёрлар ва бошқа кўплаб соҳаларга оид ҳукмларни биладилар. Иккови учун бу ҳукмларни билмай қолишнинг имкони ҳам йўқ. Зеро, иккови мусулмон халқ орасида улғайиб-ўсган, иккови ўз чиқишларида Қуръон оятлари ва ҳадислардан иқтибослар келтиради. Иккови бу нарсаларни била туриб, давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа ўзлари тўғри деб билган соҳалардан диний ҳукмларни ажратамиз, дунёвий қонунларни ҳукмрон қиламиз деб эълон қиладилар ва буни Исломга зид бўлмаган ўринли иш деб биладилар.

Замонадаги анъанавий ва салафий манҳаждаги уламолар Аллоҳнинг ҳукми ила ҳукм қилиш масаласини динда заруратан маълум деб билишларида ва бу масалани инкор қилувчини диндан чиққан деб ҳукм беришларида Аҳли суннанинг фуқаҳоларига эргашадилар.

Динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилишнинг ҳукми борасидаги иқтибослар:

Ҳанафий мазҳабининг устунларидан бири ҳисобланадиган, Абу Ҳанифанинг энг хос икки шогирдидан бири имом Муҳаммаддир. У кишининг диннинг ўзгармас, омматан маълум асосларидан бирортасини инкор қилиш ҳақидаги сўзларини Зафар Аҳмад Усмоний ат-Таҳонавий нақл қилган: “*Муҳаммад “ас-Сияру-л-кабийр”да айтган: “**Кимки, Ислом шарияти асосларидан***

бирорта асосни инкор қилса, дарҳақиқат “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” сўзини ботил қилган бўлади. Бунинг маъноси: у муртад бўлади ва Ислом келтирмаса, қатл қилинади” (Иълау-с-сунан. 12-жуз, 635-бет).

Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг қуйидаги сўзлари имом Муҳаммад айтган маънони таъкидлайди: “***Жавҳароту-т-тавҳийд”да келган: “Динимизда заруратан маълумни тан олмаган шахс, шаръий ҳадд (жазо) эмас, куфр асосида қатл этилур”.*** *Ушбу иборани шарҳ қилувчи шарҳлаган ва бу ҳукм ижмоъ қилинган нарса эканлигини зикр қилган. Сўнгра у Мотрудийлар заруратан маълум бўлмаса ҳам, қатъий собит бўлган нарсани инкор қилган кишини кофир қилишларини зикр қилган*” (Икфару-л-мулҳидийн фи доруурияти-д-дин. 18-бет).

Ал-Кашмирий Ҳанафий фиқҳида мутахассис инсон. Унинг сўзларидан кўриниб турибдики, аҳли илмлар, жумладан фиқҳ бобида Ҳанафийлар ва эътиқод бобида Мотрудийлар наздида динда заруратан маълумни инкор қилган киши кофир бўлади.

“Иълау-с-сунан” соҳиби Зафар Аҳмад Усмоний ат-Таҳонавий айтган: “***Умуман олганда ижмоъ қилинган ҳолида динда заруратан маълум бўлган, яъни намознинг вожиблиги, зино ва маст қилувчи ичимликнинг ҳаром эканлиги каби шакланишни қабул қилмайдиган даражада хослар-у авом халққа маълум бўлгани учун заруриётларга қўшилган нарсани тан олмаган кимса қатъан кофир бўлади.*** *Зеро, унинг тан олмаслиги бу борада Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончига чиқаришни лозим*

тутади. Аммо, ал-Омадий ва Ибну-л-Ҳожибнинг бу масалада хилоф борлигини кўрсатгандек туюлган гаплари, икковининг ирода қилган маъноси эмас. (“Жамъу-л-жавомеъ”нинг шарҳи, 2-жуз, 130-бет). Яъни, икковининг муроди ижмоъ қилинган, лекин динда заруратан маълум бўлмаган нарсалар борасидаги хилофни зикр қилиш. ***Лекин ижмоъ қилинган бўлган ҳолида динда заруратан маълум нарсани тан олмаган кимсанинг куфри борасида хилоф йўқдир****. “Ҳошияту-л-Баноний”да шундай келган. Устоз Анвар Шоҳ ҳам ўзининг “Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин” рисоласида (59-бет) буни зикр қилган. Ушбу бобда ким кенгроқ маълумот ҳоҳласа, шу масдарга мурожаат қилсин*” (Иълау-с-сунан. 12-жуз, 634-бет).

Ат-Таҳонавий ҳам Аҳли суннанинг аввалги ва кейинги уламолари таъкидлаган ҳақиқатни ўзининг “*ижмоъ қилинган бўлган ҳолида динда заруратан маълум нарсани тан олмаган кимсанинг куфри борасида хилоф йўқдир*” деган сўзлари ила тасдиқламоқда.

Шофеъийлардан Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий ўзининг машҳур “Ал-Иълаам би қоватиъи-л-Ислам” китобида Абу Мансур ал-Мотуридийдан қуйидаги сўзларни нақл қилган: “***Кимки аниқ ҳаром бўлган нарсани ҳалол қилса ёки адолат деб билса, батаҳқиқ буюк Аллоҳга куфр келтирибди***” (Ал-Иълаам би қоватиъи-л-Ислам. Ал-Жомеъ ли алфаази-л-куфр китоби зимнида келтирилган. 115-бет).

Очиқ-ойдин ҳаром бўлган нарсани жоиз деб билиш, айниқса бу разолатни тўғри сиёсий маслак деб эълон қилиш биз сўз юритаётган икки давлат раҳбари бўлмиш Мирзиёев ва Эрдоғанда топилади.

Мусулмонликни даъво қилаётган кимсада ушбу мафкура топилар экан, у “*батаҳқиқ буюк Аллоҳга куфр келтирибди*”.

Ибн Ҳазм айтган: “*Ҳукмларни пайдо қилиш тўрт жиҳатнинг биридан холий бўлмайди: ё у намознинг баъзисини, ёки рўзанинг баъзисини, ёки закотнинг баъзисини ёки ҳажнинг баъзисини ёки зино учун белгиланган шариъй жазонинг баъзисини ёки иффатли мусулмонни зинода айблаган кимса учун белгиланган шаръий жазонинг баъзисини ёки шу нарсаларнинг барчасини соқит қилиш каби лозим фарзни соқит қилиш бўлади. Ёки уларга бирор нарсани зиёда қилиш ила бўлади. Ёки янги фарз пайдо қилиш билан бўлади. Ёки тўнғиз гўшти, маст қилувчи ичимлик ва ўлимтик каби ҳаром нарсани ҳалол қилиш ила бўлади ёки қўй гўшти ва шу каби ҳалол нарсани ҳаром қилиш ила бўлади.* ***Ушбу тўрт суратдан бирортасини бўлса ҳам айтувчи инсон кофирдир, мушрикдир, яҳуд ва насоролар қабилидандир. Бу нарсалардан бирортасини жоиз қилган кимсани*** *тавбага чақириб ўтирмасдан ва агар тавба қилса тавбасини қабул қилмасдан қатл қилиш, унинг молини мусулмонлар байтул-молига топшириш ҳар бир мусулмон учун фарздир. Зеро, у ўз динини алмаштирувчидир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “****Ким динини алмаштирса, бас, уни қатл қилинглар****”, – (Бухорий ривояти) деб айтганлар”* (Ал-Иҳкам фи усули-л-аҳкам. 6-жуз, 110-бет).

Динни давлат ишларидан, сиёсат ва қонунчиликдан ажратиш, сон-саноқсиз шаръий ҳукмлар жорий бўлишини тўсишни замон талаби ва тўғри йўл деб билиш Ибн Ҳазм наздида ҳам катта куфр

эканлиги кўриниб турибди. Ушбу ишни қилган кимса “*ўз динини алмаштирувчи*” деб номланмоқда.

Динда заруратан маълум масалани инкор қилиш ёки заруратан маълум ҳаромни жоиз деб билиш бобида Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг ушбу сўзлари асл-асос бўлади: “*Билгинки, такфир масаласида сўз юритган аксар уламолар* ***мутавотирни инкор қилиш ва уни таъвил қилиш ҳолатини шарият Эгасини ёлғончига чиқариш билан боғлагандирлар. Бу эса, Аллоҳ асрасин, куфрдир****. Ал-Ҳамавий, ибн Обидийн Роддул-л-муҳтарда ва ат-Таҳтовий каби уламолар куфрнинг таърифида зикр қилган нарсаларидан “таказийб” яъни ёлғонга чиқариш деган ибора ёлғонга нисбатлаш эмас, балки қабул қилмаслик эканлиги зоҳир бўлади. Ат-Талвийҳда ҳам (“таказийб”даги) ҳолат фақат ёлғонга чиқариш эмас, балки мутавотирни инкор қилиш ва шарият Эгасига итоат қилишни қабул қилмаслик эканлиги келган. Шунингдек, бу иш эътиқод қилиш мартабасида эмасдир ва ёлғонга чиқармаса ҳам шариятни рад қилишдир. Бу эса (эътиқодий куфрдан) ўзи мустақил равишда очиқ куфрдир*” (Икфару-л-мулҳидийн фи доруурияти-д-дин. 119-бет).

Ушбу китобнинг тўртинчи бўлимида динда заруратан маълум ҳукмни мусулмонлар орасида узоқ вақтдан бери яшаб юрган инсон билмаган ҳолида инкор қилиши уни катта куфрга тушишдан сақлаб қолувчи узр бўлмаслиги ҳақида Аҳли сунна фуқаҳоларидан, Аллоҳнинг изни ила, батафсил иқтибослар келтирилади.

Аввалги даврларда яшаб ўтган уламоларнинг китобларида ҳозирги икки президент мафкураси ва фаолиятида куфр бор эканлигига далолат қилувчи қарашлар топилади. Шофеъийлардан ал-Қумулий айтган: “***Заруратан маълум бўлган нарсани тан олмасликка ношаръий солиқ турларидан бирортасини ҳақ деб эътиқод қилиш киради. Уни бундай ном билан номлаш эса ҳаром бўлади***” (Ал-Иълаам би қоватиъи-л-Ислам. Ал-Жомеъ ли алфаази-л-куфр китоби зимнида келтирилган. 213-бет).

Мирзиёев ва Эрдоғанда ал-Қумулий айтган нарса топилади. Иккови нафақат Исломга зид солиқ тизимини ҳақ деб билади, балки тамоман дунёвий тузумни ҳақ ва Исломга зид эмас деб билади. Икки президент дунёвийлик тушунчасини маъқуллайди, унга тарғиб қилади ва халқни бу дунёда фаровон ҳаётга олиб борувчи мафкура деб билади. Бундай ишонч инсонни катта куфрга туширишини Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг келтирган сўзларидан ҳам билиб олса бўлади. У киши мўътабар фиқҳ китобидан ушбу мавзуга алоқадор қуйидаги нақлни келтирган: “*Ал-Баҳру-р-роиқ” ва бошқа манбада айтган: “Ким ҳаво аҳлининг сўзини яхшиласа ёки бу маъноли гап деса ёки бу маъноси тўғри гап деса, шунда ўша маъқулланган гапни айтувчи тарафидан айтилган куфр бўлса, яхшиловчи ҳам кофир бўлади*” (Икфару-л-мулҳидийн фи доруурияти-д-дин. 59-бет).

Моғуллар Ислом диёрларини босиб олганларидан сўнг, ўзлари ҳам Исломни қабул қилганлар. Аммо, улар Ислом ҳукмларини эмас, Чингизхон таъйин қилиб берган қонунлар тўпламини баъзи соҳаларда ҳукмрон қилганлари учун куфрга тушган эканликлари

айтилган. Бу ҳолатни Ибн Касийр ўз китобида қуйидагича ёритган: “***Ким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, набийлар хотами соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган пухта шариятни тарк қилса ва ундан бошқа насх қилинган шариятлардан ҳукм олса, кофир бўлади. Бас, “Ёсиқ”дан ҳукм олган ва уни шариятдан олдинга қўйган кимсачи!? Ким буни қилса, мусулмонлар ижмоъси ила кофир бўлади!***” (ал-Бидоя ва-н-ниҳоя. 13-жуз, 119-бет).

Бугунги кундаги дунёвий қонунлар тўпламидан, ўша даврда Ёсақдан олингани каби ҳукм олинади, уни барча ҳукмлардан, хоссатан Ислом ҳукмларидан олдинга қўйилади ва икки президент тарафидан маъқулланади. Машҳур Азҳар шайхи Муҳаммад Абу Заҳра Ибн Касийрнинг бу мавзудаги сўзларини келтирган чоғида қуйидагиларни айтган: “***Чингизхон жорий қилган “Ёсиқ” Наполеоннинг қонуни ва ундан сўнг келган бизнинг қонунларимизга қанчалар ҳам ўхшайди!***” (Заҳроту-т-тафасийр. 4-жуз, 2238-бет).

Ушбу замонанинг дунёвий қонунчилигидан яхшигина хабари бор Муҳаммад Абу Заҳра айтганидек, Ёсақ қонунлар тўплами ва бошқа замонавий дунёвий қонунлар Ислом шариятини қонунчиликдан ажратиш борасида бир-бирига жуда ҳам ўхшайди. Яъни, Ибн Касийрнинг “***Ким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, набийлар хотами соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган пухта шариятни тарк қилса ва ундан бошқа насх қилинган шариятлардан ҳукм олса, кофир бўлади. Бас, “Ёсақ”дан ҳукм олган ва уни шариятдан олдинга қўйган кимсачи!? Ким буни***

қилса, мусулмонлар ижмоъси ила кофир бўлади!” – дея келтирган ижмоъсидаги куфр ҳукми дунёвий қонунчиликни диний аҳкомлардан олдинга қўйиган ва буни тўғри деб билган икки президентга тушади.

Ибн Ҳазм ҳам бу масалада қуйидаги ижмоъни нақл қилган: “*Мусулмонлардан ҳатто икки киши ўртасида ҳам бу нарса (аввалги пайғамбарлар шарияти) насх қилинган эканлигида ва кимки Ислом шариятида матн ила ваҳй келмаган ҳолида Инжил ҳукми ила ҳукм қилса, ўша ҳукм қилувчи кофир, мушрик ва Исломдан чиқувчи бўлиши ҳақида ихтилоф йўқдир*” (Ал-Иҳкам фи усули-л-аҳкам. 5-жуз, 173-бет).

Уламолар Ислом ҳукмларини қўйиб, Аллоҳнинг насх қилинган шариятини жорий қилишни куфр деб ҳисоблар ва бу масалада ижмоъ қилар эканлар, Роббимиз бизларга мутавотир суратда етказиб берган ҳукмларини давлат бошқарувидан, қонунчиликдан ажратиш, ўрнига дунёвий ҳукм жорий қилишни тўғри деб билиш куфр эканлигида ҳеч шак-шубҳа йўқдир.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ: ДАВЛАТ РАХБАРИДАН ИСЛОМ ДИНИНИ ДАВЛАТДАН АЖРАТИШ МАФКУРАСИ ЖИҲАТИДАН КАТТА КУФР СОДИР БЎЛСА, УНИНГ АЙНИ ЎЗИГА КУФР ҲУКМИ ТУШУРИЛИШИДАН МАН ҚИЛУВЧИ УЗРЛАР БОР ЁКИ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИНИНГ БАЁНИ

Ушбу қисмга батафсил киришишдан аввал зоҳири мусулмон кишини катта куфрга тушган деб ҳукм қилиш жуда масъулиятли иш бўлиб, шариятдаги энг муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлаш зарур. Табиийки, Аҳли сунна уламолари бу мавзуга жуда чуқур эътибор ва изланишлар ила ёндошганлар. Такфир борасидаги оятлар, ҳадислар, салафлардан келган сўзларни атрофлича ўрганиб чиққан уламолар бу борада бир неча ҳақиқатлар ва муҳим қоидаларни далиллардан чиқариб олганлар. Аҳли сунна ва-л-жамоа наздидаги куфр ва такфир масаласини тўғри англаш учун ўша ҳақиқатлар ва қоидаларни яхши билиб олиш лозимдир.

Куфр ва такфир масалаларини тубдан ёритиш ушбу китобнинг мавзуси бўлмагани учун, қуйида бу масалаларни қисқа суратда баён қиламиз холос. Сўнгра ушбу бўлимнинг асосий мавзусига ўтамиз.

Такфир, яъни бирор кимсага куфр ҳукмини бериш шаръий истилоҳ ва шаръий ҳукмдир. Бирор кимсани кофир дейиш учун шаръий далил шартдир. Такфир ақл, ҳоҳиш, гумон, душманчилик, шахсий адоват ёки бошқа ғаразлар асосида амалга оширилмайди. Ҳар қандай фарз амал ёки суннат амал ёки ҳаром амал шариятда келган далиллар орқали собит бўлгани каби, бирор кимсани куфрга нисбат бериш ҳам фақат Аҳли сунна уламолари далил деб қабул қилувчи нарсалар асосида жорий бўлиши лозимдир.

Шаръий далилларга назар солган киши матнларда бировга куфр нисбатини бериш унинг муайян шахсга ёки муайян тоифага ёки

муайян сифат эгасига берилган эканини топади. Муайян шахс деганда Фиръавн, Абу Лаҳаб, Абу Жаҳл кабиларни мисол келтирса бўлади. Муайян тоифа деганда буддистлар, зардуштлар, яҳудлар, насоролар каби аслий кофир тоифалар ва Аҳмадия фирқаси каби ўзини Исломга нисбатлаган тоифаларни мисол келтирса бўлади. Муайян сифат эгаси деганда охиратда жасадлар эмас фақат руҳлар қайта тирилади деган эътиқодда бўлган, бутун борлиқ Аллоҳнинг айни ўзи деган эътиқодда бўлган, Аллоҳни ёки пайғамбарни ёки динни ҳақорат қилган, оят ёки ҳадисни ёлғонга чиқарган, очиқ-ойдин ҳаромни жоиз деб ёки очиқ-ойдин ҳалолни ҳаром деб билган ва шу каби сифат эгаларини мисол келтирса бўлади.

Шунингдек, шаръий далилларга назар солган киши матнларда бировга куфр нисбатини бериш гоҳида эътиқод жиҳатидан, гоҳида сўз жиҳатидан, гоҳида аъзолар жиҳатидан бўлишини англайди. Эътиқод деганимизда Исломдан бошқа ҳақ йўл бор деб эътиқод қилиш, шариат хато деб айтган нарсани маълум бўла туриб тўғри деб ишониш кабиларни мисол келтирса бўлади. Сўз жиҳатидан деганимизда динни мазаҳ қилиш, Қуръонни таҳқирловчи сўзни айтиш, ҳақ эканлиги динда заруратан маълум нарсани тили билан рад қилиш кабиларни мисол келтирса бўлади. Аъзолар жиҳатидан деганимизда Исломдан бошқа динни қабул қилишга тарғиб қилиб мақола ёзиш, насронийча чўқиниш, бут ёки бошқа нарсага сажда қилиш кабиларни мисол келтирса бўлади.

Бировга куфр нисбатини бериш борасида Аҳли суннанинг муҳим қоидаларидан яна бири муайян шахсни такфир қилишдан

аввал унинг куфрга тушган эканлигини очиқ-ойдин шаръий далиллар билан асослаш, унда куфрга тушиш шартлари тўлиқ мужассам бўлгани ва уни куфрга тушишидан ман қиладиган бирорта ҳолат йўқ эканлиги борасида ишонч ҳосил қилишдир. Бошқача қилиб айтканда, шаръий далиллар ила собит бўлган куфрга тушиш масаласини муайян воқеъликка тушириш.

Такфир масаласида далилларни маҳкам ушлаган ҳолда вазиятга холислик ила ёндошишга тарғиб қилар экан аллома аш-Шавконий қуйидагиларни айтган: "*Билгинки, мусулмон кишининг диндан чиқиши ва куфрга кириши борасида ҳукм қилишга киришиш, токи кундуздаги қуёш каби очиқ-ойдин ҳужжати бўлмагунича, Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган мусулмонга мумкин эмас. Дарҳақиқат, саҳиҳ ҳадисларда "**Кимки ўз биродарига "эй кофир!", – деса, икковидан бири у (куфр) ила ортга қайтади**" ривояти бир неча саҳобий тарафидан саҳиҳ йўл ила собит бўлгандир*" (ас-Сайлу-л-жаррор. 978-бет).

Мусулмон эканлиги аниқ собит бўлган кишига куфр нисбатини беришда жуда эҳтиёт бўлиш, чуқур ўрганиш ва суриштириш лозим эканлиги бошқа кўплаб мўътабар уламолар тарафидан таъкидланган. Шунингдек, баъзи ишлар куфр ёки куфр эмаслиги борасида уламолар асосли ихтилоф қилган бўлсалар, ўша ишни бажарган кимсага куфр ҳукмини беришдан имкон қадар четланиш эҳтиёткорроқ йўлдир. Бу борада Мулло Алий ал-Қорий "ад-Дурру-л-мухтар" китоби соҳибининг қуйидаги сўзларини нақл қилган: "*Билгинки, (куфр деб билинган) сўзини яхши маънога буриш мумкин*

бўлса ёки (унинг ўша сўзининг) куфр эканлигида заиф ривоят ила бўлса ҳам ихтилоф қилинган бўлса, мусулмоннинг куфр келтирганига фатво берилмайди" (Минаҳу-р-ровди-л-азҳар фи шарҳи-л-фиқҳи-л-акбар. 532-бет).

Бизнинг ушбу кўриб чиқаётган мавзуимизда куфр ҳукмини туширишда янада эҳтиёткор бўлиш зарур. Зеро, масала омма халқдан деб ҳисобланадиган оддий бир инсон ҳақида эмас. Масала катта сонли инсонлар устида турган, уларнинг ҳаётига бевосита ёки билвосита салмоқли таъсир ўтказаётган икки инсон ҳақида бормоқда. Бу ҳолатдаги инсонга мусулмонлик ёки кофирлик ҳукмини бериш оқибат жиҳатидан жуда нозик ишдир. Аммо, ҳукмни муайян шахсга тушириш жиҳатидан ҳокимни куфрга нисбатлаш билан оми халқдан бўлган оддий инсонни куфрга нисбатлаш борасида фарқ йўқ эканлигини таъкидлаш ўринли. Зотан Исломга кириш ва ундан чиқишда одамлар жамиятда тутган ўрни жиҳатидан фарқланмайди. Шунингдек, мусулмонман деб даъво қилаётган кишининг куфри очиқ-ойдин шаръий далиллар ва воқеъликда исботланган ҳолат ила собит бўлар экан, шариятимиз унинг айни ўзига куфр ҳукмини беришни вожиб қилади. Бу борада Мулло Алий ал-Қорий эътиборга сазовор сўзларни айтган: "*Бир тоифа "Аҳли қибладан ҳеч кимни кофир деб ҳукм қилмаймиз", – деб куфрга ҳукм қилиш масаласини буткул йўққа чиқаради. Ваҳоланки, аҳли қибланинг орасида мунофиқлар бўлиб, уларнинг баъзилари Китоб, суннат ва уммат ижмоъси ила яҳуд ва насоролардан ҳам кофирроқ эканлиги, ўша мунофиқлар орасида икки шаҳодатни юзаки зоҳир қилиб, имкон топганда (куфрини) зоҳир қиладиганлари бор эканлиги*

борасида уларда илм бордир. ***Шунингдек, мусулмонлар орасида кимки зоҳир, мутавотир вожиблар ва зоҳир, мутавотир ҳаромларни инкор қилишни зоҳир қилса, иститобат қилдирилиши, қайтса, қайтгани сабабидан тек қўйилиши, қайтмаса кофир ва муртад сифатида қатл қилиниши борасида хилоф йўқдир***" (Минаҳу-р-ровди-л-азҳар фи шарҳи-л-фиқҳи-л-акбар. 448-бет).

Иқтибосдан кўриниб турибдики, уламолар бирор кишига куфр ҳукмини бериш борасида қанчалар эҳтиёт бўлмасинлар, агар ундан куфр шак-шубҳасиз содир бўлса, аниқки, унинг айни ўзига кофир эканлиги ҳақида ҳукм қиладилар. Мулло Алий ал-Қорийнинг сўзларидаги "иститобат қилдириш" масаласи ҳақида ўз ўрнида сўз юритилади. Бу ерда эътибор қилиш лозим бўлган жиҳат бу Аҳли сунна уламолари наздида "иститобат қилдириш" кишига кофир ва муртадлик ҳукми берилгач бўлади. Яъни, "иститобат" (тавбага чақириш) диндан чиққан инсонни Исломга қайтишга ундаш ва имкон бериш маъносида бўлади.

Аҳли сунна уламолари кишини куфрга туширувчи ҳолатларни далиллари билан зикр қилар эканлар, ўша ҳолатга тушган ҳар қандай инсон кофир бўлади деб таъкидлашдан йироқ бўладилар. Яъни, улар куфр деб номлаган ҳолатга тушган инсон диндан чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин, диндан чиқмаган бўлиши ҳам мумкин бўлади. Шунинг учун бирор куфр ҳолатга тушган шахсни айни ўзини диндан чиқди деб ҳукм қилишга шошилмаслик керак. Зеро, ўша шахс кофир бўлиши учун уламолар тарафидан белгиланган бир неча шартлар

мужассам бўлиши ва белгиланган бир неча ман қилувчилар мавжуд бўлмаслиги лозимдир.

Қуйида муайян шахсга куфр ҳукмини бериш учун топилиши лозим бўлган шартлар ва мавжуд бўлмаслиги лозим бўлган ман қилувчиларни қисқача зикр қиламиз.

Шартлар:

Шарт қуйидагича таърифланган: “Шарт – шундай бир нарсаки, агар у мавжуд бўлмаса, унга боғлиқ воқеълик вужудга келмайди ва у мавжуд бўлса, ўша воқеълик мавжуд бўлиши ҳам, мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкиндир”. Масалан, савдонинг шартларидан бири – савдо қилаётган кишининг ақли жойида бўлмоқлиги. Агар савдо қилаётган кишининг ақли жойида бўлмаса, савдо жорий бўлмайди. Агар савдо қилаётган кишининг ақли жойида бўлса, савдо жорий бўлиши мумкин, аммо бошқа бир сабаб ила жорий бўлмаслиги ҳам мумкин.

Куфрга тушишнинг шартлари тўртта бўлиб, улар: мукаллафлик, билишлик, қасд қилишлик ва ихтиёрдир.

Биринчи шарт: мукаллафлик. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, балоғат ёшига етган ва ақли расо бўлса, бошқа уч шарт ҳам топилган ҳолда унга куфр ҳукми берилади. Масалан балоғатга етган, ақли расо инсон Ислом динида камчилик бор деса ва унда бошқа уч шарт ҳам топилса, унга куфр ҳукми берилади.

Иккинчи шарт: билишлик. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, бу амал куфр эканлигини билса, бошқа уч шарт ҳам топилган ҳолда

унга куфр ҳукми берилади. Масалан динда заруратан маълум бўлмаган шаръий бир ҳукмни била туриб, ўша ҳукм устидан кулса ва у кимсада бошқа уч шарт ҳам топилса, унга куфр ҳукми берилади. Аммо, унинг учун динда заруратан маълум бўлмаган ҳукм шариятда бор эканлигини билмаса, унга билдирилади. Шунда ҳам қайтмаса, куфрга тушган эканлигига ҳукм қилинади.

Учинчи шарт: қасд қилганлик. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, шу амални қасд қилган бўлса, бошқа уч шарт ҳам топилган ҳолда унга куфр ҳукми берилади. Масалан қўлидаги нарса мусҳаф эканлигини била туриб, ташлаш қасди ила уни ҳожатхонага ташласа ва унда бошқа уч шарт ҳам топилса, гарчи бу амали куфр эканлигини билмаса ҳам, унга куфр ҳукми берилади. Зеро у қўлидаги нарса мусҳаф эканлигини, ташланаётган жой ҳожатхона эканлигини билди ва қилган ишини ўз қасди ила бажарди. Қасд қилиб бирор ишни бажариш – хатоан бирор ишни бажариб қўйишнинг аксидир.

Тўртинчи шарт: ихтиёр. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, шу амални ўз ихтиёри ила қилган бўлса, бошқа уч шарт ҳам топилган ҳолда унга куфр ҳукми берилади. Масалан бир киши ўз ихтиёри ила насроний бўлдим деса ва унда бошқа уч шарт ҳам топилса, унга куфр ҳукми берилади.

Монеълар:

“Ман қилувчи” (монеъ) қуйидагича таърифланган: “У мавжуд бўлганда – унга боғлиқ воқеълик вужудга келмайди. У мавжуд бўлмаганда – унга боғлиқ воқеълик вужудга келиши ҳам мумкин,

вужудга келмаслиги ҳам мумкин”. Масалан ўз мерос қолдирувчисини қасддан ўлдириш – қотилни ўлдирилган кишининг меросидан манъ қилади.

Ман қилиш – шартнинг аксидир. Шунга биноан куфрдан ман қилувчилар ҳам шартлар каби тўрттадир: мукаллаф бўлмаслик, билмаслик, хато ва мажбурланган бўлиш.

Биринчи ман қилувчи: мукаллаф бўлмаслик. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, лекин балоғат ёшига етмаган ёки ақли расо бўлмаса, унга куфр ҳукми берилмайди. Масалан беш ёшлик бола ёки ақли жойида бўлмаган ўттиз ёшлик киши Ислом шариятида камчилик бор деса, икковига куфр ҳукми тушурилмайди.

Иккинчи ман қилувчи: билмаслик. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, лекин ўша амал куфр эканлигини билмаса, унга куфр ҳукми берилмайди. Аввал бу нарса куфр эканлиги борасида унга ҳужжат қоим қилинади. Шунда ҳам қайтмаса, унга куфр ҳукми берилади. Аммо, баъзи ҳолатлар борки, киши куфрга тушаётган эканлигини билмасада, унга куфр ҳукми берилади. Масалан мусулмонлар орасида ҳаёт кечирган киши “бой бўлиш учун ўғрилик қилиш жоиз”, – деса, унга куфр ҳукми дарҳол тушади. Ўғрилик қилиш ҳаром эканлиги унга билдириб ўтирилмайди. Зеро, у билмай қолиш имконсиз бўлган, яъни динда заруратан маълум бўлган диний ҳукмни инкор қилди. Ушбу ҳолатлар Аҳли сунна уламоларининг китобларида ёритилган бўлиб, зикр қилинган ушбу масалага ўз ўрнида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Учинчи ман қилувчи: қасд қилмаганлик, яъни хато. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, лекин ўша ҳолатга тушишни қасд қилмаган бўлса, яъни хато қилиб қўйса, унга куфр ҳукми берилмайди. Масалан бир киши оддий дафтар деб ўйлаган нарсасини ҳожатхонага ташлаб юборса-ю, аслида ўша нарса мусҳаф бўлса, бу кишига куфр ҳукми туширилмайди. Уламолар мусҳафни ҳожатхонага ташлаш куфр эканлигига ижмоъ қилган бўлсалар-да, бу ҳолатда у киши мусҳафни хожатхонага ташлаш амалини қасд қилмаган. У мусҳафни оддий дафтар деб ўйлаган ва дафтарни ташлаш амалини қасд қилган.

Тўртинчи ман қилувчи: мажбурланган бўлиш, яъни мукроҳлик. Бирор киши куфр амалини қилса-ю, лекин ўша амални ихтиёрига қарши ўлароқ зўрлаб бажартирилган бўлса, унга куфр ҳукми берилмайди. Масалан бир мусулмон киши ўқотар қурол ила ўлдиришга таҳдид қилиш ила насроний динини қабул қилишга мажбур қилинса, бу кишига куфр ҳукми тушурилмайди. Куфр ҳукмини беришдан тўсадиган зўрлашни шариятда “икроҳ” дейилади. Икроҳ ҳақида ўз ўрнида, Аллоҳнинг изни ила, сўз боради.

Учинчи бўлимда иккала президентнинг куфрга туширувчи мафкурада эканлигини кўриб ўтган эдик. Икковларини кофир деб ҳукм қилишимиз учун барча шартлар топилган ва барча ман қилувчилар йўқ бўлганми ёки уларга куфр ҳукми тушишидан сақлаб қолувчи шариъий жиҳатдан мўътабар узр борми? Ушбу бўлимда мана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

ИККИ ПРЕЗИДЕНТДА ТАКФИРНИНГ ШАРТЛАРИ ТОПИЛИШИ ВА УНИНГ МАН ҚИЛУВЧИЛАРИ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Мукаллафлик ёки мукаллаф эмаслик масаласи: иккови мукаллаф. Бу масалада ҳеч кимда савол туғилмаса керак деб ўйлаймиз.

Билишлик ёки билмаслик масаласи: иккови қайси мафкурани тўғри деб билаётганидан батафсил хабардор. Аммо, иккови ўзининг эълон қилаётган мафкураси куфрга туширувчи эътиқод эканлигини билмайди. Шу боис такфирнинг шартлари ва монеъларининг иккинчи қисми борасида қуйидаги уч савол келиб чиқади:

1. Икки президентнинг ўз мафкураси куфр эканлигини билмаслиги узр бўлиб, уни такфир қилишдан аввал унга ҳужжат қоим қилиш керак бўладими?
2. Икки президент шаръий далилларни таъвил қилиб куфр эътиқодига тушиб қолган бўлиши мумкин. Икковига таъвил қилгани сабабидан узр бериладими?
3. Икки президент баъзи инсонларга тақлид қилгани учун куфр эътиқодига тушиб қолган бўлиши мумкин. Икковига тақлид қилгани сабабидан узр бериладими?

Қасд қилганлик ёки хато қилиб қўйиш масаласи: иккови ушбу мафкурага уни қасд қилган ҳолида ишонади. Яъни, кофир бўлишни қасд қилмаяпти, балки ўзининг куфрий мафкурасини қасд

қилмоқда. Такфирнинг шартлари ва монеъларининг учинчи қисми борасида қуйидаги икки савол келиб чиқади:

1. Икки президент ўз мафкурасини қасд қилсада, ўша мафкурага ишониш ила кофир бўлишни қасд қилмаган. Бу ҳолат иккови учун узр бўладими?
2. Икки президент куфр эътиқоди ҳисобланган мафкурани тўғри эканлигига ишонишини зоҳир қилган холос. Икковининг қалбида бу мафкура нотўғри деган эътиқод бўлиши мумкин. Бу ҳолат иккови учун узр бўладими?

Ихтиёр ёки мажбурланганлик (мукроҳлик) масаласи: иккови ўз ихтиёри ила мафкурасини баён қилмоқда. Иккови мажбурлангани учун бу тушунчаларни айтган эмас. Ўз ихтиёри ила гапирган. Такфирнинг шартлари ва монеъларининг тўртинчи қисми борасида қуйидаги савол келиб чиқади:

Икки президент дунёдаги, хоссатан Марказий Осиё ва Евро-Осиё ҳудудларидаги таҳликали геосиёсий вазият ва иккала давлатдаги ўзига яраша хавотирли ички ҳолатдан келиб чиқиб ушбу куфрий мафкурани маъқуллашга мажбур (мукроҳ) бўлган бўлиши мумкин. Ушбу мукроҳлик икковига узр бўладими?

Такфирнинг шартлари ва ман қилувчиларини икки президентга оид суратда кўриб чиқилса, юқоридаги саволларга далиллари ила жавоб бериш ўринли эканлиги ойдинлашади.

Аввало билишлик ёки билмаслик борасида юқорида зикр қилинган уч саволга жавоб беришга, Аллоҳнинг ёрдами ила, киришамиз.

1. Икки президентнинг ўз мафкураси куфр эканлигини билмаслиги узр бўлиб, уни такфир қилишдан аввал унга ҳужжат қоим қилиш керак бўладими?
2. Икки президент шаръий далилларни таъвил қилиб куфр эътиқодига тушиб қолган бўлиши мумкин. Икковига таъвил қилгани сабабидан узр бериладими?
3. Икки президент баъзи инсонларга тақлид қилгани учун куфр эътиқодига тушиб қолган бўлиши мумкин. Икковига тақлид қилгани сабабидан узр бериладими?

“Икки президентнинг ўз мафкураси куфр эканлигини билмаслиги узр бўлиб, уни такфир қилишдан аввал унга ҳужжат қоим қилиш керак бўладими?” деган савол мунокашаси:

Ушбу савол икки президентнинг билмаслик сабабидан куфрга тушган эканлиги, билмасдан куфрга тушиб қолган киши узр эгаси бўлиши, тушган ҳолати куфр эканлиги борасида тўлиқ ҳужжат қоим қилмасдан туриб уни такфир қилиб бўлмаслиги ҳақидадир.

Мирзиёев ўзининг чиқишларида оятлар, ҳадислардан иқтибослар келтириши, Ўзбекистондан чиққан алломаларнинг номлари ва китобларини тилга олиши ва диний деб билинган баъзи ишларда ташкилотчи бўлиши кўпчиликка маълум. Эрдоғаннинг диний мавзуларда сўз юритиши ва фаолияти эса Мирзиёвдан ҳам кўпроқ ва кенгроқ. Эрдоған ҳатто, имом-хатибларни тайёрловчи

диний билим юртида ҳам таҳсил олган. Умуман олганда иккала давлат рахбари бир неча Ислом ҳукмларига хилоф қилиб турганини билади. Бугунги геосиёсий, ижтимоий ва бошқа сабабларга кўра дунёвий давлат тузуми Исломга зид эмас деб билади ва табиийки бу ҳолатни тўғри йўл деб ишонади. Икковининг ушбу ишончи ўзи тарафидан эътиқодий куфр саналиши борасида уларнинг билими йўқдек кўринади. Бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги динда заруратан маълум масалалар жумласидандир. Шунинг учун Мирзиёевга ҳам, Эрдоғанга ҳам бу мавзуни билмасликларида узр берилмаслиги шариат ҳукмидир.

Баъзи инсонлар қуйидагича эътироз билдириши мумкин: "*Тўғри бу эътиқод куфр, аммо, куфрга туширувчи мафкурани маъқуллаётган эканлигини иккови билмайди. Шунинг учун Мирзиёевга ҳам, Эрдоғанга ҳам ҳужжат қоим қилиш шарт. Ҳужжат қоим қилингач бу мафкурасидан қайтмаса, куфр ҳукми айни шахсига туширилади. Аммо, бу масала икковига ҳужжатлари ила тўлиқ билдирилмагунича кофир бўлмаган деб ҳисобланади*".

Аҳли сунна уламолари динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилиш куфр эканлигини ва бу борада билмаслик мусулмонлар орасида яшаб юрган инсон учун узр бўлмаслигини, бу каби заруратан маълум нарсалар борасида омма мусулмонларга ҳужжат қоим бўлган эканлигини таъкидлашган.

Динда билмай қолишнинг имкони йўқ масалаларда билмасликнинг узри йўқ эканлиги, бу масалаларда мусулмонлар орасида яшаётган инсон олдида Қуръон ва суннат тургани, диндаги

асосий масалалар кенг тарқалиб бўлгани учун ҳужжат қоим бўлган эканини Аҳли суннадан ҳисобланмиш тўрт мўътабар мазҳаб фуқаҳоларининг сўзлари ила баён қиламиз:

Динда заруратан маълум масалаларда билмаслик узр бўлмаслиги ва ҳужжат қоим бўлгани ҳақида Ҳанафий уламоларидан нақллар:

Мулло Алий ал-Қорий ёзган: "*Қачонки у куфр калимасини сўзласа ва ўша калима куфр эканлигини билмаса, "Фатово Қозихон"да бу борада таржиҳсиз ҳолда хилоф бор эканлиги ҳикоя қилинган: айтилганки, билмаслиги сабабидан кофир бўлмайди. Ва яна айтилганки кофир бўлади, билмаслиги ила узр берилмайди. Мен айтаман (Мулло Али Қори): Аввалгиси (яъни, билмаслиги ила узр берилиши) зоҳирроқдир.* ***Илло, (куфрга тушилган масала) динда заруратан маълум нарсаларнинг қабилидан бўлса, бу ҳолатда у кофир бўлади ва билмаслиги ила узр берилмайди***" (Минаҳу-р-ровди-л-азҳар фий шарҳи-л-фиқҳи-л-акбар. 451-бет).

Мулло Алий ал-Қорийнинг ушбу сўзларидан қуйидаги хулосани олса бўлади. Агар иккала давлат рахбари қилаётган иши куфр эканлигини билмаса ҳам уларга куфр ҳукмини беришдан тўхтаб турилмайди. Зеро, бирор кимсанинг динда заруратан маълум ҳукмни мусумонлар орасида узоқ вақтдан бери умргузаронлик қила туриб, билмасдан инкор қилиши унинг куфрдан саломат қолиши йўлида узр бўлмайди.

Анвар Шоҳ ал-Кашмирий “ал-Ятийма” деб номланган фатво китобидан қуйидагиларни нақл қилган: “*Ал-Ятийманинг охирида “***Билмаслиги сабабидан ман қилинган нарсани бажарганини ўзи учун ҳалол деб ғолиби гумон қилганида, агар ўша нарса Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динида зарурατан билинган нарса бўлса, кофир бўлади. Ундай бўлмаса, кофир бўлмайди”, – деб келган**” (Икфару-л-мулҳидийн фи доруурияти-д-дин. 60-бет).

Ҳанафий мазҳаби борасида мутахассис бўлмиш ал-Кашмирий шу мазҳабдаги энг эътиборли фатво китобларидан бири бўлмиш “ал-Ятийма”дан нақл келтирмоқда. Ушбу сўзлар Мулло Алий ал-Қорийнинг ёзганларини тасдиқлайди. Дарҳақиқат, диний ҳукмлар жорий бўлиши фарз эканлиги, Исломни давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги бошқа соҳалардан ажратиб қўйиш катта залолат эканлиги “*Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динида заруратан билинган нарса*”дир. Ўз-ўзидан бу нарсани жоиз ва тўғри деб билиш ўз эгасини, гарчи у буни диндан чиқиш деб билмасада, куфрдан сақлаб қола олмайди.

Алоуддин ал-Косоний айтган: “*Ҳукмларни билиш устига қуриш учун ҳақиқатда билиш шарт қилинмайди. Балки эътиборга олинадигани билишнинг ҳосил бўлиш сабаби ва унга етказувчи йўлдир. Қодир бўлиш сабаби ҳақиқатда қодир бўлишлик ўрнига қўйилгани каби,* ***билиш имконига эга бўлиш ҳақиқатда билиш ўрнига қўйилади***” (Бадоиъу-с-саноиъ фий тартиби-ш-шароиъ. 4-жуз, 50-бет).

Иккала давлат рахбари динда заруратан маълум нарсани билмасдан туриб инкор қилган деб ҳисоблайдиган бўлсак, Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам мусулмонлар орасида яшаган, Қуръон ва суннатни шунча йиллар давомида ўрганишга, шарият билан ҳукм қилишни сўраётган одамларни эшитишга имкони бўлган ва қанчадир миқдорда эшитган ҳам. Шунинг учун ҳам ал-Косоний айтгандай "*билиш имконига эга бўлиш ҳақиқатда билиш ўрнига қўйилади*". Яъни, бу масалада иккала президентга ўзи инкор қилиб турган динда заруратан маълум ҳукмни билган эканлигининг ҳукми берилади.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний ўзининг машҳур "ал-Ҳидоя" китобида қуйидагиларни ёзган: "***Мусулмон муртад бўлганида, бундан Аллоҳ сақласин, уни Ислом келтиришга чақирилади. Агар унинг шубҳаси бўлса, унга ўша шубҳа очиб берилади***. *Зеро, унда шубҳа пайдо бўлган бўлиши мумкинки, бас ўша шубҳа аритилади. Бу ишда унинг ёмонлигини икки ишдан яхшироғи ила даф қилиш бордир.* ***Аммо, Ислом келтиришга чақириш (машойихлар) айтганларига биноан вожиб эмасдир. Зеро, даъват унга етиб келганидир***" (ал-Ҳидоя. Аллома ал-Лакнавий шарҳи билан. 4-жуз, 330-бет).

Дарҳақиқат, бир инсон мусулмонлар орасида, Ислом ҳақиқатларини билиш имконига эга бўлган ҳолида ҳаёт кечирса, дин асосларини билиш жиҳатидан унга ҳужжат қоим бўлган ва уни "*Ислом келтиришга чақириш (машойихлар) айтганларига биноан вожиб эмасдир. Зеро, даъват унга етиб келганидир*". Ал-Марғинонийнинг "*Мусулмон муртад бўлганида, бундан Аллоҳ сақласин, уни Ислом келтиришга чақирилади. Агар унинг шубҳаси*

бўлса, унга ўша шубҳа очиб берилади”, – деб айтган сўзларида мусулмон бирорта шубҳа сабабли ҳам диндан чиқиб кетиши мумкин эканлиги билинади. Агар диндан чиқарувчи шубҳа эгасига аввал унинг шубҳасини аритиб, у куфридан қайтмагач такфир қилиниши лозим бўлганида эди, ал-Марғинонийнинг “*Агар унинг (яъни муртаднинг) шубҳаси бўлса, унга ўша шубҳа очиб берилади*”, – деб айтган ибораси маъносиз бўлар эди. Бу ҳақиқатни, шубҳа сабабидан муртад бўлиш мумкин эканлиги, диндан чиққан деб ҳукм бериш учун ҳар доим ҳужжат қоим қилиш шарт эмаслигини Ҳанафий фиқҳида катта билимдон ҳисобланувчи Абдулғоний ал-Майдоний ўзининг “Мухтасару-л-Қудурий”га ёзган машҳур “ал-Лубаб” номли шарҳида таъкидлаган. У киши: “***Қудурийнинг: Агар унинг (яъни муртаднинг) шубҳаси бўлса, унга ўша шубҳа очиб берилади”, – деб айтиши, муртадга Исломни арз қилишнинг фойдасини баён қилишдир. Зеро, зоҳир шуки, фақат шубҳа сабабидан муртад бўлинади***”, – деб ёзган (ал-Лубаб фи шарҳи-л-китаб. 3-жуз, 315-бет).

Демак, мусулмон кишидан куфр содир бўлса, у ҳужжат қоим қилинишидан аввал муртад бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин экан. Динда заруратан маълум ҳукмни шубҳа ила инкор қилиш борасида мусулмонлар орасида яшаб юрган кишига ҳужжат қоим қилиш ва унинг шубҳасини аритиш унга муртадлик ҳукми тушиб бўлганидан сўнг қилинади. Зеро, у динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилган чоғида муртад бўлади.

Динда заруратан маълум масалаларда билмаслик узр бўлмаслиги ва ҳужжат қоим бўлгани ҳақида Шофеъий уламоларидан нақллар:

Ан-Нававий айтган: "*Билгинки, аҳли ҳақ мазҳаби аҳли қибладан бирор кишини гуноҳ сабабидан кофир қилмасликдир. Ҳавога эргашган ва бидъат аҳллари ҳам кофир қилинмайдилар.* ***Шунингдек, Ислом динида заруратан маълум нарсани тан олмаган кимсанинг муртадлиги ва куфрига ҳукм қилинади. Илло, Исломга яқинда кирган бўлса ёки узоқ саҳрода яшаган ва шу инсон каби масалалар махфий қоладиган ҳолатда бўлса мустаснодир.*** *Бас, унга билдирилади. Агар тўхтамай давом этса, куфр келтирган деб ҳукм қилинади*" (Шарҳу саҳиҳи Муслим. 1-жуз, 150-бет).

Бу масалада Шофеъий мазҳаби уламолари ҳам Ҳанафийлар каби эътиқоддадирлар. Ан-Нававийнинг "*Илло, Исломга яқинда кирган бўлса ёки узоқ саҳрода яшаган ва шу инсон каби масалалар махфий қоладиган ҳолатда бўлса мустаснодир*", – деб айтган узри Мирзиёев ва Эрдоғанда мавжуд эмаслиги кундек равшан.

Шофеъий мазҳаби уламоларидан ҳисобланмиш Жалолиддин ас-Суютий ўзининг "ал-Ашбоҳ ва-н-назоир" китоби, "*Билмаслик даъвоси кимдан қабул қилинади ва кимдан қабул қилинмайди*" сарлавҳаси остида қуйидагиларни айтган: "***Ғолиб инсонлар ҳаромлигини билишда муштарак бўлган нарсани билмаган ҳар бир инсондан (билимсизлиги) қабул қилинмас***. *Илло, Исломга яқинда кирган бўлса ёки узоқ саҳрода яшаган ҳолида қуйидагига ўхшаш масалалар унга махфий бўлган бўлса мустаснодир: зинонинг,*

(ноҳақ) қатл қилишнинг, ўғриликнинг, маст қилувчи ичимликнинг, намозда гапиришнинг, рўза пайтида овқатланишнинг ва қатл қилиш жиноятини содир этишда айблаб бошқага гувоҳлик берганида гувоҳлигига асосан ўша инсон қатл қилингач, иккала гувоҳ ўз гувоҳлигидан қайтган ва: "Ёлғонни қасд қилган эдик, гувоҳлигимиз ила зиддига гувоҳлик берилган шахс қатл қилинмайди деб ўйлаган эдик", – деб айтишнинг, зўрлик ила олиб қўйилган ёки гаровга қўйилган жорияга гаровга берувчининг изнисиз яқинлик қилиш ҳаром эканлигини билмаслик. Аммо (жорияга) яқинлик қилиш гаровга берувчининг изни ила бўлса, (ҳаром эканлигини билмаслик) мутлоқ суратда қабул қилинади. Зеро, бу нарсанинг (илми) омма одамларга махфий қолади" (ал-Ашбоҳ ва-н-назоир. 200-бет).

Ас-Суютийнинг сўзларидан кўриниб турибдики, узоқ вақтдан бери мусулмон халқ орасида яшаётган кимсага, ёлғон гувоҳлик бериш ва ўғирланган ёки гаровга қўйилган нарсадан гаровга берувчининг изнисиз фойдаланиш ҳаром эканлигини билмасликда узр берилмайди. У киши бу каби масалаларни "*Ғолиб инсонлар ҳаромлигини билишда муштарак бўлган*" мавзулар жумласидан ҳисоблаган. Давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳалардан Ислом динини ажратиб қўйиш динда ҳаром қилинган эканлигини билмаслик ас-Суютий келтирган икки мисолдан кўра анча маълумроқ масаладир.

Динда заруратан маълум масалаларда билмаслик узр бўлмаслиги ва ҳужжат қоим бўлгани ҳақида Моликий уламоларидан нақллар:

Моликий мазҳабига мансуб машҳур усулий олим ал-Қуррофий айтган: “*Тўқсон тўртинчи фарқ билмаслик узр бўлмайдиган ва билмаслик узр ҳисобланадиган нарсалар орасидадир. Билгинки, шарият соҳиби шариятда билинмаган нарсаларга кенгчилик қилган ва уларнинг қилувчисини афв қилгандир.* ***Ва баъзи билмасликлар борки, унинг бажарувчисини жазолаган ва афв қилмаган. Афв қилинадиган билмасликларнинг чегарасини белгилаб берадиган зобит қуйидагича: одатда (билмасликдан) четланиш имконсиз бўлган нарсалар. (Билмасликдан) четланиш имконсиз бўлмаган ва машаққат бўлмаган нарсаларни билмасликда афв қилинмас***” (ал-Фуруқ. Ҳошиясида: Қоваъиду-с-сания фи-л-асрори-л-фиқҳия. 2-жуз, 149 – 150 бетлар).

Кўриниб турибдики, ал-Қуррофий ҳам масалани аввалги икки мазҳаб соҳиблари каби баён қилган. Инсон ҳаётида, хоссатан давлат ҳокимяти, қонун чиқариш ва ижро қилишда Аллоҳнинг кўрсатмалари жорий бўлиши лозим эканлиги мусулмонлар орасида яшайдиган инсон учун “*(Билмасликдан) четланиш имконсиз эмас бўлган ва машаққат бўлмаган нарсалар*” қаторидан ҳисобланади.

“Ал-Фуруқ” китобига ҳошия муаллифи Муҳаммад Алий ибн Ҳусайн ал-Моликий айтган: “***Зеро, мукаллаф кетказиши мумкин бўлган ҳар қандай билимсизлик, айниқса (ўша мукаллаф) узра узоқ вақт ва кўплаб кунлар ўтганида, билимсиз киши учун ҳужжат бўлмас эканлигига шаръий қоида далолат қилади****. Чунки, бугун билмаган киши эртага билади. Ушбу илмга таваққуф қилувчи*

нарсанинг кечиктирилишидан фасод лозим келмайдики, бас, шунинг учун бу нарса узр бўлмайди.

Зеро, Аллоҳ таоло Ўз Росулларини бандаларига Ўз рисолати ила юборгандир ва уларнинг барчаларига кўрсатмаларни билишни, сўнгра уларга амал қилишни вожиб қилгандир. Бас, бу нарсаларни билиш ва уларга амал қилиш икки вожиб ишдир. Бас, ким ўрганиш ва амал қилишни тарк қилса, жоҳил ҳолида қолса, икки вожибни тарк қилгани учун, аниқки, икки маъсият қилибди" (ал-Фуруқ. Ҳошиясида: Қоваъиду-с-сания фи-л-асрори-л-фиқҳия. 4-жуз, 289-бет).

Муҳаммад Алий ибн Ҳусайн Моликий мазҳабида машҳур муфтий бўлиб, Моликийлар орасида маълум бўлган қоидани зикр қилган. Яъни, дин асосларидан бўлган ва омма мусулмонлар учун маълум бўлган масалаларни узоқ вақт ўтишига қарамасдан ўрганмай, билмай юриш юқоридаги шаръий қоидага биноан "*билимсиз киши учун ҳужжат*" бўлмайди.

Динда заруратан маълум масалаларда билмаслик узр бўлмаслиги ва ҳужжат қоим бўлгани ҳақида Ҳанбалий уламоларидан нақллар:

Баҳоуддин ал-Ҳанбалий Ибн Қудома ал-Мақдисийнинг машҳур "ал-Умда" китоби шарҳида қуйидагиларни айтган: "*(Матн: Ким Ислом рукларини тан олмаса ёки ҳаром эканлигига ижмоъ зоҳир бўлган нарсани ҳалол қилса, муртад бўлади. Аммо, у вожиб ва ҳаром нарсалар унга махфий қоладиган одамлардан бўлса мустаснодир.*

Унга бу нарса таништирилади. Агар шунда ҳам қабул қилмаса, кофир бўлади).

Шарҳ: ***ким Ислом рукларини тан олмаса ёки ҳаромлигига ижмоъ зоҳир бўлган нарсани ҳалол қилса,*** *аниқки, Аллоҳ ва Росулини ёлғончига чиқарган бўлади. Зеро, (бу каби масалаларнинг) далиллари Китоб ва суннатда зоҳир бўлгандир.* ***Бас, мусулмонларга махфий бўлмайди. Бу каби нарсаларни фақат Аллоҳ ва Росулини ёлғончига чиқарувчи кимсаларгина тан олмайдилар****.*

Аммо, у вожиб ва ҳаром нарсалар унга махфий қоладиган одамлардан бўлса мустаснодир. Унга бу нарса таништирилади. Агар шунда ҳам ўша масалани қабул қилмаса, кофир бўлади. *Яқинда Исломга кирган ёки мусулмонларнинг юртидан узоқда ўсиб-улғайганлардан бўлиб бу нарсалар махфий қолган кишига билдирилади. Қайтса қайтди, бўлмаса (муртад сифатида) қатл қилинади.* ***Аммо, (динда заруратан маълум нарсалар борасида билмастан куфр келтирган одам) мусулмонлар орасида мусулмон сифатида ўсиб-улғайган кимса бўлса, у кофирдир, тавбага буюрилади****. Тавба қилса, қилди. Бўлмаса (муртад сифатида) қатл қилинади.* ***Зеро, бу нарсаларнинг иқрори Китоб ва суннатда зоҳирдир. Бас, бу масалаларда камчиликка йўл қўювчи кимса, Ислом арконларни тан олмаган кимса борасида айтганимиздек, Аллоҳ ва Росулини ёлғончига чиқарувчи бўлади-ки, бас, шу ила у кофир бўлади***” (ал-Удда шарҳу-л-умда. 2-жуз, 333-бет).

Ҳанбалий мазҳаби уламолари ҳам Аҳли суннанинг бошқа барча фиқҳий мазҳаблари каби баъзи ҳолатларда билимсизлик шаръий

жиҳатдан узр ҳисобланмас эканлигини таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, “*(динда заруратан маълум нарсалар борасида билмастан куфр келтирган одам) мусулмонлар орасида мусулмон сифатида ўсиб-улғайган кимса бўлса, у кофирдир*”.

Алоуддин ибну-л-Лаҳҳом ал-Ҳанбалий бу масала борасида: “*САККИЗИНЧИ ҚОИДА. Киши мукаллафлигининг саҳиҳ бўлиши учун ўша инсон ўзи мукаллаф қилинган нарсани билиши шарт қилинади. Бу нарса “Ғофилни мукаллаф қилиш” ибораси ила тушунтирилади”*, – деб айтгач, ушбу қоидани изоҳлашга киришган. Сўнгра у киши: “*Ҳукмни билмайдиган киши (ўз билмаслигида) узрлими ёки йўқми?”, – деган мавзуга боғлиқ масалалар мавжуд бўлиб, улар ушбу қоида асосида тартиб топади.* ***Агар биз “(ҳукмни билмаган киши) узрли бўлади”, – десак, қачонки у ҳукмни ўрганиш йўлида нуқсон ва камчиликка йўл қўймаганида бу гап ўринли бўлади. Аммо, (у ҳукмни ўрганиш йўлида) нуқсон ва камчиликка йўл қўйган бўлса, асло узр берилмайди***”, – деб айтган (ал-Қоваъид ва-л-фавоид ал-усулия. 87-бет).

Ибну-л-Лаҳҳомнинг ушбу сўзларидан аввал келтирилган иқтибослардан ҳукмни ўрганмаслик узр бўлмайди деганда фуқаҳолар омма мусулмонлар орасида заруратан маълум диний масалаларни назарда тутишлари аён бўлган эди. Ўз-ўзидан давлат бошқаруви, қонун чиқариш ва бошқа кўплаб соҳаларда Ислом шарияти татбиқ қилиниши шарт эканлигини узоқ давр билмай юришлик ўз эгаси учун асло узр ҳислбланмайди. Зеро, ушбу кимсага шаръан ҳужжат қоим бўлган. Яъни, унга Қуръон ва суннат етиб

келган, у мусулмонлар орасида, диний тушунча кенг тарқалган шароитда яшаган.

Тўрт мўътабар мазҳаб уламолари таъкидлаган динда заруратан маълум ҳукмларни мусулмон халқ орасида узоқ вақтдан бери яшаб юрган киши билмай қолишида узр йўқ эканлигини ва ҳужжат қоим бўлган эканлигини бошқа фуқаҳолар ҳам айтиб ўтишган. Аллома Ибну-л-Вазийр бу масалада қуйидагиларни баён қилган: "***Мутавотир икки турли бўлади. Биринчиси: омма ва хос одамлар билган мутавотир. Тавҳид калимаси, Ислом арконлари кабилар шундай бўлиб, уни тан олмаган кимса ҳар қандай ҳолатда кофир бўлади. Зеро, унга "Танзийл" (Қуръон) етиб келгандир. У бу нарсани таъвил сабабидан рад қилган холос. Гарчи у зарурий (илмлар) борасида эҳтимолки шак қилишга олиб борадиган бидъат ва шубҳалари сабабидан ўзи тан олмаган нарсанинг (динда) собит эканлигини билмаса ҳам (кофир бўлади)***".

Сўнгра Ибну-л-Вазийр ўз сўзида давом этиб қуйидагиларни айтган: "***Иккинчиси: мутавотир эканлигини фақат хослар биладиган тури бўлиб, уни оммадан бўлган ҳалол санагувчи кимса кофир бўлмайди. Зеро, бу масала унга етиб келмаган. Бу ҳолатда ҳайзли аёлга намоз ҳаром бўлиши ва шу каби кўп мисоллари бор бўлган нарсаларнинг ҳаром эканлигини заруратан билган ва ҳалол санаган кимса кофир бўлади***" (Ал-Авосим ва-л -қовасим фи-з-забби ъан суннати Абилқосим. 4-жуз, 173 – 174бетлар).

Юқорида Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг сўзларидан англанганидек, динда заруратан маълум масалалар борасида омма

мусулмонларга даъват етиб келишининг ўзи ила, бошқача қилиб айтилса диннинг кенг ёйилиши ва мусулмонлар орасида етарли вақт ҳаёт кечириш ила шаръий жиҳатдан ҳужжат қоим бўлган ҳисобланади. Айни шу масалага Ибну-л-Вазийр ҳам эътиборни тортмоқда.

Оятлар, ҳадислар ва уммат ижмоъси ила собит бўлган, матн ила далолат қилиш жиҳатидан қатъий бўлган ва омма орасида кенг тарқалган диний ҳукмни билмасдан инкор қилиш узоқ муддат мусулмонлар орасида ҳаёт кечираётган инсонни куфрга тушишдан ман қилувчи узр бўлмайди. Зеро, уламоларнинг таъкидига кўра унга бу борада ҳукман ҳужжат қоим бўлган.

Аҳли сунна уламолари қайта-қайта айтган ушбу масалани замондош олимлар ҳам иқрор қиладилар ва кенгроқ тушунтирадилар.

Динда заруратан маълум масалаларда билмаслик узр бўлмаслиги ва ҳужжат қоим бўлгани ҳақида замонанинг анъанавий йўналишидаги уламолардан нақллар:

Азҳарнинг энг катта уламоларидан ҳисобланмиш Муҳаммад Абу Заҳра айтган: “***Насслар ҳукмларини билмасликнинг узр бўладиганлари бор ва узр бўлмайдиганлари бор.*** *Дарҳақиқат усул уламолари бу нарсани тўрт қисмга бўлгандирлар. Аввалги қисм:* ***Соҳибига узр берилмайдиган ва ҳеч қандай шубҳа аралашмаган билимсизлик. Масалан иймондан кейин муртад бўлиш, Қуръон ҳаром эканлигига қатъий матн келтирган, шунингдек,***

мутавотир бўлиб, ижмоъ ила собит бўлган нарсани ҳалол эканлигини эътиқод қилган ҳолда бажариш. Зеро, бу нарсаларни билмасликнинг ўзи гуноҳдир. Гуноҳ эса гуноҳни оқламайди". Сўнгра у киши ўз сўзида давом эта туриб иккинчи қисмни зикр қилган: "*Иккинчи қисм: Шахсга узр бериладиган билмаслик. Зеро, ушбу билимсизлик далил жиҳатидан бироз ноаниқлик бор ўриндир. Бу ҳолатда фаҳмлаш учун бироз таъвил ва тафсирга ҳожат тушадиган масалаларни билмасликда бўлади. Улар таъвилни кўтарадиган, бироз изланиш ва тааммул қилган кишига ҳақ баён бўладиган масалалар бўлади. Уламоларнинг Аллоҳ таолонинг сифатларини таъвил қилишлари бунга мисол бўлади. Зеро, ушбу таъвилни билмаслик кишини кофир қилмайди ва бу борада билимсиз кишига узр берилади*" (Усулу-л-фиқҳ. 349 – 350 бетлар).

Муҳаммад Абу Заҳра тўрт мазҳаб фуқаҳоларининг қарашларини таъкидламоқда. Хоссатан, у кишининг "*Қуръон ҳаром эканлигига қатъий матн келтирган, шунингдек, мутавотир бўлиб, ижмоъ ила собит бўлган нарсани ҳалол эканлигини эътиқод қилган ҳолда бажариш*" жумласи икки давлат рахбари борасида кўриб чиқаётган масаламизга тушади. Яъни, бу ҳолат Мирзиёев ва Эрдоғаннинг ҳаром эканлиги динда заруратан маълум ҳукмни жоиз деб ва Исломга зид эмас деб билишида ўз аксини топади.

Абу Заҳра Ислом фиқҳига оид бошқа китобида қуйидагиларни ёзган: "***Илм икки турлидир: омма илми. Бу динда заруратан билинган, барча учун умумий бўлган фарзларнинг асосларини билишдир. Бу нарса шариятнинг омма аҳкомлари бўлиб, бунда***

билмайдиган кишига узр берилмайди. Зеро, мусулмоннинг бу нарсани билмасликка ҳаққи йўқдир. *Иккинчи тури шундай шариат илмики, уни фақат шариятни дарс қилиш, унинг аҳкомларини ўрганишга ўзларини бағишлаган хос инсонлар англайдилар*" (Ал-Жарийма ва-л-ъуқуба фи-л-фиқҳи-л-Исламий: жарийма. 354-бет).

Бу ўринда Муҳаммад Абу Заҳра аввалги иқтибосдаги ҳақиқатларни қисқа ва лўнда айтиб ўтган.

Ваҳба аз-Зуҳайлий банданинг мукаллаф деб эътибор қилиниши учун учта шарт бор эканлигини зикр қилган. Иккинчи шарт ҳақида у киши қуйидагиларни ёзган: "*(Мукаллафликнинг иккинчи шарти) Амал тоат ва Аллоҳнинг буйруқларига бўйинсунган ҳолда бўлган деб эътибор қилиниши учун банда Аллоҳнинг феълни бажарилишини талаб қилганини билишидир. Зотан, тоат бу буйруққа мувофиқ бўлишдир. Бўйинсуниш эса бу буйруқни ортидан юрилувчи бўлган намуна қилишдир. Бас, тоат ва бўйинсуниш қасдини тасаввур қилиш учун Аллоҳ таолонинг феълни талаб қилганини билиш шартдир. Бу ҳолат ўйлаб топилган қонунларда очиқ-ойдин кўринади. Ўша қонунлар қарор ёки буйруқ қабул қилингач ва расмий саҳифаларда одамлар орасида нашр қилингачгина мажбурийга айланади. "Мукаллафнинг нималарга мукаллаф қилинганини билиши"дан мурод илмни билишга имкони бўлишидир, воқеъликда билиши эмас. Бу нарса унинг Ислом диёрида мавжуд бўлиши ила рўёбга чиқади.* ***Қачонки, инсон шаръий ҳукмларни ўзи билишга ёки зикр ва илм аҳлидан сўраб билишга ақли ва қудрати етадиган ҳолида балоғатга етса, у билувчи деб эътибор қилинади, у узра***

шаръий ҳукмлар жорий бўлади ва ундан (шаръий ҳукмларни) билмаслиги борасидаги узр қабул қилинмайди. Шунинг учун ҳам фуқаҳолар: Ислом диёрида аҳкомларни билмаслик узр сифатида қабул қилинмайди, – деб айтганлар.

Ҳукмни билишга имкон бўлиши ила кифояланишнинг сабаби қуйидагича: агар мукаллафликнинг саҳиҳ бўлиши учун ўзи мукаллаф бўлган нарсани воқеъликда билиши шарт қилинса, мукаллафлик асло тўғри бўлмайди ва кўплаб инсонлар ҳукмларни билмаслик ила узр талаб қилишга ўтиб олади. Бу эса ҳукмларни йўққа чиқаришдир. Шунинг учун ҳам ўйлаб чиқарилган қонунларда (қарорни) қонуний йўллар ила чиқариш ва тарқатишнинг ўзи ила (давлат фуқоролари) қонунни билишларига қарийна (далолат қилувчи нарса) қоим бўлишини топамиз” (Усулу-л-фиқҳи-л-Исламий. 134-бет).

Ваҳба аз-Зуҳайлий фиқҳ илмида кўп изланишлар олиб борган ва кўплаб илмий асарлар ёзган инсон сифатида машҳур. Анъанавий манҳаж уламолари орасида бу кишининг баланд обрў-эътибори бор. Юқорида ҳанафийлардан ал-Косоний ва бошқа фуқаҳоларнинг билишга тўлақонли имкони бўла туриб билмасликни даъво қилиш узр сифатида қабул қилинмаслиги маъносидаги сўзларини иқтибос келтирган эдик. Айни шу ҳақиқатни бу замонанинг вакили бўлган Ваҳба аз-Зуҳайлий ҳам таъкидлаган. У кишининг иқрор қилишига биноан “*инсон шаръий ҳукмларни ўзи билишга ёки зикр ва илм аҳлидан сўраб билишга ақли ва қудрати етадиган ҳолида балоғатга етса, у билувчи деб эътибор қилинади, у узра шаръий ҳукмлар жорий бўлади ва ундан (шаръий ҳукмларни) билмаслиги борасидаги узр*

қабул қилинмайди”. Шунингдек, бу масалани ақлий тарафдан тушунтириш ва далиллаш учун у киши дунёвий қонунлардаги ҳолатдан мисол келтирмоқда. Яъни, дунёвий қонунлар тегишли ўринларда нашр қилинар ва оммага эълон қилинар экан, давлат фуқаролари ўша қонунни билмасликлари, улар учун қонуний жиҳатдан узр бўлмайди ва улар ўша қонунни воқеъликда билмасалар ҳам жавобгарликка тортиладилар. Масалага чуқурроқ қарасак, биз кўриб чиқаётган вазият Ваҳба аз-Зуҳайлий айтганидан кўра бошқачароқ. Яъни, шариятда билимсизлик ила узр берилиши дунёвий қонунлардаги ҳолатдан кўра осонроқдир. Ислом шариятида, фуқаҳолар таъкидлаганидек, динда заруратан маълум нарсалар, оммага зоҳир бўлган машҳур масалаларни билмасликда узр йўқ. Дунёвий қонунларда бу ҳолат ҳар доим ҳам ишлайвермайди. Эълон қилинсада омма орасида кенг тарқалмаган қонунларни билмаслиги сабабидан айнан қонуний равишда жазога тортилган фуқароларнинг ҳолатлари кўпчиликка аён.

Шу ўринда эътиборни қаратиш муҳим бўлган ўрин бор. Дунёвий қонунлар борасида ўша қонунлар жамиятда жорий бўлиши шарт эканлиги, президентдан бошлаб барча фуқаролар ўша қонунни татбиқ қилишлари ва унга бўйинсунишлари лозим эканлиги, ўша қонунларни бошқарувдан ажратиб қўйиш мумкин эмаслиги халқ орасида заруратан маълум ҳисобланади. Бу масалани билмасликда ҳеч бир фуқарога узр берилмайди ва унга қонунда белгиланган ҳукм албатта кучга киради. Исломни ҳукмрон қилиш масаласи мусулмонлар орасида шу даражада маълумдир.

Яна эътибор қаратиш лозим бўлган мавзулардан бири бу заруратан маълум нарсани билмасликни баҳона қилиш ила жавобгарликдан қочишдир. Дунёвий тузумларда агар бу нарса амалга ошса, ижтимоий ҳаёт ва унга боғлиқ барча соҳалар тамоман издан чиқади. Зеро, билмаслик ила қутилиб қолиш имкони пайдо бўлгач, деярли ҳеч ким қонун-қоидаларга амал қилмай қўяди. Натижада аввало фуқаролик жамияти, ортидан эса давлат таназзулга юз тутади. Исломда ҳам шундай. Токи заруратан маълум масалаларда билмаслик баҳонаси ила Ислом ҳукмидан четланилар экан шариат ҳеч қачон чин маънода қоим бўлмайди, Қуръон ва суннат амалда татбиқ бўлмайди. Ваҳба аз-Зуҳайлий мана шу ҳақиқатларни ўз сўзлари ила етказмоқчи бўлган.

Айни шу масалани Азҳар шайхи Абдулқодир Авда кенгроқ баён қилган: "*Ислом шариатидаги аввалги асослардан бири жиноятчи ҳаром бўлган қилмишига яраша фақатгина ўша нарсанинг ҳаром эканлигини тўлиқ билганидагина жазоланишидир. Бас, қачонки у ҳаром эканлигини билмаса, ундан масъулият кўтарилади.*

Бирор нарсанинг ҳаром эканлигини билиш деб ҳисоблашда ўша нарсани билишга имкон бўлиши кифоядир. Қачонки инсон оқил ҳолида балоғатга етса ва унга ҳаромлик ҳақидаги диний матнларга мурожаат қилиш ёки зикр аҳлидан сўраш йўли ила ўзига ҳаром бўлган нарсани билиш осон ҳолатда бўлса, у ҳаром амалларни билувчи деб эътибор қилинади. У билимсизлигини рўкач қилиб узр кўрсатиши, илми йўқлиги ила ҳужжат

келтириши мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам фуқаҳолар: Ислом диёрида ҳукмларни билмаслик ила узр келтириш қабул қилинмайди, – деб айтадилар.

Мукаллаф инсон билиш имкониятига эга бўлиши ила ҳукмларни билувчи деб эътибор қилинади, айни ўша илмни (воқеъликда) феълан билиши ила эмас. Шу жиҳатдан, гарчи омманинг ғолиб қисми ҳукмга йўлиқмаган ёки уни билмаган бўлсада, токи ўша илмни олиш имконияти мавжуд экан, ҳаром қилувчи диний матн барчага маълум деб эътибор қилинади. Шариат билишликни айни ўзи феълан бор бўлишини шарт қилмайди. Зеро, (буни шарт қилиш) ҳаражга олиб боради, билмасликни даъво қилиш эшигини икки тарафига кенг очилишига олиб боради ва диний матнларнинг амалга жорий бўлишини йўққа чиқаради. Бу Ислом шариатидаги умумий қоида бўлиб, унинг истисноси йўқдир. *Фуқаҳолар мусулмонларга аралашмасдан саҳрода юрган киши, яқинда Исломни қабул қилиб, мусулмонлар орасида яшамаган киши кабиларнинг ҳукмларни билмаслигини ҳисобга олишлари аслида воқеъликда бу қоидадан истисно қилиш эмасдир. Бу нарса билишлик муяссар ҳолда бўлгунича ҳаром эканлигини билмаган кишини жазога тортишни ман қилувчи аслий қоиданинг татбиқидир. Юқорида келтирилган узрлиларга эса билишлик муяссар ҳолда эмас эди ва улар шариат ҳукмларини билувчи деб эътибор қилинмас эдилар.* ***Аммо, билмасликни даъво қилаётган кимса мусулмонлар ёки аҳли илм орасида улғайган бўлса, ундан билмаслиги ҳақидаги даъво қабул қилинмайди***” (Ташрийъу-л-жинаий ал-Исламий. 430 – 431 бетлар).

Абдулқодир Авда ҳам Ваҳба аз-Зуҳайлий каби Аҳли сунна фуқаҳолари таъкидлаган масалани ўзига хос суратда очиб бермоқда. Дарҳақиқат, соғлом ақлга суянган ҳолда қаралса, динда заруратан маълум нарса бўлмиш “*Халқ бошқаруви ва бошқа соҳаларда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз*” деган ҳақиқат мумулмонлар орасида узоқ йиллар яшаб юрган инсон учун номаълум қолмайди. Агар фаразан шундай бўлганда ҳам, бу ҳолат асло узр берса бўладиган ҳолат эмаслигида шак-шубҳа йўқдир.

Динда заруратан маълум масалаларда билмаслик узр бўлмаслиги ва ҳужжат қоим бўлгани ҳақида замонанинг салафий йўналишидаги уламолардан нақллар:

Абдулазиз ибн Боз Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўккан кишининг кофир ва муртад бўлиши ҳақида гапира туриб куфр ва ридда ҳукми қуйидаги ҳолатда ҳам мусулмонга нисбат берилишини баён қилган: “*Бу ҳукм (яъни кофирлик ва муртадлик ҳукми) динда заруратан маълум бўлган ҳолида Аллоҳ вожиб қилган нарсани тан олмаган ёки Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилган кимса борасида ҳам шундайдир. Намоз ёки закот ёки Рамазон рўзаси ёки йўлга имкони бор кишига ҳажнинг вожиб эканлигини тан олмаслик ёки ота-онага яхшилик қилишнинг вожиблигини тан олмаслик ва шу кабилар бунга мисол бўлади. Маст қилувчи ичимлик ичишни, ота-онага оқ бўлишни, одамларнинг жонлари ва молларини ноҳақ ҳалол санаганнинг, рибони ҳалол санаганнинг ва шунга ўхшаш ҳаромлиги динда заруратан маълум, уммат салафлари ижмоъси ила собит бўлган нарсаларни ҳалол санаганнинг ҳолати ҳам шундай*

бўлиб, гарчи Исломни даъво қилса ҳам, аҳли илмларнинг ижмоъсига биноан у кофирдир, Исломдан қайтган муртаддир. Уламолар раҳимаҳумуллоҳ бу ва Исломни бузувчи бошқа масалалар ҳақида “Муртад ҳукми” бобида кенг сўз юритганлар ва далилларини ёритганлар. Ким бу нарсаларга тўхталмоқчи бўлса, Аллоҳ ҳоласа, ўзига кифоя қилувчи ва етарли бўлувчи нарсани топиш учун аҳли илм бўлмиш ҳанбалийлар, шофеъийлар, моликийлар, ҳанафийлар ва бошқаларнинг китобларига мурожаат қилсин. ***Бу нарсаларда бирорта кимсага билмаслик ила узр берилиши жоиз эмас. Зеро, бу ишлар мусулмонлар орасида маълум масалалардан бўлиб, уларнинг ҳукми Аллоҳ азза ва жалланинг Китобида ва У зотнинг Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатида зоҳирдир***” (Туҳфату-л-ихван фи ажвиба татаъаллақу би аркани-л-Ислам. 47 – 48 бетлар).

Ибн Боз айтган тўрт мазҳаб фуқаҳоларини бу борадаги сўзларини юқорида келтириб ўтдик. Бу киши ҳам “*мусулмонлар орасида маълум масалалар*” борасида, далиллари зоҳир бўлгани сабабидан, ҳеч кимга узр берилмаслигини таъкидлаган.

Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймингa Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ўзининг “Кашфу-ш-шубуҳот” китобида билмасликка узр бермаган эканлиги, ал-Усаймин эса билмасликка узр бор эканлиги ҳақида гапиргани тўғрисида савол берилган. Шунда у киши қуйидаги жавобни берган: “*Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ ўзининг рисолаларида бирорта кимсага унинг билмаслиги асосида кофир ҳукмини бермаслигини зикр қилган.* ***У***

киши “Кашфу-ш-шубуҳот”да эгаси тарафидан ўрганишда камчиликка йўл қўйилган билмасликда узр йўқ эканлигини зикр қилгандир. Масалан киши ўз қарашига хилоф бўлган нарса мавжуд эканлигини билади. Аммо, у камчилик ва енгилтаклик қилади. Мана шунда унга узр берилмайди” (Мажмуъату-д-дурус ва фатава-л-ҳароми-л-Маккий. 1-жуз, 154-бет).

Яъни, омма мусулмонлар орасида машҳур диний ҳукм бўлса-ю, ўша ҳукмни улар орасида яшшб юрган, мусулмонликни даъво қилаётган инсон ҳақиқатда билмаса, унга узр берилмайди. Зеро, бу даражда тарқалган маълумотни воқеъликда билмаслик масаласига “*эгаси тарафидан ўрганишда камчиликка йўл қўйилган билмасликда узр йўқ*” бўлган масала деб қаралади.

Шарият ҳукмларини билиш ва билмаслик масаласининг Исломда ҳараж йўқ эканлигига боғлиқ жиҳатларини илмий изланиш асосида ўрганган аҳли илмлардан доктор Солиҳ ибн Ҳумайд ўзининг “Рофъу-л-ҳарож фи-ш-шариаъти-л-Исламия” китобида қуйидагиларни ёзган: “*Ўз ўрнида ҳукмларни билишга имкон топиш билан кифояланишнинг ҳикмати ойдиндир. Зеро, агар мукаллафга, яъни балоғатга етган, оқил кимсага ўзи мукаллаф бўлган нарсанинг айни ўзини билишни мукаллафлик саҳиҳ бўлишининг шарти қилиб белгиланса, мукаллафлик масаласи тўғри бўлмас эди, кўплаб инсонлар (ўрганишдан юз ўгирган ҳолларида) ҳукмларни билмаслик ила узр келтиришга ўтиб кетар эдилар. Бу ҳолатда шарият ҳукмларини очиқ-ойдин йўққа чиқариш бордир*” (Рофъу-л-ҳарож фи-ш-шариаъти-л-Исламия. 230-бет).

Салафий манҳажидаги таниқли уламолардан бири Солиҳ ал-Фавзон айтган: “***Мусулмонлар жамиятида бўлган, уламолардан сўраш, Қуръони карим оятларини, набавий ҳадисларни ўқиш, аҳли илм сўзларини эшитиш имкони бўган киши тарафидан ширкий амаллар ёки ширкий сўзлар содир бўлса, у бу қилган ишида узрли ҳисобланмайди. Зеро, унга даъват етиб келган ва унга ҳужжат қоим бўлгандир***. *Аммо, Ислом юртларидан узоқда бўлса ёки жоҳилият юртларида яшаса ёки Исломдан ҳеч нарса билмайдиган жамиятда яшаса, мана шундай кимсага билмаслиги сабабидан узр берилади. Зеро, унга ҳужжат қоим бўлмаган. Лекин, бу инсонга даъват етиб келса ва хатосини билса, унга Аллоҳ таолога тавба қилиш вожиб бўлади.* ***Бугунги кунда медия воситаларининг ривожланган эканлигига, тез етказиш воситалари сабабидан турли юртлар ўзаро яқин бўлиб қолган эканлигига биноан, нодир ҳолатларни ҳисобга олмаса, даъват етиб бормаган, бирорта кимса қолмади***” (https://www.alfawzan.af.org.sa/ar/node/10325).

Иқтибосдан кўриниб турибдики, Солиҳ ал-Фавзон диний маълумот кенг тарқалгани сабабидан машҳур бўлган ҳолида катта ширк ва катта куфрга туширувчи ҳукмларни билмасликда узр йўқ эканлигини айтмоқда. У киши бу масалада ўзидан аввалги икки инсон, яъни Ибн Боз ва Ибн ал-Усаймин мазҳабидадир.

Доктор Абдулазийз ибн Муҳаммад Абдуллатийф динда заруратан масалаларда ҳужжат қоим қилинмаслиги, дин тарқалган эканлиги кифоя қилишини баён қила туриб салафий йўналишида энг

эътиборли олимлардан деб ҳисобланувчи икки кишидан нақл келтирган: “***Ҳужжат қоим қилиш ҳар бир масалаларда ҳам бўлавермайди. Динда заруратан маълум бўлган зоҳир масалалар каби ишлар борки, уларни гапирувчи инсоннинг куфрида тўхтаб турилмайди***. *Шунинг учун ҳам шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб айтган: муайян шахсни такфир қилиш масаласи машҳурдир. Қачонки бир киши айтиш куфр бўлган гапни айтса, “ким бу гапни гапирса, кофир бўлади”, – дейилади.* ***Лекин муайян шахс шу гапни айтса, токи унга тарк қилувчиси кофир бўладиган бир ҳужжат қоим қилинмас экан унинг куфрга тушган эканлигига ҳукм қилинмайди. Бу иш (яъни, ҳужжат қоим қилиш) махфий масалаларда, далили баъзи инсонларга махфий бўладиган масалаларда бўлади... Аммо, улардан зоҳир, очиқ-ойдин масалаларда ёки динда заруратан маълум нарсада содир бўлса, бу ҳолатда унинг гапирувчисининг куфрга ҳукм қилинишида тўхтаб турилмайди***.

Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим Оли Шайх айтган: муайян шахсга далили гоҳида махфий қоладиган нарсаларда куфр ҳукмини туширишда тўхтаб турганлар, токи унга рисолий ҳужжат собит бўлиш ва далолат қилиш жиҳатидан қоим қилинмагунича куфрга ҳукм қилинмайди. Унга ҳужжат етарли баён ила очиб берилгач, кофир бўлади. Бунда у баённи фаҳмладими ёки “фаҳмламадим”, – дедими ёки фаҳмлаб инкор қилдими, фарқи йўқдир. Кофирларнинг барча куфри фақат била туриб рад қилиш билан бўлавермайди. ***Аммо, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у ила келганлари зарурата маълум нарсага хилоф қилса, бундай шахс инкорининг***

ўзи ила кофир бўлади. Бу кимса, токи Исломга энди кирган киши бўлмас экан, усулларда ҳам, фуруъларда ҳам билдирилишга ҳожат бўлмайди” (Навақиду-л-Ислам ал-қовлия ва-л-ъамалия. 71 – 72 бетлар).

Аввалги даврларда бўлган тўрт мазҳаб фуқаҳолари ва замондош бўлган анъанавий манҳаж уламолари каби салафий манҳажи олимлари ҳам мусулмонлар орасида узоқ вақтдан бери яшаб келаётган кишининг динда заруратан маълум ҳукмларни билмаслигида узр йўқ эканлиги, унга дин кенг тарқалиши ила ҳужжат қоим бўлган эканлиги ва ушбу ҳолат тақозо қилган ҳукм шак-шубҳасиз унинг устида воқеъ бўлиши тўғрисидаги қарашдадир.

Мирзиёев ва Эрдоғаннинг аксар чиқишларига қулоқ тутган ва воқеъликка теран қараган инсон иккала президент шариятдаги кўпгина ҳукмларни билишини англайди. Масалан ибодатлар мавзуси, судхўрлик, маст қилувчи ичмлик савдоси каби ҳаром амаллар, ўғрини қўлини кесиш, зинокорга шаръий жазо бериш каби буйруқлар, никоҳ, талоқ, аврат масалалари ва бошқалар. Иккала давлат рахбари ушбу ҳукмлар муқаддас бўлиб, уларни Аллоҳ нозил қилган эканлигини билади. Бу ҳақиқатларни билсада давлат ҳокимяти, сиёсат, қонунчилик ва унинг ижросига алоқадор бўлган ушбу ҳукмларни бошқарувдан ажратишни тўғри деб билади.

Фаразан иккала президент динда заруратан маълум бўлган нарсани инкор қилаётганида ўша нарсани ҳақиқатда билмасада, юқорида келтириб ўтилганидек, икковига билмаслиги узр бўлмайди. Зеро, бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши лозим эканлигини

мусулмонлар орасида яшаб юрган ҳолида билмай қолишнинг имкони йўқ ва бу масалалар борасида дин тарқалгани сабабли омма мусулмонларга шак-шубҳасиз ҳужжат қоим бўлган. Бу ҳукм уммати Исломияда мутавотир маълум ва ижмоъ қилинган ақийдадир.

Ҳолатнинг яна бир эътиборга молик жиҳати иккала президент ўзини дин асосларини билмасликларини асло эътироф қилишмайди. Аксинча, баъзи чиқишларида Қуръон ва ҳадислардан иқтибослар келтирадилар. Воқеълик ва касб тақозоси сабабидан иккала президент Ислом дини асослари борасида ва Ислом дини ҳукмрон бўлишига ҳаракат қилаётган тоифалар қандай мафкурада эканликларидан яхши хабардордир.

Динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилувчини такфир қилиш ва унга ҳужжат қоим бўлгани ҳақида сўз юритаётганда бир мавзуни тилга олиш ўринлидир. Тўрт мазҳаб фиқҳ китобларида “Муртадни тавбага буюриш” масаласи мавжуд бўлиб, ўша ўринларда “иститобат қилдирилади” деган ибора қўлланади. Масалан имом аш-Шофеъий айтган: “*Аммо, Китобнинг очиқ-ойдин матни бўлган ёки устида жамланилган суннат бўлган нарсада узр кесилгандир. Бу икковидан бирортасида шак қилиш мумкин эмасдир. Улардан бирортасини қабул қилишдан ўзини ман қилган кимса* ***иститобат қилдирилади***” (ар-Рисала. 460-бет).

Ушбу иборани “ҳужжат қоим қилиш” масаласи билан адаштирмаслик лозим. Фуқаҳолар тавбага буюришни киши Исломга қайтиши учун муҳлат сифатида кўрадилар, куфр амали содир бўлган киши тавбага буюрилмагунича кофир бўлмай туради демоқчи

бўлмайдилар. Аксинча, ўша одам муртад бўлганини билдирмоқчи бўладилар. Юқорида Ҳанафий мазҳаби уламоларидан бўлмиш Бурҳониддин ал-Марғиноний ва Абдулғоний ал-Майдонийдан муртад киши борасида “***Агар унинг “яъни муртаднинг” шубҳаси бўлса, унга ўша шубҳаси очиб берилади***”, – деган нақлни келтирган эдик. Бу борада ҳанафийлардан Бадруддин ал-Айний “ал-Ҳидоя”нинг шарҳида “*М:* “*Жомеъу-с-соғийрда:* “*Муртадга Ислом келтириш арз қилинади. Агар бош тортса, қатл қилинади”. Ш: “ўша жойидаёқ (қатл қилинади)*”, – деган қарашни келтиргач, қуйидагиларни нақл қилган: “*М: “Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф раҳимаҳумаллоҳлардан муртад талаб қилса ҳам”, яъни, муҳлат бериш ва кечиктиришни “талаб қилмаса ҳам, уч кун муддат бериш мустаҳаб эканлиги келган. Шофеъий раҳимаҳуллоҳдан имом унга уч кун муҳлат бериши ва имомга муртадни бу муддатдан аввал қатл қилиш ҳалол бўлмаслиги келган.* ***Зеро, мусулмон кишининг муртад бўлиши зоҳир бир шубҳа билан бўлади. Шунинг учун у тааммул қилиб олиши мумкин бўлган муддат лозимдир. Бас, биз уни уч кун қилиб ўлчадик***” (Ал-Биноя шарҳу-л-ҳидоя. 7-жуз, 267 – 268 бетлар).

Аввал келтирилган иқтибослардан ойдин бўлгани каби ушбу олимнинг “*Зеро, мусулмон кишининг муртад бўлиши зоҳир бир шубҳа билан бўлади. Шунинг учун у тааммул қилиб олиши мумкин бўлган муддат лозимдир. Бас, биз уни уч кун қилиб ўлчадик*”, – деб келтирган жумласидан ҳам мусулмон ўзидаги шубҳа сабабидан муртад бўлиши мумкин эканлиги билинади.

Фуқаҳоларнинг бирор кимса ҳақида “иститобат қилдирилади” деган иборалари “у муртад бўлган, Исломга тавба қилиб қайтиши талаб қилинади. Қайтмаса, қатл қилинади” деб тушунилиши лозим.

Мусулмонлар орасида узоқ вақт давомида яшаб юрган кишининг динда заруратан маълум ҳукмни билмаслиги борасида Аҳли сунна уламолари узр бермаслиги масаласига, динда заруратан маълум бўлган ҳукмни таъвил ёки тақлид сабабидан инкор қилиш масаласи ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳолатда ҳам таъвил ёки тақлид эгасига, куфрга тушишнинг шартлари мужассам бўлиб, ман қилувчилари йўқ бўлса, куфр ҳукм берилади. Зеро, динда заруратан маълум ҳукмни билмасдан инкор қилиш содда жоҳиллик бўлса, таъвил ёки тақлид асосида инкор қилиш мураккаб жоҳилликдир.

“Икки президент шаръий далилларни таъвил қилиб куфр эътиқодига тушиб қолган бўлиши мумкин. Икковига таъвил қилгани сабабидан узр бериладими?” деган савол муноқашаси:

Эътироз билдирувчи “*Иккала президент ўз мафкураси тўғри эканлигини эълон қилиши таъвил қилгани сабабидан бўлиши мумкин. Таъвил ила куфрга тушиб қолган кишига, уни такфир қилишдан аввал, ҳужжат қоим қилиш лозим. Шунга биноан икковининг айни шахсига куфр ҳукмини бермай туриш лозим*”, – деб айтиши мумкин.

Ушбу ўринда мана шу эътирозга жавоб берилади. Аниқки, Мирзиёев ва Эрдоған динда заруратан маълум бўлган ҳукмларни инкор қилиш, ҳаромни жоиз деб қараш сабабидан куфр амалини бажарган. Аҳли сунна уламолари, жумладан тўрт мазҳаб фуқаҳолари

динда заруратан маълум масалаларни таъвил қилиш орқали куфрга тушган кишига, токи барча шартлар мужассам бўлиб, барча монеълар йўқ бўлар экан, куфр ҳукми берилишини таъкидлаганлар.

Икки давлат рахбари таъвилнинг бирор кўринишини ишлатган деб қаралса ҳам икковига катта куфр ҳукми тушади. Бунинг сабаби улар ҳеч қандай таъвил узр бўлмайдиган ва таъвил қилинишни кўтармайдиган мавзуда куфрга тушганликларидир.

Имом аш-Шофеъий айтган: “*Илмнинг мана шу турдаги барчаси Аллоҳнинг Китобида очиқ матн ила келгандир, Ислом аҳлида омматан мавжуддир. Бу маълумотларни уларнинг оммалари ўзларидан аввалги оммаларидан нақл қилиб келмоқдалар, Росулуллоҳдан ҳикоя қилиб келмоқдалар. Улар буни ҳикоя қилишда ва ўзларига вожиб эканлигида ҳеч тортишмайдилар.* ***Мана шу илмда хабар орқали янглишиш, таъвил қилиш мумкин эмасдир ва унда тортишиш жоиз эмасдир***” (ар-Рисала. 358 – 359 бетлар).

Бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлигини Ислом уммати “*ҳикоя қилишда ва ўзларига вожиб эканлигида ҳеч тортишмайдилар. Мана шу илмда хабар орқали янглишиш, таъвил қилиш мумкин эмасдир ва унда тортишиш жоиз эмасдир*”. Бу масала таъвил кўтармайдиган масаладир.

Биз ҳозир кўриб чиқаётган масалани Анвар Шоҳ ал-Кашмирий ўзининг “Диннинг заруриётлари борасида динсизларни куфрга нисбатлаш” номли китобида батафсил ёритган. Қуйида у кишининг учта олимдан келтирган нақли, мухолиф томонидан айтилиши

мумкин бўлган баъзи эътирозлар ва у кишининг хулосаларини келтирамиз. Аллома Ибну-л-Вазийрдан нақл. У киши: “*Куфр бу заруриётларни инкор қилиш ёки уларни таъвил қилишдир*”, – деб айтгач, қуйидагиларни ёзган: “***Эҳтимолки, баъзи таъвил динда заруратан маълум нарсага хилофликни лозим тутади. Ваҳоланки, (таъвил қилувчилар) бу ҳолатни билмаётган бўладилар. Бу мақомда, гарчи биз билмасак-да, Аллоҳнинг наздида ва охират ҳукмларида куфрдан омон қолинмайди***” (Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин. 79-бет).

Абу Ҳомид ал-Ғаззолийдан нақл: “***Ўзи таъвил кўтармайдиган, нақл қилиниши мутавотир бўлган ва хилофига ҳужжат қоим бўлиши тасаввур қилинмайдиган ҳар бир нарсага мухолифлик қилиш очиқ-ойдин ёлғонга чиқаришдир***” (Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин. 103-бет).

Ислом ҳукмронлиги айни шундай мавзу бўлиб, Аллоҳ, У зотнинг Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва уммат ижмоъси ила қатъан собит бўлган масалани, яъни динда заруратан маълум ҳукмни ёлғонга чиқариш Абу Ҳомид ал-Ғаззолий наздида ҳам эътиқодий катта куфрдир.

Ҳинд уламоларидан ҳисобланмиш Ҳанафий мазҳаби фақиҳи Абдулҳакийм Сиёлкутийдан ал-Кашмирий ўз китобида қуйидаги нақлни келтирган: “***Диннинг заруратан маълум нарсаларини таъвил қилиш куфрни даф қилмайди***” (Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин. 78-бет).

Бу ҳолатда бир муҳим масалага эътибор қилиш лозим. Икки президентнинг ҳолидан маълумки, улар таъвил аҳлидан эмас. Зотан, таъвил мўътабар шаръий далиллар асосида бўлади. Иккала давлат рахбари масалани тафсилий далиллари ила таъвил қилмай, ўзининг тушунчаси асосида бу йўлдан юришни тўғри деб билади. Нима бўлганда ҳам иккала президент ўз чиқишларида ўзининг ушбу мафкурасини тафсилий диний далиллар ила исботлашга ҳаракат қилгани зоҳир эмас. Шунинг учун, аслида, Мирзиёев ва Эрдоғанга таъвил билан узр беришга ҳожат ҳам йўқ.

Маълумки, таъвил оят ёки ҳадис ёки бирор шаръий асосга биноан бўлади. Масалан оятлар ва ҳадисларни ботил суратда таъвил қилиб, “Қуръон махлуқдир (яратилгандир)” деган кишилар ўзларининг нақлий далилларидан ташқари ақлий далилларини ҳам мухолифларга очиқ баён қилганлар, қизғин баҳс-у мунозарага киришганлар. Шунга биноан бу эътиқод соҳиблари салафи солиҳлар томонидан куфрга ҳукм қилинса-да, ушбу эътиқодни кўтариб юрган баъзи муайян шахсларга, жумладан ўша даврдаги халифага нисбатан Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа имомлар куфр ҳукми тушган эканлиги ҳақида сўз юритмаганлар. Бунинг сабаби ўша даврда Қуръон махлуқ эмаслиги динда заруратан маълум масала даражасида бўлмаганидир. Яъни, оятлар, ҳадислар ва ақлий далиллар жамланмасини эшитиб олиб, шунинг асосида “Қуръон махлуқдир (яратилгандир)”, – деб эътиқод қилган оми шахсга унинг шубҳасига қарши далиллар келтириб сўнгра такфир қилинади. Бу ҳолат эса икки жиҳатдан Мирзиёев ва Эрдоғанда топилмайди. Биринчидан динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилишда оятлар, ҳадислар ва ақлий

далилларга соғлом ақл кўтарадиган суратда суянишни тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, ушбу ҳолатда бу далиллар тамоман асоссиз далиллар эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турган бўлади. Масалан ҳозирги даврда маст қилувчи ичимлик истеъмол қилишни жоиз деб билишга бирор киши ҳар қанча оят, ҳадис ва ақлий далиллар келтирмасин унинг гапига қулоқ тутилмаслиги кундек равшандир. Иккинчидан ушбу эътироз "зоҳирга қараб ҳукм бериш" мавзуси орқали йўққа чиқади. Зеро, иккала президент ўзи тарафидан нотўғри бўлсада оят, ҳадис ва шаръий қоидаларга асосланган таъвил қилишни изҳор қилмайди. Яъни, "*Ислом динини сиёсат, қонун чиқариш, унинг ижроси ва давлатнинг бошқа ишларидан ажратиб қўйишимиз ташқи ва ички сиёсий-ижтимоий ҳолатдан келиб чиқмоқда, бу иш фалон оятлар, фалон ҳадислар ва бошқа шаръий далилларни таъвил қилган ҳолда вақтинчалик қилинаётган тадбир*", – деб айтмаган. Фаразан шундай деб айтганда ҳам, катта куфрга тушишдан сақлаб қоладиган бирор монеълик топилмаган бўлар эди. Шунинг учун бу ўринсиз эътироздир.

Шунингдек, "*Иккала президент "Икки зарардан енгилроғини олиш" деган шаръий қоидага биноан таъвил қилгани учун куфр мафкура эълон қилган. Бундай ҳолатда ҳам таъвил узр бўлгани сабабидан киши куфрга тушмайди*", – деб айтиш ҳам ўринсиздир. Бундай эътирознинг ўринсиз эканлигининг икки жиҳати бор. Биринчидан динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилишда юқорида айтилгани каби соғлом ақл кўтарадиган суратда фиқҳий қоидага суянишни тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан ушбу шубҳа ҳам "зоҳирга қараб ҳукм бериш" мавзуси орқали йўққа

чиқади. Зеро, иккала президент икки зарардан енгилини олиш деган масала динда бор эканлиги ва шу қоидага биноан иш тутаётганини изҳор қилмайди. Яъни, “*Ислом динини сиёсат, қонун чиқариш, унинг ижроси ва давлатнинг бошқа ишларидан ажратиб қўйишимиз ташқи ва ички сиёсий-ижтимоий босим сабабидан холос. Бу мажбурий ҳолат фалон оятлар, фалон ҳадислар ва шариятдаги икки зарардан енгилроғини танлаш қоидасига биноан вақтинчалик қилинаётган тадбир*”, – деб айтмаган. Шунинг учун бу ўринсиз эътироздир. Фаразан шундай деб айтганда ҳам, катта куфрга тушишдан сақлаб қоладиган бирор монеълик топилмаган бўлар эди.

Шунингдек, иккала президент икки зарардан енгилроғини танламоқдамиз деган қарашда бўлганида икки зарардан бирини танлаш қоидаси икки нарсадан зарари камроқ деб билинган нарса – икроҳ ҳолатини истисно этган ҳолда – куфр бўлмаганида шаръан эътиборга олинади. Куфр мафкурани эълон қилиш, унинг тўғри эканлигини тарғиб қилиш ўз зотида икки зарардан енгилроғи бўлиши мумкин эмас. Соғлом ақл эгаси бўлган мусулмон киши бу ҳолатда куфр мафкурасини танлаш ва Ислом динини ҳукмронликдан четлатишни зарари камроқ тараф деб айтмайди. Шунинг учун бу ўринсиз эътироздир. Аҳли сунна уламолари куфр қарашни фақатгина шаръий жиҳатдан икроҳ, яъни мажбурлаш деб қабул қилинадиган ҳолатда изҳор қилиш жоиз эканлигига, бошқа ҳолатда куфрни изҳор қилиш барча шартлари мужассам бўлиб, барча монеълари йўқ бўлганида ўз эгасини кофир қилишини таъкидлаганлар.

Аввал очиқланганидек, иккала давлат рахбари ўз мафкурасини, олиб бораётган сиёсатини ўринли, Исломга зид бўлмаган ва халқ учун манфаатли маслак эканлигини таъкидлайди ва бу мафкурага халқларни тарғиб қилади.

Анвар Шоҳ ал-Кашмирий динда заруратан маълум ҳукмни таъвил сабабидан инкор қилишнинг ҳукми борасида Аҳли суннанинг қарашларини қуйидагича баён қилган: “***Сўнгра таъвил икки турлидир: Китоб, суннатдан қатъий йўл ила собит бўлганига ва уммат иттифоқига хилоф бўлмаган таъвил. Қатъий йўл ила собит бўлган нарсага зид келувчи таъвил. Мана шу зиндиқликдир***” (Икфару-л-мулҳидийн фи доруурияти-д-дин. 44-бет).

Бу масалани у киши “Саҳиҳу-л-Бухорий”га ёзган шарҳида ҳам алоҳида зикр қилиб ўтган. Куфр келтириш билан чамбарчас боғлиқ амаллар ҳақида сўз юритаётганида ал-Кашмирий: “***Шунга биноан (уламоларнинг) қуйидаги сўзларини эшитасан: “Диннинг заруриётларида таъвил мақбул эмасдир. Зеро, ундаги (диннинг заруриётларидаги) таъвил билан инкор қилиш ёнма-ён юради.*** *Умуман олганда куфрга энг хос бўлган феъллар ила бирга бўлган тасдиқни шариат тасдиқ деб эътибор қилмаган. Ким юқорида зикр қилинган феълларни бажарган бўлса, ҳуддики у тасдиқни йўқотгандекдир. Бу масалани ал-Жассос баён қилган*”, – деб ёзган. (Файду-л-Борий шарҳу саҳиҳи-л-Бухорий. 125-бет). Демак, динда заруратан маълум ҳукмнинг зиддига таъвил қилиш ўша ҳукмни инкор қилишдек гап экан.

Дарҳақиқат, бу каби собит бўлган ҳукмларни зиддига таъвил қилиш, куфрнинг барча шартлари топилган ва барча ман қилувчилари йўқ бўлган ҳолатда, Аҳли сунна уламолари ижмоъсига биноан катта куфрдир: “***Сўнгра биз кейинги фаслларда аҳлу-л-ҳал ва-л-ақднинг заруриётларни таъвил қилиш, уни мутавотир бўлиб келган суратидан, келган кайфиятидан, қандай фаҳмланганидан ва тавотур аҳли юрганидан ташқарига чиқариш куфр эканлигига ижмоъ қилган эканликларини исбот қилдик***” (Икфару-л-мулҳидийн фи доруурияти-д-дин. 7-бет).

Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг сўзларидан кўриниб турибдики, динда заруратан маълум ҳукмлар борасида таъвил қабул қилинмайди ва бу каби таъвиллар очиқчасига қилинган инкор ҳукмида бўлиб, ўз эгасини диндан чиқаради.

Мавзуни тўлақонли тушунмаган инсон “*Саҳобалардан баъзилари таъвил сабабидан маст қилувчи ичимлик ичишни жоиз деб билганлар. Уларга бу таъвиллари сабабидан куфр ҳукми берилмаган эди. Ваҳоланки, маст қилувчи ичимлик ичиш ҳаром эканлиги мусулмонлар оммаси биладиган ҳукмку!?*”, – деб айтиши мумкин. Шак-шубҳа йўқки, ҳозирги даврда мусулмонлар орасида яшаб юрган бирор инсон маст қилувчи ичимликни ҳалол деб билса, дарҳол куфрга тушади. Унга билмаслиги узр бўлмайди. Зеро, маст қилувчи ичимликнинг ҳаром эканлиги динда заруратан маълум, яъни билмай қолишнинг имкони йўқ даражада мусулмонлар орасида тарқалиб бўлган. Бу ҳолат содир бўлганига уламолар ижмоъ қилишган, мусулмонлар иқрор бўлишган. Маст қилувчи ичимликни

ҳалол деб билган кимса динда заруратан маълум бўлган нарсани рад қилгани учун кофир бўлиши Аҳли суннанинг мазҳаби эканлиги ҳақида ушбу китобнинг иккинчи бўлимида айтиб ўтилди. Қуйида яна қўшимча иқтибослар келтириб ўтамиз.

Аллома Ибн Қудома ал-Мақдисий ўзининг машҳур “ал-Муғний” китобида ушбу ижмоъни зикр қила туриб қуйидагиларни айтган: “*Аниқки, маст қилувчи ичимликнинг ҳаромлиги борасидаги хабарларнинг жамланмаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутавотир даража собит бўлган. Уммат бунинг ҳаром эканлигига ижмоъ қилган. Қудома ибн Мазъун, Амр ибн Маъдикариб ва Абу Жандал ибн Суҳайл розияллоҳу анҳумлардан Аллоҳнинг “**Иймон келтирган, солиҳ амаллар қилганлар учун тотган нарсаларида гуноҳ йўқдир**” сўзи сабабидан унинг ҳалол эканлигини айтишгани ҳикоя қилингандир. Бас, уларга саҳобаларнинг уламолари ушбу оятнинг тафсирини ҳам, маст қилувчи ичимлик ҳаром эканлигини ҳам баён қилиб берганлар ва уларга маст қилувчи ичмлик ичганлари учун таъйин қилинган шаръий жазони татбиқ қилганлар. **Бас, улар ҳам бундан қайтганлар. Шунда ижмоъ боғланган. Ҳозирда ким уни ҳалол деб билса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончига чиқарган бўлади. Зеро, бу нарсанинг ҳаром эканлиги хабар етиб келиши жиҳатидан заруратан маълумдир.** Бунинг сабабидан у кофир бўлади, уни “иститобат” қилдирилади. Тавба қилса, қилди. Бўлмаса, қатл қилинади*” (ал-Муғни. 12-жуз, 493 – 494 бетлар).

Ўша даврда иқтибосда зикр қилинган саҳобалар ўринсиз таъвил ила нотўғри тушунчага тушиб қолишган. Аллоҳнинг ҳукмлари тўлиқ нозил бўлиши энди тўхтаган, кўплаб масалалар қатори маст қилувчи ичимликнинг ҳар бир мусулмонга ҳаром эканлиги динда заруратан маълум бўладиган даражада тарқалмаган давр бўлгани учун уларга бу борада олим саҳобалар тарафидан ҳужжат қоим қилинган. Аммо, ўша воқеъадан сўнг маст қилувчи ичимликнинг ҳар бир мусулмонга ҳаром эканлигига тамомий ижмоъ собит бўлган, уммат ичра бу мавзу хабар етиб келиши ва далолат қилиши жиҳатидан билмай қолиш имконсиз даражада кенг тарқалиб кетган. Шунинг учун ҳам "*Ҳозирда ким уни ҳалол деб билса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончига чиқарган бўлади. Зеро, бу нарсанинг ҳаром эканлиги хабар етиб келиши жиҳатидан заруратан маълумдир*".

Ҳанафий мазҳаби фуқаҳоларидан Фахру-л-Ислом ал-Баздавий шарият нозил бўлиши энди тўхтаган давр сабабидан маст қилувчи ичимлик ҳукмига оид шубҳа борасида саҳобаларга берилган узр Ислом аҳкомлари кенг ёйилганидан сўнг мусулмонлар орасида яшаб юрган кишига берилмаслиги ҳақида қуйидагиларни ёзган: "*Шунингдек, (ҳукм) нозил бўлишининг аввалида ўша нарса унга етиб бормаган бўлса, унга узр берилган бўлади. Аҳли Қубо ва маст қилувчи ичимликнинг ҳаром бўлиши қиссаларида ривоят қилганимиз бунга мисолдир*". Сўнгра у киши: "*Ислом диёрида хитоб ёйилгач, шарият Эгаси тарафидан етказиш иши ўз камолига етгандир. Ким бундан сўнг билмаса, ўзининг камчилиги сабабидан бўлади, далилнинг махфийлигидан эмас. Бас, унга бу борада узр берилмайди*", – деб

сўзини якунлаган (Кашфу-л-асрор ъан усули-л-Баздавий. 4-жуз, 480 – 481 бетлар).

Ҳанбалийлардан аллома ал-Буҳутий бу борада қуйидагиларни айтган: “*Бу (маст қилувчи ичсимликнинг ҳаром эканлиги) масаласи билан бошқа ихтилофли масалалар орасидаги фарқ қуйидагича. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган суннат бу нарсанинг ҳаром бўлганлиги борасида жуда ҳам кўп ворид бўлиш жиҳатидан собитдирки, бас, унинг мубоҳ эканлигини эътиқод қилиш борасида ҳеч кимга узр қолмагандир*”. “Кашшофу-л-қиноъ” китоби соҳиби ўз сўзида давом эта туриб: “*Агар мусулмонлар орасида туғилиб-ўсгани ҳолида маст қилувчи ичимликнинг ҳаром эканлигини билмасликни даъво қилса, ундан бу (даъвоси) қабул қилинмайди. Зеро, бу зоҳир нарсанинг хилофидир. (Маст қилувчи ичимлик ичган кишининг) шаръий жазосини билмаслик борасидаги даъвоси ҳам қабул қилинмайди. Қачонки маст қилувчи ичимлик ҳаром эканлигини билса-ю, лекин уни ичиш ортидан шаръий жазоси бор эканлигини билмаса ҳам, зино ҳақида айтиб ўтилганидек, шаръий жазо унга қоим қилинади, уқубатни билмаслиги ҳақидаги даъвоси унга наф бермайди*”, – деб айтган. (Кашшофу-л-қиноъ ъала матни-л-иқноъ. 9-жуз, 3023 – 3024 бетлар).

Шунинг учун мусулмонлар орасида яшаётган киши маст қилувчи ичмликнинг ҳаром эканлигини билмаса, унга узр берилмайди. Маст қилувчи ичимликларнинг Ислом фиқҳидаги ўрни ҳақидаги илмий иш соҳиби доктор Фараж Заҳрон Аҳли суннанинг тўрт мўътабар мазҳабида бу масалада билимсизлик узр

бўлмаслигини таъкидлаган ва хулоса қилиб қуйидагиларни ёзган: "*Агар (маст қилувчи ичмликнинг ҳаром эканлигини билмайдиган шахс) Исломга яқинда кирганлардан бўлмаса ёки мусулмон шаҳарда мусулмонлар орасида улғайган бўлса, унга узр йўқдир. Зеро, бу ҳолатда унинг маст қилувчи ичммлик ҳаром эканлигини билмаслигини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу нарса у каби мусулмонга махфий қолмайди*" (Ал-мускирот адроруҳа ва аҳкамуҳа. 185-бет).

Ароқни мубоҳ деб айтгач, билмасликни рўкач қилган инсон фақат тўрт хил ҳолатдан бирида бўлиши мумкин. Биринчиси: билмаслик даъвосида ёлғончи бўлиши мумкин. Иккинчиси: узоқ вақтдан бери мусулмонлар орасида яшаб юрган ҳолида узр бериб бўлмас лоқайдлик сабабидан билмаган бўлиши мумкин. Учинчиси: Исломни энди қабул қилгани сабабидан билмаслиги мумкин. Тўртинчиси: Ислом ҳақидаги маълумотлар ва мусулмонлардан ташқари бўлган муҳитда туғилиб ўсган бўлиши мумкин. Биринчи ва иккинчи ҳолатда у Аҳли сунна уламолари ижмоъсига биноан кофир бўлади. Учинчи ва тўртинчи ҳолатда унга узр берилади ва билдирилади. Динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилиш масаласини шу суратда тушуниш ўринлидир.

Ўз замонасида динда заруратан маълум ҳукмни таъвил ила инкор қилиш куфр бўлиши, бу вазиятда таъвил ёки бошқа шубҳалар узр бўлмаслиги ан-Нававийнинг қуйидаги сўзлари орқали ҳам англанади: "*Кимки бу замонларда закот фарз эканлигини инкор қилса, мусулмонлар ижмоъси ила кофир бўлади*", – дея туриб,

қуйидагича асослаган: “***Қавм дин ишлари борасида билимсиз бўлганлар, улар Исломни энди қабул қилган эдилар. Бас, шу сабабдан уларга шубҳа кириб қолган эди. Аммо, бугунги кунда Ислом дини кенг тарқади, омма-ю хослар биладиган даражада закотнинг вожиб эканлиги илми мусулмонлар орасида кенг ёйилди, бу билимда олим ва жоҳил тенг бўлиб қолди. Бас, уни инкор қилиш борасидаги таъвилда ҳеч кимга узр берилмайди***” (Шарҳу саҳиҳи Муслим. 1-жуз, 205-бет).

Шарият ҳукмлари давлатда, жумладан бошқарув, қонун чиқариш, унинг ижроси ва бошқа соҳаларда Ислом ҳукмрон бўлиши фарз эканлигининг илми ҳозирги даврда оддий мусулмонлар орасида кенг ёйилган бўлиб, “***бу билимда олим ва жоҳил тенг бўлиб қолди. Бас, уни инкор қилиш борасидаги таъвилда ҳеч кимга узр берилмайди***”. Динда заруратан маълум нарсаларнинг инкорида таъвил қилиш баҳонаси ила узр бериладиган бўлса, исталган кимса исталган таъвилини қилишни бошлайди. Натижада диний жиҳатдан катта зарар етади.

Далиллари англаш жиҳатидан очиқ-ойдин ва собит бўлиш жиҳатидан омма мусулмонлар биладиган даражадаги мутавотир ҳукмларда таъвил қабул қилинмаслиги мавзуси замондош уламолар тарафидан ҳам таъкидланган.

Муҳаммад Абу Заҳра Ислом фиқҳидаги жарима ҳақида ёзган китобида билмасликнинг узр бўладиган ва узр бўлмайдиган қисмлари борасида сўз юритган. У киши билмасликнинг узр бўладиган қисмининг биринчи кўринишини баён қилар экан динда

заруратан маълум нарсани таъвил асосида инкор қилиш кишини куфрга туширишини очиқ айтган: “*Биринчиси: фаҳмлаш бирор суратдаги таъвил ва тафсирга ҳожати тушадиган масалаларда билмаслик. Бу масалалар (бир неча маъноларни) кўтарадиган бўлади. Булар борасида ҳаққа етишиш тааммул, баҳс ва изланиш ила бўлади. Баъзи одамларнинг Аллоҳ таолонинг сифатларини салафлар таъйин қилганига мувофиқ келмайдиган суратда таъвил қилишлари бунга мисол бўлади. Бу ҳолат таъвили бор билимсизликдир. Ушбу таъвил эгаси ўзининг таъвили учун ҳам раъйи учун ҳам жазоланмайди.* ***Токи у динда заруратан маълум нарсани инкор қилишга бормас экан, ушбу таъвил ила у кофир ҳисобланмайди***” (ал-Жарийма ва-л-ъуқуба фи-л-фиқҳи-л-Исламий: жарийма. 357-бет).

Мелодий ҳисобда йигирманчи асрда яшаб ижод қилган Анвар Шоҳ ал-Кашмирий ўз китобининг ёзилиши сабабларини зикр қила туриб қуйидагиларни ёзган: “***Ушбу рисоланинг таълиф қилиниши диннинг зарурийётларида тасарруф қилиш, уларни таъвил қилиш, уларни аслидан бошқа нарсага ўзгартириш, мутавотир ҳолда келган суратидан бошқа ҳолатга чиқариш куфр эканлигини баён қилиш учун бўлган. Лафз ёки маъно жиҳатидан мутавотир бўлган ва ундан ирода қилинган нарса очиқ бўлганнинг муроди, аниқки, мутавотир бўлгандир. Бас, уни таъвил қилиш қатъий шариятни рад қилишдир ва гарчи шариат Эгасини ёлғончига чиқармаса ҳам бу очиқ-ойдин куфрдир. Бу ҳолатда фақат иститобат қилдириш бор холос***” (Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин. 128-бет).

Юқорида келтирилгани каби бу ўринда ҳам ал-Кашмирий диннинг заруриётларида таъвил қилиш мусулмонлар орасида яшаб юрган кимса тарафидан қатъий собит бўлган ҳукмни инкор қилишдек гап эканлигини таъкидламоқда. У кишининг “*Бас, уни таъвил қилиш қатъий шариятни рад қилишдир ва гарчи шариат Эгасини ёлғончига чиқармаса ҳам бу очиқ-ойдин куфрдир. Бу ҳолатда фақат иститобат қилдириш бор холос*” сўзларида икки муҳим маъно бор. Биринчиси ушбу таъвил қилувчи шариат Эгасини очиқ ибора ила ёлғончига чиқармаса ҳам, динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилганининг ўзи ила муртад бўлади. Иккинчиси у инкор қилган заҳоти диндан чиқади, кофир деб ҳукм беришдан аввал унга ҳужжат қоим қилиниши лозим эмас: “*Бу ҳолатда фақат иститобат қилдириш бор холос*”. Зеро, ҳужжат қоим қилиб, сўнгра куфр ҳукмини бериш амалиёти заруратан маълум бўлмаган масалани билмай қолиш ёки заруратан маълум бўлмаган масала борасида ўринли шубҳа кириб қолиши мумкин бўлган ҳолатларда жорий бўлади холос.

Агар масала собит бўлиши жиҳатидан мутавотир бўлсада, омма мусулмонларга англаш жиҳатидан очиқ-ойдин бўлмаганида ёки фақат аҳли илмлар орасида маълум бўлганида ўша масалани таъвил сабабидан инкор қилувчи оми мусулмонга узр берилар эди.

Ушбу ҳақиқат нафақат анъанавий йўналишдаги уламолар, балки салафий йўналишидаги уламоларнинг ҳам хулосасидир.

Саудия фатво қўмитасининг фатвосида қуйидагилар айтилган: “***Узр берилувчи хатокор бу назарий, ижтиҳодий масалаларда***

хато қилган кишидир. Очиқ-ойдин насс билан собит бўлган ёки динда заруратан маълум бўлган нарсада хато қилган кимса эмас” (Фатава-л-Лажна-д-даима. 2-жуз, 39-бет).

Зеро, динда заруратан маълум ҳукмлар борасида хато қилиш имконсиздир. Бу масалаларда хато қилган киши ёки узр бўлмайдиган даражада билимсиз бўлади ёки ўз инкорини хато ва таъвил баҳонаси ортига яшираётган бўлади.

Ушбу мавзуни ўз ичига олган китоб таълиф қилган ва салафий манҳажи аҳли илмларидан бири бўлган доктор Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қорний масалани қуйидагича ёритган: “*Шубҳа ва таъвил сабабидан узр беришнинг маъноси бу нарсаларни даъво қилган ҳар қандай кимсага ҳар қандай ҳолатда узр берилган бўлишини англатмайди.* ***Шубҳа ила узр бериш ўша (узр берилаётган) масала диннинг асли бўлмиш Аллоҳгагина ибодат қилиш ва шариятдан ҳукм олишда бўлмаслиги ила қайдлангандир. Бу нарса (яъни, Аллоҳгагина ибодат қилиш ва шариятдан ҳукм олиш) икки шаҳодат далолат қилувчи нарсадир.*** *Шунингдек, бундан кейинги бўлган, тафсилий суратда лозим тутишга таъаллуқли нарсаларда ҳам шубҳа ила узр бериш йўқдир.* ***Бу ҳолатда даъво қилувчилар ҳақиқатда ёлғонга чиқармаган ва ҳалол санамаган бўлишларининг эҳтимоли йўқдир.***

Икки шаҳодат далолат қилган нарсада шубҳа ила узр бериш йўқлиги масаласига келсак, бунда узр бермасликнинг сабаби икковининг далолат қилган нарсасини билмасдан туриб ёки

икковида шубҳа ҳосил бўлиши ила бу икковининг таҳқиқи имконсиз бўлганидир.

Бас, Аллоҳга ибодат қилишда ким ўзи учун ширкни мумкин қилса ёки Аллоҳдан сўрагани ва таваккул қилганидек улардан ҳам сўрайдиган ва таваккул қиладиган суратда рубубиятда Аллоҳдан ўзга воситалар тутса ёки шариятдан бошқа жоҳилий қонунлар шариятдан комилроқ деб эътиқод қилса ёки ***шариятдан ҳукм олмасликни ўзи учун мумкин қилиб олса*** *ёки шаръий кўрсатмалар ундан соқит бўлганини даъво қилса ёки нубувватни даъво қилган шахсга эргашса ёки уни тасдиқласа ёки Аллоҳнинг шариятини кариҳ кўрса ёки барча шу ва шулар каби нарсаларда таъвил қилувчи эканлигини даъво қилса,* ***ундан қабул қилинмайди ва бунда унга шубҳа ила узр берилмайди***” (Довабиту-т-такфийр ъинда Аҳли-с-сунна ва-л-жамаъаҳ. 261-бет).

Ушбу сўзларда биз учун икки жиҳат эътиборли. Биринчи жиҳат: икки шаҳодат, яъни “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад У зотнинг Росулидир” калимаси далолат қилувчи ва лозим тутувчи бўлган диннинг асларидан бири бу ҳукмларни фақат Аллоҳдан олиш масаласи эканлиги.

Дарҳақиқат, борлиқ Аллоҳнинг мулки экан, бандалари орасида ҳукм жорий қилиш ҳам фақат Аллоҳнинг ҳаққидир. Бунга очиқ-ойдин суратда ворид бўлган ва қатъан собит бўлган диний матнлар далолат қилади ва соғлом ақл шартли равишда тақозо қилади.

Иккинчи жиҳат: бандалар фақат Аллоҳнинг динидан ҳукм олишлари фарз эканлиги масаласи шубҳа ва таъвил кўтармаслиги, бу масалада шубҳа ёки таъвилга тушган кимсанинг бу ишига шаръан узри бўлмаслиги ва "*шариятдан ҳукм олмасликни ўзи учун мумкин қилиб олган*" кимса муртад бўлиши ҳақидаги масаладир. Зеро, юқорида Аҳли сунна уламоларининг иқрор қилганларига биноан динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилувчи ёки заруратан маълум ҳаромни жоиз деб билувчи инсон кофир бўлади, бу борада тушган шубҳаси ва қилган таъвили унинг учун шаръан узр бўлмайди.

"Икки президент баъзи инсонларга тақлид қилгани учун куфр эътиқодига тушиб қолган бўлиши мумкин. Икковига тақлид қилгани сабабидан узр бериладими?" деган савол мунокашаси:

Эътироз билдирувчи "*Иккала президент тушунчалари тўғри эканлигини эълон қилиши тақлид қилгани сабабидан бўлиши мумкин. Тақлид ила куфрга тушиб қолган кишига, уни такфир қилишдан аввал ҳужжат қоим қилиш лозим. Шунга биноан икковининг айни шахсига куфр ҳукмини бермай туриш лозим*", – деб айтиши мумкин.

Ушбу ўринда мана шу эътирозга жавоб берилади. Аниқки, Мирзиёев ва Эрдоған динда заруратан маълум бўлган ҳукмларни инкор қилиш, ҳаромни жоиз деб билиш сабабидан куфр амалини бажарган. Аҳли сунна уламолари, жумладан мазҳаб фуқаҳолари динда заруратан маълум масалаларни инкор қилишда тақлид қилгани орқали куфрга тушган кишига, токи барча шартлар

мужассам бўлиб, барча монеълар йўқ бўлар экан, куфр ҳукми берилишини таъкидлаганлар.

Бу ҳолатда бир муҳим масалага эътибор қилиш лозим. Икки президент дунёвийлик мафкураси борасида бирорта дин намоёндаси деб билинган инсонга тақлид қилишини изҳор қилмаган. Аксинча, иккала давлат рахбари динни давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назоратида бўлган барча соҳалардан ажратиб қўйиши замонавий давлатчилик ва демократия тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган эканилигини таъкидлайди. Шунинг учун аслида Мирзиёев ва Эрдоғанга тақлид қилиш сабабидан узр беришга ҳожат йўқ.

Лекин, фаразан таъвил қилган деб қаралса ҳам икковига куфр ҳукми тушади. Шунингдек, иккала президентни ўзига бу масалада тақлид қилишига сабабчи бўлган дин намоёндаси ҳам кофир бўлади. Зотан, икки давлат рахбари куфрга тушиш борасида узр берилмайдиган масалада тақлид қилгани сабабидан кофир бўлган бўлса, тақлид қилинаётган дин вакили ўзининг эътиқоди жиҳатидан катта куфрга тушган бўлади.

Мирзиёев ва Эрдоған тақлид қилмоқда деган фараз ортидан масалага қарайдиган бўлсак, эътиборга молик яна икки жиҳат бор.

Биринчидан: динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилиш борасида тақлид қилиш учун тақлид қилинувчи инсон лозим. Юқорида кўриб ўтканимиздек динда заруратан маълум масалаларда асосли таъвил соғлом ақл тарафидан тасаввур қилинмайди, шаръан

рад қилинади ва таъвил эгасига узр берилмайди. Шунингдек, динда заруратан маълум масалаларда ижтиҳодга ўрин йўқдир, бу борада қилинган ижтиҳод шаръан асоссиздир ва рад қилингандир. Тақлид қилиш учун ижтиҳод лозим. Бизнинг масала ижтиҳодий мавзу эмаски, бу борада бирорта кимсага тақлид қилинса.

Мотуридий йўналишининг энг катта имомларидан бири ҳисобланувчи Фахру-л-Ислом ал-Баздавий ўзининг машҳур "Усулу-л-Баздавий" китобида узр ҳисобланмайдиган билимсизликларни тўртга бўлиб зикр қилган ва: "***Шунингдек, шарият уламолари ва фиқҳ имомларидан ўз ижтиҳодида Китобга ва суннатга хилоф қилган ёки ижтиҳодида Китоб ёки машҳур суннат хилофига ғарийб суннатга амал қилган кишининг билмаслиги рад қилигандир, ботилдир ва асло узр бўлмас***", – деб айтган. (Кашфу-л-асрор ъан усули-л-Баздавий. 4-жуз, 473-бет).

Ал-Баздавий бошқа маънога буриб бўлмайдиган оят ёки машҳур суннатга хилоф ўлароқ қилинган ижтиҳод ботил эканлиги, бу борада шаръан узр берилмаслигини таъкидлар экан, динда заруратан маълум ҳукмлар борасида ижтиҳод асло бўлиши мумкин эмаслиги, мусулмонлар оммасига маълум диний масалани инкори учун ижтиҳод қилинса, ўша ижтиҳод буткул рад қилиниши бунданда авлороқ эканлиги аён бўлади.

Айни шу ҳақиқатни Юсуф ал-Қаразовий ҳам таъкидлаган: "*Менга, Аллоҳ билувчироқ, ижтиҳоднинг доираси қуйидагича кўринади: собит бўлиш ва далолат қилиш жиҳатидан қатъий далил бўлмаган ҳар қандай масала. Бунда ўша масала аслий-эътиқодий*

масалалардан бўладими ёки фаръий-амалий масалалардан бўладими фарқи йўқдир" (ал-Ижтиҳад фи-ш-шариъати-л-Исламия. 65-бет).

Иккинчидан: иккала президент динда заруратан маълум ҳукм борасида тақлид қилмаяпти, балки динда заруратан маълум ҳукмни инкорида тақлид қиляпти. Ваҳоланки, динда заруратан маълум нарсада ижтиҳод ва таъвил шаръан мақбул эмас, ўз-ўзидан тақлид ҳам шаръан мақбул эмас. Энди бир кимса келиб шаръан мақбул бўлмаган нарсага, яъни динда заруратан маълум бўлган ҳукмнинг инкорига шаръан мақбул бўлмаган суратда тақлид қилса, бунинг ҳукми нима ҳам бўлар эди!? Шак-шубҳа йўқки, бу нарса ҳеч қачон қабул қилинмайди ва узр ҳисобланмайди.

Биз қуйида динда заруратан маълум ҳукмнинг ўзида тақлид қилиш шаръан асоссиз эканлигига далиллар келтирамиз. Шунда ўз-ўзидан динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилишда тақлид қилиш тамоман ботил эканлиги, шаръан узр бўлмаслиги ва бу иш динни ўйин қилиш эканлиги аён бўлади.

Хотийб ал-Бағдодий айтган: "*Шаръий аҳкомлар эса икки турлидир:*

Биринчи тури: беш вақт намозлар, закотлар, рамазон ойи рўзаси, ҳаж, зино ва маст қилувчи ичимлик ичишнинг ҳаромлиги ва шу кабилардек ***Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динида заруратан билинувчи нарсалар. Мана шу турда тақлид қилиш жоиз эмасдир. Зеро, одамларнинг барчалари бу нарсаларни***

идрок қилиш ва уларни билишда муштаракдирлар. Бу нарсаларда тақлид қилишнинг маъноси йўқдир.

Иккинчи тури: ибодатлар, муомалотлар, фаржлар, никоҳлар ва шунга ўхшаш ҳукмларларнинг фуруъотлари каби фикрлаш ва далиллаш билан билинадиган нарсалар. Мана шуларда тақлид қилиш мумкиндир" (ал-Фақийҳ ва-л-мутафаққиҳ. 2-жуз, 132-бет).

Дарҳақиқат, мусулмонлар ичида омматан маълум бўлган, исбот талаб қилмайдиган асос масалаларда тақлид қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Ушбу заруратан маълум ҳукмларни тақлидни рўкач қилиб инкор қилиш шаръан эътиборсиздир. Бирорта мусулмон "*ота-онага яхшилик қилмаслик тўғри экан, бу масалада фалончи инсонга у келтирган далиллар асосида тақлид қиламан*", – деса, унинг ушбу тақлидига ҳеч қандай шаръий узр топилмайди. Икки президент "*Дин давлат ҳокимяти, қонунчилик ва ҳукумат бошқарувидаги барча соҳалардан ажратиб қўйилиши тўғри иш, бу ўринларда дин эмас, давлат ҳукмрон бўлиши лозим*" деган қарашда. Мусулмонлар орасида узоқ вақтдан бери яшаб келаётган киши учун ушбу куфр эътиқодга тушиш борасида қилган тақлиди асло узр бўлмайди.

Шофеъийлардан аллома аз-Заркаший айтган: "***Илмлар икки навдир: биринчиси шундай турки, уни билишда хос ва омма инсонлар тенг бўлади, мутавотир каби динда заруратан маълум бўлади. Бас, бунда тақлид қилиш ҳеч кимга жоиз эмасдир.*** *Масалан ракатларнинг ададi, намознинг таъйин қилиниши, оналар ва қизларнинг маҳрам эканликлари, зино ва эркакка жинсий яқинлик*

қилиш ҳаромлиги кабилар. Бу каби нарсаларни билиш оми инсонга машаққат туғдирмайди ва уни ўзининг ишларидан чалғитмайди" (ал-Баҳру-л-муҳийт фи усули-л-фиқҳ. 6-жуз, 283-бет).

Аз-Заркаший айтганидек, динда заруратан маълум ҳукмларни инкор қилиш борасида тақлид қилиш асоссиз ишдир, жоиз эмасдир.

Абу Исҳоқ аш-Шерозий айтган: "*Шаръий аҳкомлар икки турлидир: (Авввалгиси) Аллоҳ таолонинг динида заруратан маълум бўлган нарсалар. Масалан бир кеча-кундузда беш вақт намозларнинг вожиб эканлиги, закот, Рамазон ойи рўзаси, ҳажнинг вожиб эканлиги ва маст қилувчи ичимликнинг, зинонинг, эркакка жинсий яқинлик қилишнинг ҳаромлиги (булар мутавотир суратда собит бўлган) ва шулар каби оҳод хабар ила собит бўлган ишлар.* ***Бу ва шунга ўхшаш ишларда тақлид қилиш жоиз эмас. Зеро, одамларнинг барчалари бу нарсани идрок қилишда ва уни билишда тенгдирлар. Бас, бунда тақлид қилиш ўринсиздир***" (Шарҳу-л-лумаъ. 1009-бет).

Шофеъий фақиҳларидан ҳисобланмиш Абу-л-Музоффар ас-Самъоний айтган: "*Умматга у тамомий келишув ва ижмоъ асосида бирор гап айтганида тақлид қилиш, бас, бу нарса (ижмоъ) ҳужжатдир. Бу нарсага хилоф қилиш жоиз эмас. Чунки, уммат фақат ҳақ узра жамланишига далил қоим бўлгандир*" (Қоватиъу-л-адилла фий усули-л-фиқҳ. 99-бет).

Ас-Самъонийнинг сўзларидан кўриниб турибдики ижмоъ асосида собит бўлган ҳукмга тақлид қилинса, фақатгина ўша

ижмоъга мувофиқ суратда тақлид қилиш мумкин. Унинг инкорига тақлид қилиш асло жоиз эмас. Бу каби асоссиз тақлид шаръан мақбул эмас.

Шофеъий мазҳаби уламоларининг сўзларини Ҳанбалийлар ҳам таъкидлайдилар ва қуйидагича баён қиладилар.

Абу-л-Хоттоб ал-Ҳанбалий айтган: "***Шунингдек, беш вақт намоз, рамазон рўзасини тутиш, Байтни ҳаж қилиш ва закот каби ибодатларнинг асослари масаласига келсак, инсонлар бу ишларда тақлид қилиш мумкин эмаслигига ижмоъ қилишган. Зеро, бу нарсалар мутавотир йўл билан собит бўлган ва умматнинг аввалгиларидан унинг кейингилари нақл қилган.*** *Бас, барча одамларнинг узоқ юртлар ва ўтган даврлар ҳақидаги мутавотир хабарлар ила ҳосил бўлувчи билими тенг бўлгани каби бу борада ҳам оми инсоннинг билими олимнинг билимига тенг бўлади*" (ат-Тамҳийд фи усули-л-фиқҳ. 4 жуз, 398 бет).

Барча ишларда, жумладан давлатда Ислом дини ҳукмрон бўлиши лозим эканлигини инкор қилиш масаласида "*тақлид қилиш мумкин эмаслигига ижмоъ қилишган. Зеро, бу нарсалар мутавотир йўл билан собит бўлган ва умматнинг аввалгиларидан унинг кейингилари нақл қилган. Бас, барча одамларнинг узоқ юртлар ва ўтган даврлар ҳақидаги мутавотир хабарлар ила ҳосил бўлувчи билими тенг бўлгани каби бу борада ҳам оми инсоннинг билими олимнинг билимига тенг бўлади*".

Ибну-н-Нажжор ал-Ҳанбалий қуйидагиларни келтирган: “***Шунингдек, Исломнинг беш рукни ва шу каби мутавотир бўлган, машҳур бўлган нарсаларда тақлид қилиш ҳаром бўлади.***

Ибн Муфлиҳ айтган: “Оми инсонга Ислом рукнлари шу каби мутавотир бўлган ва машҳур бўлган нарсаларда тақлид қилиш жоиз эмасдир. Бу масалани Қози (Абу Яъло) зикр қилган. Яна Абу-л-Хоттоб, ибн Ақийл ижмоъ сифатида зикр қилган. Зеро, одамлар бу нарсаларнинг йўлида тенгдирлар” (Шарҳу кавкаби-л-мунийр. 4-жуз, 538-бет).

Моликий мазҳабининг эътиборли уламоларидан бўлмиш аллома ан-Нафровий “Рисалату-л-Қойрования”га ёзган шарҳида мавзуни ёритишга “*Агар “Моликнинг ва у кишидан бошқа уламоларнинг тақлид қилинадиган ва эргашиладиган мазҳаби деганининг маъноси нима?”, – деб сўралса...*”, – деган сўзлари ила киришган. Сўнгра тақлид қилиш борасида Моликий мазҳабини қуйидагича баён қилган: “*Агар “У киши (Молик) ва у кишидан бошқа уламоларнинг мазҳаби шариятдаги фаръий ҳукмлар”, – дейилса, унга: “**Агар бу сўзингиз ила авомлар ва хослар (билишда) тенг бўлгани учун тақлид қилиш имконсиз бўлган беш вақт намозлар, Рамазон ойи рўзаси, хамр ва ўғрилик кабиларнинг ҳаром бўлиши сингари динда заруратан маълум фаръий ҳукмларни, бу нарсаларнинг баъзиларини ирода қилган бўлсангиз, бу нарсаларни аниқ белгилаб берувчиси нима бўлади?** Гарчи бу нарсаларни аниқ белгилаб берувчисини баён қилсангиз ҳам, баёнингиз комил бўлмайди. Зеро, берган таърифингиз ўзига алоқадор барча маълумотни ўз*

ичига олмаган бўлади. Сизнинг таърифингиздан ўша ҳукмлар учун (шарият Эгаси тарафидан) таъйин қилинган, биз уламоларга улар борасида тақлид қиладиган сабаблар ва шартлар аҳком бўлмагани учун ташқарига чиқиб қолади. Биз уламоларга ҳукмлар борасида тақлид қиламиз, аммо улар шартлар ва сабаблар эмас. Шунинг учун ҳам уламолар: "Ҳукмлар таклифий (бирор нарсага мукаллаф қилиш ёки қилмасликка оид) хитобдан. Сабаблар ва шартлар эса вазъий (шарият Эгаси тарафидан тўғри ёки нотўғри эканлигини билдиришга оид) хитобдир".

Ушбу мулоҳазаларини баён қилгач, ан-Нафровий ўзи қўйган саволига қуйидагича жавоб беради: "*Бунинг жавобида қуйидагилар айтилиши керак: "Имомларга тақлид қилинадиган мазҳаблар бешта нарсадир: фаръий ва ижтиҳодий бўлган шаръий ҳукмлар, уларнинг сабаблари, шартлари, монеълари, шунингдек, сабаларни, шартларни ва монеъларни исбот қилувчи ҳужжатлардир". **Бас, шунда (таърифдан) ҳисоб-китоб каби ақлий (ҳукмлар) чиқиб кетади, фаръий дейилгани учун усулий (ҳукмлар) чиқиб кетади ва ижтиҳодий дейилгани учун зарурий (динда заруратан маълум ҳукмлар) чиқиб кетади***" (Фавакиҳу-д-давоний шарҳу рисалати-л-Қойровани. 1-жуз, 41-бет).

Ушбу олимнинг сўзларига қарар эканмиз бу киши ҳам бошқа фуқаҳолар каби динда заруратан маълум ҳукмда тақлид қилиш имконсиз нарса эканлиги ва бу ҳолат тасаввур қилинмас эканлигини айтиб ўтган. Дарҳақиқат, динда заруратан маълум ҳукм борасида тақлид қилиш мумкин эмас. Зеро, олимга тақлид қилишнинг

таърифида "*ижтиҳодий дейилгани учун зарурий (динда зароратан маълум ҳукмлар) чиқиб кетади*", – деб айтилган. Яъни, динда заруратан маълум масалалар тақлид қилиш доирасидан ташқарида бўлган ҳукмлардир. Уларнинг хилофини тақлид баҳонасида олиш, ҳудди уларни билмаслик ёки уларни таъвил қилиш каби ўзининг эгасига шаръан узр бўлмайди.

Ушбу масалани усулу-л-фиқҳ илмида мутахассис бўлган замондош уламолар ҳам айтиб ўтишган.

Усулий олим, доктор Абдулкарим ан-Намла "Ровдоту-н-надир" матнидаги Абу-л-Хоттоб ал-Ҳанбалийнинг: "*Абу-л-Хоттоб айтди: Исломнинг беш рукни ва шу каби машҳур ва мутавотир йўл ила нақл қилинган масалаларда тақлид қилиш жоиз эмас. Зеро, омма мусулмонлар бу нарсаларда уламоларга шерикдирлар. Бас, тақлидга ҳеч ўрин йўқдир"*, – деган гапини шарҳлар экан қуйидагиларни ёзган: "*Шарҳ: "Мен айтаман: барча фаръий ҳукмларда ҳам тақлид жоиз бўлавермайди. Балки, шундай фаръий ҳукмлар борки омига бу нарсаларда мужтаҳидга тақлид қилиши жоиз эмас. Бу масалалар машҳур ҳукмлар бўлиб, Ислом рукнлари: икки шаҳодат, намоз, рўза, закот, ҳаж кабилар бўлиб, уларни заруратан ва мутавотир йўл ила билиш мумкиндир. Зеро, бу нарса мутавотир йўл ила собит бўлган, салафлардан халафлар нақл қилган.* ***Бас, бунда оми инсоннинг билими олим инсоннинг билимига тенгдир. Яъни, омма инсонлар бу нарсаларни билишда мужтаҳид уламоларга шерикдирлар. Бас, тақлидга ўрин йўқдир. Зеро, тақлид бирор нарсани билмаган киши тарафидан ўша нарсани биладиган кишига қилинганида***

саҳиҳ бўлади” (Итҳафу зави-л-басоир шарҳу ровдоти-н-надир. 8-жуз, 182 – 183 бетлар).

Омма мусулмонлар ва уламолар билишда тенг бўлган динда заруратан маълум ҳукмлар борасида тақлид қилиш шариятда йўқдир, бу каби соғлом ақлга зид ва асоссиз тақлид саҳиҳ бўлмайди. “*Зеро, тақлид бирор нарсани билмаган киши тарафидан ўша нарсани биладиган кишига қилинганида саҳиҳ бўлади”*.

Доктор Ваҳба аз-Зуҳайлий фиқҳ асослари борасида ёзилган китобида қуйидагиларни айтган: “*Аллоҳ таолони, Унинг сифатларини, тавҳид, нубувват далиллари, ахлоқлар каби буларга қўшилувчи нарсалар каби ақийдалар ёки асосларга оид масалалар ва жамики шаръий кўрсатмалардан иборат, ибодатлар, муомалотлар, уқубатлар, ҳаромлар туркумига кирувчи Исломнинг бешта арконлари, рибо ва зинонинг ҳаромлиги, савдо ва никоҳнинг ҳалоллиги каби* ***динда заруратан маълум бўлган ва қатъан собит бўлган нарсаларда жумҳур уламолар наздида тақлид қилиш жоиз эмасдир.*** *Бундай масалаларни фақат ҳикоя қилиш орқали олиш ёки бошқаларга ўхшатиш орқали эмас, балки (шахс ўзи) назар қилиши ва фикрлашига суянган ҳолда йўлга қўйиши вожиб бўлади*” (Усулу-л-фиқҳи-л-Исламий. 1122-бет).

Фиқҳ илмида мутахассис бўлмиш бир неча замондош уламолар тарафидан ёзилган “Мавсуъату-л-фиқҳия ал-Қувайтия” муаллифлари ҳам Ваҳба аз-Зуҳайлининг сўзларини тасдиқлайдилар. Китобнинг “тақлид” сарлавҳаси остида диннинг асосий эътиқодотларида тақлид йўқ эканлиги баён қилингач, қуйидагилар

айтилган: "***Сўнгра жумҳур наздида бу ишда (тақлид қилиш мумкин эмаслигида) ақийдаларга динда заруратан маълум ҳар бир нарса ҳам қўшилади. Бас, бунда тақлид йўқдир. Зеро, уни билиш мутавотирлик ва ижмоъ ила ҳосил бўлади***" (Мавсуъату-л-фиқҳия ал-Қувайтия. 13-жуз, 160-бет).

Тақлид мавзусининг аввалида айтиб ўтганимиздек динда заруратан маълум ҳукмларда ижтиҳод қилиш ва уларни таъвил қилиш шаръан мақбул эмас, бу суратдаги ижтиҳод ва таъвил эгаси узрли ҳисобланмайди. Шунингдек, бу масалаларда тақлид асосида узр беришга ҳам ўрин йўқ.

Фаразан икки давлат рахбари тақлид қилмоқда деб қабул қилсак ҳам, улар динда заруратан маълум ҳукмга тақлид қилиш уёқда турсин, аксинча динда заруратан маълум ҳукмнинг инкорида тақлид қилаётган бўлади. Бу ўринда фаразан деган қайдга эътибор берилиши лозим. Зеро, воеъликка чуқур назар солинса, иккала президент куфрий мафкурасида бирорта мўътабар олимга тақлид қилмаслиги вазиятнинг зоҳири эканлиги кўринади. Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам бирорта ўринда "*Ислом динини давлат бошқаруви, сиёсат, қонун чиқариш, уни ижро қилиш ва бошқа тегишли барча соҳалардан ажратиб қўйишимиз, диний ҳукмлар татбиқ қилинмаслигини таъкидлашимиз ва бу тўғри йўл эканлигини эълон қилишимиз фалончи аллома ёки фалончи шайхнинг фалон ижтиҳодига биноан бўлмоқда, у кишига бу каби масалаларда тақлид қилмоқдамиз*", – деб айтгани ёки шу маънода бирор нарса ёзгани маълум эмас. Иккови ўзидан аввал ўтган, ўзига ўхшаган

мафкурада бўлган сиёсатчиларга тақлид қилаётгани, вазиятдан келиб чиқиб иш кўраётгани уларнинг расмий чиқишлари ва маърузаларидан маълум. Бу кўринишдаги тақлид ҳам диний жиҳатдан ҳеч қачон узр ҳисобланмас эканлиги аёндир.

Билмаслик, таъвил ва тақлид борасидаги саволларга жавоб берилгач, қасд қилиш ва хато қилиб қўйишга оид шарт ва ман қилувчилар борасидаги икки саволнинг жавобига, Аллоҳнинг ёрдами ила, ўтамиз.

1. Икки президент ўз мафкурасини қасд қилсада, ўша мафкурага ишониш ила кофир бўлишни қасд қилмаган. Бу ҳолат иккови учун узр бўладими?
2. Икки президент куфр эътиқоди ҳисобланган мафкурани тўғри эканлигига ишонишини зоҳир қилган холос. Икковининг қалбида бу мафкура нотўғри деган эътиқод бўлиши мумкин. Бу ҳолат иккови учун узр бўладими?

“Икки президент ўз мафкурасини қасд қилсада, ўша мафкурага ишониш ила кофир бўлишни қасд қилмаган. Бу ҳолат иккови учун узр бўладими?” деган савол мунозашаси:

Эътироз билдирувчи “*Иккала президент эълон қилган тушунчалари тўғри эканлигини қасд қилган, лекин бу иши ила куфр келтиришни қасд қилган эмас. Шунинг учун икковининг айни шахсига куфр ҳукмини бермаслик лозим*”, – деб айтиши мумкин.

Ушбу ўринда мана шу эътирозга жавоб берилади. Дарҳақиқат, Мирзиёев ва Эрдоған куфр келтиришни қасд қилмаган. Ва аниқки,

иккови эълон қилган мафкурасининг айни маъносини ва унинг тўғри эканлигини қасд қилган.

Аҳли сунна уламолари, хоссатан тўрт мўътабар мазҳаб китобларининг муртадлик бобига разм солинса, токи бирор амал ўз зотида очиқ-ойдин куфр экан уни ўз ихтиёри ила бажарган мукаллаф кишига куфр нисбатини бериш учун ўша амали ила куфр келтиришни қасд қилишини ёки унга эътиқод қилишини шарт қилмаган эканликларини кўради. Масалан бирор инсон "Исломда нотўғри ишлар ҳам бор", – деб айтса, уламолар "*бу гапинг билан куфр келтиришни қасд қилсанггина ёки бу гапингга эътиқод қилсанггина кофир бўласан, бу гапни шунчаки талаффуз қилишнинг ўзи сени кофир бўлишингга кифоя қилмайди*", – деб айтмайдилар. Аксинча, унинг шу амали ила, қасд ва эътиқодидан қатъий назар муртад бўлганини айтадилар ва тавбага чақирадилар. Зотан, куфр келтиришни қасд қилиш ёки куфрни эътиқод қилишнинг ўзи мустақил куфрдир. Шу боис уламолар катта куфр эканлигига шариятда очиқ далил келган амалий катта куфр ишларда айни ўша куфрни қасд ёки эътиқод қилишни шарт қилмайдилар. Масалан бирор кимса мусҳафни унинг мусҳаф эканлигини била туриб ҳожатхонага улоқтирса, уламолар уни муртад деб ҳукм қиладилар. Бирорта олим ундан "*шу ишинг ила кофир бўлишни қасд қилдингми ёки шу ишингни тўғри деб эътиқод қилдингми? Агар кофир бўлишни қасд қилмаган ёки тўғри деб эътиқод қилмаган бўлсанг, кофир бўлмайсан*", – деб айтмайди. Токи у айнан мусҳафни ҳожатхонага ўз ҳоҳиши ва амални бажариш қасди ила ташлаган экан, унга дарҳол

куфр ҳукми берилади, унда куфр келтириш қасди ёки эътиқоди бор ёки йўқ эканлигига қаралмайди.

Бизнинг ҳолатда икки давлат рахбари эътиқод ва ният қилиш жиҳатидан куфрни қасд қилмаса ҳам, ўз мафкурасини қасд қилар экан ва шартлар мужассам бўлиб, монеълар йўқ бўлар экан, икковига куфр ҳукми берилади.

Аҳли илмларнинг бу масаладаги сўзларини қуйидаги оятнинг тафсирини келтиришдан бошлаймиз:

يَحْذَرُ الْمُنَافِقُونَ أَن تُنَزَّلَ عَلَيْهِمْ سُورَةٌ تُنَبِّئُهُمْ بِمَا فِي قُلُوبِهِم قُلِ اسْتَهْزِئُواْ إِنَّ اللهَ مُخْرِجٌ مَّا تَحْذَرُونَ ، وَلَئِن سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَخُوضُ وَنَلْعَبُ قُلْ أَبِاللهِ وَآيَاتِهِ وَرَسُولِهِ كُنتُمْ تَسْتَهْزِئُونَ ، لاَ تَعْتَذِرُواْ قَدْ كَفَرْتُم بَعْدَ إِيمَانِكُمْ إِن نَّعْفُ عَن طَآئِفَةٍ مِّنكُمْ نُعَذِّبْ طَآئِفَةً بِأَنَّهُمْ كَانُواْ مُجْرِمِينَ .

“**Мунофиқлар ўзлари борасида сура нозил қилиниб қалбларидаги нарса ҳақида хабар беришидан чўчийдилар. Айт (эй Набий): Истеҳзо қилаверингиз! Албатта Аллоҳ сизлар чўчиётган нарсани рўёбга чиқаргувчидир. Агар улардан (бу борада) сўрасанг, аниқки: Биз фақатгина сўзга берилган ва ўйин қилаётган эдик, – деб айтадилар. Сен (эй Набий): Аллоҳ, У Зотнинг оятлари ва Росули устидан истеҳзо қилаётган эдингизми!? Узр айтмангиз, иймондан кейин батаҳқиқ кофир бўлдингиз! Агар сизларнинг бир тоифангизни афв қилсак, бошқа тоифангизни, улар жиноятчилар бўлгани учун азоблаймиз, – деб айт**” (Тавба сураси 64 – 66 оятлар).

Ушбу оятни Анвар Шоҳ ал-Кашмирий “Саҳиҳу-л-Бухорий”га ёзган шарҳида қуйидагича тушунтирган: “*Бу масаладаги ҳақ Ибну-л-Ҳумом раҳимаҳуллоҳ зикр қилган нарсададир. Бу гапнинг хулосаси қуйидагича: баъзи феъллар инкор қилишнинг ўрнини босади. Масалан айни куфрга хос бўлган аломатларни бажариш. Иймонда бўлган киши куфрнинг ўзидан безор бўлгани каби ўша нарсалардан ҳам безор бўлиши вожибдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларнинг “**Биз фақатгина сўзга берилган ва ўйин қилаётган эдик**” (Тавба сураси 65-оят) сўзларининг жавобида: “**Узр айтмангиз, иймондан кейин батаҳқиқ кофир бўлдингиз!**”, – (Тавба сураси 66-оят) деб айтган. У зот “Гапларингизда ёлғон сўзладингиз”, – демади. Аксинча, улар куфрнинг энг хос аломатларидан бўлмиш ушбу ўйин ва сўзга берилишлари ила бўйинларидан Ислом тугунини ечиб ташлаган эканликларининг, Ислом чегарасидан куфрга чиқиб кетган эканликларининг хабарини берди.* ***Бас, бу нарса ушбу феъл кабилар бирор кишида топилганида унга куфр ҳукми берилишига, қалбидаги тасдиқига қаралмас эканлигига, ўша куфр унинг тарафидан фақат сўзга берилиш ва ҳазиллашиш билан бўладими ёки эътиқод билан бўладими, бу нарсага қаралмас эканлигига далолат қилади***” (Файду-л-Борий шарҳу саҳиҳи-л-Бухорий. 1-жуз, 125-бет).

Ушбу фақиҳ инсоннинг оятга берган тафсири бошқа уламоларнинг қараши билан бир ҳилдир. Яъни, бирор кимса токи уни шариятда катта куфр деб айтилган ҳолатга туширувчи амални қилдими, бас, у ўша амалини қасд қилиши уни куфрга туширади. Бу ҳолатда уни куфрга тушган деб ҳукм қилиниши учун ўша амални

қасд қилишдан ташқари, кофир бўлишни ҳам қасд қилиши шарт эмас. Бундай шартни Аҳли сунна уламолари қўймаганлар. Зотан куфрга тушишни қасд қилишнинг ўзи мустақил бир куфрдир. Ушбу ҳақиқатни қуйидаги ҳадис ҳам қувватлайди:

حَدَّثَنِي إِبْرَاهِيمُ بْنُ حَمْزَةَ: حَدَّثَنِي ابْنُ أَبِي حَازِمٍ ، عَنْ يَزِيدَ ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ ، عَنْ عِيسَى بْنِ طَلْحَةَ التَّيْمِيِّ ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ : سَمِعَ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَبَيَّنُ فِيهَا يَزِلُّ بِهَا فِي النَّارِ أَبْعَدَ مِمَّا بَيْنَ الْمَشْرِقِ . رواه البخاري.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **Дарҳақиқат, банда очиқлаб олмаган бир гапни айтади ва ўша гапи туфайли жаҳаннамга машриқ билан мағриб орасичалик масофага қулайди**” (Бухорий ривояти, ҳадис № 6477).

Муфассирлар имоми Ибн Жарир ат-Тобарий инсон кофир бўлиши учун куфрни қасд қилиши шарт эмаслигини қуйидаги оят орқали тушунтирган:

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُم بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا ، الَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا .

“**Сен: Сизларга амаллари жиҳатидан энг бахтсиз кимсалар ҳақида хабар берайми!? – деб айт. Улар ҳаёти дунёда саъй-ҳаракатлари залолатга кетган, ўзлари эса ишни гўзал қилмоқдамиз деб ҳисоблаб юрган кимсалардир**” (Каҳф 103 – 104 оятлар). Ат-Тобарийнинг сўзлари: “*Бу оят* “***Аллоҳнинг якка илоҳ эканлигини билгач, У зотга фақатгина қасд қилиш жиҳатидан***

куфр келтириш мумкин”, – деб даъво қилувчиларнинг гаплари хато эканлигига энг кучли далилдир. Зеро, зикри олий бўлган Аллоҳ ушбу оятда васфларини келтирган анави кимсаларнинг бу дунёдаги саъй-у ҳаракатлари бекорга кетган эканлигининг хабарини берган. Ваҳоланки, улар бу борадаги ҳунарларида яхшилик қилаяпмиз деб ҳисоблар эдилар. Аллоҳ улар ҳақида Роббиларининг оятларига куфр келтирган эканликларининг хабарини берган. *Агар “Аллоҳга фақат била туриб кофир бўлиш мумкин”, – деб даъво қилувчиларнинг сўзлари ҳақиқат бўлганида эди, Аллоҳ улар ҳақида хабар берган, “яхшилик қилаяпмиз”, – деб ҳисоблаб юрган анави қавм ўз амалларида савоб олувчи ва ажрланганлардан бўлишлари шарт бўлар эди. Аммо, ҳақиқат уларнинг айтганига хилофдир. Бас, мақтови улуғ зот улар Аллоҳга кофир эканликлари ва амаллари ҳабата эканлиги ҳақида хабар берди*” (Тафсиру-т-Тобарий. 15-жуз, 428 – 429 бетлар).

Имом ат-Тобарийнинг бу сўзларини Аҳли сунна уламоларининг ўзини Исломга нисбат берган баъзи тоифаларнинг кофир эканликларига қилган ижмоълари тасдиқлайди. Аҳли сунна уламолари ўзини Исломга нисбат берувчи Қодиёния, Қаромита ва шу каби тоифаларни куфрга тушганликларига ижмоъ қилганлар. Ваҳоланки, ўша тоифалар ўзларини Исломда эканликларини айтадилар, бўлиб ҳам “биз ҳақ йўлдамиз”, – деб даъво қиладилар. Ўша тоифалар ўз ақийдаси ила куфр келтиришни қасд қилмаслиги барчага кундек равшан. Аммо, бу ҳолат Аҳли сунна олимларидан бирортасини уларнинг куфрини айтишдан тўсмаган. Катта куфрга туширувчи эътиқодни қилган, лекин кофир бўлишни қасд қилмаган

ва эътиқоди куфр эканлигини билмаган ёки тан олмаган ўша тоифаларни замондош уламолар ва мўътабар Исломий ташкилотлар куфрга тушган тоифалар деб эълон қилганлар, бу масалада ўз фатволарини чиқарганлар. Шу ижмоъга биноан, гоҳида киши кофир бўлиши учун Исломдан чиқишни, кофир бўлишни қасд қилиши ёки қилган ишига эътиқод қилиши шарт эмасдир.

Кўплаб муртадлар борки, диндан чиқишни қасд қилмаган ҳолида куфр амалини бажаради. Айни шахсига куфр ҳукми берилиши масаласининг барча суратларини куфр келтиришни қасд қилишга ёки қилган ишига эътиқод қилишга боғлаб қўйиш Аҳли сунна фуқаҳолари, хоссатан Ҳанафий мазҳаби уламолари қўйган асосларига тўғри келмайди.

Ҳанафийлардан Анвар Шоҳ ал-Кашмирий айтган: "***Хулоса шуки, ким куфр калимасини ҳазиллашган ёки ўйин қилган ҳолида айтган бўлса, барчанинг наздида кофир бўлади ва бунда унинг эътиқодининг эътибори йўқдир. Буни "ал-Хония" ва "Родду-л-муҳтар"да очиқ айтган***" (Икфару-л-мулҳидийн фи доруријати-д-дин. 59-бет).

Ас-Сарахсий, ал-Жассос, Ибну-н-Нужайм, Ибн Обидийн, ал-Ҳаскафий каби мазҳабнинг катта уламолари ҳам шарият далиллари куфр деб кўрсатган сўзни ўз ихтиёри ила айтган киши, кофир бўлишни қасд қилган ёки қасд қилмаганидан, эътиқод қилган ёки қилмаганидан қатъий назар кофир деб ҳукм қилинишини ўз таълифотларида айтиб ўтганлар.

Шофеъийлардан ан-Нававий ўзининг “Минҳажу-т-толибийн” номли китобида қуйидагиларни ёзган: “***Диндан чиқиш (муртад бўлиш) – ният ёки куфр сўз ёки феъл билан Исломни кесишдир. Бунда куфрни ҳазиллашиб айтгани ёки рад қилиб айтгани ёки эътиқод қилиб айтганининг фарқи йўқдир***” (Минҳажу-т-толибийн. 501-бет).

Кишига куфр ҳукми тушиши учун у куфрга тушишни қасд ёки эътиқод қилиши шарт эмаслиги борасидаги масала юқорида айтганимиздек Аҳли суннадаги мўътабар мазҳаблар эгаларининг хулосаси ва қоидасидир.

Моликийлардан бўлган Қози Иёзнинг куфрга тушиш борасидаги сўзларини Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий қуйидагича тушунтирган: “***У киши зикр қилгани зоҳирдир, мазҳабимиз қоидаларига мувофиқдир. Зеро, куфрга ҳукм қилишдаги суяниладиган нарса бу зоҳирлардир. Бу ишда қасд ва ниятларга назар солинмайди. Унинг ҳолатига далолат қилувчи қариналарга қараб ўтирилмайди.*** *Ҳа, “ар-Ровдо”да ундан келтирганимдан билинганига биноан яқинда Ислом келтиргани ёки уламолардан узоқда бўлгани сабабидан билмасликни даъво қилган кишига узр берилади”* (ал-Иълаам би қоватиъи-л-Ислам. Ал-Жомеъ ли алфаази-л-куфр китоби зимнида келтирилган. 282-бет).

Динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилишни зоҳир қилган кишига токи такфирнинг барча шартлари мужассам ва барча монеълари йўқ бўлар экан куфр ҳукми берилади ва “*бу ишда қасд ва ниятларга назар солинмайди*”.

Бошқа ўринда Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий Ҳанафий мазҳаби уламоларидан бирининг: “*Ким куфр лафзини эътиқод қилмаган ҳолда айтса ҳам кофир бўлади, билмаслиги сабабидан узр берилмайди*”, – деган жумласи борасида “*бизнинг мазҳабимизда мусулмонлар диёридан узоқда бўлган, шу сабабдан уларнинг диёрига келиб таълим олишни тарк қилиш деб билинган камчилик унга нисбат берилмайдиган ёки Исломни яқинда қабул қилган кишига бу масалада билмаслиги сабабидан узр берилади, тўғриси билдирилади*”, – деб айтган (ал-Иълаам би қоватиъи-л-Ислам. Ал-Жомеъ ли алфаази-л-куфр китоби зимнида келтирилган. 242-бет).

Фақиҳларнинг муртад бобида ва куфр лафзлари мавзусида ёзган китобларини ўрганиб чиқилар экан, киши гарчи куфр келтиришни қасд қилмаса-да, куфрга тушурувчи амалнинг ўзини қасд қилиши, шак-шубҳасиз уни куфрга туширишини бир овоздан таъкидлаган эканликлари англанади.

Мусулмонлар орасида яшаб юрган ва Исломни даъво қилувчи бир киши “*Қуръон бу ибодатлар ва гўзал хулқларга даъват қилувчи китоб. Замонадаги сиёсий жараёнлар, геосиёсий тамойиллар, стратегик бошқарув ва қонунчилик борасида Қуръон дастуриламал вазифасини бажармайди*” ёки “*бу соҳаларда қарор қабул қилиш ишларидан Ислом дини ажратилиши мумкин ва бу Исломга зид эмас*”, – деб эълон қилса, токи такфирнинг барча шартлари мужассам ва унинг барча монеълари йўқ бўлар экан, унинг билмаслиги, таъвил ёки тақлид қилгани эътиборсиз бўлгани каби куфр келтиришни қасд қилган ёки йўқлиги, ўша гапига эътиқод

қилган ёки йўқлиги ҳам эътиборсиз бўлади ва унга куфр ҳукми берилади. Ундан “*бу қарашинг ила куфр келтиришни қасд қилганмисан, бу гапларингга ўзинг эътиқод қиласанми?*” – деб сўралмайди. Унинг эълон қилаётган қарашларини маъқуллашининг ўзи унга куфр ҳукмини беришга кифоя қилади. Зеро, у динда заруратан маълум бўлган улуғ ҳақиқатни ўз қасди ва нияти ила инкор қилди. Мусулмонлар орасида узоқ вақтдан бери яшаб юрган эканлиги сабабидан унга ҳужжат қоим бўлган.

Шунга биноан биз кўриб чиқаётган мавзу борасида “*Икки президент ўз мафкурасини қасд қилсада, ўша мафкурага ишониш ила кофир бўлишни қасд қилмаган. Бу ҳолат иккови учун узр бўлади*”, – деб узр бериш ўринсиздир.

Бу фиқҳий масала салафи солиҳлар давридан маълум бўлган ва фуқаҳолар уни ўз китобларида баён қилганлар. Имом ал-Бухорий ўз “Саҳиҳ”ининг “Иймон” китобида “*Мўминнинг ўзи сезмаган ҳолда амали ҳабата бўлиши ҳақидаги боб*” келтиргани ҳам бунга далолат қилади. Киши диндан чиқсагина амаллари ҳабата бўлади. Шунга биноан бир инсон ўзи сезмаган, яъни, Исломдан чиқишни қасд қилмаган ҳолида муртад бўлиши ва амали ҳабата бўлиши шариятда мавжуд.

Ибн Ҳажар ал-Асқоланий айтган: “*Бу (ҳадис)да мусулмонлар орасида диндан чиқишни қасд қилмаган ва Ислом динидан бошқа динни ихтиёр қилмаган ҳолда чиқиб кетадиганлари ҳам бор эканлиги мавжуддир*” (Фатҳу-л-Борий шарҳу саҳиҳи-л-Бухорий. 12-жуз, 315-бет).

Ислом тарихи ва бугунги кунда ўзини мусулмон деб ҳисоблайдиган, лекин очиқ кофир эканлиги уламолар тарафидан айтилган қанчадан-қанча одамлар бор. Улар кофир бўлишни қасд қилмаган, улар ўзини куфрга туширувчи ишни қасд қилган холос.

“Икки президент куфр эътиқоди ҳисобланган мафкурани зоҳир қилган холос, иккови бу қарашни қалби ила қасд қилмаган. Бу ҳолат икковига узр бўладими?” деган савол мунокашаси:

Эътироз билдирувчи “*Иккала президент эълон қилган мафкураси тўғри эканлигини ўзидан зоҳир қилган, лекин иккови ичида бу қарашлар Исломга зид гап айтаётганини билади. Муайян сабабларга кўра иккала президент ичидаги ҳақ қарашларини яширади. Шунинг учун икковининг айни шахсига куфр ҳукмини бермаслик лозим*”, – деб айтиши мумкин.

Ушбу ўринда мана шу эътирозга жавоб берилади. Аниқки, Мирзиёев ва Эрдоған куфр қарашларини зоҳир қилган. Аҳли сунна уламолари, жумладан тўрт мазҳаб фуқаҳолари мусулмонликни даъво қилаётган кишидан куфр зоҳир бўлганида, токи куфрга тушишнинг барча шартлари мужассам бўлиб, барча монеълари йўқ бўлар экан, ўша кишига куфр ҳукми берилишини таъкидлаганлар.

Аслида инсон қалбини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Аҳли сунна уламолари инсонларга уларнинг зоҳирига қараб ҳукм беришга ижмоъ қилганлар.

Аҳли илмларнинг аввалги ва кейинги китоблари-ю рисолаларига назар солинса, уларнинг барчалари кўплаб оятлар, ҳадислар ва салафлардан келган ривоятларга асосланган ҳолда бу дунёда одамларнинг зоҳирига қараб ҳукм беришга ижмоъ қилган эканликлари ойдин бўлади. Зотан инсон қалбини, у ичида сақлаган нарсасини фақат Аллоҳ таоло билади.

Бу ҳақиқатга далолат қилувчи ҳадислардан бири қуйидагича:

قَالَ خَالِدُ بْنُ الْوَلِيدِ: يَا رَسُولَ اللهِ ، أَلَا أَضْرِبُ عُنُقَهُ؟ قَالَ: لَا ، لَعَلَّهُ أَنْ يَكُونَ يُصَلِّي ، فَقَالَ خَالِدٌ: وَكَمْ مِنْ مُصَلٍّ يَقُولُ بِلِسَانِهِ مَا لَيْسَ فِي قَلْبِهِ ، قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنِّي لَمْ أُومَرْ أَنْ أَنْقُبَ قُلُوبَ النَّاسِ وَلَا أَشُقَّ بُطُونَهُمْ. رواه البخاري ومسلم.

Икки саҳиҳ ҳадислар тўпламида келган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир киши келган эканлиги нақл қилинади. У ғанималар тақсимоти борасида Аллоҳнинг Росули соллаллоҳу алайҳи ва салламга “Аллоҳдан қўрқгин!” – деб айтиши ила Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ранжитди. Шунда “Холид ибн Валийд: “ё Росулуллоҳ! Унинг бўйнини чопайми!?” – деб айтди. У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Йўқ. Шоядки у намоз ўқиб юрган бўлса**”, – дедилар. Шунда Холид: “Қалбида йўқ нарсани тили билан айтадиган қанчадан-қанча намоз ўқувчилар борку!?” – деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Холид Ибн Валийдга): “**Мен одамларнинг қалбларини текширишга ва ичларини очиб кўришга буюрилган эмасман**”, – дедилар. (Бухорий ривояти, ҳадис № 4351 ва Муслим ривояти, ҳадис № 1064).

Ан-Нававий ушбу ҳадиснинг шарҳида қуйидагиларни айтган: “***Мен одамларнинг қалбларини текширишга ва ичларини очиб кўришга буюрилган эмасман**”, бунинг маъноси: мен зоҳир билан ҳукм беришга буюрилдим, ичларнинг эгаси эса Аллоҳдир*” (Шарҳу саҳиҳи Муслим. 7-жуз, 163-бет).

Соғлом ақл эгаси англайдики, агар инсонларнинг зоҳирига эмас, ичида беркитган нарсасига биноан ҳукм беришга киришилса, ўзи билмаган ва била олмайдиган нарсага ҳукм беришлик бўлади. Бу нарса инсоният ҳаётини тамоман издан чиқариб юборади. Бу дунёда одамларнинг зоҳирига қараб ҳукм бериш салафи солиҳлар йўли бўлган.

حَدَّثَنَا الْحَكَمُ بْنُ نَافِعٍ : أَخْبَرَنَا شُعَيْبٌ ، عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ : حَدَّثَنِي حُمَيْدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ : أَنَّ عَبْدَ اللهِ بْنَ عُتْبَةَ قَالَ : سَمِعْتُ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ يَقُولُ : إِنَّ أُنَاسًا كَانُوا يُؤْخَذُونَ بِالْوَحْيِ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَإِنَّ الْوَحْيَ قَدِ انْقَطَعَ ، وَإِنَّمَا نَأْخُذُكُمُ الْآنَ بِمَا ظَهَرَ لَنَا مِنْ أَعْمَالِكُمْ ، فَمَنْ أَظْهَرَ لَنَا خَيْرًا أَمِنَّاهُ وَقَرَّبْنَاهُ ، وَلَيْسَ إِلَيْنَا مِنْ سَرِيرَتِهِ شَيْءٌ ، اللهُ يُحَاسِبُهُ فِي سَرِيرَتِهِ ، وَمَنْ أَظْهَرَ لَنَا سُوءًا لَمْ نَأْمَنْهُ وَلَمْ نُصَدِّقْهُ ، وَإِنْ قَالَ : إِنَّ سَرِيرَتَهُ حَسَنَةٌ . رواه البخاري.

Умар розияллоҳу анҳу: “***Энди биз сизлардан бизга зоҳир бўлган амалларингизга мувофиқ жазолаймиз. Ким бизга яхшиликни зоҳир қилса, унга омонлик қиламиз ва уни яқинлаштирамиз. Бизга унинг ичидан бирор нарса алоқадор эмас. Аллоҳ унинг ичини ҳисоб қилур. Ким бизга ёмонликни зоҳир қилса, гарчи ичи яхши эканлигини айтсада, унга омонлик қилмаймиз ва уни тасдиқ қилмаймиз***”, – деб айтган. (Бухорий ривояти, № 2641).

Дунёда жорий бўлувчи ҳукмларда фақат зоҳирига қараб ҳукм бериш Аҳли суннанинг шакни қабул қилмайдиган даражадаги ақийдасидир. Бу борада Ҳанафийлар имоми Абу Жаъфар ат-Таҳовий ўзининг машҳур ақида матнида қуйидагиларни айтган: “***Токи бизга зоҳир бўлмас экан, улардан куфр, ширк ва нифоқ содир бўлганига гувоҳлик бермаймиз. Ичларини Аллоҳ таолога ҳавола қиламиз***” (Ақидату-т-Таҳовия. 23 – 24 бетлар).

Зоҳирига қараб ҳукм бериш салафи солиҳлардан бошлаб барча даврдаги Аҳли сунна уламоларининг, жумладан тўрт мўътабар фиқҳий мазҳабларнинг тутган йўлидир.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бир кофир одам мусулмонларга қарши жанг вақтида шаҳодат калимасини айтади, шунда саҳобий Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу уни ўлдирадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобийни бу қилмиши учун қаттиқ танқид қиладилар.

قَالَ : قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللهِ ، إِنَّمَا قَالَهَا خَوْفًا مِنَ السِّلَاحِ ، قَالَ : أَفَلَا شَقَقْتَ عَنْ قَلْبِهِ حَتَّى تَعْلَمَ أَقَالَهَا أَمْ لَا ؟. رواه البخاري ومسلم.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу: “Ё Росулуллоҳ! У (шаҳодат калимасини) фақат куролдан қўрққани учун айтди”, – деди. (Воқеълик ҳам шуни тақозо қилар эди. Зеро, ўша одам калима айтишидан аввал жангда кўплаб мусулмонларни ўлдирган эди). У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Сен уни қалбини ёриб кўрдингмики, токи (ўлимдан қўрқиб) айтдими ёки йўқлигини**

билсанг!?” – дедилар” (Бухорий ривояти, ҳадис № 6872 ва Муслим ривояти, ҳадис № 1064. Лафз Муслимники).

Ибн Ҳажар ал-Асқоланий ушбу ҳадисни инсонларга ҳукм бериш уларнинг зоҳирига биноан бўлиши борасидаги умматнинг ижмоъсига далил сифатида кўрсатган: “***Уламоларнинг барчалари дунёдаги ҳукмлар зоҳирга биноан бўлишига ижмоъ қилгандирлар.*** *Одамларнинг ичига эса Аллоҳ эгалик қилади. Батаҳқиқ, у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам Усома розияллоҳу анҳуга: “**Унинг қалбини очиб кўрдингми!?**”, – деб айтгандирлар*” (Фатҳу-л-Борий шарҳу саҳиҳи-л-Бухорий. 12-жуз, 285-бет).

Зоҳирига қараб шаръий ҳукмни жорий қилиш лозим эканлиги борасидаги ижмоъни ас-Сарахсий ўзининг “Усулу-с-Сарахсий” китобида, Ибн Абдулбар “ал-Истизкор”ида, ал-Қуртубий ўзининг машҳур тафсирида ва бошқа уламолар ўз таснифотларида келтирганлар.

Ушбу ижмоъ нафақат Аҳли сунна, балки ер юзидаги жамики ақл эгаларининг ижмоъсидир. Масалан бир киши халқни ўз ихтиёри ила омматан заҳарласа, сўнгра “*Аслида мен қалбимда халқпарвар инсонман, одамлар учун жуда қайғураман*”, – деса, унинг гапини ҳеч ким ҳисобга олмайди.

“Икки президент дунёдаги, хоссатан марказий осиё ва евро-осиё ҳудудларидаги таҳликали геосиёсий вазият ва иккала давлатдаги ўзига яраша хавотирли ички ҳолатдан келиб чиқиб куфрий мафкурани маъқуллашга мажбур (мукроҳ) бўлган

бўлиши мумкин. Ушбу мукроҳлик икковига узр бўладими?" деган савол мунокашаси:

Эътироз билдирувчи "*Иккала президент тушунчалари тўғри эканлигини эълон қилиши мажбурланиш сабабли бўлган. Икроҳ, яъни мажбурланиш ила куфрга тушиб қолган кишида куфрга тушишдан ман қилувчи мавжуд эканлиги сабабидан унинг куфрга тушганига ҳукм қилинмайди*", – деб айтиши мумкин.

Ушбу ўринда мана шу эътирозга жавоб берилади. Аниқки, Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам динда заруратан маълум бўлган ҳукмларни инкор қилиш, ҳаромни жоиз деб билиш каби қарашларга ишонишини изҳор қилишга ҳеч ким тарафидан мажбурланмаган. Бундай хулосага келинишининг энг асосий сабабчиси иккала президентнинг ўзидир. Иккови "*Биз бу мафкурамизни оғир вазият тақозо қилгани сабабидан зоҳир қилмоқдамиз*", – деб айтмайди. Аксинча, ўз ўрнида кўрсатиб ўтилганидек, тўғри сиёсат олиб бориш воситаси деб қарайди. Эълон қилаётган йўналишига қарши бўлган тарафларни қоралайди. Тўғри, иккови учун ташқи ва ички сиёсатнинг кўпгина соҳаларида турли кучлар тарафидан босим бор. Аммо, ушбу босим уларнинг тўғридан-тўғри эътиқодига бўлган босим эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам бу босим шарият эътиборидан қаралганда мажбурлаш, яъни икроҳ ҳисобланмаслиги аниқдир.

Доктор Ваҳба аз-Зуҳайлий икроҳ ҳақида: "*Икроҳ луғатда ўзидан бошқа кимсани у рози бўлмайдиган ишга зўрлик ила мажбурлашдир*", – дея туриб, шариятдаги мажбурлашнинг Аҳли

сунна фақиҳлари наздидаги таърифини қуйидагича зикр қилган: "*Фуқаҳолар истилоҳида икроҳ: Ўзидан бошқани бирор ишни қилишга зўрлаш бўлиб, ўша инсон ўз ҳолига қўйилса бу ишни қилишга рози бўлмайди ва ихтиёр қилмайди. Ас-Сарахсий уни "ал-Мабсут"да қуйидагича таърифлаган: "У (икроҳ) инсон ўзидан бошқага нисбатан қиладиган иш бўлиб, бунда унинг (мажбурланганнинг) розилиги йўққа чиқади ёки унинг ихтиёри зоил бўлади*" (Мавсуаъту-л-фиқҳи-л-Исламий ва қодоя-л-муасиро. 5-жуз 268-бет).

Икроҳ шаръан саҳиҳ бўлиши учун фуқаҳолар бир неча шартлар мужассам бўлиши лозим эканлигига иттифоқ қилишган. Мана шундай иттифоқ қилинган шартлардан бирини машҳур "Мавсуъату-л-фиқҳия ал-Қувайтия" муаллифлари қуйидагича келтиришган: "***Тўртинчи шарт: агар икроҳ бўлмаганида икроҳ қилинувчи шахс мажбурланаётган амалидан ўзини тортган бўлишидир***". (Мавсуъату-л-фиқҳия ал-Қувайтия. 6-жуз, 102-бет). Мирзиёев ҳам, Эрдоған ҳам ўз иродаси ила дунёвийлик мафкурасига ишонишини ва бу йўлдан халқлар юриши лозим эканлигини зоҳир қилади. Икроҳнинг бошқа шартлари кўринмагани каби тўртинчи шарти ҳам икки давлат рахбарида топилмайди. Шу жиҳатдан ҳам икковини икроҳ ҳолатида деб айтиш ўринсиз гапдир.

Фаразан икки давлат рахбари икроҳ ҳолатидамиз деб ўйлаётган бўлса, қуйидаги мулоҳазалар ила бу фаразга жавоб бериш мумкин. Толибон ҳаракатини маъқуллаш ёки унга тарафдор бўлишга ундаш каби ҳаракатлардан узоқ бўлган ҳолда қуйидаги мисолни

келтирамиз. Толибон ҳаракатининг Афғонистон давлатида Ислом ҳукмронлигини эълон қилиши ва муайян суратда жорий қилиши ортидан шаръан икроҳ ҳолатининг ортидан келувчи балолар деб ҳисобланадиган ишлар содир бўлмади. Тўғри, Ўзбекистон ва Туркия Афғонистон каби ҳолатда эмас, лекин геосиёсий вазиятга атрофлича баҳо бера оладиган ва шариятда икроҳ деганда нима англанишини яхши биладиган инсон икки президентнинг шариятда мўътабар ҳисобланган икроҳ ҳолатида эмаслигини англайди.

Шунингдек, ташқи ва ички босимдан қўрқиш билан шаръан мақбул саналувчи икроҳ (мажбурланиш) орасида фарқ бор. Шунинг учун иккала президентга хавф бўлиб кўринган нарса куфрга тушишдан ман қилмайди. Бирорта Ислом олими ташқи ёки ички сиёсий босим сабабидан дин ҳукмронлигини рад қилиб, дунёвийлик йўлини танлаш, бўлиб ҳам куфрий мафкурани тўғри деб эълон қилишни шаръий узр асосида қилинган иш деб айтмайди.

Иккала президент катта куфрга тушгани борасида барча шартлар мужассам бўлгани ва бирорта ман қилувчи йўқ эканлиги кўриб чиқилди. Куфрга ҳукм қилишнинг шартлари ва ман қилувчилари мавзуси сўнгида Ҳанафий мазҳаби намоёндаси Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли деб биламиз: “*Куфрга туширувчилар бобидаги заруриётларни билмаслик, бошқа ҳолатларга хилоф ўлароқ, узр бўлмайди. (Заруриётлардан) бошқа ҳолатларда, аввал айтилганидек, фатвога биноан узр бўлади. Аллоҳ энг билгувчидир. “Шарҳу-л-Ҳамавий”да ушбу масала борасида дақиқ маъноларга эътиборни тортган. Ўша*

масалалардан бири “фуқаҳоларнинг такфир қилиши қаттиқ туриш ва қўрқитиб қўйиш учун холос, бунда куфр банда ва Аллоҳ орасида бўлмайди”, – деб даъво қилган кимсанинг жоҳиллигини билдиришдир. У киши бу нарсанинг раддиясини “ал-Баззозия”дан, бу китоб мўътабар китоблардан, нақл қилган. Бу масаланинг васфини кўплаб таснифотлар соҳиби, Румий диёр муфтийси Мавло Абу-с-Саъуддан нақл қилишгандир. У кишининг таснифотлари ичида “ат-Тафсийр” ҳам бор. У киши айтган: “Ал-Баззозия”да қуйидагича келган: салафи йўқ баъзи кимсалардан: фатволарда “фалон ва фалон нарса ила кофир бўлади” деб зикр қилиниши қўрқитиш ва даҳшатга солиш холос, куфрнинг ҳақиқати борлиги учун эмас, – деб айтиши ҳикоя қилинади. Бу қараш ботилдир. Ҳақ эса мужтаҳидлардан саҳиҳ суратда келган нарса ўз ҳақиқати асосида бўлади. Лекин такфир борасида улардан (фуқаҳолардан) бошқалардан собит бўлган нарса ила фатво берилмайди. “Ал-Баҳр”да ҳам шундай. “Ал-Баззозия”даги ибора “ал-Явоқийт” ва “Минҳату-л-Холиқ”да ҳам тўлиғича нақл қилинган” (Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин. 62 бет).

МИРЗИЁЕВ ВА ЭРДОҒАННИ КАТТА КУФРГА ТУШИШИДАН МАН ҚИЛАДИ ДЕБ АЙТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН БАЪЗИ ҚЎШИМЧА ШУБҲАЛАРГА ЖАВОБЛАР

Иккала президент катта куфрга тушгани борасида барча шартлар мужассам бўлгани ва бирорта ман қилувчи йўқ эканлиги кўриб чиқилди. Аммо, эътироз билдирувчи яна бир неча шубҳаларни

ўртага қўйиши мумкин. Жумладан қуйидаги шубҳаларни айтиши мумкин:

1. Моида сураси 44-оятининг Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва бошқа баъзи салафи солиҳлар тафсирига асосан бу икки президент кофир бўлмайди.

2. Юсуф алайҳиссалом, Нажоший, очлик йилида Умар розияллоҳу анҳу, Али ва Муовия розияллоҳу анҳумо ўрталаридаги “Таҳким воқеаси”да саҳобийлар ва бошқа баъзи инсонлар Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилмаган. Ваҳоланки, улар уламолар ижмоъси ила ибрат олинадиган мусулмонлардир. Уларнинг ҳолатига қиёсан бу икки давлат рахбари ҳам кофир бўлмайди.

3. Муайян шахсга ўша замондаги умматнинг эътироф қилинган уламолари такфир беради холос. Китобда иқтибос келтирилган замондош уламоларнинг кўплари сизлар куфр ҳукмини бераётган кишиларга куфр ҳукмини беришмаган. Демак ўша уламолар наздида икки президентда куфрга тушиш борасида шаръий узр бор.

Қуйида ушбу шубҳаларга Аллоҳнинг изни ила жавоб қиламиз.

Биринчи шубҳа: Моида сураси 44-оятининг Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва бошқа баъзи салафи солиҳлар тафсирига асосан бу икки президент кофир бўлмайди.

Биринчи шубҳанинг жавоби: Аллоҳ нозил қилганидан бошқа ҳукм ила ҳукм қиладиган кимса, Ислом миллатидан чиқиши ёки чиқмаслиги борасида аҳли илмлар баъзи тақсимлашларни ўртага

қўйишган. Уларнинг бу ишларини Аллоҳнинг: “**Ким Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса ила ҳукм қилса, бас, ана ўшалар кофирлардир**” (Моида сураси 44-оят) сўзи борасида Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва бошқа баъзи салафи солиҳлардан “бу иш кичик куфр, миллатдан чиқармайдиган куфр”, – деган маънода қилинган ривоят тушунтириб беради. Ибн Жарир ат-Тобарий ўзининг тафсирида қуйидагини ривоят қилган: “*Ибн Аббосдан бир киши ушбу: “**Ким Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса ила ҳукм қилса, бас, ана ўшалар кофирлардир**” оятлари борасида “Ким буни қилса кофир бўладими?” – деб сўради. Ибн Аббос: “Қачонки бу нарсани қилса, бу иши унга куфрдир. Аллоҳга, охират кунига ва фалон, фалон нарсаларга куфр келтиргани каби эмас”, – деди*” (Тафсиру-т-Тобарий. 8-жуз, 465-бет).

Ибн Жарир ат-Тобарий ўзининг тафсирида ушбу хабарни ҳам зикр қилган: “*Ибн Аббос айтган: Аллоҳнинг: “**Ким Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса ила ҳукм қилса, бас, ана ўшалар кофирлардир**”. Ким Аллоҳ нозил қилганини инкор қилса кофир бўлади. Ким уни иқрор қилиб, у билан ҳукм қилмаса, у золим ва фосиқ бўлади*” (Тафсиру-т-Тобарий. 8-жуз, 467 – 468 бетлар).

Муфассирлар икки буюк тобеъин Ато ва Товусдан ҳам Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган тафсирнинг маъносини ривоят қилишган.

Оят кичик куфрга ҳам, катта куфрга ҳам далолатни ўз ичига олиши салафи солиҳлар тафсиридан билинган. Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан бу оятнинг тафсири

борасида ривоят мавжуд. Икки улуғ тобеъин Масруқ ва Алқама Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм ила ҳукм қилиш борасида сўраганларида, у киши розияллоҳу анҳу: “*Бу иш куфрдир!*” – деб айтган ва қуйидаги оятни тиловат қилган: “**Ким Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса ила ҳукм қилса, бас, ана ўшалар кофирлардир**” (ат-Тобарий, Саъийд ибн Мансур, Абдурраззоқ ва бошқа имомлар ривоят қилишган. Тафсиру-т-Тобарий. 8-жуз, 467-бет).

Ат-Тобарий ўз тафсирида ушбу ривоятни келтирган: “Суддийдан ривоят қилинади (у айтган): “***Ким Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса ила ҳукм қилса, бас, ана ўшалар кофирлардир***”*, (Аллоҳ) айтади: “Ким Мен нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, уни қасддан тарк қилса ва билган ҳолида зулм қилса, бас, у кофирлардандир*” (Тафсиру-т-Тобарий. 8-жуз, 467-бет).

Доктор Юсуф ал-Қаразовий ўзининг “Мин фиқҳи-д-давлати фи-л-Ислам” китобида Моида сурасининг 44-ояти ва унинг Ибн Аббос розияллоҳу анҳу тарафларидан тафсир қилиниши борасида сўз юритар экан муфассирлар саййиди имом ат-Тобарий ўз санади ила ривоят қилган ҳодисани келтирган ва қуйидагиларни ёзган: “*Дарҳақиқат, ат-Тобарий Имрон ибн Ҳудайрдан ривоят қилган. У киши айтган: Абу Мижлазнинг ҳузурига Бани Амр ибн Садусдан бир неча кишилар келди ва: эй Абу Мижлаз! Аллоҳнинг “**Ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса ана ўшалар кофирлардир**” сўзи ҳақми!? – деб сўрадилар. Абу Мижлаз: ҳа! – деди. Улар: “**Ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса ана ўшалар***

золимлардир *” сўзи ҳақми!? – деб сўрадилар. Абу Мижлаз: ҳа! – деди. Улар: “****Ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса ана ўшалар фосиқлардир****” сўзи ҳақми!? – деб сўрадилар. Абу Мижлаз: ҳа! – деди. Улар: Эй Абу Мижлаз! Анавилар Аллоҳ нозил қилгани билан ҳукм қиляптиларми? – дедилар. Абу Мижлаз: бу уларнинг эътиқод қиладиган динидир, улар шу нарсани айтадилар, шунга даъват қиладилар. Агар улар бу нарсадан бирор нарсани тарк қилсалар, гуноҳ қилган эканликларини биладилар! – деди. Улар: йўқ, Аллоҳга қасамки, сен қўрқаяпсан! – дедилар. Абу Мижлаз: бу нарсага (яъни қўрқишга) сизлар яқинроқсизлар. Мен кўрмаяпман, сизлар эса бу нарсани кўриб турсангиз ҳам қалбингизда эзилиш ҳис қилмаяпсизлар. Бу нарса (яъни оят) яҳудлар, насоролар ва ширк аҳллари ёки шунга ўхшаганлар ҳақида нозил бўлган, – деди.*

Бошқа ривоятда Абу Мижлаз: улар, яъни амирлар, қилаётган ишларини қилмоқдалар ва бу нарса гуноҳ эканлигини биладилар! Бу оят яҳуд ва насоролар ҳақида нозил бўлган – деб айтган.

Икки турдаги ҳукм қилувчилар орасини ажратиш зарурати:

Кенг илм эгаси Ибн Аббос розияллоҳу анҳу фарқлагани каби биз ҳам ҳукм қилувчи рахбарларни икки турга бўлишимиз муҳим вожибдандир. Бир ҳоким борки у Исломни ҳаёт манҳажи, дастури ва низоми сифатида лозим тутади, Ислом ила ҳукм қилади ва барча масалалар борасида Исломга қайтади. Сўнгра у заифлик ёки ҳавои-нафсга эргашиш тақозосига кўра йўлдан адашади ёки баъзи жузъий ишларда зулмга йўл қўяди. Ва яна шундай ҳоким борки, у Аллоҳ нозил

*қилганини ҳукм қилувчи қилиб белгилашни рад қилади, инсон чиқарган ҳукм ва қонунларини Аллоҳ нозил қилганидан муқаддам қўяди. Мана шу кимса худди Аллоҳни У зот Ўз бандаларининг фойдаларини билмаслигида ёки билсада ўша фойдаларга зид нарсани шариат қилиб беришлигида айблаётгандай бўлади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло: “**Ўзи яратган нарсани билмайдими!? Ваҳоланки У зот ўта билувчи ва ўта хабардордир**” – деб айтган (Мулк сураси 14-оят).*

Мана шу нарса аллома Маҳмуд Муҳаммад Шокирнинг “Тафсиру-т-Тобарий”га қилган таҳқиқида Абу Мижлаздан ривоят қилинган ушбу асар ёки икки асар ортидан қуйидаги сўзини келтиришига асос бўлган: Абу Мижлаздан сўраган Ибозийлар (хаворижларнинг бир тоифаси) амирларни такфир қилишда уни мулзам қилиб қўйишмоқчи бўлган эканликлари очиқ-ойдиндир. Зеро, амирлар султоннинг қўшини ичида бўлган ва кучли эҳтимол ила улар осий бўлишган ёки Аллоҳ уларни қайтарган баъзи нарсаларни қилишган. Шунинг учун у (Абу Мижлаз) рақами (12025) бўлган аввалги хабарда уларга “Агар улар бу нарсадан бирор нарсани тарк қилсалар, гуноҳ қилган эканликларини биладилар!” – деган ва уларга иккинчи хабарда: “Улар, билиб турган ишларини қилмоқдалар ва бу нарса гуноҳ эканлигини билганлар!” – деб айтган. (Яъни, бу қилмишларини тўғри деб билмайдилар).

Шундай экан уларнинг саволлари бизнинг замон бидъатчилари ҳужжат қилиб келтираётган мол-мулклар, обрўлар, қонлар борасида аҳли Ислом шариатига хилоф бўлувчи қонун ила ҳукм

қилиш ва Аллоҳнинг Китобидаги ҳукми ва Набийси соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилидаги ҳукмидан бошқа ўриндан ҳукм олишни аҳли Исломга мажбурий қилувчи қонун чиқариш мавзусида бўлмаган. Ушбу феъл Аллоҳнинг ҳукмидан юз ўгириш, динидан бўйин товлаш, куфр аҳлининг ҳукмларини Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳукмидан устун қўйишдир. Бу куфрдир. Аҳли қибла бўлганлар турлича бўлсалар-да, улардан ҳеч ким бу гапнинг айтувчиси ва бунга даъват қилувчисига куфр ҳукми тушиши борасида шак-шубҳа қилмайди" (Мин фиқҳи-д-давлати фи-л-Ислам. 106 – 107 бетлар).

Бу икки президентга узр берадиган инсонлар Моида сурасининг 44-ояти ва унинг Ибн Аббос розияллоҳу анҳу тарафларидан тафсир қилиниши ила амал жиҳатидан узр берадилар. Аммо, биз кўриб чиқаётган мавзу икки президент томонидан куфрий мафкурага амал қилиш эмас, унга эътиқод қилиш, сиёсий маслак сифатида эълон қилиш, тўғри деб билиш ва тарғиб қилиш ҳақида бормоқда.

Китобнинг учинчи қисмида Ислом динини давлат бошқаруви, қонунчилик ва бошқа соҳалардан ажратиб қўйишни, ўша ҳукмлар ўрнига дунёвий тузумни жорий қилишни жоиз деб билган кимса, такфирнинг шартлари мужассам ва ман қилувчилари мавжуд бўлмаганида кофир бўлиши ҳақида уламолардан кўплаб иқтибослар келтирдик. Ўша уламолар бу оятнинг тафсирини яхши биладилар.

Иккинчи шубҳа: Юсуф алайҳиссалом, Нажоший, очлик йилида Умар розияллоҳу анҳу, Али ва Муовия розияллоҳу анҳумо ўрталаридаги "Таҳким воқеаси"да саҳобийлар ва бошқа баъзи

инсонлар Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилмаган. Ваҳоланки, улар уламолар ижмоъси ила ибрат олинадиган мусулмонлардир. Уларнинг ҳолатига қиёсан бу икки давлат раҳбари ҳам кофир бўлмайди.

Иккинчи шубҳанинг жавоби:

Юқоридаги шубҳада кўриб чиқилган ҳолат бу шубҳада ҳам мавжуд. Яъни, Ислом динини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳалардан ажратишни тўғри деб эътиқод қилиш куфр эканлигига Юсуф алайҳиссалом, Нажоший, Умар розияллоҳу анҳунинг қилган тадбирлари ва бошқа воқеъалар рад бўлиб тушмайди.

Юсуф алайҳиссалом ўз ҳузурларида бўлган икки кишини даъват қилар эканлар қуйидаги ҳақиқатни зикр қилганлар:

إِنِ ٱلۡحُكۡمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعۡبُدُوٓاْ إِلَّآ إِيَّاهُ

“**Ҳукм фақат Аллоҳникидир. Фақат Ўзига ибодат қилишларингизни амр қилгандир**” (Юсуф сураси 40-оят). Имом ал-Бағовий ушбу оятни тафсир қилар экан қуйидагиларни айтган: “*Ҳукм, яъни ҳукм қилиш ишлари, буюриш ва қайтариш фақат Аллоҳникидир*” (Тафсиру-л-Бағовий. 4-жуз, 243-бет).

Юсуф алайҳиссалом оятда келгани ва муфассирлар таъкидлаганига биноан подишоҳ ҳукуматида иқтисодий-молиявий масалалар бўйича мансаб эгаллаган. Бизнинг мавзуимиз эса умумий жиҳатдан қараганда мансаб эгаллаш ҳақида эмас. Юсуф

алайҳиссаломда Мирзиёев ва Эрдоғанда бўлган динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилиш ҳам, динда заруратан маълум бўлган ҳаромни ўринли деб билиш ҳам бўлмаган.

Нажошийга келадиган бўлсак, Нажоший диндан ўзига етиб келганига амал қилган инсон ҳисобланади. Нажоший иймонга Макка даврида кирган эканлиги барчага аёндир. Макка даврида эса ҳукм оятларининг катта қисми нозил бўлмаган эди. Хоссатан давлат бошқаруви, сиёсат ва қонунчиликда фақат шариат ҳукми билан ҳукм қилиш борасида биз кўрсатган оятлар нозил бўлмаган, бу борада уммат ижмоъси ҳам собит бўлмаган ва ҳукм қилиш масаласи динда заруратан маълум масалага айланмаган эди. Динда заруратан маълум бўлган ҳукмни инкор қилиш, ҳаром эканлиги динда заруратан маълум бўлган нарсани жоиз ва керакли деб билиш Нажошийда ҳам бўлмаган. Ушбу ҳолат юқорида маст қилувчи ичимликни мубоҳ санаган саҳобийлар борасидаги ҳолатга ўхшайдиган ҳолатдир. Нажошийнинг иймон даври Макка давридан бошланган ва ўлими сабабидан Мадина даврининг охиригача етмаган. Бу борада имом Муслим ўз “Саҳиҳ”ида қуйидаги ривоятни келтирган:

حَدَّثَنِي يُوسُفُ بْنُ حَمَّادٍ الْمَعْنِيُّ ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْأَعْلَى ، عَنْ سَعِيدٍ ، عَنْ قَتَادَةَ ، عَنْ أَنَسٍ أَنَّ نَبِيَّ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَتَبَ إِلَى كِسْرَى وَإِلَى قَيْصَرَ وَإِلَى النَّجَاشِيِّ وَإِلَى كُلِّ جَبَّارٍ يَدْعُوهُمْ إِلَى اللهِ تَعَالَى ، وَلَيْسَ بِالنَّجَاشِيِّ الَّذِي صَلَّى عَلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . رواه مسلم.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Кисро, Қайсар, Нажоший ва ҳар бир зўравон рахбарга уларни Аллоҳга даъват қилиб мактуб**

ёздилар. (Мактуб юборилган) Нажоший Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза намозини ўқиган Нажоший эмас" (Муслим ривояти, ҳадис № 1774). Мактублар юборилиши ҳодисаси нубувватнинг охирги даврларига тўғри келиши уламолар тарафидан таъкидланган. Шунга биноан ушбу ривоятда зикр қилинган Нажоший Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирган Нажоший эмас. Демак, у Мадина даври охиригача, яъни дин комил бўлиб, динда заруратан маълум ҳукмлар қарор топкунига қадар ҳаёт кечирмаган.

Ибн Касийр бу масалада қуйидагиларни айтган: "*Зоҳири шуки, Нажоший фатҳдан анча аввал вафот топган. Имом Муслимнинг "Саҳиҳ"ида турли тарафларнинг подишоҳларига Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мактублар ёзганларида Нажойишга ҳам ёзганлар ва мактуб йўлланган инсон мусулмон Нажоший эмас бошқасидир*" (ас-Сийроту-н-набавия. 3-жуз, 524-бет). Юқоридаги ривоят ва Ибн Касийрнинг сўзлари Нажошийнинг вафоти дин комил бўлишидан аввал бўлганига очиқ-ойдин далолат қилади.

Юқорида мўътабар Исломий ташкилотлар ва уламолар дунёвийлик ҳақиқатини билган ҳолида уни маъқуллаган кишида такфир шартлари топилиб, ман қилувчилари йўқ бўлар экан, унга куфр ҳукмини берган эканликлари кўриб ўтилди. Ўша уламолар Нажошийнинг Ислом динини давлат ишларидан ажратишни даъво қилмаган эканлигини, шариятнинг жорий бўлишини рад қилмаган эканлигини яхши биладилар.

Фаразан Франция президенти Ислом келтирса, унга дунёвийликни тўғри деб билгани учун дарҳол куфр ҳукми берилмайди. Аввало унга дунёвийлик ақидаси куфр эканлиги батафсил тушунтирилади, ҳужжат қоим қилинади. Зеро, аввал таъкидлаб айтганимизга биноан Исломга яқинда кирган киши учун динда заруратан маълум масалаларни билмаслик борасида узр берилади. Аммо, узоқроқ муддат ўтгач ёки ўша вақтнинг ўзида шубҳалари далиллар ила аритилиб ҳужжат қоим қилингач, ўзи учун ҳукман динда заруратан маълум масалани инкор қилишда, ҳаром ишни жоиз ва ўринли деб билишда давом этса, унга куфр ҳукми берилади.

Умар розияллоҳу анҳунинг оғир вазиятда шаръий бўлган ҳукмни шариат эътиборга олган зарурат юзасидан жорий қилмаган эканликлари масаласи борасида сўз юритадиган бўлсак, бу масала биз кўриб чиқаётган ҳолатга асло алоқаси йўқ эканлигини таъкидлашимиз лозим бўлади. Зеро, Умар розияллоҳу анҳу Аллоҳнинг ҳукмини барча ҳукмлардан устун қилган ва ҳаётга намунали суратда татбиқ қилган инсон. Шунингдек, очиқ-ойдин маълумки, Умар розияллоҳу анҳуда икки президентда бўлган мафкура асло бўлмаган. Яна айтиш ўринлики, агар икки президент Умар розияллоҳу анҳу каби Аллоҳнинг ҳукмларини татбиқ қилганида ва шаръий зарурат юзага келган ҳолатларда баъзи чекинишлар содир бўлиб қолганида, икки президент масаласи кўтариб чиқилмаган бўлар эди. Иккала президент Аллоҳнинг ҳукмлари жуда кўп соҳаларда жорий бўлмаслиги тўғри эканлигига ишонади.

Умар розияллоҳу анҳунинг қилган тадбирлари ҳақидаги ривоятни келтирсак.

أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ ، عَنْ مَعْمَرٍ ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ ، قَالَ : قَالَ عُمَرُ : لَا يُقْطَعُ فِي عِذْقٍ وَلَا عَامِ السَّنَةِ". رواه عبد الرزاق في مصنفه.

У киши розияллоҳу анҳу: "*Ҳурмоси бор шоҳча борасида ва қурғоқчилик йилида қўл кесилмайди*", – деб айтганлар. (Абдурроззақ ўз "Мусоннаф"ида ривоят қилган, хабар № 18990).

Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатнинг бизнинг мавзуга алоқаси йўқ. Бундай ҳолатда Умар розияллоҳу анҳу каби йўл тутган кишини ёмонлаш уёқда турсин, биз уни бошимизга кўтариб юрамиз, унинг шарият асосидаги ҳукмронлиги туриши учун жон беришни бахт деб биламиз.

Али ва Муовия розияллоҳу анҳумо ораларида икки саҳобийни ҳукм қилиш учун таъйин қилган эканликларини рўкач қилиб эътироз билдирувчи инсон ўша ҳодисадан яхши хабари йўқ бўлади ёки фосид ақл эгаси бўлади. Ушбу сўзларимизнинг тўғри эканлигига далил сифатида Али ва Муовия розияллоҳу анҳумо ораларида ёзилган келишув матнининг аввали кифоя қилади. Ўша ҳужжатни имом ат-Тобарий ўзининг "Тариху-р-русул ва-л-мулук" китобида келтирган: "*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Бу Али ибн Абу Толиб ва Муовия ибн Абу Суфён ўзаро келишган нарсадир. Али Куфа аҳли ва улар билан бирга бўлган мўминлар-у мусулмонлар жамоатларига ҳукмронлик қилади. Муовия аҳли Шом ва улар билан бирга бўлган мўминлар-у мусулмонларга ҳукмронлик қилади. Биз Аллоҳ азза ва*

жалланинг ҳукми ва Китоби остига тушамиз. Орамизни бу нарсадан бошқа нарса жамламайди. Аниқки, Аллоҳнинг Китоби орамизда “Фотиҳа”дан бошлаб охиригачадир, у тирилтирган нарсани тирилтирамиз, у ўлдирган нарсани ўлдирамиз. Икки ҳакам, Абу Мусо ал-Ашъарий Абдуллоҳ ибн Қойс ва Амр ибн ал-Ос ал-Қуроший (розияллоҳу анҳумо) Аллоҳ азза ва жалланинг Китобида нимани топса, иккови шунга амал қилади. Аллоҳ азза ва жалланинг Китобида топмаган нарсаси борасида одил, жамлавчи ва бўлинмаган суннат ҳукмрондир” (Тариху-р-русул ва-л-мулук. 5-жуз, 53-бет).

Учинчи шубҳа: Муайян шахсга ўша замондаги умматнинг эътироф қилинган уламолари такфир беради холос. Китобда иқтибос келтирилган замондош уламоларнинг кўплари сизлар куфр ҳукмини бераётган кишиларга куфр ҳукмини беришмаган. Демак ўша уламолар наздида икки президентда куфрга тушиш борасида шаръий узр бор.

Учинчи шубҳанинг жавоби: Тўғри, мусулмон ҳисобланган ва куфр зоҳир бўлган кишига олимлар куфр ҳукмини беришлари ўринлидир. Аммо олим инсон бирор кишига куфр ҳукмини тушириши учун далил керак бўлади. Улар ҳар қандай ҳолатда ўша ҳолат ҳақида тўлиқ маълумот ва ўша ҳолатга шариятда келган қайси далиллар тушишини тўлиқ ўрганиб чиққанидан сўнг куфр ҳукмини беради ёки бермайди. Агар илм эгасида далиллар тўлиқ шакилланса ва куфр келтириш муайян шахсдан содир бўлгани аниқ бўлса, унга такфир қилиш вожиб бўлади.

Аслида замонадаги уламоларнинг баъзилари хос доираларда Ислом дини ҳукмрон бўлишини давлат бошқарувидан ажратиб қўйишни тўғри деб билган муайян шахс, такфирнинг шартлари топилиб, ман қилувчилари йўқ бўлганида, кофир бўлишини айтади деб ҳисоблаймиз. Баъзилари хос доираларда ҳам очиқчасига айтмай ишора қилади. Ўзи ва бошқаларнинг хавфсизлиги сабабидан очиқчасига айта олмаслиги тушунарли ҳолат. Уларнинг "*агар ҳоким Исломни ҳукмрон қилмасликни жоиз деб билса кофир бўлади*", – деган қабилдаги гапларини баъзи шахсларнинг айнига ишора сифатида тушунса бўлади деб биламиз. Ушбу сиёқдаги гаплар бу китобда уламолардан кўплаб накл қилинди. Динда заруратан маълум ҳақиқатни инкор қилиб турган давлат рахбарини очиқчасига куфрга тушган деб айтиш фақат ҳукуматлардан беркиниб юрган, қўлга тушмаслигига бироз бўлсада амин бўлган аҳли илмларда учрайди. Лекин уларнинг сўзи ҳам асосан хос davраларда жаранглайди ва табиийки уммат орасида кенг тарқалмайди.

Шундай бўлсада, баъзи уламолар тарафидан давлат рахбарларини тириклиги ёки вафот топганидан сўнг куфрга ҳукм қилиш учраб туради.

Доктор Абдулвадуд Шалабий Азҳарда "Исломий даъватчилар" олий кенгаши бош котиби бўлган. Бу киши Абдулҳамийд Абдулғонийнинг "Кун хабарлари" газетасида чиққан мақоласидаги "*Воқеъликда Отатуркнинг ҳаракати Исломга душманлик қилиш ҳаракати эмас эди*", – деган сўзларини танқид остига олган ва қуйидагиларни айтган: "*Қонун кўпхотинликни тамоман ҳаром*

қилди. Талоқ ишини ҳал этиш ҳаққини фақат судга тегишли қилиб қўйди. Мерос қоидаларидан четланди ва бу борада ўғил билан қизни тенг қилиб қўйди. Аёл ҳижобда юриши мажбурийлигини бекор қилди..!

У ҳаддан ошди, исрофчилик қилди ва ҳаром ишлар масаласига ҳам киришди. Бу борада у муслима аёл учун исталган динда бўлган ва исталган кишисига турмушга чиқишни мубоҳ қилиб қўйди. Вақфларни ва вақф вазирлигини бекор қилиш бўйича қарор қабул қилди.

Мана шулар муаллиф ўз қўли ила ёзишига биноан Отатурк қилган ишлардир. Муаллиф аввал ёзган нарса билан кейин ўзи зикр қилган нарса бир-бирига қандоқ тўғри келади!?

Муаллиф бу сўзларидан аввал Отатуркнинг ҳаракати Ислом динига душман ҳаракат бўлмаган эканлигини, Ислом оламидан ижтимоий ва фикрий ажралиш ҳаракати бўлмаган эканлигини қандай қилиб гапиряпти!?

Унинг бу қилмишлари динсизлик, муртадлик, ажралиб чиқиш ва кесиб ташлаш бўлмаса, муаллиф "соҳибимиз"ни Каъбани теккислаб ташлаши ва Мадинадаги "Масжиду-н-набавий"ни ҳароб қилишини кутаётган эдими!?" (Жинролаат Туркия лимаа заа якроҳуна-л-Ислам? 54 – 55 бетлар).

Кўриниб турибдики, Абдулвадуд Шалабий қонунчиликдан Исломий ҳукмларни чиқаришни "*Қонун кўпхотинликни тамоман ҳаром қилди. Талоқ ишини ҳал этиш ҳаққини фақат судга тегишли*

қилиб қўйди. Мерос қоидаларини ўзгартирди ва ўғил билан қизни тенг қилиб қўйди. Аёл ҳижобда юриши мажбурийлигини бекор қилди..!" сўзлари ила ҳаромни ҳалол қилиш, фарз ҳукмни ихтиёрий қилиб қўйиш деб номламоқда. Сўнгра бу ишни муртадлик бўлмаса, муртад бўлиш учун яна қандай жирканч ишларни бажариш лозимлигини ажабланиш ила ўртага қўймоқда.

Абдулазиз Ибн Боз Туркия дунёвий давлатчилиги асосчиси Мустафо Отатурк ҳақида қуйидагиларни айтган: "*Туркия давлатини илмоний давлатга ўзгартиргани унинг куфри ва динсизлигига гувоҳлик берадиган нарсадир*" (Субулу-с-салам шарҳу навақиди-л-Ислам. 277-бет).

Ибн Боз билан қуйидаги савол-жавоб ҳам содир бўлган: "*Савол: Ироқнинг ҳокимини лаънатлаш жоизми? Зеро, баъзи инсонлар "токи у икки шаҳодат калимасини нутқ қилар экан уни лаънатлашдан тўхтаб турамиз", – демоқдалар. У кофир эканлигига жазм қилинадими? Уни кофир дейдиганлар борасида сиз муҳтарамнинг фикрингиз қандай?*

Жавоб: "У "Лаа илааҳа иллАллоҳ" деса ҳам, ҳатто намоз ўқиса ва рўза тутса ҳам кофирдир. У токи динсиз баъсийлик асосларидан безор бўлмас экан, бу нарсанинг ўзи ва унга даъват қилишдан Аллоҳга тавба қилган эканлигини эълон қилмас экан шундайлигича қолади. Зеро, баъсийлик куфр ва залолатдир. Ким бу нарсани (яъни, баъсийликдан безорликни) эълон қилмас экан у кофирдир" (Мажмуъу фатава ва мақолат мутанаввиъа. 6-жуз 121 – 122 бетлар).

Баъсийлик мафкураси арабий социализм ва панарабийликка даъват қилувчи илмоний мафкура бўлиб, биз ҳолатини ўрганиб чиқаётган икки президент Мирзиёев ва Эрдоғаннинг шахсий ва партиявий дунёқараши билан баъсийликнинг ўхшашликлари бор. Иккала президент дунёвийлик ва либерализм тарафдоридир. Шунингдек, иккала давлат рахбари Мустафо Отатурк амалга оширган ишларга ижобий баҳо бериши, уни эҳтиром қилиши билан ажралиб туради.

Бирор инсонни куфрга нисбатлаш – шаръий ҳукмдир. Шаръий ҳукм эса фақат далилларга асосан бўлади. Шунингдек, такфир ҳукмини бериш борасида, шаръий далиллардан ташқари, воқеъликни билиш, яъни Мирзиёев ва Эрдоғаннинг қандай мафкурани зоҳир қилаётгани, нима учун бу йўлни танлагани ва ҳолатга алоқадор бошқа дақиқ тафсилотларни ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Китобда, Аллоҳ қодир қилганича иккала тараф, яъни Мирзиёев ва Эрдоғаннинг мафкураси ишончли манбаларга суянилган ҳолда очиб берилди ва динда заруратан маълум ҳаромни жоиз деб билиш куфр эканлиги ҳам далиллар ила очиб берилди. Ушбу ишда Аҳли сунна уламолари қўйган асосларга ва уларнинг сўзларига имкон қадар суянилди.

Шунингдек, ҳар қандай олим шариятдаги асос ва қоидаларни яхши билса-да, диндаги барча масалаларни пухта била олмайди ва ҳаётдаги кўпгина тафсилотлардан ҳам воқиф бўла олмайди. Аллоҳ ва Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарафидан бўлган ҳукм содир бўлганини исботлаш учун эса, асосли шаръий далиллар

бўлиши ва ўша далилларга воқеълик мувофиқ бўлиши лозим. Бу эса олимдан алоҳида вақт ва изланиш талаб қилади. Кўриб чиқилаётган мавзуда шаръий далиллар ва ўша далилларга воқеълик мувофиқ бўлиши рўёбга чиққан деб биламиз. Мирзиёев ва Эрдоғанда куфрга тушган эканлиги, икковида такфирнинг барча шартлари мужассам ва бирорта монеъ йўқ эканлиги ўз ўрнида кўрсатиб ўтилди.

Яна бир масала. Баъзи уламолар Ислом ҳукмронлигини давлатдан ажратиш даркор эканлигини зоҳир қилган инсонга ҳужжат қоим қилинади деб айтади. Аслида бу умумий гап. Агар ўша умумий гапни муайян шахсларга воқеълик ва шаръий далиллардан келиб чиқиб тушуриб кўрилса, кўп ҳолларда вазият бошқача эканлиги ойдинлашади. Икки президент масаласида ҳам шундай. Мирзиёев ва Эрдоғаннинг мафкурасини тўлақонли суратда билмаган, ўрганиб чиқмаган олим икки президентнинг вазияти ҳақида ўзидаги бор маълумотга таяниб ҳужжат қоим қилиш керак деб айтиши мумкин. Лекин икки давлат рахбарининг мафкурасидан тўлиқ хабардор бўлган олим, Мирзиёевга ҳам, Эрдоғанга ҳам куфр ҳукмини беради деган фикрдамиз.

Эътирозга жавобни янада кенгроқ бериш учун ҳолатни Юсуф ал-Қаразовий мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қилайлик. Ал-Қаразовий ўзининг “Ислом ва илмонийлик қарама-қарши” китобида қуйидагиларни айтган: “***Илмонийликни қабул қилаётган ёки унга даъват қилаётган мусулмон, Аллоҳнинг борлигини тан олмайдиган, ваҳйни ва охират диёрини инкор қиладиган динсиз бўлмасада, гоҳида унинг илмонийлиги қачонки у рибонинг ёки***

зинонинг ёки маст қилувчи ичимликни ичишнинг ҳаромлиги ёки закотнинг ёки ҳаддларни қоим қилишнинг фарзлиги ёки уммат ижмоъ қилган, ҳеч шубҳа йўқ яқиний тавотур ила собит бўлган шу каби қатъийётлар мисолида динда заруратан маълум нарсани инкор қилганида, Аллоҳ бундан сақласин, уни очиқ куфрга туширади.

"Шариятни ҳукмрон қилиш" асосини таг-туги билан рад қилаётган илмонийнинг Исломдан фақат исми бор холос. У аниқки Исломдан қайтиб муртад бўлган. Уни тавбага буюриш, ундан шубҳани аритиш ва унга ҳужжат қоим қилиш вожиб бўлади. Бўлмаса, қозилик унга муртадлик ҳукмини беради. У Исломга мансубликдан ажратилади ёки (бошқача қилиб айтганда) ундан Исломийлик тортиб олинади ва хотини-ю боласи ила унинг ораси ажратилади ва ҳаётда-ю мамотда унга чиқиб кетувчи муртадларнинг ҳукмлари жорий қилинади" (ал-Ислам ва-л-илманийя важҳан ли важҳ. 67-бет).

Иқтибосдан кўриниб турибдики, гоҳида илмоний кимса, динсиз бўлмаса ҳам, ўз дунёвий мафкураси ила динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилганида катта куфрга тушган бўлади. Ал-Қаразовий бошқарувда Ислом ҳукмрон бўлиши динда заруратан маълум ҳукм эканлигини шу ва бошқа китобларида таъкидлаб айтган. Аммо, Юсуф ал-Қаразовий "*Уни тавбага буюриш, ундан шубҳани аритиш ва унга ҳужжат қоим қилиш вожиб бўлади. Бўлмаса, қозилик унга муртадлик ҳукмини беради*", – деб айтиши ила ўша кимсани муртад деб ҳукм қилишдан аввал унга ҳужжат қоим

қилиш керак эканлигини назарда тутмоқда. Агар мутлоқ суратда бирорта илмоний инсон ҳақида гап кетганида такфир қилишдан аввал унга ҳужжат қоим қилиш ҳақида сўз юритиш ўринли бўлиши мумкиндир. Аммо, мусулмонлар орасида яшаб юрган ва ўзининг дунёвийлик мафкурасига биноан динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилган кишига ҳужжат қоим қилишдан аввал кофир бўлганлик ҳукми берилиши лозим. Ўз ўрнида кўрсатилганидек, айни шу иш Аҳли сунна уламоларининг йўлидир. Бу йўл, аслида, бу кишининг ҳам йўли. Зеро, Юсуф ал-Қаразовийнинг ўзи асос солган Islamonline интернет саҳифасида унинг бу борадаги қуйидаги сўзлари келтирилган: "*Бу ўринда билишимиз муҳим бўлган нарса қуйидагича: вожиблар, ҳаромлар, уқубатлар ва бошқа шариятдаги ишлардан иборат Ислом ҳукмларида қатъан собит бўлган ва яқийний ҳукмларга айланганлари бор. Ушбу ҳукмларга Аллоҳнинг дини ва шариятидан эканлиги борасида иккиланиш ва шубҳа кирмайди. Бу ҳукмлар Ислом уламолари "динда заруратан маълум" исмини қўллайдиган масалалардир. Уларнинг аломати хослар ва омма уларни билиши ва уларни исбот қилишда фикрлаш ва далил келтиришга ҳожат бўлмаслигидир. Намоз, закот ва Ислом арконларининг фарз эканлиги, қатл қилиш, зино, рибо ейиш, маст қилувчи ичимлик ичиш ва шу каби кабийра гуноҳларнинг ҳаром эканлиги, никоҳланиш, талоқ, мерос, шаръий жазолар, қасослар ва буларга ўхшаш масалалардаги қатъий ҳукмлар бунга мисол бўлади.* ***Ким динда заруратан маълум бўлган ушбу ҳукмларни инкор қилса ёки уларни паст санаса ёки мазаҳ қилса, аниқки, очиқ куфр ила куфр келтирибди. Унга Исломдан қайтиб муртад бўлганлик***

ҳукми берилади. Бунинг сабаби ушбу ҳукмлар очиқ далолатли оятларда келгани, саҳиҳ ҳадислар ила мутавотир суратда ворид бўлгани авлод ортидан авлод оша уммат бунга ижмоъ қилганидир. Ким уларни ёлғонга чиқарса, аниқки, Қуръон ва суннат матнини ёлғонга чиқарибди. Бу эса куфрдир. Бу ҳолатдан фақат яқинда Исломга кирган ёки мусулмонлар шаҳарлари ва илм ўринларидан узоқда ўсган кимса истисно қилинади холос. Мана шунга диний заруриётларни инкор қилганида узр берилади. Токи билиб олсин ва динда билағон бўлсин. Мана шундан сўнг унинг узра бошқа мусулмонларга жорий қилинадиган ҳукмлар жорий қилинади” (https://fiqh.islamonline.net/%D8%A5%D9%86%D9%83%D8%A7%D8%B1-%D8%A7%D9%84%D9%85%D8%B9%D9%84%D9%88%D9%85-%D9%85%D9%86-%D8%A7%D9%84%D8%AF%D9%8A%D9%86-%D8%A8%D8%A7%D9%84%D8%B6%D8%B1%D9%88%D8%B1%D8%A9/).

Бошқарувда Ислом ҳукмрон бўлиши лозимлиги динда зарурратан маълум ҳукм эканлиги Юсуф ал-Қаразовий тарафидан кўп маротаба такрорланган эди. Сўнгра у киши дунёвийлик мафкураси ила динда заруратан маълум бўлган ҳукмни инкор қилган кишини кофир деб ҳукм қилишдан аввал ҳужжат қоим қилиш керак деган маънога ишора қилувчи сўзи келтирилди. Сўнгра унинг “*Ким динда заруратан маълум бўлган ушбу ҳукмларни инкор қилса ёки уларни паст санаса ёки мазаҳ қилса, аниқки, очиқ куфр ила куфр келтирибди... Бу ҳолатдан фақат яқинда Исломга кирган ёки*

мусулмонлар шаҳарлари ва илм ўринларидан узоқда ўсган кимса истисно қилинади холос. Мана шунга диний заруриётларни инкор қилганида узр берилади", – деган сўзлари келтирилди. Ушбу таъкиддан дунёвийлик мафкураси ила динда заруратан маълум бўлган ҳукмни мусулмонлар орасида яшаб юрган кимса инкор қилганида, уни кофир деб ҳукм қилишдан аввал ҳужжат қоим қилинмаслиги, яъни, унинг билмаслиги узр бўлмаслиги келиб чиқади. Яъни, ал-Қаразовийнинг гапларида бир-бирига қарама-қаршилик бордек. Бу ҳолатда учта эҳтимол бор деб ўйлаймиз.

Биринчи эҳтимол: мусулмонлар орасида яшаб юрган инсон динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилган кишига ҳужжат қоим қилишдан аввал ёки ҳужжат қоим қилишдан кейин куфр ҳукми бериш борасида ал-Қаразовий икки ҳил гапирган.

Иккинчи эҳтимол: Ал-Қаразовий бу масалада Аҳли сунна мазҳабида, яъни, мусулмонлар орасида узоқ вақтдан бери яшаб юрган инсон динда заруратан маълум бўлган ҳукмни инкор қилса, ҳужжат қоим қилишдан аввал кофир бўлади. Ёзувда чалкашлик ёки босмада хато сабабидан ал-Қаразовийнинг муроди нотўғри тушунилган.

Учинчи эҳтимол: мусулмонлар орасида яшаб юрган инсон динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилганида, унга аввал ҳужжат қоим қилинади, сўнгра қайтмаса, кофир бўлади.

Агар биз ал-Қаразовий наздида бошқарувда Ислом ҳукмрон бўлиши фарзлиги каби динда заруратан маълум ҳукмни инкор

қилган кишига ҳужжат қоим қилиб, сўнгра айни шахсига куфр ҳукми берилади деб олсак, биринчидан ал-Қаразовийни бу масалада Аҳли сунна уламоларига зид қарашда эканлигини тан олишимиз керак бўлади. Иккинчидан ал-Қаразовий бу мавзуда ўзига-ўзи тескари гапирган эканлигини тан олишимиз керак бўлади.

Ислом ҳукмрон бўлиши фарзлиги каби динда заруратан маълум ҳукмни инкор қилиш масаласида ал-Қаразовий каби бошқа инсонларда ҳам баъзи тушунмовчиликлар кўзга ташланиши мумкин. Вазият ҳар тарафлама чуқур ўрганилгач, икки президентнинг эътиқодий жиҳатдан катта куфрга тушган эканлиги ихтилоф бўлишини кўтарадиган ижтиҳодий масала эмас, аксинча очиқ-ойдин бўлган масала эканлиги ойдинлашди деган фикрдамиз.

Мухолиф бўлаётган инсон "*муайян шахсга фақат уммат эътироф қилган аҳли илмлар такфир беради холос*", – деган важ билан кифояланиши етарли эмасдек кўринади. Зеро, фиқҳ илмидан яхши хабари бор инсон "*бирор кишининг Исломда кофир бўлиши учун мўътабар олимлар уни такфир қилиши шартидир*", – деб айтмаслиги аниқ. Шариятда ҳар бир нарса далилга боғланган. Бирор масалани рад қилмоқчи бўлган инсон ўша масаланинг далилларига қарши асосли далиллар ила жавоб қайтариши лозим. Далиллари ила келтирилган масалани асосли илмий суратда рад қилинмас экан, бошқа жиҳатдан эътироз билдириш, масаланинг негизини ўзгартира олмаслиги аниқ.

Ҳолат шаръий далиллар ва воқеълик жиҳатидан тўлиқ ўрганиб чиқилар ва Аҳли сунна уламолари қўйган қоидалар асосида мавзуга қаралар экан қуйидаги тўрт тўхтамга келинади:

1. Бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги, уни бошқарувдан ажратиб, ўрнига дунёвий бошқарув келтириш ҳаром эканлиги динда заруратан маълум ҳукмлардир.
2. Мирзиёев ва Эрдоған "***Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назорати остидаги соҳалардан ажратилиши тўғри сиёсий йўл. Дунёвийлик Исломга зид эмас ва бу амалиёт жоиз иш***" деган мафкура эгаси.
3. Мирзиёев ва Эрдоған узоқ вақтдан бери мусулмонлар орасида яшаб юрган ҳолида динда заруратан маълум бўлган ҳукмни инкор қилган.
4. Мирзиёев ва Эрдоғанда куфрга тушишнинг барча шартлари мужассам ва бирорта ман қилувчи йўқ бўлгани сабабидан икковининг айни шахсига куфр ҳукми тушишидан сақлаб қоладиган бирорта узри йўқ.

Эътирозда назарда тутилган олимлар икки президентнинг мафкурасидан тафсилий суратда хабардор бўлсалар, ўзлари учун иккала давлат рахбарига куфр ҳукмини берган бўлар эдилар деб ўйлаймиз.

ХОТИМА

Китоб сўнгида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Дунёвийлик, яъни давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳукумат назоратидаги соҳалардан дин ҳукмларини ажратиб қўйиш тўғри ва Исломга зид эмас деб билиш эътиқодий катта куфрдир. Мирзиёев ва Эрдоған айни шу мафкура эгасидир.
2. Аллоҳнинг дини инсон ҳаётининг замон, макон, шахс, мавзу ва ҳолат жиҳатидан барча соҳаларига ўз ҳукмларини беради.
3. Ислом дини давлат бошқаруви, қонунчилик, унинг ижроси ва бошқа соҳаларда ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги оятлар, ҳадислар, уммат ижмоъси, жумладан замондош уламолар ижмоъси ила собит бўлгани жиҳатидан динда заруратан маълум ҳукмдир.
4. Мирзиёев ва Эрдоған бошқарувда Ислом дини ҳукмрон бўлиши фарз эканлиги, Исломни бошқарувдан ажратиб, ўрнига дунёвий бошқарув келтириш жоиз эмаслиги каби динда заруратан маълум ҳукмларни “*дунёвийлик тўғри ва Исломга зид бўлмаган мафкура*”, – деган қараш ила инкор қилгани сабабидан катта куфрга тушган.
5. Мирзиёев ва Эрдоған катта куфрга тушган деб ҳукм қилиниши учун барча шартлар мужассам бўлган ва барча ман қилувчилар йўқ бўлган. Иккала президентни куфрга тушишидан сақлаб қолувчи шаръий жиҳатдан мўътабар ҳеч қандай узр йўқ.

Китобда исботлашга ҳаракат қилинган ҳақиқатларни нотўғри деб билувчи ва рад берувчи кишиларнинг асосий қисми расмий

доираларда фаолият юритувчи инсонлар бўлади деб ўйлаймиз. Уларнинг эътирозлари китобнинг учинчи қисмига тушади деган фикрдамиз. Зеро, агар улар “*учинчи бўлимга эътирозимиз йўқ, бизнинг эътирозимиз тўртинчи бўлимга, яъни, икки президентдан куфр амали содир бўлган бўлсада, икковида куфрга тушишнинг узрлари бор эканлиги борасида*”, – деб айтсалар, диний идора ходимлари ва расмий имом-домлалар орасида “*дунёвийлик, яъни динни давлатдан ажратиш Исломга зид эмас*” деган куфрий мафкура мавжуд эканлигини тан олган бўладилар. Шунингдек, бу ҳолатда уларнинг наздида президентга узр бўлиб тушган нарса ўша расмий имом-домлаларга узр бўлиб тушмаслиги келиб чиқади. Зеро, расмий имом-домлалар Қуръон ва суннат билимдони, Ислом олийлиги тарафдори сифатида кўрилар экан, билмаслик ва шунга ўхшаш муайян шахсни куфрга тушишидан сақлаб қоладиган бошқа узрлар энг биринчи бўлиб улардан ариган эканлиги кундек равшан ҳақиқатдир.

Агар улар, тахмин қилинганидек, учинчи қисмга эътироз қилсалар Ислом динини давлатдан ажратиш, уни давлат ишларида ҳукмрон қилмаслик жоиз деб айтиш катта куфр эмаслигини далиллар ила исботлашлари лозим бўлади. Умуман олганда ушбу китобдаги ҳар қандай хулосага мўътабар далиллар ила жавоб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Биз бу гапларни ёзар эканмиз, исталган тарафдан келувчи асосли далилланган эътирозларни қабул қилишга, диққат билан

ўрганиб чиқишга, ҳақ бўлса, сўзсиз тан олишга ва эълон қилишга тайёр эканлигимизни билдирмоқчимиз.

Дунёвийлик деб номланмиш куфрий мафкура ва унинг тарғибчиларининг ҳукмини – мусулмонлар орасида Исломга зид эмасдек кўринмаслиги учун – кенг миқёсда баён қилиш шарт деб биламиз. Бундай қилинмаса, умматга бу разолатлар динга хилоф бўлмаган нарса ва Исломга хизмат қилиш йўлида бир восита сифатида кўринади ёки кўрсатилади. Кўпгина инсонларга ушбу куфрий мафкура Исломга зид эмас бўлиб кўриниб қолди ҳам.

Ушбу мавқифимизга эътироз билдирувчилар "*фитнани олдини олишимиз зарур, динимизда икки зарардан енгилини танлаш лозим*", – деган қарашларни айтишлари мумкин. Аммо, чуқур тааммул қилиб кўрилса, аслида дунёвийлик мафкураси турли жиҳатлари ила Исломда жоиз бўлиб кўриниши энг катта фитна ва энг катта зарардир. Зеро, борлиқда куфр ва ширкдан каттароқ зарар бўлиши мумкин эмас. Фаразан бу ҳолатда фитна ва зарардан хавфсираш ўринли бўлса, ҳеч бўлмаганда катта майдонлар ва ишончга лойиқ бўлмаган ўринларда бу масала борасида жим турилиши керак. Афсуски, баъзи одамлар тарафидан лоақал жим туриш ўрнига бу нарсани Исломга зид эмас, вазият тақозоси ва имкони бор йўналишлар орасида энг муносиби қилиб кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, биз учун Мирзиёев ва Эрдоған катта куфрга эътиқод жиҳатидан тушган ва икковини куфрдан сақлаб қоладиган шаръий узри йўқ.

Набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у кишининг аҳллари ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин. Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Тафсирлар

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарийр ат-Тобарий. Жомеъу-л-баён ъан тавийли айи-л-Қуръан (Тафсиру-т-Тобарий). Дору Ҳажр нашри, биринчи нашр, мелодий 2001 йил.

Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Абу Ҳотим. Тафсиру-л-Қуръанил ъазийм муснадан (Тафсиру Ибн Аби Ҳотим). Назр Мустафо Боз нашриёти, биринчи нашр, мелодий 1997 йил.

Абу-л-Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касийр. Тафсийру-л-Қуръани-л-ъазийм (Тафсиру Ибн Касийр). Дору Тойба нашри, иккинчи нашр, мелодий 1999 йил.

Абу-л-Барокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий. Мадорику-т-танзийл ва ҳақоиқу-т-таъвил (Тафсиру-н-Насафий). Дору калими-т-тоййиб нашри, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1998 йил.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қуртубий. Ал-Жомеъ ли аҳками-л-Қуръан (Тафсиру-л-Қуртубий). Дору олами-л-кутуб нашри, ар-Риёд, иккинчи нашр, мелодий 2003 йил.

Нуриддин Алий ибн Султон ал-Ҳировий Мулла Алий ал-Қорий. Анвару-л-Қуръан ва асрору-л-Фурқон (Тафсиру Мулла Алий ал-Қори). Дору-л-кутуби-л-илмия нашриёти, Байрут, мелодий 2013 йил.

Абу-л-Фазл Шиҳобуддин Саййид Маҳмуд ал-Алусий. Тафсиру-л-Қуръани-л-ъазийм ва-с-сабъи-л-масаний (Тафсиру-л-Алусий). Дору иҳёу-т-туроси-л-аробий нашри, Байрут, нашр йили кўрсатилмаган.

Мужийруддин ибн Муҳаммд ал-Улаймий ал-Ҳанблий. Фатҳу-р-Роҳман фи тафсири-л-Қуръан. Дору-н-навадир нашри, иккинчи нашр, мелодий 2011 йил.

Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд ал-Бағовий. Маъалиму-т-танзийл (Тафсиру-л-Бағовий). Дору тойба нашри, ҳижрий 1411 йил.

Муҳаммад Амийн аш-Шинқитий. Адвау-л-баян фи тафсири-л-Қуръан би-л-Қуръан. Матбаъа маданий нашри, иккинчи нашр, мелодий 1979 йил.

Муҳаммад Абу Заҳра. Заҳроту-т-тафасийр. Дору-л-фикри-л-аробий нашри. Нашр йили кўрсатилмаган.

Ҳадис китоблари

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳу-л-Бухорий.

Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсабурий. Саҳиҳу Муслим.

Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний. Сунану Абу Довуд.

Муҳаммад ибн Ийсо ат-Термизий. Сунану-т-Термизий.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа. Сунану ибн Можа.

Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал. Муснаду Аҳмад.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳоким. Мустадрок ъала-с-саҳиҳайн.

Абдурроззақ ас-Сонъаний. Мусоннафу Абдурроззақ.

Абу-л-Ҳасан Али ибн Умар ад-Дароқутний. Сунану-д-Дароқутний.

Санаб ўтилган ҳадис китобларидан “Ҳарф” шарикасининг “Жомеъу ходими-л-Ҳаромайни-ш-шарифайн (аввалги тақдим 1.0)” деб номланган расмий ҳадис энциклопедияси дастури ёрдамида фойдаланилган. Ушбу дастур ҳақида замонамизда ҳадис илми мутахассиси бўлган кишилар мақтовлар айтишган.

Ушбу дастурда ҳадис китобларининг бир неча мўътабар нусхаларига таянилган. Китобда иқтибос келтирилган ҳадисларнинг

рақамлари ўша нусхалар асосида дастурда келтирилган рақамларга мувофиқдир.

Ҳадис шарҳи китоблари

Шиҳобуддин Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқолоний. Фатҳу-л-Борий шарҳу саҳиҳи-л-Бухорий. Қоҳира, Мактаба ас-салафия нашриёти, биринчи нашр, йили кўрсатилмаган.

Нуриддин Али ибн Султон ал-Ҳировий Мулла Алий ал-Қорий. Мирқоту-л-мафатийҳ шарҳу мишкати-л-масобийҳ. Дору-л -кутуби-л-илмия нашриёти, Байрут, биринчи нашр, мелодий 2001 йил.

Абдурроуф ал-Мунавий. Файду-л-қодийр шарҳу жомеъи-с-соғийр. Дору-л-маърифа нашри, иккинчи нашр, мелодий 1972 йил.

Ибн Рожаб ал-Ҳанбалий. Жомеъу-л-улум ва-л-ҳикам. Дору ибн Касийр нашриёти, биринчи нашр, мелодий 2008 йил.

Закариё ибн Шараф ан-Нававий. Шарҳу саҳиҳи Муслим. Матбаъа Мисрия би-л-Азҳар нашриёти, биринчи нашр, мелодий 1929 йил.

Абу Абдурроҳман Шарофу-л-ҳақ Азийм ал-Абодий. Авну-л-Маъбуд шарҳу сунани Аби Довуд. Дору ибн Ҳазм нашри, биринчи нашр, 2005 йил.

Муҳаммад Анвар Шоҳ ал-Кашмирий. Файду-л-Борий шарҳу саҳиҳи-л-Бухорий. Дору-л-кутуби-л-илмия нашри, Байрут, биринчи нашр, мелодий 2005 йил.

Ақида китоблари

Нуриддин Али ибн Султон ал-Ҳировий Мулла Алий ал-Қорий. Минаҳу-р-ровди-л-азҳар фи шарҳи-л-фиқҳи-л-акбар. Дору-л-башоир ал-Исламия нашриёти, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1998 йил.

Муҳаммад ибн Иброҳийм ибну-л-Вазийр. Ал-Авосим ва-л-қовасим фи-з-забби ъан суннати Абилқосим. Муассаса ар-рисала нашри, биринчи нашр, мелодий 1996 йил.

Муҳаммад Анвар Шоҳ ал-Кашмирий. Икфару-л-мулҳидийн фи дорурияти-д-дин. Идароту-л-Қуръани ва-л-улум ал-Исламия нашри, Карачи, иккинчи нашр, мелодий 2004 йил.

Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тоҳавий. Ақийдату-т-Тоҳавия. Дору ибн Ҳазм нашриёти, биринчи нашр, мелодий 1995 йил.

Аҳмад ибн Ғунайм ал-Азҳарий ан-Нафровий. Фавакиҳу-д-давоний шарҳу рисалати-л-Қойровани. Дору-л-кутуби-л-илмия нашри, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1997 йил.

Мустафо Собри. Мавқифу-л-ақл ва-л-илм ва-л-олам мин Робби-л-оламийн ва мин ъибадиҳи-л-мурсалийн. Дору иҳёу-т-туроси-л-аробий нашриёти, саккизинчи нашр, мелодий 1981 йил.

Доктор Юсуф ал-Қаразовий. Ал-Ислам ва-л-илманийя важҳан ли важҳ. Мактабату Ваҳба нашри, еттинчи нашр, мелодий 1998 йил.

Муаллифлар гуруҳи. Ал-мавсуъату-л-муяссаро фи-л-адян ва-л-мазаҳиб ва-л-аҳзаби-л-муъаасиро. Дору-н-надва нашриёти, ҳижрий 1418 йил, учинчи нашр.

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ар-Рожиҳий. Табсироту-л-анам би шарҳи навақиди-л-Ислам. Мадару-л-ватон ли-н-нашр нашриёти, биринчи нашр, мелодий 2008 йил.

Абдулазиз ибн Боз. Туҳфату-л-ихван фи ажвиба татаъаллақу би аркани-л-Ислам. Ар-Риёд, Дору-л-фоизийн нашри, мелодий 1993 йил.

Абдулазиз ибн Муҳаммад Абдулатиф. Навақиду-л-Ислам ал-қовлия ва-л-ъамалия. Дору-л-ватон ли-н-нашр нашриёти, учинчи нашр, ҳижрий 1427 йил.

Абдулазийз ибн Боз. Субулу-с-салам шарҳу навақиди-л-Ислам. Биринчи нашр, мелодий 2011 йил.

Ат-Таҳзийр мина-л-иржаа ва баъди-л-кутуби-д-даъияти илайҳ; фатава содарот мина-л-Лажнати-д-даима. Дору олами-л-фавоид нашриёти, ҳижрий 1422 йил.

Усулул фиқҳ ва фиқҳий қоидалар китоблари

Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий. Ар-Рисала. Мустафо Бобий ва авлодлари нашри, Миср, биринчи нашр, мелодий 1938 йил.

Тожуддийн ибн Алий ас-Субкий. Жамъу-л-жавомеъ фи усули-л-фиқҳ. Дору-л-кутби-л-илмия нашри, Байрут, мелодий 2003 йил.

Али ибн Муҳаммад ал-Омадий. Ал-Иҳкам фи усули-л-аҳкам. Дору-с-сумайъий нашри, биринчи нашр 2003 йил.

Абу-л-Барокат Ҳофизуддин ан-Насафий. Кашфу-л-асрор шарҳу-л-мусонниф ъала-л-манор. Дору-л-кутуби-л-илмия, Байрут, нашр йили кўрсатилмаган.

Алоуддин ибн Абдулазийз Аҳмад ал-Бухорий. Кашфу-л-асрор ъан усули-л-Баздавий. Дору-л-кутуби-л-илмия нашри, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1997 йил.

Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Саъийд ибн Ҳазм. Ал-Иҳкам фи усули-л-аҳкам. Дору-л-офоқи-л-жадийда, Байрут, нашр йили кўрсатилмаган.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мусо ибн Муҳаммад аш-Шотибий. Ал-Эътисом. Мактабату-т-тижароти-л-кубро, нашр йили кўрсатилмаган.

Абу Муҳаммад Иззуддин ибн Абдуссалам. Қоваъиду-л-аҳкам фи масолиҳи-л-анам. Мактабату-л-куллиёти-л-Азҳария. Мелодий 1991 йил.

Абу-л-Музоффар Мансур ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Қоватиъу-л-адилла фи усули-л-фиқҳ. Мактабатут тавба нашри, биринчи нашр, мелодий 1998 йил.

Маҳфуз ибн Аҳмад Абу-л-Хоттоб ал-Ҳанбалий. Ат-Тамҳийд фи усули-л-фиқҳ. Дору-л-маданий нашри, биринчи нашр, мелодий 1985 йил.

Аҳмад ибн Идрийс ибн Абдурроҳман ал-Қуррофий. Ал-Фуруқ. Ҳошиясида: Қоваъиду-с-сания фи-л-асрори-л-фиқҳия. Муҳаммад Алий Ҳусайн ал-Моликий. Дору-н-навадир нашри, мелодий 2010 йил.

Абу Исҳоқ Иброҳим аш-Шерозий. Шарҳу-л-лумаъ. Дору-л-ғорби-л-Исламий нашри, биринчи нашр, мелодий 1988 йил.

Алоуддин ибн Муҳаммад ибн Аббос ибну-л-Лаҳҳом. Ал-Қоваъид ва-л-фавоид ал-усулия. Мактабату-л-ъасрия нашри, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1998 йил.

Жалолудин Абдурроҳман ас-Суютий. Ал-Ашбоҳ ва-н-назоир. Дору-л-кутуби-л-илмия, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1983.

Бадруддин Муҳаммад ибн Баҳадир аз-Заркаший. Ал-Баҳру-л-муҳийт фи усули-л-фиқҳ. Дору-с-софва нашри, иккинчи нашр, мелодий 1992 йил.

Али Ҳайдархўжа Амийн афанди. Дурару-л-ҳуккам шарҳу мажаллати-л-аҳкам. Дору олами-л-кутубнинг хос нашри, мелодий 2003 йил.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибну-н-Нажжор ал-Ҳанбалий. Шарҳу кавкаби-л-мунийр. Визароту-л-авқоф ас-суъудия нашри, биринчи нашр, мелодий 1993 йил.

Доктор Абдулкарим ибн Али ан-Намла. Итҳафу зави-л-басоир шарҳу ровдоти-н-надир. Дору-л-осима нашри, биринчи нашр, мелодий 1996 йил.

Муҳуммад Абу Заҳра. Усулу-л-фиқҳ. Дору-л-фикри-л-аробий нашри, нашр йили кўрсатилмаган.

Доктор Юсуф ал-Қаразовий. Ал-Ижтиҳад фи-ш-шариъати-л-Исламия. Дору-л-қолам нашри, биринчи нашр, мелодий 1996 йил.

Ваҳба аз-Зуҳайлий. Усулу-л-фиқҳи-л-Исламий. Дору-л-фикр нашри, биринчи нашр, мелодий 1986 йил.

Фиқҳ китоблари

Камол ибну-л-Ҳумом ал-Ҳанафий; Аҳмад ибн Қовдар Қози Зода. Шарҳу фатҳи-л-Қодийр. Дору-л-кутуби-л-илмия нашри, Байрут, биринчи нашр, 2003 йил.

Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Саъийд ибн Ҳазм. Маротибу-л-ижмаъ. Дору ибн Ҳазм нашриёти, биринчи нашр, 1998 мелодий йил.

Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мовардий. Ал-Ҳави-л-кабийр. Дору-л-кутуби-л-илмия нашри, Байрут, биринчи нашр, 1994 йил.

Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мовардий. Аҳкому-с-султония. Дору-л-ҳадийс нашри, Қоҳира, мелодий 2006 йил.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий. Ал-Иълаам би қоватиъи-л-Ислам (Ал-Жомеъ ли алфаази-л-куфр китоби зимнида келтирилган). Ийлафу-д-давлия нашриёти, биринчи нашр, мелодий 1999 йил.

Муҳаммад ибн Али аш-Шавконий. Ас-Сайлу-л-жаррор. Дору ибн Ҳазм нашриёти, биринчи нашр, мелодий 2004 йил.

Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ал-Косоний. Бадоиъу-с-саноиъ фий тартиби-ш-шароиъ. Дору-л-китаби-л-аробий нашриёти, иккинчи нашр, Байрут, ҳижрий 1394 йил.

Муҳаммад Амийн ибн Умар ибн Обидийн. Родду-л-муҳтар ъала-д-дурри-л-мухтар. Дору олами-л-кутуб нашри, ар-Риёд, мелодий 2003 йил.

Шамсуддин Муҳаммд ибн Фарҳун. Табсироту-л-ҳуккам. Дору олами-л-кутубнинг хос нашри, мелодий 2003 йил.

Баҳоуддин ибн Абдурроҳман ал-Ҳанбалий. Ал-Удда шарҳу-л-умда. Муассаса ар-рисаала нашри, биринчи нашр, мелодий 2001 йил.

Бурҳонуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ал-Марғиноний. Ал-Ҳидоя (аллома ал-Лакнавий шарҳи билан). Идорату-л-Қуръан ва-

л-улуми-л-Исламия нашри, Карачи, биринчи нашр, ҳижрий 1417 йил.

Абдулғоний Ғунаймий ал-Мадоний. Ал-Лубаб фи шарҳи-л-китаб. Дору-с-сирож нашри, иккинчи нашр, мелодий 2014 йил.

Муҳаммад ибн Аҳмад Бадруддин ал-Айний. Ал-Биноя шарҳу-л-ҳидоя. Дору-л-кутуби-л-илмия нашри, биринчи нашр, мелодий 2000 йил.

Муваффақудин Абу Муҳамад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Қудома ал-Мақдийсий. Ал-Муғни. Дору-л-олами-л-кутуб нашри, учинчи нашр, мелодий 1997 йил.

Мансур ибн Юнус ал-Буҳутий. Кашшофу-л-қиноъ ъала матни-л-иқноъ. Дору-л-олами-л-кутубнинг хос нашри, мелодий 2003 йил.

Закариё ибн Шараф ан-Нававий. Минҳажу-т-толибийн. Дору-л-минҳож нашриёти, биринчи нашр, мелодий 2005 йил.

Абу Бакр Аҳмад ибн Алий Хотийб ал-Бағдодий. Ал-Фақийҳ ва-л-мутафаққиҳ. Дору ибну-л-Жавзий, Даммом, биринчи нашр, мелодий 1996 йил.

Замондош уламоларнинг фиқҳ китоблари

Ҳижрий 1396 йил ар-Риёд шаҳрида ўтказилган “Исломий шариятни татбиқ қилиш ва шариятни татбиқ қилиш атрофида тарқатилаётган шубҳалар” мавзусида ўтказилган конференцияда

тақдим этилган баҳслар. Идорату-с-сақофа ва-н-нашр би-л-жомиъа нашри, мелодий 1981 йил.

Ҳалқаро Ислом фиқҳи Академиясининг ўн биринчи давраси. Жидда шаҳри, ҳижрий 1419 йил.

Маккаи мукаррамадаги Ислом фиқҳи Академиясининг қарорлари. Иккинчи нашр. Нашр йили кўрсатилмаган.

Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий. Мақолоту-л-Кавсарий. Мактабату-т-тавфиқия нашри, Қоҳира, нашр йили кўрсатилмаган.

Доктор Аҳмад Муҳйиддин ас-Солиҳ. Ас-Сияса аш-шаръия ҳалата ғияби ҳукмин Исламиййин ъан дияри-л-муслимийн. Докторлик рисоласи. Дору-с-салам нашри, биринчи нашр, мелодий 2011 йил.

Зафар Аҳмад Усмоний ат-Таҳонавий. Иълау-с-сунан. Идароту-л-Қуръани ва-л-улум ал-Исламия нашри, Карачи, тўртинчи нашр, ҳижрий 1410 йил.

Манноъ ал-Қаттон. Вужубу таҳкиймиш-ш-шариъати-л-Исламия. Идорату-с-сақофа ва-н-нашр би-л-жомеъа нашри, мелодий 1985 йил.

“Азҳари шариф катта уламоларининг шариятни улуғлаш ва у ила ҳукм қилиш борасидаги фатволари” китоби. Дору-л-юср нашриёти, мелодий 2011 йил.

Доктор Салоҳ ас-Совий. Таҳкийму-ш-шарийъаҳ ва даъава-л-хусум. Дору иълами-д-дуалий нашри, биринчи нашр, 1994 йил.

Муҳммад Саъийд Рамазон ал-Бутий. Ал-Жиҳаду фи-л-Ислам. Дору-л-фикр нашри, биринчи нашр, мелодий 1993 йил.

Доктор Муҳаммад Мазруъаҳ. Акҳаму-р-ридда ва-л-муртаддийн мин хилали шаҳадатайи-л-Ғоззалий ва Мазруъаҳ. Биринчи нашр, 1994 йил.

Доктор Юсуф ал-Қаразовий. Байййнату-л-ҳалли-л-Исламий. Мактабату Ваҳба нашри, мелодий 1993 йил.

Доктор Юсуф ал-Қаразовий. Зоҳироту-л-ғулувви фи-т-такфийр. Мактабату Ваҳба нашри, учинчи нашр, мелодий 1990 йил.

Доктор Юсуф ал-Қаразовий. Мин фиқҳи-д-давлати фи-л-Ислам. Дору-ш-шуруқ нашри, учинчи нашр, мелодий 2001 йил.

Муҳаммад ад-Ходир Ҳусайн. Ал-Илмания ва долалату фасли-д-дийни ъан-с-сияса. Ва ялийҳи ал-фатава-л-жалия ли баяни ҳукми-ш-шаръи фи-л-илмания. Дору-л-истиқома нашриёти. Қоҳира, биринчи нашр, мелодий 2011 йил.

Ваҳба аз-Зуҳайлий. Мавсуаъту-л-фиқҳи-л-Исламий ва қодоя-л-муасиро. Дору-л-фикр нашри, Димашқ, 2012 йил.

Абдулҳамийд Умар Абдулҳамийд. Ал-Ҳакимийя фи зилали-л-Қуръан. Магистирлик иши. Ан-Нажоҳу-л-ватония жомеъаси. 2005 йил.

Доктор Фараж Заҳрон. Ал-мускирот адроруҳа ва аҳкамуҳа. Дору Миср ли-т-тибаъа нашри, нашр йили кўрсатилмаган.

Муҳаммад Абу Заҳра. Ал-Жарийма ва-л-ъуқуба фи-л-фиқҳи-л-Исламий: жарийма. Дору-л-фикри-л-аробий нашри, Қоҳира, мелодий 1998 йил.

Абдулқодир Авда. Ташрийъу-л-жинаий ал-Исламий. Дору-л-каатиби-л-ъаробий нашри, Байрут, нашр йили кўрсатилмаган.

Доктор Солиҳ ибн Ҳумайд. Рофъу-л-ҳарож фи-ш-шариаъти-л-Исламия. Марказу баҳси-л-илмий ва-т-туроси-л-Исламий, биринчи нашр, ҳижрий 1403 йил.

Муҳаммад Носируддин ал-Албоний. Фитнату-т-такфийр. Дору ибн Хузайма нашри, иинчи нашр, мелодий 1997 йил.

Абдулазийз ибн Боз. Мажмуъу фатава ва мақолат мутанаввиъа. Дору-л-қосим нашри, биринчи нашр, ҳижрий 1420 йил.

Абдулазийз ибн Боз. Вужубу таҳкийми шаръилааҳ ва набзу маа холафаҳ. Еттинчи нашр, мелодий 2002 йил, ар-Риёд.

Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин. Мажмуъу фатава ва росаил. Дору-л-ватон нашри, биринчи нашр 1407 ҳижрий, охирги нашр 1413 ҳижрий йиллар.

Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин. Фиқҳу-л-ибадаат. Мадору-л-ватон нашри, ар-Риёд, ҳижрий 1435 йил.

Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин. Мажмуъату-д-дурус ва фатава-л-ҳароми-л-Маккий. Дору-л-яқийн нашри, Мансуро, нашр йили кўрсатилмаган.

Сафар ибн Абдурраҳмон ал-Ҳаволи. Шарҳу рисалати таҳкийми-л-қованийн ли Муҳаммад ибн Иброҳийм. Нашриёт кўрсатилмаган. (https://archive.org/download/3019Pdf/3019%20-%20%D8%B4%D8%B1%D8%AD%20%D8%B1%D8%B3%D8%A7%D9%84%D8%A9%20%D8%AA%D8%AD%D9%83%D9%8A%D9%85%20%D8%A7%D9%84%D9%82%D9%88%D8%A7%D9%86%D9%8A%D9%86%20%D9%85%D8%AD%D9%85%D8%AF%20%D8%A8%D9%86%20%D8%A5%D8%A8%D8%B1%D8%A7%D9%87%D9%8A%D9%85%20%D8%A2%D9%84%20%D8%A7%D9%84%D8%B4%D9%8A%D8%AE%20%D9%84%D8%B3%D9%81%D8%B1%20%D8%A7%D9%84%D8%AD%D9%88%D8%A7%D9%84%D9%8A%20%20%D9%83%D8%AA%D8%A7%D8%A8%20%D8%A7%D9%82%D8%B1%D8%A7%20%D8%A7%D9%88%D9%86%D9%84%D8%A7%D9%8A%D9%86%20%20%20%20%20pdf%20%20%20.pdf).

Фатава-л-Лажна-д-даима. Дору-л-муаййид нашри, биринчи нашр, ар-Риёд, ҳижрий 1424 йил.

Фатава-л-Лажна-д-даима, иккинчи мажмуъа. Риёсату-л-омма ли-л-буҳуси-л-илмия ва-л-ифто нашри, биринчи нашр, ар-Риёд, ҳижрий 1426 йил.

Доктор Абдурраҳмон ибн Солиҳ Маҳмуд. Ал-Ҳукму би ғойри маа анзала Аллоҳ, аҳкамуҳу ва аҳвалуҳ. Дору тойба нашриёти, тўртинчи нашр, мелодий 2014 йил.

Бундар ибн Нойиф ал-Утайбий. Ал-ҳукму би ғойри маа анзала Аллоҳ; Мунақоша таьсийлия ъилмия ҳадиьа. Ар-Риёд, иккинчи нашр, ҳижрий 1429 йил.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қорний. Довабиту-т-такфийр ъинда Аҳли-с-сунна ва-л-жамаъаҳ. Муассаса ар-рисаала нашри, Байрут, биринчи нашр, мелодий 1992 йил.

Доктор Саъд ибн Матор ал-Утайбий. Мақолат фи-сияса аш-шаръийя. Ар-Риёд, ҳижрий 1434 йил.

Муаллифлар жамоаси. Сиядату-ш-шарийъа ал-маълум мина-д-дин би-д-доруро. Дору-л-ваъй ли-н-нашр нашриёти, биринчи нашр, ҳижрий 1433 йил.

Мавсуъату-л-фиқҳия ал-Қувайтия. Визорату-л-авқоф ва-ш-шуъуни-л-Исламия, Қувайт, иккинчи нашр, мелодий 1986 йил.

Бошқа турли мавзулардаги китоблар

Маждуддин Муҳаммад ибн Яъқуб Ферузободий. Ал-Қомусу-л-муҳийт. Муассаса ар-рисаала нашри, иккинчи нашр, мелодий 2005 йил.

Алий Муҳаммад ибн Алий ал-Журжоний. Ат-Таърийфот. Дору-р-ройян ли-т-турос нашриёти, йили кўрсатилмаган.

Абу-л-Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касийр. Ал-Бидоя ва-н-ниҳоя. Мактабату-л-Маъориф, Байрут 1988 йил.

Абу-л-Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касийр. Ас-Сийроту-н-набавия. Дору-л-маърифа нашри, Байрут, мелодий 1976 йил.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарийр ат-Тобарий. Тариху-р-русул ва-л-мулук. Дору-л-маъаариф нашри, Қоҳира, нашр йили кўрсатилмаган.

Муҳаммад ад-Ходир Ҳусайн. Мавсуъату-л-аъмали-л-камила ли Муҳаммад ал-Ходир Ҳусайн: Росаилу-л-Ислаҳ. Дору-н-навадир нашри, биринчи нашр, мелодий 2010 йил.

Доктор Абдулвадуд Шалабий. Жинролаат Туркия лимаа заа якроҳуна-л-Ислам? Мухтару-л-Исламий нашри, Қоҳира.

İsmail Akyüz. Adalet ve Kalkinma partisi'nin din politikalari (Recep Tayyip Erdoğan dönemi). Doktora tezi. OCAK-2016. (https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=&cad=rja&uact=8&ved=2ahUKEwj-34ijh4j6AhUQt4sKHUMkBh8QFnoECCIQAQ&url=https%3A%2F%2Fcore.ac.uk%2Fdownload%2Fpdf%2F417583821.pdf&usg=AOvVaw20JFvOk-yK4Ru_hwdrZF_Q).

Türk siyasal hayatinda AK parti dönemi. Editörler Doç. Dr. Seyfettin Aslan, Doç. Dr. Yılmaz Demirhan. Ekin Yayınevi. Kasım 2016.

Абдуллоҳ Абдурроҳман. Ар-Рожулу-с-сонам. Аҳлия нашри, биринчи нашр, мелодий 2013 йил.

Шарийф Тағён. Шайху-р-роис Рожаб Тоййиб Эрдағон. Дору-л-катиби-л-ъаробий нашриёти, Ҳалаб, биринчи нашр, мелодий 2011 йил.

МУНДАРИЖА